



**SHARQSHUNOSLIK**  
**ВОСТОКОВЕДЕНИЕ**  
**ORIENTAL STUDIES**

---

TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK INSTITUTI ILMIY JURNALI

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ ТАШКЕНТСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО  
ИНСТИТУТА ВОСТОКОВЕДЕНИЯ

SCIENTIFIC JOURNAL OF THE TASHKENT STATE INSTITUTE  
OF ORIENTAL STUDIES

**№ 4, 2018**



Журнал Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот бошқармаси  
рўйхатидан қайта ўтган (№ 02-0053, 26.09.2014 й.) – ISSN 2181 – 8096

**Бош муҳаррир – Маннонов Абдурахим Муталович**  
*филология фанлари доктори, профессор*

**Таҳрир ҳайъати**

<b>А. Қуронбеков</b>	<i>филология фанлари доктори, профессор (масъул котиб)</i>
<b>С. Ҳасанов</b>	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
<b>Р. Ходжаева</b>	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
<b>Қ. Содиқов</b>	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
<b>Ш. Шомусаров</b>	<i>филология фанлари доктори, профессор</i>
<b>А. Ходжаев</b>	<i>тарих фанлари доктори, профессор</i>
<b>М. Исҳоқов</b>	<i>тарих фанлари доктори</i>
<b>С. Каримова</b>	<i>тарих фанлари доктори</i>
<b>У. Идиоров</b>	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
<b>Ш. Ёвқочев</b>	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
<b>Р. Жумаев</b>	<i>сиёсий фанлар доктори, профессор</i>
<b>А. Ваҳобов</b>	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
<b>Р. Абдуллаев</b>	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
<b>И. Мавланов</b>	<i>иқтисод фанлари доктори, профессор</i>
<b>Э. Иззетова</b>	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
<b>Р. Баҳодиров</b>	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
<b>М. Нуриддинов</b>	<i>фалсафа фанлари доктори, профессор</i>
<b>Г. Рихсиева</b>	<i>филология фанлари номзоди, доцент (бош муҳаррир ўринбосари)</i>
<b>Оно Масакки</b>	<i>Цукуба университети профессори</i>
<b>Ли Джи Ин</b>	<i>Ханкук чет тиллар университети профессори</i>

**Нашрга тайёрловчилар:**

**З. Алимов, Ш. Тўйчибаева, Ш. Гаипова, Ҳ. Ўктамова**

Журнал докторлик диссертациялари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши  
лозим бўлган илмий нашрлар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Олий  
Аттестация Комиссияси томонидан киритилган.

e-mail: nashriyot\_ilmiy@mail.ru  
web-site: www.tashgiv.uz

**МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ / CONTENTS****ТИЛШУНОСЛИК // ЯЗЫКОЗНАНИЕ // LINGUISTICS**

<i>Нурматов С.</i> Сонларга хос лексемаларнинг этимологик таҳлили .....	4
<i>Каримов А.</i> Хитой тилига типологик таъриф бериш масаласига доир .....	14
<i>Нуриддинов Н.</i> Форс тилида императив шаклдаги копулятив қўшма сўзларнинг структур-семантик таҳлили .....	20
<i>Досматова Б.</i> Хитой тилида морфемали контракциянинг 抽取法 chōuqǔfǎ – “ажратиш орқали қисқартириш” усули .....	28

**ТАРИХШУНОСЛИК // ИСТОРИОГРАФИЯ // HISTORIOGRAPHY**

<i>Doniyorov A., Madraimov A.</i> Iran in the era of Amir Temur and temurids in the works of academic V. V. Bartold.....	33
<i>Алимова Р.</i> Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида Фарғона водийсининг тарихий географияси .....	40
<i>Джуманиязова Ф.</i> Илк ўрта асрларда Зобулистондаги туркий сулола хусусида.....	46
<i>Тохтиев Ш.</i> Роль исмаилизма и его сект в истории шиизма.....	58

**ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР // МЕЖДУНАРОДНЫЕ ОТНОШЕНИЯ // INTERNATIONAL RELATIONS**

<i>Джумаев Р., Суюнова Б.</i> Ўзбекистондаги давлат хизматининг такомиллашуви ва Япония тажрибаси .....	70
<i>Бекмуратов И.</i> Хитойнинг ташқи сиёсат фалсафаси ва амалиёти.....	75
<i>Алимов О.</i> Энергетика хавфсизлигининг халқаро-сиёсий муаммолари .....	84
<i>Касимова З.</i> Халқаро майдонда Хитой давлат ижобий имижининг кўтарилишида “Халқ дипломатияси”нинг ўрни .....	96
<i>Ibrokhitov D.</i> The logic of diplomacy and China’s foreign policy toward Central Asia .....	102

**ФАЛСАФА // ФИЛОСОФИЯ // PHILOSOPHY**

<i>Сулаймонов Ж.</i> Ибн Халдун қарашларида географик детерминизм ғоялари .....	108
<i>Шакирова Н.</i> Упанишадлар ва “Авеста”да герменевтик ёндашув моҳияти .....	112
<i>Пўлатов Ш.</i> Санкхйа мактабининг детерминистик фалсафаси ва унинг ижтимоий моҳияти.....	119

**ИЛМИЙ АХБОРОТ // НАУЧНАЯ ИНФОРМАЦИЯ // SCIENTIFIC ISSUE**

<i>Акмалхонов А.</i> Араб тилшунослиги тарихида сўз ясалиши ҳақидаги қарашлар .....	124
<i>Муйдинов Д.</i> Германия миграцион сиёсатида Яқин Шарқ кочоклари муаммоси.....	132



## ТИЛШУНОСЛИК // ЯЗЫКОЗНАНИЕ // LINGUISTICS

**НУРМАТОВ СИРОЖИДДИН**

Филология фанлари номзоди, ТошДШИ

**Сонларга хос лексемаларнинг этимологик таҳлили  
(ҳинд-орий тиллари мисолида)**

**Аннотация.** Ушбу мақолада сон сўз туркумига хос лексемалар ҳинд-орий тиллари мисолида этимологик таҳлил қилинган. Ҳозирда янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган тиллардаги, хусусан ҳиндий тилида қўлланиладиган сонларнинг келиб чиқиши жараёнлари, шунингдек, улардаги фонетик хусусиятлар атрофлича тадқиқ этилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** фонетик таҳлил, морфологик таҳлил, этимологик таҳлил, фонетик хусусият, морфологик хусусият, сўз туркуми, саноқ сон, тартиб сон, жамловчи сон, каср сон, санскрит, татсама, тадбҳава.

**Аннотация:** В этой статье представлен этимологический анализ лексем числительных на примере индо-арийских языков. Изучены процессы происхождения числительных, а также их фонетические особенности в языке хинди.

**Опорные слова и выражения:** фонетический анализ, морфологический анализ, этимологический анализ, фонетическое свойство, морфологическое свойство, часть речи, количественное числительное, порядковое числительное, собирательное числительное, дробное числительное, санскрит, татсама, тадбхав.

**Abstract.** This article reviews the etymological analysis of the lexemes of the last word group in the case of Indo-Arian Languages. The process of origin of the native languages, as well as the phonetic features of the new Indo-Arian Languages, has been thoroughly analyzed.

**Keywords and expressions:** phonetical analysis, etymological analysis, morphological analysis, phonetical features, morphological features, word structure, numerals, cardinal numeral, ordinal numeral, fractional numeral, rational numeral, sanskrit, tatsama, tadbhava.

Мазкур мақолада Ҳинд-Европа тиллари оиласининг ҳинд-орий тиллари гуруҳига хос бўлган тиллардаги саноқ сонларга хос бўлган лексик бирликлар этимологик жиҳатдан ўрганилади. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилади. Мақолани ёзишда йирик ҳинд тилшунос олими С. К. Чаттержийнинг<sup>1</sup> “Бенгал тилининг келиб чиқиши ва ривожланиши” деб номланган илмий асаридан кенг фойдаланилди. “Нега айнан бенгал тили асосида?” деган савол туғилиши табиий. Чунки, проф. С. К. Чаттержий бенгал тилидаги ҳар бир сон турларининг келиб чиқишига таянган ҳолда,

<sup>1</sup> Таъкидлаш лозимки, С. К. Чаттержий каби кўпгина хиндшунос олимлар Жанубий Осиё тиллари бўйича тадқиқот олиб борганлар. Жумладан, О. Н. Шоматов М. Ҳ. Абдурахмоновалар дақхиний тилини ўрганиб, ушбу тилнинг сон туркумига оид хусусиятлари ҳақида батафсил тўхталган.



барча ЯҲОТ<sup>1</sup>даги сонларга алоқадор бўлган сўзларнинг этимологиясигача кўрсатган.

Таъкидлаш лозимки, С. К. Чаттержий шакл жиҳатдан кўпроқ товушларнинг ўзгаришига эътибор берган ҳолда ўзининг илмий-назарий қарашларини илгари сурган. Шунингдек, мазкур мақолада ҳинд тилшунос олимларидан Удайнараян Тиварийнинг “Ҳиндий тилининг келиб чиқиши ва ривожланиши”<sup>2</sup>, Дхирендра Варманинг “Ҳиндий тили тарихи”<sup>3</sup> ҳамда Камтапрасад Гурунинг “Ҳиндий тили грамматикаси”<sup>4</sup> деб номланган илмий асарларига таянган ҳолда ҳиндий тилидаги сон туркумига оид маълумотлар таҳлил қилинди. Бундан кўзланган асосий мақсад турли олимларнинг фикрларини таққослаш ва улар ўртасидаги фарқларни аниқлашдан иборат.

Мазкур муаммони даставвал ЯҲОТ мисолида ўрганган проф. С. К. Чаттержийнинг фикрича, ЯҲОТдаги санок сонларнинг фонетик хусусиятлари ўзига хос равишда шаклланган. Унинг талқинича, санок сон шакллари барча ЯҲОТда бир-бирига ўхшаш. ЯҲОТга хос баъзи шевалардаги фонетик хусусиятлар бир-биридан фарқ қилади. С. К. Чаттержий бирликларга оид барча санок сонларни алоҳида ўрганиб таҳлил қилган<sup>6</sup>. Уларнинг келиб чиқиши ва ривожланишида бошқа тилларнинг таъсири бўлган ёки бўлмаганлиги ҳақида чуқур илмий маълумотлар берган.

Айнан ҳиндий тилидаги сон туркумига оид маълумотлар билан танишиб чиққан У. Тиварийнинг фикрича, ҳиндий тилида соннинг санок, тартиб, жамловчи, каср ҳамда турли хил кичик гуруҳларга хос (уларга оид маълумотлар ҳар бир бўлимнинг ўзида берилади) турлари мавжуд. У “бир”дан “юз”гача бўлган барча санок сонларнинг этимологиясини кўрсатган. У. Тиварий каби Д. Варма ҳамда К. Гурулар ҳам ҳиндий тилида санок, тақсим, тартиб сонлари мавжудлигини қайд этган. Шунингдек, жамловчи ва бошқа сон турларига ҳам қисқача маълумот бериб ўтилган. С. К. Чаттержийнинг фикрларидан фарқли равишда, У. Тиварий ва Д. Вармалар, шунингдек, К. Гуру айнан ҳиндий тилига оид маълумотларни келтирган. С. К. Чаттержий эса бенгал тили нуқтаи назаридан келиб чиқиб, бошқа ЯҲОТни ҳам ўрганган.

Мазкур тадқиқотда асосан янги ҳинд-орий тилларининг сон туркумига алоқадор бўлганлиги боис бу ўринда фақат ҳиндий ва сингал тилларига тааллуқли маълумотларгагина мурожаат қилинди<sup>5</sup>.

<sup>1</sup> Бундан кейин янги ҳинд-орий тиллари атамаси қискартирилган ҳолда, ЯҲОТ деб ёзилади.

<sup>2</sup> Tivari U. Hindii bhaaShaa kaa udgam aur vikaas. – Prayaag, 1950.

<sup>3</sup> Varmaa D. Hindii bhaaShaa kaa vikaas. – Delhi, 1962.

<sup>4</sup> Гуру К. Грамматика хинди. Часть I. Пер. с хинди Г.А. и Р.И.Баранниковых. Под ред. и с предисл. проф. Б.А. Ларина. – М.: Изд-во иностранной лит-ры, 1957.

<sup>6</sup> Chatterji S.K. The original and development Of Bengali Language. Volume two. – Culkutta, 1975. – P. 792.

<sup>5</sup> Ҳиндий тилининг морфологиясига оид хусусиятлар ҳақида бошқа хорижлик олимларнинг асарларида ҳам маълумотлар учрайди. Бироқ улар соннинг хусусиятларига тўхталмаганликлари боис, уларни таҳлил қилишни лозим деб топмадик. (Қаранг: Agarvaal 1997; Bahrii 1992; Gautam 1995; Meeksmuular 1999; Tivari 1996)



Маълумки, сон турлари орасида кенг тарқалган ва нутқ жараёнида кўп қўлланиладиган шакл бу санок сонлардир. Олимнинг талқинича, *ek* “бир” санок сонидаги шакл товуш ўзгаришининг натижасида ЎҲОТ<sup>1</sup>га ўтганда, ҚҲОТ<sup>2</sup>даги *ea* шаклини олган. Манбаларда *ek*нинг ундош товуш “к”ни сақлаб қолган шакли ҳам учрайди. Фикримизча, бу ерда татсама шакли кенг қўлланилишининг таъсирида бу шакл содир бўлган. Д. Варманинг фикрича, *ek* “бир” санок сони пракритда *ekk*, санскритда эса *ek* шаклида бўлган. Негизи *ek*га эга бўлган сўзларда *ek* ўз кўринишини йўқотади. Масалан: “*gyarah* “ўн бир” сонидаги *gyaa-* қисми пракритдаги *egaa* шаклининг таъсири остида шаклланган. Санскритдаги *ekaadash* “ўн бир” шаклидаги “*aa*” товуши *dvaadash*нинг таъсири остида пайдо бўлган”, – деб таъкидлайди олим<sup>3</sup>. Назаримизда, бу ердаги “*aa*” товуши пракритга, сўнг ҳиндийга кириб келган. Мураккаб сонлар билан қўшилганда, “*e*” “*i*”га айланган: *ikkiis* “йигирма бир”, *iktiis* “ўттиз бир”.

Бундай шаклларни У. Тиварийнинг қарашларида ҳам кузатиш мумкин. Мазкур ўзгаришнинг сабабини у “очиқ оҳангда талаффуз қилинадиган товушлар урғусининг кучсизлигидадир”, – дейди<sup>4</sup>. Лекин *gyarah* санок сонидаги *k > ga* ўзгаришини У. Тиварий оддий ҳолат деб тушунмайди. Фикримизча, бунга сабаб ҚҲОТдаги *ek* шаклига *ardḥamaḡadḥii* (ўрта ҳинд-орий тиллари даврида ривожланган шева)даги “*g*” товушининг таъсири натижасидадир.

“Икки”, яъни *dui* санок сонининг келиб чиқишини С. К. Чаттержий ЎҲОТдаги *dvve* кўриниши таъсиридан дейди<sup>5</sup>. ҚҲОТга хос нейтрал шакли *dve* ҳосил бўлган ва бу шакл ғарбий Ашока ёзувларида қўлланилган. *Dui* кўриниши эса, праҷа ва мағадҳийнинг бенгалийда сақланиб қолган шаклидир. Таъкидлаш жоизки, бундай шакл мағадҳий тилининг бошқа кўринишларида ҳам учрайди. ЯҲОТнинг бошқа кўринишлари шарқий шевадан фарқли равишда шаклланганлиги алоҳида ҳодисадир. Хусусан, ғарбий ҳиндий ва панжобийда *do*, маратҳийда *don* (бу тил сингал тилининг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшган), тадқиқот объекти бўлган сингал тилида *deka* кўринишларига эга.

*Do* “икки” санок сонининг келиб чиқиши ЎҲОТдаги *do* ва ҚҲОТдаги *dvo* шакли билан боғлиқ. “Икки” сонидан мураккаб сонлар ясалганда *do* нинг *baa-* ёки *b-* га ўзгариши юз беради. Масалан: *baarah* “ўн икки”, *baaiis* “йигирма икки”, *baavan* “эллик икки” ва ҳоказо. Фикримизча, *baa-*, *b-* шакллари ҚҲОТдаги *dva* шаклидан келиб чиққан ва бундай ўзгариш жануби-ғарбда бошланиб, бошқа ўлкаларга ҳам кенг тарқалган.

Д. Варма *doining* этимологиясини пракритдаги *do* ва санскритдаги *dvau* шаклларида келиб чиққан, деб таъкидлайди. Ушбу сонлар бошқа сўзлар

<sup>1</sup> Бундан кейин ўрта ҳинд-орий тиллари атамаси қискартирилган ҳолда, ЎҲОТ деб ёзилади.

<sup>2</sup> Бундан кейин қадимги ҳинд-орий тиллари атамаси қискартирилган ҳолда, ҚҲОТ деб ёзилади.

<sup>3</sup> Varmaa D. Hindii bhaaShaa kaa vikaas. – Delhi, 1962. – P. 267.

<sup>4</sup> Tivaarii U. Hindii bhaaShaa kaa udgam aur vikaas. – Prayaag, 1950. – P. 78.

<sup>5</sup> Chatterji S.K. The original and development Of Bengali Language. Volume two. – Culkutta, 1975. –P. 793.



билан бирикканда *донинг du* ёки *duи*га айланиши Д. Варманинг ҳам тадқиқотларида кузатилади<sup>1</sup>. Унинг фикрига қўшилган ҳолда, қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин: *dupattaa* “чодир”, *dubhaashiyaa* “таржимон”.

Бунга ўхшаш мулоҳазаларни У. Тиварий ҳам келтирган<sup>2</sup>. Лекин олимлар *dopahar* “пешин, тушлик” каби сўзлар бундай назарий грамматик қоидага бўйсунмаслигини таъкидлаганлар. Бироқ сабабини кўрсатишмаган. Фикримизча, ушбу сўзлар мустақил сўз сифатида тан олинган.

“Уч” сони ҳиндийда *tiin* шаклига эга. Ушбу шакл ҚХОТдаги *trin*нинг нейтрал кўринишидан келиб чиққан. Фарбий ҳиндийда у “tin(i)” шаклига эга. Ушбу соннинг келиб чиқишини У. Тиварий ЎХОТдаги *tirni* < ҚХОТдаги *triini*дан деб изоҳлайди. Д. Варма ушбу сон аввал пракритдаги *tinini* ва санскритдаги *triini* шакллари орқали пайдо бўлган дейди. Шунингдек, Д. Варма У. Тиварий каби ушбу сонни бошқа сон сўзлари билан бирикканда, яъни ҳиндий тилида “te-, tein-, ti- ва tir-” каби ҳолатга ўзгаришини кўрсатиб ўтган. Уларнинг фикрларига қўшилган ҳолда, қуйидаги мисолларни келтирамиз: *terah* “ўн уч”, *teintiis* “ўттиз уч”, *teintaaliis* “қирқ уч”, *tirpan* “эллик уч”. Таъкидлаш жоизки, *tihaii* “учдан бир” шакл каср сонларда ҳам учрайди. Бу ҳақда олимлар тўхталмаганлар.

“Тўрт” санок сони *chaar* < *chaair*, *chaari* каби шаклларида ясалганлигини С. К. Чаттержий ва бошқа олимлар ҳам тасдиқлайди. Фикримизча, бу шакл сингал тилидаги *satara*, *hatara* кўринишларидан ташқари деярли барча ЯХОТда учрайди. ЯХОТнинг *chaari*, *chaar* шаклини ҚХОТнинг нейтрал формаси *chatvaari* билан муштарак деса бўлади.

*Saar* “тўрт”. “Ушбу сон сўзининг этимологияси, – деб ёзади У. Тиварий, ҳиндийда *chyaari* < ЎХОТ (пракрит)да *chattaar*, апабхараншада *chaari* < ҚХОТда *chatvaari* шаклларида пайдо бўлган”. Д. Варма эса “тўрт” санок сонининг пракритда *chattaari*, санскритда *chatvaari* шаклида бўлганлигини айтиб ўтган. Бошқа сон туркумига мансуб сўзлар билан бирикканда, ушбу соннинг шакли *chau*, *chaun* < *chau* < *chatu*: кўринишларига эга бўлган. Бунга қуйидаги мисолларни келтирамиз: *chaubiis* “йигирма тўрт”, *chauntiis* “ўттиз тўрт” ва ҳоказо.

Д. Варма *chaar* қўшма сўзлар билан келганда, *cau* шакли фаолроқ эканлигини алоҳида таъкидлаган. Чунончи, *chauraahaa*, *chaupaal* ва ҳоказо. Англашилича, олимлар ушбу сон бошқа сўзлар билан келганда, қандай кўлланилганлигига алоҳида тўхталмаганлар. Фикримизча, ушбу сон баъзи сўзлар билан келганда, *saar* шаклининг ўзи ифодаланади. Масалан, *chaarpaaii* “каравот”, *chaarhaanaa* “чорраҳа”.

“Беш” санок сони С. К. Чаттержийнинг талқинича, ҚХОТдаги *pan*сдан келиб чиққан. Ҳозирда ҳиндийда раа<sup>3</sup> кўринишида ифодаланади. ЯХОТ-

<sup>1</sup> Varmaa D. Hindii bhaaShaa kaa vikaas. – Delhi, 1962. – P. 265.

<sup>2</sup> Tivaarii U. Hindii bhaaShaa kaa udgam aur vikaas. – Prayaag, 1950. – P. 79.

<sup>3</sup> Ҳинд-орий тилларининг фонологиясида церебрал ҳамда бурун бўшлиғи орқали талаффуз қилинадиган товушлар ҳам мавжуд. Шуни назарда тутган ҳолда ҳиндий ва сингал тилларидаги





нинг барча лаҳжаларида бурун товуши сақланган. Кузатишларимизга кўра, фақат сингал тилида бундан фарқли равишда *paha* < *pasa* < *pase* шакллари мавжуд. Фикримизча, *pancaasa* шаклидан *panc* ва бошқа шу каби мисолларда татсама таъсири остида “-n” қайта тикланган. Ҳиндийда эса *pasaas* кўринишида шаклланган.

Кўшма сонлар билан ифодаланганда, бунинг “*pan, van*” ёки “*an*” каби шакллари пайдо бўлади. Бунга қуйидагиларни мисол қилиш мумкин: *pandrah* “ўн беш”, *ikaavan* “эллик бир”, *chauvan* “эллик тўрт”.

Худди шундай маълумотларни Д. Варма ҳам келтирган. Лекин Д. Варма пракритча шакли *panc*, ҳиндийда учрайдиган *pancaayat, pancmii* каби татсама сўзлари ҳозир ҳам қўлланилишини алоҳида таъкидлайди. Назаримизда, ҳозирда бундай шакллари фақатгина илмий асар ва қадимги давр ҳикояларида учратиш мумкин. Баъзи манбаларда эса бунинг шакли *paNc* кўринишида ҳам ифодаланади.

“Олти” санок сони ҳиндийда *che* шаклига эга. ЎҲОТда *cha* шакли мавжуд бўлган. Сингал тилида эса улар *saya* шаклига хос. С. К. Чаттержийнинг ёзишича, “олти” сўзининг ҚҲОТдаги *sat* шаклига алоқаси йўқ<sup>1</sup>. Шунингдек, олимнинг “ўн олти” сонидagi *solah* шакли ҚҲОТнинг “-s-“ формасига асосланган деган мулоҳазалари ҳам бор.

*Che* “олти” сонини У. Тиварий ЎҲОТдаги *cha* шаклидан келиб чиққан деб уқирса, Д. Варма эса ушбу санок соннинг пракритдаги *cha*, санскритдаги *shaT (shash)* шаклларида хосил бўлганлигини таъкидлайди. ЯҲОТга хос ҳиндий тилидаги мураккаб сонлар билан бирикканда, унинг *cha* шакли учрайди. Бунга қуйидагиларни мисол қилиб беришимиз мумкин: *chabbiis* “йигирма олти”, *chattiis* “ўттиз олти”.

*Saat*, яъни “етти” сони ҚҲОТдаги “*sapta*” шаклидан келиб чиққанлигини ва бу форма хинд-орий тилларининг ҳамма лаҳжаларида учрашини С. К. Чаттержий қайд этган. Демак, ҳиндийда *saat*, сингал тилида *hata, sata* шаклларига эга. Ушбу соннинг этимологиясини У. Тиварий ЎҲОТдаги *saatt* < ҚҲОТдаги *sapta* шаклларида ясалганлигини шарҳлаган<sup>2</sup>. Д. Варма ҳам олимнинг бу маълумотларини маъқуллаган. Бошқа сонлар билан кўшилганда, пракритдаги *satt* ёки *sat* шакли ҳозир ҳам қўлланилади. Масалан, *sattraH* “ўн етти”, *sataasii* “йигирма етти”, *sattaanve* “тўқсон етти”. Бундан ташқари, *sain* шакли ҳам учрайди. Чунончи, *saintiis* “ўттиз етти”, *saintaaliis* “қирқ етти”. “Олтмиш етти” сонида учрайдиган *saR, saRsath* шаклини Д. Варма

мисолларда учрайдиган “т”, “д”, “р” каби церебрал товушлар T, D, R ва бурун бўшлиғи орқали талаффуз қилинадиган “н”, “л” товушлари N, L каби катга логин ҳарфлари билан изоҳланди.

<sup>1</sup> Кейинчалик бу шакл “*sals, swass*”га айланган. Чунки ҚҲОТдаги бу шакллар, яъни “*saks, swaks* > *sak, swak*”лар шу сингари фақатгина “*sat, svat*”га ўзгарган бўларди. Нормал шароитда қадимги ҳиндийдаги шаклларга кўра бу ҳеч қачон “*sat*” кўринишида бўлмаган. “*Sas*” кўринишидаги иккинчи “*s*” товуши илгаридан доимий равишда қўлланилиб келинган.

<sup>2</sup> Tivaarii U. Hindii bhaaShaa kaa udgam aur vikaas. – Prayaag, 1950. – P. 131.





номеъёрий ҳолат деб баҳолаган. Фикримизча, эҳтимол бундай шаклнинг содир бўлишида, *aRsath* шакли ўз таъсирини озми-кўпми кўрсатган. Чунки ушбу соннинг ҳосил бўлишида ҳам церебрал “R” товуши иштирок этган.

“Саккиз” сони ҳиндийда *aaTh* ва сингал тилида *aTa* шаклида ифодаланади. У.Тиварийнинг талқинича, бу сон ЎҲОТдаги *attha* ҚҲОТдаги *ast* шаклларидан ясалган. Ушбу соннинг бошқа сонларга қўшилиб келганда, *aTha*, *aThaa*, *aTh* шакллари юзага келишини Д. Варма ва У. Тиварий бир хил изоҳлайди. Масалан, *aThaaiis* “йигирма саккиз”, *aThaarah* “ўн саккиз”, *aThattar* “етмиш саккиз”. *ARtiis* “ўттиз саккиз”, *aRtaaliis* “қирқ саккиз” ва *aRsaTh* “олтмиш саккиз” сонларидаги “*aTh*”нинг ўрнига “*aR*” шакли содир бўлган. Д. Варма ва У. Тиварий бундай омилларнинг мавҳумлигини таъкидлашган.

Ҳақиқатан ҳам церебрал “*Th*” товуши ўрнига “*R*”нинг пайдо бўлганлиги ханузгача ўз тадқиқини топмаган. Фикримизча, буларда ҳам худди *saRsaTh* “ўттиз етти” ва *aRsaTh* “олтмиш” саккиз сонига ўхшаб “*R*” товуши сақланиб қолган.

Бирликлар қаторига оид сўнги “тўққиз” сонининг келиб чиқиши ҳақида С. К. Чаттержий куйидаги маълумотларни келтирган: “тўққиз” ҳиндийда *nau* шаклидан содир бўлган<sup>1</sup>. “Тўққиз” сони “тўқсон тўққиз” мураккаб санок сони ўрнида қўлланилганда, бошқа сонлардан фарқли равишда (яъни 79, 69, 49) *ninanve* кўринишига эга бўлади.

*Nau* “тўққиз” санок сонининг этимологиясини У. Тиварий ЎҲОТдаги *nau*, *na* < ҚҲОТдаги *nau* сўзидан ясалган, дейди. Д. Варма ҳам пракритча *na* < санскритча *nava* деб кўрсатган. Қўшма сонлар билан бирикканда улардаги *nau* шакли йўқолиб, унинг ўрнига “*un-*” олд қўшимчаси қўшилади (маъноси “бир кам”)<sup>2</sup>. Хусусан, *unniis* “ўн тўққиз”, *untaaliis* “ўттиз тўққиз”, *unaasii* “саксон тўққиз”. Фақатгина *navaasii* “саксон тўққиз” ва *ninaanve* “тўқсон тўққиз” сонлари фарқли равишда ясаиб, *nau* га хос бўлган негизлар қўшилган. Фикримизча, “саксон тўққиз” ва “тўқсон тўққиз” сонларининг шакли санскрит тилида ҳам бошқа сонлардан фарқли даражада ясалади. Эҳтимол, санскрит тилининг таъсири натижасида бу шакл сақланиб қолган. Бунга куйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин: *navaashiiti* “саксон тўққиз”, *navnnavati* “тўқсон тўққиз”.

“Ўн” санок сони эса *das* (сингал тилида эса *daha(ye)* ва *dasa(ye)* шакли ҳам мавжуд) кўринишига эга<sup>3</sup>. С. К. Чаттержийнинг бирликлар, ўнликлар, юзликлар, шунингдек, мингликларга оид илмий маълумотлари ҳам мавжуд. Бироқ ушбу маълумотлар тадқиқот объектига алоқадор бўлмаганлиги боис, улар бу ерда тадбиқ этилмади. Чунки, уларда соннинг морфологик хусусиятларига эмас, балки диахроник жиҳатдан сонларнинг фонологик фарқлари таҳлил қилинган.

<sup>1</sup> Chatterji S.K. The original and development Of Bengali Language. Volume two. – Culkutta, 1975. – P. 799.

<sup>2</sup> Varmaa D. Hindii bhaaShaa kaa vikaas. – Delhi, 1962. – P. 272.

<sup>3</sup> Chatterji S.K. The original and development Of Bengali Language. Volume two. – Culkutta, 1975. – P. 800.



С. К. Чаттержий бенгал тили нуктаи назаридан келиб чикиб, барча янги хинд-орий тилларига хос сонларни ўрганиб чиққан. Унинг илмий-назарий кузатишларига кўра, бенгал тилида санок, тартиб ҳамда каср сонлари мавжуд бўлганлиги учун, олим бенгал тилидаги тартиб ва каср сонларни ҳам шакл жиҳатдан товушларнинг ўзгаришига алоҳида эътибор берган. Бироқ ушбу йўналишда у фақат бенгал тилига алоқадор бўлган ўзининг илмий-назарий кузатишларини тадқиқ этган. Унда қиёсланаётган ҳиндий ва сингал тилларига оид маълумотлар кузатилмайди.

Тартиб сонлар. У. Тиварий “бир”дан “тўрт” гача бўлган санок сонлардан тартиб сонлар ясалганда, улар бутунлай фарқли равишда ясаилини таъкидлаган ва этимологиясини қуйидагича кўрсатган: *pahlaa* < апабхараншада *pahil*, *paDhill* (*padam+ill*) < санкр. *pratham* “биринчи”; *duusraa* “иккинчи” ва *tiisraa* “учинчи”. Буларнинг этимологиясига У. Тиварий шубҳа билан қарайди. Р. Хернле ўша шакллардаги “-saraa”нинг келиб чиқишини санскритча “-srit” билан боғлиқ деб ҳисоблайди. Шунга асосланган ҳолда, У. Тиварий ушбу шаклларнинг этимологиясини санскритдаги *dvissrit*, *trissrit* лардан ҳосил бўлган дейди<sup>1</sup>. Биз ҳам олимнинг фикрларига қўшилиб, *cauthaa* “тўртинчи” < *cauttha* < *caturth* кўринишидан ҳосил бўлганлигини таъкидлаймиз.

Д. Варма бутунлай бошқача ёндашган. “Биринчи” тартиб сонининг этимологияси ҳақида у қуйидаги маълумотларни келтирган: *pahlaa* < пракритча *paDhill*, *pathill* < санскритча *pra-tha+il*. Олимнинг талқинича, ҳозирги ҳиндийда қўлланиладиган *pahlaa* “биринчи” тартиб сонининг этимологияси, санскритдаги *pratham* сўзидан эмас, балки санскритча *prathar*дан келиб чиққан<sup>2</sup>.

*Duusraa* “иккинчи” ва *tiisraa* “учинчи” каби тартиб сонлари санскритдаги *dvitiiya*, *tritiiya*дан, ҳиндийдаги *duujaa*, *tijja* шаклларидан ҳосил бўлган бўлиши мумкин. У. Тиварийнинг таъкидлашича, ушбу тартиб сонлар Бимс келтирган *dvi+srit*, *tri+srit* шаклларидан содир бўлган<sup>3</sup>.

Ҳиндийдаги *cauthaa* “тўртинчи” < пракритча *cautth* < санскритча *caturth* кўринишига эга бўлган. Кузатишларга кўра, ушбу сон саналар, шунингдек, ер солиқларини ҳисоблашда қўлланилади. Қолган тартиб сонлар, санок сонларга *-vaan* қўшимчаси қўшилиши орқали ясалади. Уларга қуйидаги мисолларни бериб ўтамиз: *paanvaan* “бешинчи”, *saatvaan* “еттинчи” ва ҳоказо.

*ChaThaa* “олтинчи” тартиб сонини У. Тиварий пракритдаги *chaThaa*дан шакланганлигини таъкидлайди. Фикримизча, бу сон санскритдаги *ShaShTh* шаклидан ўзлашган.

К. Гуру эса тартиб сонларга алоқадор умумий маълумотларни келтириш билан бирга, уларнинг санскритча шакллари ҳам қўлланилиши ҳақида тўхталиб ўтган. Унинг фикрича, ҳиндий тилида *pratham* “биринчи”, *dvitiiya* “иккинчи”, *tritiiya* “учинчи”, *caturtha* “тўртинчи”, *paanvam* “бешинчи”, *shaShT* “олтинчи”,

<sup>1</sup> Tivarii U. Hindii bhaaShaa kaa udgam aur vikaas. – Prayaag, 1950. – P. 132.

<sup>2</sup> Varmaa D. Hindii bhaaShaa kaa vikaas. – Delhi, 1962. – P. 273.

<sup>3</sup> Tivarii U. Hindii bhaaShaa kaa udgam aur vikaas. – Prayaag, 1950. – P. 134.



*daSham* “ўнинчи” каби тартиб сонлар ҳам бор<sup>1</sup>. Гуру келтирган ушбу сонлар hozir ҳам кенг қўлланилади. Улар бадий асарларда кўпроқ учрайди.

Каср сонлар. Ушбу сонлар ҳақида иккала олимнинг (К. Гуру ушбу соннинг этимологиясига оид маълумотларни келтирмаган) фикрлари бир-бирига деярли ҳамоҳанг. Қисман фаркли жиҳатлари бор. Масалан, Д. Варма 1/4 каср сонини ҳиндийда *paav*, *paava* < *прак.paav-*, *paav-*, *paav-* < *санскр.paad*, *paadk* шакллариға хослигини қайд қилади<sup>2</sup>. Д.Варма ҳиндийда қўлланиладиган *cauthaai*, санскритдаги *caturthik* дан содир бўлганлигини тасдиқлайди. Бизнинг фикримизча, 1/4 шакли санскритдаги *paad* шаклидан ясалган.

1/3 шаклини иккала олим ҳам бир хил талқин қилган. Д. Варма *tihai* санскритдаги *tribhaagik* шаклидан келиб чиққан деса, У. Тиварий фақат ЎҲОТда *tihai* кўринишига эга бўлганлигини кўрсатиб ўтган<sup>3</sup>. Биз Д.Варма талқинига қўшилган ҳолда санскритча шаклдан содир бўлганлигини таъкидлаймиз.

1/2 каср сониди ҳам бир хил шакллар кузатилди. 1/2 – ҳиндийда *saaRhe* < *прак.saDDh* < *санскр.saardh*; 1.1/2 – У. Тиварий *Derh*, *dyorhaa* < *di-add* < *dvi-ardh* шакллари кўрсатади. Фикримизча, ушбу каср сон *Derh* < *прак.diaDDh* < *санскр.dvayarah* шаклидан содир бўлган.

К. Гуру умумий маълумотларни келтириш билан бирга санскрит, форс ва соф ҳиндий тилларидаги «қисм» сўзининг қўлланилишига кўпроқ эътибор берган. Масалан, *aNsh* (санскритча), *hissa* (форсча), *bhaag* (ҳиндийча) (Гуру 1986, 142). Олимнинг фикрлариға қўшилган ҳолда, қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: *tissraa hissa* “учинчи қисм” (форсча)<sup>4</sup>, *tritiyaanSh* “учинчи қисм” (санскритча)<sup>5</sup> ва *tiisraa bhaag* “учинчи қисм” (ҳиндийча)<sup>6</sup>. Кузатишларимизда манбаларда соф ҳиндийча ҳамда форсча шакллари кенг қўлланилиши намоён бўлди.

Жамловчи сонлар. Маълумки, санок сонларнинг барчасига “о” аффикси қўшилиши орқали жамловчи сонлар ясалади: *tiino* “учови”, *caaro* “тўртов”, *paaNco* “бештолови” ва ҳоказо. У. Тиварийнинг фикрича, фақат *donoN* “иккови” жамловчи сониди “-oN” аффикси қўшилади<sup>7</sup>. Д. Варма ушбу сон турига оид ҳеч қандай маълумот келтирмаган.

К. Гуру умумий маълумотларни бериш билан бирга, баъзи бир отларнинг жамловчи сонлар таркибида қўлланилишига ҳам тўхталиб ўтган: *joRaa* ёки *joRii* “жуфт”, *gahii* “бешов”, *senkRaa* “юзталови”, *chakkaa* “олтов”, *darjan*

<sup>1</sup> Гуру К. Грамматика хинди. Часть I. Пер. с хинди Г.А. и Р.И.Баранниковых. Под ред. и с предисл. проф. Б.А.Ларина. – М.: Изд-во иностранной лит-ры, 1957. – С.139.

<sup>2</sup> Varmaa D. Hindii bhaaShaa kaa vikaas. -Delhi, 1962. –P. 271.

<sup>3</sup> Tivaarii U. Hindii bhaaShaa kaa udgam aur vikaas. – Prayaag, 1950. – P. 133.

<sup>4</sup> Хинди-русский словарь. Составители А.С.Бархударов, В.М.Вескровный, Г.А. Зограф, В.М.Липеровский. Под ред. В.М.Бескровного. Т. I. – М.: Советская Энциклопедия, 1972. –С.189.

<sup>5</sup> Кочергина В.А. Санскритско-русский словарь. Под ред. В.И. Кальянова. – М.: Русский язык, 1978. – С. 201.

<sup>6</sup> Hindi Sinhalese Kosh. – New Delhi, 2001. – С. 114.

<sup>7</sup> Tivaarii U. Hindii bhaaShaa kaa udgam aur vikaas. – Prayaag, 1950. – P. 134.



“даржан”<sup>1</sup>. К. Гуру келтирган ушбу сўзлар ҳозир маҳаллий халқ орасида, оғзаки тилда кенг қўлланилади.

Фикримизча, ҳиндий тилидаги жамловчи сонлар таркибида санскрит тилидан ўзлашган баъзи сўзлар ҳам қўлланилади. Чунончи, *ugma* “жуфт”, *paaNchak* “бешов”, *ashtak* “саккизталов”<sup>2</sup>. Буларни фақат бадий асарларда учратишимиз мумкин.

Кўпайтирув сонлари. У. Тиварий “-*gunaa*” суффикси аслида санскритдаги “-*gun*”, пракритдаги “-*guna*” шаклларида келиб чиққанлигини қайд этган<sup>3</sup>. Ушбу қўшимча қўшилиши натижасида сонларда қисман ўзгаришлар юз Беради: *dogunaa* эмас, балки *dugunaa*, *dugnaa*, *duunaa* (=do+*gunaa*) “икки кара”, *tigunaa*, *tigna* “уч кара”, *saugunaa* “тўрт кара”, *paNcgunaa* “беш кара”<sup>4</sup>. “-*Gunaa*”нинг ўрнига баъзан санок сонларда “-*hrraa*” суффикси ҳам қўшилиши мумкин. Ушбу “-*hrraa*” шаклининг этимологияси “-*har*” сўзидан ҳосил бўлган.

Д. Варма кўпайтирув сон туридаги “-*gunaa*” аффиксини санскритдаги “-*guna*” шаклидан пайдо бўлганлигини таъкидлайди<sup>5</sup>. Фикримизча, ҳозирда ушбу соннинг санскритча шакли ҳам кенг қўлланилади. Уларга қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин: *duun*, *duune*, *duunii* “икки кара”, *saugunaa*, *cauk* “тўрт кара”, *paaNcgunaa*, *paaNce* “беш кара”, *chagunaa*, *chak* “олти кара”, *naugunaa*, *navaaN*, *naveN* “тўққиз кара”<sup>6</sup>. Бу шакллар нафақат оғзаки тилда, балки илмий асарларда ҳам ўз аксини топган.

Тадқиқот жараёнидан шу нарса кузатилмоқдаки, аксарият олимлар ҳиндий тилидаги соннинг асосан бешта маъно тури борлигини қайд этганлар Булар: санок, тартиб, қаср, жамловчи ҳамда кўпайтирув сонлари. Лекин У.Тиварий ушбу сон турларидан ташқари соннинг қуйидаги кичик турлари ҳам борлигини таъкидлайди:

Отдан ясалган санок сонлар (denominatives). Ҳиндий тилида оддан ясалган санок сонларда “*baar*” (<санск.*vaaram*) сўзи қўлланилади. Бунга биз қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин: *do baar saat* “ўн тўрт”. Шунингдек, *duunii*, *duunaa*, *tiyaa*, *cauka* каби шакллари ҳам бор<sup>7</sup>. Англашилишича, улар ҳозирда “*paHaRa*” (кўпайтирув жадвали)да кенг қўлланилади.

Истисно хусусиятига эга санок сонлар. Ҳиндий тилидаги ушбу сонлар “*kat*” (<форсчада “*kat*”) шакли орқали ясалади: *ek kat sau* (*ninyaanve*) “тўқсон тўққиз”. Ҳозирда оддий халқ орасидаги сўзлашув тилида ушбу сон кенг қўлланилади.

<sup>1</sup> Гуру К. Грамматика хинди. Часть I. Пер. с хинди Г.А. и Р.И.Баранниковых. Под ред. и с предисл. проф. Б.А.Ларина. – М.: Изд-во иностранной лит-ры, 1957. – С. 191.

<sup>2</sup> Hindi Sinhalese Kosh. – New Delhi, 2001. – С. 114.

<sup>3</sup> Tivaarii U. Hindii bhaaShaa kaa udgam aur vikaas. – Prayaag, 1950. – P. 136.

<sup>4</sup> Гуру К. Грамматика хинди. Часть I. Пер. с хинди Г.А. и Р.И.Баранниковых. Под ред. и с предисл. проф. Б.А.Ларина. – М.: Изд-во иностранной лит-ры, 1957. – С. 194.

<sup>5</sup> Varmaa D. Hindii bhaaShaa kaa vikaas. – Delhi, 1962. – P. 274.

<sup>6</sup> Кочергина В.А. Санскритско-русский словарь. Под ред. В.И. Кальянова. – М.: Русский язык, 1978. – С.217.

<sup>7</sup> Tivaarii U. Hindii bhaaShaa kaa udgam aur vikaas. – Prayaag, 1950. – P. 139.



Тахминий санок сонлар. Ушбу сон тури бирон-бир санок соннинг қайтарилиши натижасида ҳосил бўлади: *ek-ek* “бирма-бир ёки битта-битта”; *sau-sau* “юзта-юзта”.

Ноаниқ санок сонлар. Ушбу сон турини аниқлаш учун *das*, *biis*, *tiis*, *seekRaa*, *hazaar* каби ўнлик ва юзликларни билдирувчи сонларга “-oN” суффикси қўшилади. Жумладан, *dasoN* “ўнлаб”, *biisoN* “йигирматалаб”, *seekRoN* “юзлаб”, *hazaaroN* “минглаб” ва ҳоказо<sup>1</sup>.

Манбалардан маълум бўлишича, ушбу сонлар санок сонларга “ek” сўзининг қўшилиши натижасида ҳам ясалади. Масалан, *paaNc ek* “бештача”, *das ek* “ўнтача”. Шунингдек, икки санок соннинг биргаликда келиши натижасида ҳам ноаниқ санок сонлар ясалиши мумкин: *das-paaNc* “беш-ўнта”, *das-gyaarah* “ўн-ўн бита”, *tiin-caar* “уч-тўртта”.

Таъкидлаш лозимки, бошқа хорижлик олимларнинг фикрларидан фарқли равишда, К. Гурунинг илмий асаридида қуйидаги маълумотлар бор: “Биринчи компоненти сонлар билан боғлиқ бўлган қўшма сўзлар ҳам кенг қўлланилади. Булар бирон-бир нарсанинг йиғиндисини билдиради. Санскрит тили грамматикасида бундай қўшма сўзлар “двигу” деб аталади”<sup>2</sup>.

Маълумотларга асосан, “двигу” қўшма сўзларига оид қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин. Жумладан, *tribhuvan* “уч Дуне”, *trelokya* “уч Дуне” (ушбу қўшма сўз *trilokii* шаклида ҳам қўлланилади)<sup>3</sup>; *trikaal* “учта замон” (ҳозирги, ўтган ва келаси замон)<sup>4</sup>; *AshTaadhyaayii* “8 бобдан иборат” (Панини грамматикаси)<sup>5</sup>. Англашилишича, булар кўпроқ санскрит тилида битилган манбаларда учрайди.

Соф ҳиндий тилидаги шаклига эса *dopahar* “сўзма-сўз 2 та паҳар ёки ярим кун (пешин)”; *caumaasaa* “ёмғир сезони” (тўртта ой – асарх, саван, бҳадон ва куар); *sauraahaa* “тўртта йўл” каби мисолларни келтиришимиз мумкин.

Урду тилига хос қўшма сўзларга қуйидаги мисолларни келтирамиз: *simaahii* (ёки *timaahii*) “уч ой”; *cahaar-diivaarii* (тўртта девор); *shashmaahii* (ёки *chamaahii*) “олти ой”.

Демак, ҳинд тилшунос олимларидан фақат К. Гуру қўшма сўзларга оид маълумотларни келтирган. Д. Варма ушбу сўзларга хос мисолларни бериб ўтган, лекин у К. Гуру каби уларни алоҳида қўшма сўзлар каторига қўшмаган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ҳинд тилшунос олимлари ҳиндий тилидаги сонга хос маълумотларни келтириш билан бирга, ундаги ҳар бир сон турининг этимологиясига ҳам атрофлича ўрин ажратганлар. Бироқ бу ерда турли хил фарқли жиҳатларни айтиб ўтмоқ даркор. С. К. Чаттержий бенгал

<sup>1</sup> Tivaarii U. Hindii bhaaShaa kaa udgam aur vikaas. – Prayaag, 1950. – P. 110.

<sup>2</sup> Гуру К. Грамматика хинди. Часть I. Пер. с хинди Г.А. и Р.И.Баранниковых. Под ред. и с предисл. проф. Б.А.Ларина. – М.: Изд-во иностранной лит-ры, 1957. – С. 281.

<sup>3</sup> Agarvaal S. BhaaShaavigyaan aur hindii. – Paahabad, 1997. – P. 75.

<sup>4</sup> Bahrii H. BhaaShaa kaa vikaas. – Dilli, 1992. – P. 119.

<sup>5</sup> Ўша манба. – Б. 119.





тили нуктаи назаридан келиб чикиб, барча ЯҶОТга хос этимологик маълумотларни бериб ўтган. Бироқ бошқа ҳинд тилшуносларидан, жумладан, У. Тиварий, Д. Варма, К. Гурулар фикрларидан фарқли равишда, у сон сўз туркумига хос морфологик хусусиятларни шакл жиҳатдан, яъни товушларнинг ўзгаришига асосий диққат-эътиборни қаратган. У. Тиварий ҳамда Д. Вармалар фақат ҳиндий тилигадаги соннинг барча маъно турларини этимологик жиҳатдан таҳлил қилиб, бирликларни мураккаб сонлар билан бирикканда қандай шаклга ўзгариш хусусиятларини ҳам морфологик жиҳатдан кўрсатганлар. Шунингдек, У. Тиварий ва Д. Вармалар сонларни маъно жиҳатдан турли хил сон турларига тақсимлаганлар.

К. Гуру эса, асосан, умумий маълумотларни келтирган ва сонларнинг этимологиясига ўрин ажратмаган. Таъкидлаш лозимки, сонга оид турли хил ҳинд грамматик анъаналарида, хусусан, К. Гурунинг таъбирича, одатда сонлар учун, сифат сўз туркуми кўламидаги “сон сифатлари” деган атама қўлланилади. Бундай атамани айнан К. Гуру асарида учратиш мумкин. Маълумотлардан англашилишича, ҳинд тилшунос олимлари сонлардаги товушларнинг фонетик ўзгаришига ва уларнинг этимологик жиҳатларига асосий диққат-эътиборни қаратганлар.

### КАРИМОВ АКРАМДЖАН

Филология фанлари номзоди, доцент, ТошДШИ

#### Хитой тилига типологик таъриф бериш масаласига доир

**Аннотация.** Мазкур мақола хитой тилига типологик таъриф беришида йўл қўйиладиган хатоларни назарий жиҳатдан таҳлил қилиб, тўғри таъриф бериши учун нималарга эътибор бериши кераклигини кўрсатади. Етакчи хитойшунос олимларнинг фикрларини келтириб, уларга танқидий ёндашган ҳолда, ҳозирда хитойшуносликда қабул қилинган таъриф тўғрилиги исботлаб берилади. Хусусан, қадимги хитой тилига ва ҳозирги хитой тилига таъриф турлича бўлишига нималар сабаб бўлиши кўрсатилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** типологик тасниф, аморф, негизли, изолятив, агглютинация.

**Аннотация:** Настоящая статья рассматривает проблему отнесенности китайского языка к тому или иному типу языков. Приводятся мнения ведущих ученых лингвистов, с критическими замечаниями. В статье, на конкретных примерах доказывается, что древнекитайский и современный китайские языки имеют различные типологические характеристики.

**Опорные слова и выражения:** типологическая классификация, аморф, корневой, изолирующий, агглютинация.

**Abstract.** The current article is devoted to a problem of Chinese language as one type of language families. There are given some opinions and theories of sinologists. The article considers the some typological differences between old Chinese and modern Chinese language.

**Keywords and expressions:** typological classification, amorphous, rooted, isolating, agglutination.



Тилларни типологик жиҳатдан таснифлаш билан боғлиқ тадқиқотлар XVIII асрнинг ярмидан бошланиб XIX асрнинг иккинчи ярмида маълум бир қўринишга олиб келинди. Бир қанча европа олимлари, шу жумладан ака-ука Шлейгерлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшганлар. Америкалик тилшунос Сепирнинг “Тил” деб номланган асарида тилларни типологик жиҳатдан қайси турга мансублигига тегишли бир қанча фикрлар билдирилган. Охири В. фон Гумбольдтнинг қарашлари асос қилиб олингани ва кўпчиликка манзур бўлгани маълум. Хитой тилининг шу таснифдаги ўрни ҳақида гапирадиган бўлсак, умумий тилшунослик ва тилшуносликка кириш китобларида хитой тилини аморф ёки ўзақли тил турларига киритилади<sup>1</sup>. Ҳозирги вақтгача нафақат ўзбек тилида, балки рус тилида чоп этилган тилшуносликга оид дарсликларда ҳам хитой тили изоляттив, ўзақли ёки аморф тиллар сифатида таърифланади<sup>2</sup>.

Бизнинг назаримизда, тушунмовчилик чиқмаслиги учун, хитой тилини типологик жиҳатдан таърифлашдан олдин, уни қайси даврдаги хитой тили назарда тутилаётганини белгилаб олишимиз керак бўлади. Сабаби қадимги хитой тили (*венян*) ўзига хос типологик хусусиятларга эгадир. Ҳозирги хитой тилида ҳам ўз ўрнида маълум типологик хосликлар мавжуддир. Шу масала аниқланмасдан туриб таърифлаш чалкашликларга олиб келиши аниқ.

Типологик, яъни морфологик таснифда хитой тилини классик шаклига, бошқача қилиб айтганда, венянга нисбатан таъриф берилган. Ҳа, венянни ўзақли ва аморф тилларга киритиш мумкин. Нимага? Чунки қадимги хитой тилида ҳар бир иероглиф битта сўзга тўғри келган ва ҳар бир сўз ўзақ шаклида бўлган. Маълумки, хитой тилида ва айниқса венянда, ҳар бир иероглиф битта бўғинга тенг бўлади. Демак, қадимги хитой тилида тилшуносликнинг учта бирлиги: бўғин, морфема ва сўз чегарасида мос тушган. Грамматик кўрсаткичларга келсак, қадимги хитой тилида улар деярли йўқ бўлган. Нимага деярли, чунки бошқа тиллардагидек аффиксация тизими кўринмайди ва битта иккита мисоллар билан чекланиб қолган. Лекин хизмат қилувчи сўзлар<sup>3</sup> тизими бўлган ва улар махсус ўрганилган. Анъанавий хитой тилшунослигида улар *сюйцэ* деб ажратилган. Грамматик маъно гапдаги тартиб ва хизмат қилувчи сўз орқали ифодаланган. Энг қизиғи қадимги хитой тилида ёзилган манбаларга қарасак, ҳеч қандай тиниш белгилари кўринмайди, бу вазифани ҳам иероглифлар бажарган. Қадимги хитой тилига нисбатан типологик жиҳатдан берилган ўзақли тил таърифи тўғридир. Чунки ҳар-бир сўз битта иероглифга тенг бўлган. Сўз эса, ўз ўрнида битта бўғинга тўғри келган. Битта сўз фақат битта маъноли қисмдан иборат бўлганлиги сабабли у битта морфемага тўғри келган.

<sup>1</sup> Реформатский А.А. Введение в языковедение. – М., 1967. – С. 455; Ирискулов М. Т. Тилшуносликка кириш. – Т.: Янги аср авлоди, 2009. – Б. 196.

<sup>2</sup> Йўлдошев И., Шарипова Ў. Тилшунослик асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод молия, 2007. – Б. 181.

<sup>3</sup> Хитой тили грамматикасида хизмат қилувчи сўзлар 虚词 ва ёрдамчи сўзлар 助词 ажратилади.





Энди аморф таърифи бўйича гапирадиган бўлсак, ҳақиқатдан ҳам, венында аффиксация деярли учрамайди. Тилшуносликда аморф деганда грамматик форма йўқ деб тушунилади. Аффиксация деярли йўқ дегани шуки, қадимги хитой тилини хитойшуносликда учта катта даврга бўлишади (Крюков, Хуан Шуин) бу қадимги ёки классик венын, ўрта (хитой тили) венын ва янги (поздний) венын<sup>1</sup>. Классик венында умуман аффиксация учрамайди. Ўрта ва янги венында битта-иккита суффикслар учрайди улар орасида, масалан: 之 ва 了 лар бор. Гап айнан суффикслар тўғрисида кетяпти, сабаби префиксация ва инфиксация венында учрамайди. Ҳизмат қилувчи воситаларга келсак, улар лексик бирлик деб ҳисоблангани учун грамматик маънога эга бўлган сўзлар деб қабул қилинади. Демак, қадимги хитой тилида ҳам грамматик маънони англатадиган воситалар бўлган, улар асосан ҳизмат қилувчи сўзлар кўринишида бўлиб, маълум бир грамматик маъноларга ишора қилган. Бундан ташқари, гапдаги сўзларнинг позицияси муҳим роль ўйнаган, ҳатто сўзларнинг гапда қайси позицияни эгалашига қараб лексик маъноси ўзгарган, турли сўз туркумларга оид бўла олган. Энди янги венында ҳозирги хитой тилига нисбатан анча яқинлик бор, яъни 了 ва шунга ўхшаш иероглифлар суффикс вазифасида ишлатила бошлаган ва лексик жиҳатдан бир хиллик кўзга ташланади. Янги венын билан ҳозирги путунхуа орасида ярим асрлик давр бўлиб, бу тахминан XIX асрнинг охири ва XX аср бошларига тўғри келади. Кўп олимлар бу даврни 1919 йилда бўлиб ўтган 4 май ҳаракатлари билан боғлашади ва Маданий инқилоб деб ҳам аташади. Шу давр тилини эса байхуа деб билишади<sup>2</sup>. Байхуани, айрим тилшунос олимлар, янги венындан бошланган деган фикр билдиришади. Сабаби ўша давр қўлёзма ва бадий асарлари оддий халқ тилига анча яқин ва классик тилидан кўп жиҳатлари билан фарқ қилади. Байхуа атамасига келсак аслида у *оқ, содда, оммабон тил* деган маъноларни билдиради. Бироқ, шундай номланса-да, барибир оддий сўзлашув тилидан фарқ қилган. Ва маълум даражада классик тил қоидаларига бўйсунган.

Ҳозирги хитой тили, яъни путунхуа расмий равишда 1949 йилда Хитой Халқ Республикаси ташкил топган даврдан бошланган деб билинади. Бу тил тўлиқ оғзаки тил билан мос тушади. Тўғри, қитобий ва оғзаки тиллар орасида фарқ ҳамма тилларда бўлганидек, хитой тилида ҳам бор, бироқ у асосан қўлланиладиган лексик вариантлар билан боғлиқ ёки стилистик қоидалар чегаралари билан боғлиқдир.

А. Реформатский “Тилшуносликка кириш” китобида тиллар типологик таснифида ҳозирги хитой тилини типологик жиҳатдан изолятив (изолирующий) тиллар турига киритади. Бу нима дегани? Бу хитой тилида маълум бир грамматик маънони ифодаладиган кўрсаткичлар ёки формалар фақат битта

<sup>1</sup> Биз берган даврлаштириш энг соддалаштирилган вариантдир, аслида хитойшуносликда бир қанча даврлаштиришлар мавжуд бўлиб улар бир-бировидан фарқ қиладилар, лекин ўрганилаётган масала учун бу унча катта аҳамиятга эга эмас, у кўпроқ қадимги хитой тили бўйича изланишлар олиб бораётган тадқиқотчилар учун муҳим бўлиши мумкин.

<sup>2</sup> Коротков Н.Н. Учебник байхуа. – М.: МИВ, 1935.



сўз доирасида қолиб, гапдаги бошқа сўзларга таъсир ўтказмайди деганидир. Яъни сўзлар орасидаги синтактик муносабат йўқ, содда қилиб айтганда, мослашув йўқ.

Ҳозирги хитой тили типологик жиҳатдан бир қанча хусусиятларга эга. Биринчидан, ҳозирги хитой тилида грамматик формалар (суффикслар) бор бироқ, улар сўз ўзагига агглютинатив равишда қўшилади, бунга қатор мисоллар ҳам келтиришимиз мумкин. Масалан, 1976 йили профессор Н. В. Солнцева бизларга “Назарий грамматикадан” маъруза ўқиганда куйидаги мисолни келтирганди: 说 *shuo гапирмоқ*, 说了 *shuole гапирган*, 说过 *shuoguo гапириб ўтган*, 说着 *shuozhe гапиряпти*. Агглютинатив техника бу сўз ўзаги ва қўшилладиган суффиксда қўшилган пайтда ҳеч қанақа фонетик ўзгаришлар бўлмайди дегани. Ўзбек ва бошқа туркий тилларда буни яққол кўришимиз мумкин. Демак, хитой тилини типологик жиҳатдан тавсиф берадиган бўлсак, уни агглютинация ҳодисаси мавжуд бўлган изолятив тил деб аташимиз мумкин. Бундай таърифни биринчи бўлиб профессор В. М. Солнцев тақдим этган<sup>1</sup>. Албатта, бундай таърифга қўшилмаганлар ҳам бўлган, маслан: А. М. Карапетянц. Нимага? Энг катта сабабларидан бири, бу хитой тилида сўз ясовчи ва шакл ўзгартирувчи суффиксларни миқдори камлигидадир. Соф шакл ўзгартирувчи суффиксларни сони учта, сўз ясовчи суффиксларни сони ҳам учта деб кўрсатилиши одат бўлиб қолган. Шу давр ўзида В. Горелов (1973) сўз ясовчи ярим суффикслар ғоясини олға сурган. Олим ярим суффикс деб атаган бирликлар ҳозирги кунда хитой олимлари томонидан ҳам суффикс деб аталмоқда, масалан: Лю Юэ хуа грамматикасида (1980).

“Ярим суффикс” деганда В. И. Горелов нимани назарда тутган? Хитой тилини типологик хусусиятларидан бири, бу лексик бирликларни маълум тарихий вақт ичида суффиксга айланганда, асли лексик маъносини бутунлай йўқотмайди дегани. Масалан, 子 *zǐ* бир асрдан кўпроқ вақт ичида суффикс, яъни сўз ясовчи суффикс сифатида ишлатилади, масалан: 裙子 *qúnzǐ* “юбка”. Лекин бари бир уни ўрганишда *ўғил бола*, *фарзанд* маънолари айтилиб ўргатилади. Бу хитой тилидаги соф суффикс сирасига қирадиган бирлик тўғрисида гап кетаяпти, энди В. Горелов келтирган ярим суффикслар қаторидаги 家 *jiā* тўғрисида гапирсак унинг асли маъноси *оила*, *уй* бўлиб, сўз ясовчи суффикс сифатида отларни, яъни бирон касб-ҳунар эгаларини номлайдиган сўзларни ясаб келади: 作家 *zuōjiā* “ёзувчи”, 画家 *huàjiā* *рассом*.

Демак, ҳозирги кунда хитой тилида сўз ясовчи суффикслар сони ўндан зиёд десак ҳам бўлади, лекин тор соҳадаги терминларни инобатга олсак ва улар ясашидаги соҳавий суффиксларни инобатга олсак, бу сон яна ҳам кўпаяди. Яна бир бор таъкидлаб ўтиш керакки, хитой тилидаги суффикс ясовчи вазифани бажараётган бирлик шу сўз доирасида суффиксдир, бошқа пайтда у мустақил

<sup>1</sup> Солнцев В.М. Теоретическая грамматика современного китайского языка (проблемы морфологии). – М., 1978. – С. 17.



маънога эга морфема ёки сўз ҳам бўлиши мумкин. Масалан, юқорида келтирган 画家 huajiā сўзидаги 家 jiā суффикси алоҳида сўз сифатида ҳам ишлатилиши мумкин, масалан: 我的家很大 Wode jiā hen dà. *Менинг оилам жуда катта.* Кўриб турганимиздек, 家 jiā синтактик мустақилликга эга бўлган лексик маъноли морфемадир. Бу ерда назарий жиҳатдан бошқа масала кўриниши мумкин, агарда 家 jiāга ўхшаган морфемалар лексик маънога эга бўлса, улар ёрдамида ясалган сўз ясама сўз эмас, балки қўшма сўз бўлиши керак. Бундай саволга В. Гореловда жавоб йўқ, лекин бизнинг ўйлашимизча, 家 jiā билан ясалган сўзларни сони кўплигидан В. Горелов шундай фикрга келган. Иккинчи масала бу олим келтирган ярим суффикслар орасида синтактик мустақилликга эга бўлмаган, лекин лексик маънога эга бўлган бирликларни ҳам келтиради, масалан: 员 yuán аъзо. Бу бирлик, ҳақиқатдан ҳам, тўлиқ ярим суффикс дейишга лойиқ, сабаби у ясаган сўзларда, масалан: 工作人员 gongzuoren yuán *ҳодим* сўзида у суффикс вазифасида келган, лекин *аъзо* деган маъносини йўқотмаган бўлсада синтактик мустақилликка эга эмас. Яъни алоҳида сўз сифатида ишлатилмайди.

Суффиксларни шакл ясовчиларига келсак, бу қандай ёндашишга боғлиқ. Айрим масалаларга кенгроқ қаралса, унда шакл ясовчи воситаларни ҳам сони кўпаяди. Лекин суффиксларни қанча бўлишидан қатъий назар, улар мавжуд ва уларни қўшилиш услуби агглютинативдир. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Масалан, ҳозирги хитой тилида кўп ишлатиладиган замон суффиксларни келтиришимиз мумкин 了 le, 过 guo, 着 zhe. Бу суффиксларни ҳар бири маълум грамматик маънога ишора беради ва ўзларининг асли лексик маъносини йўқотган ёки деярли йўқотгандир.

Тушунарли бўлиш учун уларни алоҳида кўриб чиқсак: 了 le энг қадимги суффикс бўлиб, у ўрта ва янги венянда ҳам ўтган замонга ишора қилувчи восита деб билинган. Ҳақиқий суффиксга хос равишда ўзакли морфемадан кейин қўшилиб келган. Афсуски, иероглифик ёзувда ҳар бир иероглиф алоҳида ёзилгани учун буни хитой тилини билмайдиган одам илғаб ололмайди. Лекин хитойликлар ишлатадиган pinyin транскрипциясида, буни яққол кўришимиз мумкин. Масалан: shuole *гапирган*.

过 Guo суффикси ўтган такрорий (тасдиқловчи) замонни ифодалайди, масалан: shuoguo *гапириб ўтган*. 过 Guo грамматик маъносидан ташқари асли лексик маъносини: *бўлиб ўтган, ўтказмоқ, нишонламоқ, етарли сақлаб қолган* ва бу маънолари фаолдир. Масалан: 过新年 guo xinnian. *Янги йилни нишонламоқ. 你喝吗? Ni hema? 过了 Guole. Сиз ичасизми? Етарли (бўлди).* Маъноли морфема сифатида янги сўзларни ясашда иштирок этиши мумкин. Масалан: 过期 guoqi *муддатдан ўтмоқ (просрочить)*. 你接的书过期了。Ni jiede shu guoqile – *Сиз олган китоб муддатдан ўтиб кетибди.* Айрим олимлар (Е. Д. Поливанов) бундай бирликларни, турли бирликлар деб билишни таклиф қилган, яъни грамматик ва лексик маънолари битта иероглифда мос тушиб қолган бирликлар деб билишни таклиф қилишган. Бироқ, хитойшуносликда бу ғоя ўз ривожини топмади. Хитой луғатларида guo лексик маънолари қаторида, форма ясовчи суффикс сифатида ҳам берилди.



Ўзига хос ҳолат 着 zhe суффикси билан ҳам содир бўлади. 着 Zhe давомийликни ифодаловчи восита сифатида қабул қилинган, масалан: 说着 shuozhe *гапиряпти*. Бундан ташқари, 着 иероглифи бошқа ҳам грамматик, ҳам лексик маъноларини ифодалаши мумкин. Масалан, у қўшма сўзни натижали компоненти сифатида, яъни ҳаракат яқунланганига ишора қилиши мумкин. Лекин бундай пайтда 着 иероглифи zhe эмас балки zhaо деб ўкилади, масалан: 睡着 shuizhaо *ухлаб қолмоқ*. Ёки ўзи асосий ҳаракатни, билдирувчи морфема сифатида *киймоқ, мулоқотга киришмоқ, фойдаланмоқ ва бошқа* маъноларни билдириб қўшма сўзларни ясаши мумкин, бундай пайтда у zhuо деб ўкилади, масалан: 着眼 zhuоуан *назарда тутмоқ*. 着装 zhuozhuang *кийиниши, кийим*. Демак, битта иероглиф учта ўкилишга ва учта турли маъноларга эга бўлиши мумкин. Бизнинг назаримизда, шу суффиксга нисбатан Е. Поливанов олға сурган ғоя тўғри келар эди.

Шакл ясовчи суффикслар қаторига 的 de ҳам киритилади. 的 De одатда ўзлик шаклини ясайди, масалан: 学院的 хуеуанде *институтнинг*. Кишилик олмашларга қўшилиб олмашларнинг ўзлик шаклини ясайди: 我的 wode *менинг*, 你的 nide *сенинг*, 他的 tade *унинг*, tamende *уларнинг*.

Шакл ясовчи суффикслар ҳам асли лексик маънога эга бўлсада, бироқ улар жуда пассивдир ва лексик маънолари синтактик мустақилликка эга эмас. Айрим ҳолларда маъноли морфема сифатида сўз ясалишида иштирок этиши мумкин. Масалан: 大的 dadi *такси (да кетмоқ) ушламоқ*.

Суффиксларни суффикс сифатида ишлатилганми ёки мустақил морфема сифатидами, яъни лексик маъноли компонент сифатида иштирок этаётганини нимадан билиш мумкин? Биринчидан, мустақил маъноли компонент битта ёки иккита мисоллар билан чекланади, иккинчидан мустақил маъноли компонентлар шу бирликнинг асли лексик маъноси билан иштирок этади. Шакл ясовчи суффикс сифатида келган бирлик қўшимча маънони ифодалайди ва ҳар бир қўшилган сўзидан айнан битта ўша маънога ишора қилади. Бундан ташқари, шу қўшимча маъноси билан иштирок этган мисоллар бир қатор бўлади, масалан: 科学家 kexuejia *олим*, 作家 zuojia *ёзувчи*, 画家 huajia *рассом*, 汉学家 hanxuejia *хитойшунос*, 专家 zhuanjia *мутахассис* ва бошқалар. Келтирилган мисолларнинг ҳаммаси бирон бир касб-ҳунар эгасига ишора қилади ва одатда, уларни сони кўп бўлади. Шундан келиб чиқиб, В. Горелов ҳам 家 jia морфемасини бир қатор мисолларда ярим суффикс сифатида ишлатилади деган бўлса ажаб эмас.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, хитой тилига типологик таъриф беришда қайси давр хитой тилига таъриф берилаётганлигини аниқлаш керак. Агарда қадимги хитой тилига – венянга бўлса, унда аморф ва негизли таъриф тўғри келади. Бироқ, ҳозирги хитой тили – путунхуага бўлса, унда (агглютинация ҳодисаси мавжуд бўлган) изолятив тил деб тарифлаш керак бўлади.



## НУРИДДИНОВ НОДИР

Ўқитувчи, ТошДШИ

### Форс тилида императив шаклдаги копулятив қўшма сўзларнинг структур-семантик таҳлили

**Аннотация.** Мазкур мақола форс тилида императив шаклдаги копулятив қўшма сўзларнинг моделларини аниқлаш, структур-семантик таҳлилини амалга оширишга бағишланган. Шунингдек, мақолада императив шаклдаги копулятив қўшма сўзларнинг сермахсул моделлари, ясалмаларнинг таркиби, уларнинг икки тилли ва изоҳли лугатлардаги маънолари ҳақида фикр юритилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** императив шакл, копулятив қўшма сўз, интерфикс, содда феъл, структур-семантик таҳлил.

**Аннотация:** Данная статья посвящается определению модели императивных копулятивных сложных слов и структурно-семантическому анализу копулятивов в персидском языке. Также в статье рассматриваются наиболее эффективные модели императивных копулятивных сложных слов, структура образований, их значения в двуязычных и толковых словарях.

**Опорные слова и выражения:** императивная форма, копулятивное сложное слово, интерфикс, простой глагол, структурно-семантический анализ.

**Abstract.** This article is dedicated to identify models of copulative compounds and structural-semantic analysis of copulatives in Persian. Also, in this article are considered the most effective models of imperative copulative compounds, the structure of formations, their meanings in bilingual and explanatory dictionaries.

**Keywords and expressions:** imperative form, copulative compounds, interfix, simple verb, structural-semantic analysis.

Копулятив қўшма сўзлар лексикализация усули орқали ясалувчи қўшма сўзлар ҳисобланади. Копулятив гуруҳдаги қўшма сўзларнинг компонентлари семантик жиҳатдан тенг муносабатга эга бўлади.

Бинар императив конструкцияга эга копулятив қўшма сўзлар (КҚС) турли феъл (баъзида бир хил феъл) императив шаклларининг интерфикс орқали ёки интерфиксиз бирикишидан ҳосил бўлади. Бу турдаги КҚС, одатда, ҳаракат-ҳолат оти ёки аслий сифат вазифасида келиши мумкин: **بچاپ بچاپ** *bečāpbečāp* “ўғрилиқ”, **بريزوبپاش** *berizobepāš* “исрофгарчилик”, “пулни совуриш”, “бетартиб ҳаёт тарзи”, **کچ دار و مریز** *kajdāromariz* “қийинчиликларга чап бериш”, **بگومگو** *begumagu* “гап-сўз”, “миш-миш”, “фисқи-фасод”, **بیا برو** *biyāborou* “юриш”, “зиёрат қилиш”, **بزن وبکوب** *bezanobekub* “ўйин-кулги”, **بخورونمیر** *boxoronamir* “жуда оз”, “арзимаган”<sup>1</sup>.

Бу каби бирликларнинг носинтактиклиги шубҳасиз: улар асл императив шакллар, уларнинг ўзига хос урғу тизими билан қиёсланади. М. Шокий бун-

<sup>1</sup> Пейсиков Л. С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1973. – С. 161.





дай императив бирликларни боғловчили конструкцияга эгалиги ва идиома-тик белгилари туфайли фразеология таркибига киритади. Аммо уларнинг копулятив қўшма сўзлар таркибига киритиш мумкин бўлган муҳим белгиларига эътибор қаратмайди. Биринчидан, улар маълум бир қолип (модель) асосида ясаллади. Исмий фразеологик бирликлар эса қолип асосида ясалмайди, улар тайёр ҳолда мавжуд бўлади (нутқ жараёнида яратилмай, нутққа тайёр ҳолда киритилади). Иккинчидан, фразеологик бирликлардан фарқли равишда КҚС бошқа қўшма сўзлар каби ўзига хос урғу тизимига эга (қиёсланг: *bezànobekūb* “ўйин-кулги” ва *tàndorōst* “соғлом”). Учинчидан, таҳлилга тортилаётган бирликлар яхлит ва бир бутун. Тўртинчидан, доимий равишда *و* – *o*- шаклида келувчи интерфикс *و* ва “ва” боғловчисига ўзгармайди, кўпинча тушиб қолиши мумкин.

Мақолада кўтарилган мавзунинг мақсади форс тилида императив шаклдаги копулятив қўшма сўзларнинг моделларини аниқлаш, структур-семантик таҳлилини амалга оширишдан иборат.

Муҳаммад Али Жамолзоданинг “*يکى بود و یکى نبود*” (Техрон, 1320), Жалол Оле Аҳмаднинг “*زن زيادی*”, “*سرگذشت کندوها*”, “*پنج داستان*”, “*نون و القلم*”, “*سنگی بر گوری*” (Техрон, 1360), Содиқ Ҳидоятнинг “*حاجی آقا*”, “*علویه خانم*”, “*بادها خبر از تغییر فصل میدهند*” (Техрон, 1333), Жамол Мирсодиқийнинг “*دایى جان ناپلئون*”, “*این شکسته ها*”, “*ها*”, “*شب عروسی بابام*” (Техрон, 1356), Аббос Паҳлавоннинг “*تهران قدیم*”, “*حاجی دو باره*” (Техрон, 1354), Жаъфар Шаҳрийнинг “*فرهنگ فارسی*” (Техрон, 1357) каби асарлари тадқиқот ишимизга манба сифатида хизмат қилди. Манбалардан тўпланган мисоллар *ابو الحسن نجفی*нинг “*عامیانه*” изоҳли луғати<sup>1</sup>даги маънолар асосида таҳлилга тортилди.

Форс тилида копулятив қўшма сўз ясашиши масалалари Л. С. Пейсиковнинг “Очерки по словообразованию персидского языка”, Т. А. Чавчавадзе-нинг “Именное словосложение в новоперсидском языке” (Тбилиси, 1981), Ю. А. Рубинчикнинг “Грамматика современного персидского литературного языка” (М., 2001) каби қатор асарларида ўрганилганлиги маълум. Л. С. Пейсиков ўзининг “Очерки по словообразованию персидского языка” номли асарида КҚСнинг 15 банддан иборат турини келтиради<sup>2</sup>.

Форс тилида императив шаклдаги КҚСнинг структур-семантик таҳлиliga бағишланган ушбу мақоламизда манбалардан тўпланган мисоллар императив шаклдаги КҚСнинг куйидаги моделлари сермахсул эканлигини кўсатди:

1. Таркибий қисмлари бир феълнинг императив шаклидан иборат КҚС:

*چاپیدن cāpidan* “ўғирламоқ” феъли. Императив шакли – *bečār bečār* “ўғирла”; *bečār bečār* императив шаклдаги КҚС сифатида “ўғри-

<sup>1</sup> ابو الحسن نجفی. فرهنگ فارسی عامیانه. تهران، نیلوفر. ۱۳۷۸

<sup>2</sup> Пейсиков Л. С. Очерки по словообразованию персидского языка. – М.: Изд-во МГУ, 1973. – С. 159–168.



лик”, “босқинчилик”, “талончилик”, “йўлтўсарлик”, “қўққисдан бостириб кириш”, “хужум” каби маъноларни англатади:

اهالی شهر ... همین قدر که می دیدند از آدمکشی و ... بجای بجای خبری نیست خوش و خوشحال بودند (نون و القلم، ۱۲۱)

*Ahāli-ye šahr .... hamin yadr ke mididand az ādamkoši va ... bečāpbečāp xabari nist xoš-o xošxāl budand* – “Шаҳар аҳолиси ... қотиллик ва ... талончиликдан асар йўқлигини кўрганлари учун хурсанд бўлдилар”.

دويدان *dauidan* “югурмоқ”, оғзаки шаклда “шошмоқ” феъли. Императив шакли – *bodou* “югур”, “шошил”. *bodoubodou* императив шаклдаги КҚС сифатида “югуриб”, “тез”, “илдам”, “югур-югур”, “чоп-чоп” каби маъноларни англатиши кузатилди:

قراولها بدو بدو آمدند.... (سرگذشت کندوها، ۲۶)

*Yarāvohā bodoubodou āmadand* – “Қоровуллар югуриб (тез) келдилар”

این قدر بدو بدو برای مال و مقام آخرش انفارکتوس است (آسمون ریسمن، ۲۴۹)

*Inyadr bodoubodou barā-ye māl-o maḡām-e āxeraš enfārktus ast* – “Мол-дунё ва мансаб учун бу қадар чоп-чоплар охири инфарктга олиб келади”.

رافتان *raftan* “бормоқ”, “кетмоқ” феъли. Императив шакли – *borou* “бор”, “кет”. *borouborou* императив шаклдаги КҚС сифатида “маш-хурлик”, “суюклилик”, “бахт-омад ва шодликнинг чўққиси (энг юксак нуқта-таси)” каби маъноларни ифодалайди:

این آقا از طرفداران پروپا قرص آلمانیها بود و اطمینان داشت که آلمانیها فتح می کنند.

وقتیکه آلمانیها اینجا (در فرانسه) بودند روز پروپوری او بود. (عقاب تنها، ۴۲)

*In āḡā az tarafdārān-e paropāyars-e ālmānihā bud va etminān dāšt ke ālmānihā fath mikonand. Vaytike ālmānihā injā (dar Farānse) budand ruz-e borouborou-ye u bud* – “Бу жаноб олмонларнинг жиддий (муҳим) тарафдорларидан эди ва олмонларнинг ғалабасига ишонарди. Олмонларнинг бу ерда (Францияда) бўлишлари унинг учун айни муддао эди”.

زادن *zadan* “урмоқ”, “тақиллатмоқ” феъли. Императив шакли – *bezan* “ур”, “тақиллат”. *bezanbezan* императив шаклдаги КҚС сифатида “қаттиқ уруш-жанжал” маъносини англатади:

سر غیرت می آدمم و جست می زدم توی حیاط و آن وقت دعوا هرکی هرکی می شد

و بزَن بزَن راه می افتاد. (شب عروسی، ۶۲)

*Sar-e yeyrat miāmadam va jast mizadam tu-ye hayāt va ān vayt da ’vā harkiharki mišod va bezanbezan rāh miyoftād* – “Қизишиб кетдим ва ховли ичига сакрадим, ўша вақтда тўс-тўполон, қий-чув, уруш-жанжал бўлаётганди”.

فیلم عشقی ... والله بهتر از این فیلمهای بزَن بزَن است (بادها، ۱۰۰)

*Film-e ešyi ... vāllāh behtar az in filmhā-ye bezanbezan ast* – “Ишқ-муҳаббатга оид фильмлар ... чиндан ҳам уруш-жанжалли фильмлардан яхшироқ”.

کشتن *koštan* “ўлдирмоқ”, “қирмоқ” феъли. Императив шакли – *bokoš* “ўлдир”, “қирғин”. *bokošbokoš* императив шаклдаги КҚС сифатида “қирғин”, “хунрезлик”, “қатл”, “катта жанг” каби маъноларни ифодалайди:





خود جنگ تمام شده بود و از بکش بکش فعلا خبری نبود، اما آثار خرابی و کشتار هنوز بود (نون و القلم، ۶۶)

*Xod-e jang tamām šode bud va az bokošbokoš fe'lan xabari nabud, ammā āsār-e xarābi va koštār hanuz bud* – “Уруш тугаганди, ҳозирча хунрез-ликлардан хабар йўқ эди, аммо ҳали ҳам қирғин ва вайронагарчиликнинг белгилари (таъсири) бор эди”.

کوفتن *kuftan* “янчмоқ”, “майдаламоқ”, “қоқмоқ” феъли. Императив шакли – *bekub bekub* “янч”, “майдала”, “қоқ”. *bekubbekub* императив шаклдаги КҚС сифатида “тез-тез”, “шошиб”, “ўйин-кулги”, “ашула айтиш ва рақсга тушиш”, “бир нарсани бошқасининг устига урилишидан чиқадиган овоз” каби маъноларни англатиши кузатилди:

صدای بکوب بکوب همچنان از اتاق روبه رو بلند است. مردی با صدای کلفتی می خواند (پشه ها، ۸۶)

*Sedā-ye bekubbekub hamčēnān az otāy-e ruberu boland ast. Mardi bā sedā-ye kolofiti miḫānad* – “Шунингдек рўпарадаги хонадан ўйин-кулги овози келяпти. Бир киши йўғон овозда куйлаяпти”.

Императив шаклдаги КҚС асосан от туркумига оид бўлади. Материалларимизда баъзан ясалманинг гапда тарз ҳоли вазифасида келиб, равиш сўз туркумига оидлиги кузатилди. Масалан:

بکوب بکوب از پلکان رفته پایین. نزدیک بود پرت بشوم. (پنج داستان، ۲۶-۲۷)

*Bekubbekub az pellekān raftam pāyin. Nazdik bud part bešavam* – “Зинадан тез-тез пастга тушдим. Йиқилишимга озгина қолди”.

Қуйидаги мисолда эса императив шаклдаги КҚС товушга таклидий сўз сифатида от сўз туркумини ифодалаяпти:

تازه سرمان را به بالین گذاشته بودیم که از پایین صدای بکوب بکوب چکش بلند شد که تا صبح خوابمان را گرفت. (حاجی دوباره، ۱۷۴)

*Tāze saremān-rā be bālin gozāšte budim ke az pāyin sedā-ye bekubbekub-e čakoš boland šod ke tā sobh xābemān-rā gereft* – “Энди бошимизни ёстикқа қўйганимизда пастдан болғанинг дўқир-дўқир эшитилиб, эрталабгача ухлатмади”.

بگیر – بگیر *gereftan* “олмоқ”, “тутиб олмоқ” феъли. Императив шакли – *begir begir* “ол”, “тутиб ол”. *begirbegir* императив шаклдаги КҚС сифатида “оммавий ҳибс”, “қама-қама”, “қочаётган айбдорни тутиш учун ёрдам сўраб чиқарилган овоз – тут-тут, ушла-ушла” каби маъноларни англатиши кузатилди:

سوءقصدی به جان شاه می شود..... دسته هایی را هم بعدا دستگیر می کنند..... و خلاصه بگیر بگیر شروع می شود (تهران قدیم، ۷۴)

*Sueyasdi be jān-e šāh mišavad ... dastehāyi-rā ham ba'dan dastgir mikonand... va xolāse begirbegir šoru' mišavad* – “Подшоҳга суиқасд қилинади ... кейинроқ бир неча кишиларни ҳам қўлга олишади ... натижада қама-камалар (оммавий ҳибслар) бошланади”.



дست مرا چسبید و با زور از اطاق کشید بیرون و دوید و از در خانه خارج شدیم. توی کوچه مجبورم کرد که بدوم ... از پشت سر ما سر و صدای بگیر بگیر می آمد (طوطی، ۳۸۰)

*Dast-e marā časbid va bā zur az otāy kešid birun va david az dar-e xāne xārej šodim. Tu-ye kuče majburam kard ke bedavam ... az pošt-e sar-e mā sarosedā-ye begirbegir miāmad* – “Кўлимни елимлади ва куч билан хонадан ташқарига судради ва югурди, хона эшигидан ташқарига чикдик. Кўчада югуришимга мажбур қилди ..... орқамиздан “тут-тут”, “ушла-ушла” деган шовқин-сурон келарди.

2. Таркибий қисмлари бир феълнинг бўлишли ҳамда бўлишсиз императив шаклидан иборат КҚС:

کردن *kardan* “бажармоқ”, “амалга оширмоқ” феъли. Бўлишли императив шакли – بکن *bokon* “бажар”, “амалга ошир”; бўлишсиз императив шакли – نکن *nakon* “бажарма”, “амалга оширма”; بکن نکن *bokonnakon* императив шаклдаги КҚС сифатида “кўплаб ва тўхтовсиз буйруқлар” маъносини англатади:

مادرم مدام یک پایش توی مطبخ بود، آن دیگرش پای تخت خواهرم. بکن نکن های

بابام هم که سر جایش بود .... (پنج داستان، ۴۵)

*Mādaram modām yek pāyaš tu-ye matbax bud, ān digaraš pā-ye taxt-e xāharam. Bekonnakonhā-ye bābām ham ke sar-e jāyaš bud ....* – “Онамнинг бир оёғи ҳамиша ошхонада эди, бошқаси эса опамнинг каравоти ёнида. Отамнинг кўплаб ва тўхтовсиз буйруқлари ҳам ўз ўрнида эди ...”.

گفتن *goftan* “айтмоқ” феъли. Бўлишли императив шакли – بگو *begu* “айт”; бўлишсиз императив шакли – مگو *magu* “айтма”; بگومگو *begumagu* императив шаклдаги КҚС сифатида “бахс-мунозара”, “даҳанаки жанг”, “ўзаро айтишиб қолиш”, “низо” каби маъноларни ифодалайди:

کار مادر و دختر به بگومگو و کتک و کتک کاری می کشید (این شکسته ها، ۱۴)

*Kār-e mādar va doxtar be begumagu va kotakokotakkāri mikašid* – “Она-боланинг иши даҳанаки жанг ва муштлашишгача борарди”.

هوشنگ هی جلو خودش را نگه می داشت که با آنها بگومگو نکند (پیشامدها، ۹۲)

*Hušang hey jelov-e xodaš-rā negah midāšt ke bā ānhā begumagu nakonad* “Хушанг улар билан низолашмаслик учун ҳамиша ўзини босарди”.

3. Таркибий қисмлари турли феълларнинг императив шаклидан иборат КҚС. Мазкур турга оид манбалардан тўпланган КҚС 30 тани ташкил этди: بترک *bebinobetarak* “ёмон кўздан сақлаш учун мўлжалланган рангли, кичик мунчок бўлиб, гўдакнинг бўйнига ва бош кийимига осиб қўйилади”, “кўзмунчок” (بين *bidan* دیدن) “кўрмоқ”, *tarakidan* (ترک) “ёрилмоқ”, “дарз кетмоқ”; بخور *boxorobecār* “ўғрилик”, “талончилик”, “босқинчилик”, “йўлтасарлик”, “қўкқисдан бостириб кириш”, “хужум” (خوردن *xordan*) “ёмоқ”, “ёмоқ” (چاپ *čāpidan* چاپ) “ўғирламоқ”; بخور (و) *boxor(o)namir* “жуда оз”, “етарлича бўлмаган, арзимаган овқат, даромад”; مردن *mordan* “ёмоқ”, (خور *xordan*) “ёмоқ”, “фақирлик”, “ўта камбағаллик”, “парвариш қилиш”; بگذار *bardārobogzār* “энагалик”, “парвариш қилиш”; (میز)



“Ғамхўрлик” (گذاردان *gardāstan* برداشتن “кўтармоқ”, *gozāstan* گذاشتن “кўтармоқ”, “кўп сонли одамларнинг ҳаракатланиши (бориб-келиши) натижасида чиқадиган шовқин-сурон”; “кўймоқ”); *boro(vo)biyā* “борди-келди”, “кўп сонли одамларнинг ҳаракатланиши (бориб-келиши) натижасида чиқадиган шовқин-сурон”; “чоп-чоп”, “югур-югур”; “дабдабали (ҳашаматли) ҳаёт тарзи”, “ортиқча фаровонлик”; *berizobepās* “тартибсизлик”, “тўс-тўполон”, “исрофгарчилик”, “пулни совуриш” (*rixtan* ريختن “ризи”, “тўкмоқ”, “қуймоқ”, “пашидан *pāšidan* “тартибсиз сочиб ташламоқ”, “қуймоқ”, “тўкмоқ”, “кўб *bezanobekub* “хушчакчак кайфият”, “ўйин-кулги”, “вақтичоғлик”, “ашула айтиш ва рақсга тушиш” (*zadan* زدن “урмоқ”, “куфтан *kuftan* (كوب) “янчмоқ”, “майдаламоқ”, “қокмоқ”); *besāzobeforuš* “сифатсиз, мустаҳкам бўлмаган уйларни куриш ва сотиш билан шуғулланувчи” (*sāxtan* ساختن “қурмоқ”, “*foruxtān* “сотмоқ”); *bešurobepuš* “ювилгандан сўнг ғижим бўлмайдиган” (*šuridan* شوریدن “шор”, “ювмоқ”, “*pušidan* (پوش) “киймоқ”); *begu(vo) bexand* “ҳазилкаш”, “сўзамол”, “гапга уста”; “ҳазил аралаш дўстона суҳбат” (*goftan* گفتن “айтмоқ”, “*xandidan* (خند) “кулмоқ”); *šenidan* شنیدن “суҳбат”, “диалог” (*goftan* گفتن “айтмоқ”, “*šenidan* “эшитмоқ”); *begirobeband* “қуршаб олиш”, “оммавий ҳибс”, “қамақама”, “репрессия” (*gereftan* گرفتن “оғир”, “*bastan* (بند) “ёпмоқ”, “боғламоқ”); *biyā(vo) borou* “маҳобат”, “салобат”, “ҳашамат”; тикилинч, тўпалон; тўхтовсиз у ёқдан бу ёққа юриш; *āmadan* آمدن “келмоқ”, *raftan* رفتن “бормоқ”); *boxorobexāb* “пахпахлаб ўстирилган”, “эрка”; “дангаса”, “жон койитмайдиган (тараллабедод) одам”, “такасалтанг” (*xordan* خوردن “хор”, “емоқ”, *xābidan* خوابیدن “ухламоқ”). Таркибий қисмлари турли феълларнинг императив шаклидан иборат юкорида келтирилган КҚС семантикаси ва ишлатилиши манбалардан тўпланган куйидаги мисолларда янада аниқроқ намоён бўлади:

دعاى ضد سياه سرفه كه روى پوست كدو نوشته شده بود با بيين و بترک و نظر قربانى  
جلو سينه اش اويزان بود (علويه خاتم، ۲۰)

*Doā-ye zed(d)-e siyāhsorfe ke ru-ye pust-e kadu navešte šode bud bā bebinobetarak va nazaryorbāni jelov-e sine-aš āvizān bud* – “Қовоқ пўстига ёзилган кўкйўталга қарши дуо кўзмунчок билан бирга бўйнига осилган эди”.

هر کس می خواهد در میان این هرج و مرج و بخور و بجایب ... گلیم خودش را از آب  
بیرون بکشد (حاجی آقا، ۱۰۴-۱۰۵)

*Nar kas mixāhad dar miyān-e in harjomarj va bexorobečāp ... galim-e xodaš-rā az āb birun bekešad* – “Ҳар ким бундай тартибсизлик ва талончиликда сувдан қуруқ чиқишни хоҳларди”.

شهرداری هزینه ی زندگی بخورونمیرا به من می دهد و به کلاسهای گوناگون زبان آموزی  
و آموزش حرفه ای می روم (شیوا فرهمندراد "قطران در عسل" <http://books.google.co.uz>)



*Šahrdāri hazine-ye zendegi-ye boxoronamir-rā be man midehad va be kelāshā-ye gunāgun-e zabānāmuzi va āmuzeš-e herfe-i miravam* – “Хокимият менга жуда оз микдордаги нафақа пули тўлайди, мен хунар ва тил ўргатувчи турли курсларга қатнайман”.

مزه بچه را به او می چشانندد با شاش و گهش و بریز و بیاشش و بردار و بگذارش  
(سنگی بر گوری، ۵۲)

*Maze-ye bače-rā be u mičešāndand bā šāš-o goheš va berizobepāš va bardārobogzāreš* – “Фарзанд нима эканини ҳис қилди – унинг пешобу ахлати, тўс-тўполони ва унга энагалик (ғамхўрлик) қилиш билан”.

بی دردرس و پرووییا، اجازه مرخصی یک ماهه مارا داد (یکی بود، ۵۵)  
*Bidardesar va boroubiyā ejāze-ye moraxxasi-ye yek māhe-ye mā-rā dād* – “Ово-рагарчилик ва югур-югурсиз бизнинг бир ойлик таътилимизга рухсат берди”.  
این همه بریزو بیاشش توی این خانه می شود باز هم مثل خانه ملایقل زندگی می کنیم.  
(حاجی آقا، ۱۲۰)

*In hame berizobepāš tu-ye in xāne mišavad bāz ham mesl-e xāne-ye mollāyazyol zendegi mikonim* – “Бу ҳамма исрофгарчилик (пулни совуриш) шу уйда бўлади худди Муллайазкул (пуддор одам) нинг уйида яшаётгандекмиз”.

سازو ضربیها آمدند، بزن و بکوب و رقص و نوش شروع شد (طوطی، ۳۴۲)  
*Sāzozarbihā āmadand, bezanobekub va raysoniūš šoru' šod* – “Созандалар келишди, ўйин-кулги, вақтичоғлик бошланди”.  
رختهای شسته و آبکشی شده بی بی ... همگی بشور و بیوش بودند (لاله زار، ۱۵-۱۶)

*Raxthā-ye šostevo ābkeši šode-ye bibi ... hamegi bešurobepuš budand* – “Хоним (бека)нинг ювилган кийимлари ҳаммаси ғижим бўлмайдиган эди”.  
حاضران ... به خوردن چای و شربت و شیرینی و بگو و بخند مشغول شده بودند  
(دایی جان، ۵۹)

*Hāzerān ... be xordan-e cāy va šarbat va širini va beguvobexand mašyul šode budand* – “Ўйилганлар ... чой ва шарбат ичиш, ширинликлар ейиш, ҳазил аралаш дўстона сўхбат билан машғул эдилар”.

من چطور می توانستم برایشان بگویم که هیچ طور نشده؟ نه دعوايي، نه حرف و سخني، نه بگو و بشنو (زن زيادی، ۱۰۸)

*Man četour mitavānestam barāyešān beguyam ke hič tour našode? Na da 'vāyi, na harfo soxani, na beguvobešnou* – “Мен уларга ҳеч нарса бўлмаганини қандай қилиб айта олардим. На уруш-жанжал, на гап-сўз, на сўхбат”.

من این روزها برای خودم خیلی اهمیت قائلم، به خصوص برای چشمم که شاهد جا بوده با همه بیاوبروش (نون و القلم، 134 جلال آل احمد). خالی کردن یک دربار

*Man in ruzhā barāye xodam xeyli ahammiyyat yāyelam, bexosus barāye češmat ke šāhed-e jā xāli kardan-e yek darbār bude bā hame biyāvoborovaš* – “Шу кунларда ўзимга, хусусан, саройнинг бутун дору дастгоҳи билан бўшатилишига гувоҳ бўлган кўзимга жуда аҳамият беряпман”.



خدا هیچ کس را بخور و بخواب نیافریده و به هر کسی یک غیرتی داده که نتواند آرام بنشیند (شکر تلخ، ۲۳۰)

*Xodā hič kas-rā boxorobexāb nayāfaride va be har kasi yek ɣeyrati dāde ke natavānad ārām benešinad...* – “Худо ҳеч кимни дангаса қилиб яратмаган ва ҳар кимга тинч ўтиролмайдиган бир ғайрат ато этган”.

Мақола мавзуи бўйича материаллар таҳлили қуйидаги хулосаларга олиб келди:

1. Императив шаклдаги КҚС таркибий қисмлари асосан “интерфиксиз боғланишли” (Л.С. Пейсиков таърифига кўра, “ноль боғланишли”) модель асосида ҳосил бўлади. Айрим КҚС таркибида (3 та ясалмада) *o-* интерфиксли боғланиш кузатилади. Бироқ нутқ жараёнида *o-* интерфиксининг тушиб қолиши ясалмаларнинг маъносига таъсир этмайди.

2. Материаллар таҳлили асосида императив шаклдаги КҚСнинг 3 та модели аниқланди: 1) таркибий қисмлари бир феълнинг императив шаклидан иборат КҚС (17 та мисол); 2) таркибий қисмлари бир феълнинг бўлишли ҳамда бўлишсиз императив шаклидан иборат КҚС (3 та мисол); 3) таркибий қисмлари турли феълларнинг императив шаклидан иборат КҚС (30 та мисол). Таҳлиллар 1- ва 3-моделларнинг маҳсулдорлигини кўрсатди.

3. Императив шаклдаги КҚС таркибий қисмлари содда феъллардан иборат. Фақат бир мисолда *برداشتن bardāstan* префиксли феъли учради.

4. Ясалмалар асосан от сўз туркумига оид бўлиб, баъзан равиш ва сифат сўз туркумига оид императив шаклдаги КҚС кузатилди.

5. Гарчи таҳлилга тортилган мисолларда фразеологик бирикмага хос синтактик муносабатлар қолдиғи сезилса ҳам, уларда копулятив қўшма сўзларга хос фонетик ва морфологик категорияларнинг таъсири кучлироқ.



## ДОСМАТОВА БАРНО

Таянч докторант, ТошДШИ

### Хитой тилида морфемали контракциянинг 抽取法 chōuqǔfǎ “ажратиш орқали қисқартириш” усули

**Аннотация.** Ушбу мақола хитой тилида кенг тарқалган сўз ясаши усулларидан бири бўлмиш морфемали контракция ҳақидадир. Бунда морфемали контракциянинг “ажратиш орқали қисқартириш” усулига оид ўзига хос хусусиятлар ҳақида маълумот бериб ўтилади.

**Таянч сўз ва иборалар:** морфема, контракция, ўзлашма, термин, ўзак.

**Аннотация.** Данная статья посвящена морфемной контракции, которая представляет собой один из широко используемых способов словообразования в китайском языке. В статье подробно описываются грамматические особенности морфемной контракции в китайском языке.

**Опорные слова и выражения:** морфема, контракция, заимствованное слово, термин, корень слова.

**Abstract.** This article is devoted to the morphemic contraction, which is one of the widely used methods of word formation in Chinese. The article describes in detail the features of grammatical morpheme contraction in Chinese.

**Key words and expressions:** morpheme, contraction, loan word, the term, the root of the word.

Кўп бўғинли сўзлар мураккаб тушунча ва ҳодисаларни тўлароқ ифодалашига қарамай, мулоқот жараёнида муайян қийинчиликларни юзага келтириши маълум. Тил лексикаси мавжуд сўзларга турли аффикслар қўшиш, бошқа тиллардан ўзлашмалар, янги терминларнинг пайдо бўлиши ва сўз ёки сўз бирикмаси шаклини қисқартириш орқали доимий равишда бойиб бориши кузатилади. Айнан контракция орқали ясалган сўзлар мулоқотнинг қулай ва тежамкор воситаси бўлиб хизмат қилади. Морфемали контракция маъно ва мазмунга таъсир кўрсатмайдиган элементлардан ҳалос бўлишда муҳим рол ўйнайди.

Мазкур мақолада морфемали контракциянинг 抽取法 chōuqǔfǎ “ажратиш орқали қисқартириш” усулига оид ўзига хос хусусиятларни кўриб чиқамиз. 抽取 chōuqǔ “ажратиш орқали қисқартириш” усулида оригинал сўздан муҳим компонент олиниб, янги қисқартма сўз ҳосил қилинади. Бу усул қисқартма сўз ясашида энг кўп қўлланадиган ва энг асосий усуллардан бири. 缩合 “қисқартириш” усули деб ҳам номланади. Морфемали контракциянинг ушбу усулида сўз ёки сўз бирикмаси компонентларга (морфемалар, сўзлар ёки сўз бирикмаларига) ажратилади, сўнг улардан бир қисми тушириб қолдирилади, қолганлари эса бириккан ҳолда янги қисқартирилган сўзни ҳосил қилади. Масалан, 节约用电 jiéyúe yòngdiàn “электр токини тежаш”, 节约 jiéyúe “тежаш” ва 用电 yòngdiàn “электр токи” тарзида ажратилади, сўнг 约 ва 用 морфемалари тушириб қолдирилади, қолган морфемалар бирга қўшилиб, янги мураккаб қисқартирилган сўз 节电 yòngdiàn “электр токини тежаш” ҳосил бўлади. Фонетика нуктаи назаридан бу қисқартириш бўғинли





хисобланади, яъни қисқартириш бирлиги бўғиндир. 縮合 suōhé “қисқартириш, камайтириш орқали бирлаштириш, қўшиш” каби маъноларни англатиб, морфемали контракциянинг энг кўп учрайдиган усули хисобланади. Унда морфемали контракция хусусиятлари аниқ намоён бўлади. Морфемаларнинг жойлашувига қараб ҳар хил турларга бўлинади, турли моделлар бўйича амалга ошади.

Ушбу турнинг усулларида сўз ёки сўз бирикмасидан ажратиладиган таркибий қисмлар турлича бўлгани сабаб у ўз ичида яна қуйидаги усулларга бўлинади:

**1) Морфемани ажратиб олиш усули.** Бу усулда сўз ёки сўз бирикмасининг ҳар бир компонентидан фақатгина морфема ажратилади. Танлаб олинган морфема қисқарувчи бирликни (сўз ёки сўз бирикмаси) ифодалаб келувчи марказий морфема бўлсада, унинг жойлашиши турлича бўлади:

Бошланғич морфемаларни қўшиш. 环境保护<sup>1</sup> huánjìng bǎohù “атроф-муҳитни муҳофаза қилиш” деб таржима қилинади. Бунда 环境 huánjìng “атроф-муҳит” ва 保护 bǎohù “муҳофаза қилиш” сўзлари ажратилади ва 境 jìng ва 护 hù морфемалари туширилиб, 环保 huánbǎo сўзи ҳосил бўлади. 环境卫生 huánjìng wèishēng “атроф-муҳит санитария шароитлари” ҳам шу тарзда таҳлил қилинади: 环境 huánjìng “атроф муҳит” ва 卫生 wèishēng “санитария” сўзларининг 环 huán ва 卫 wèi бошланғич морфемалари қўшилади, 环卫 huánwèi янги шакл ясалади. 小学教师 xiǎoxué jiàoshī “бошланғич мактаб ўқитувчиси”, бунда ҳам 小学 xiǎoxué “бошланғич мактаб” ва 教师 jiàoshī “ўқитувчи” сўзлари ажратилиб, 学 xué ва 师 shī морфемалари туширилиб, 小教 xiǎojiào ҳосил бўлади. Мисоллар: 公共关系 gōnggòngguānxi – 公关 gōngguān (жамият билан алоқалар); 智力商数 zhìlì shāngshù – 智商 zhìshāng (ақлий қобилият даражаси); 交通警察 jiāotōng jǐngchá – 交警 jiāojǐng (йўл автопатрул хизмати ходими); 博士生导师 bóshìshēng dàoshī – 博导 bó dǎo (докторант илмий раҳбари).

Биринчи сўзнинг бошланғич морфемаси ва иккинчи сўзнинг охирги морфемасининг бирлашиши. 能源消耗 néng yuán xiāo hào “энергия ресурсларини сарфлаш” бирикмасида 能源 néng yuán “энергия ресурси” ва 消耗 xiāo hào “сарф этмок” сўзларини ажратган ҳолда, 能源 néng yuán сўзининг бошланғич морфемаси 能 néng ҳамда 消耗 xiāo hào сўзининг сўнгги морфемаси 耗 hào бирикиб, 能耗 néng hào “энергия ресурсларини сарфлаш” ҳосил бўлади. Мисоллар: 联合经营 liánhé jīngyíng – 联营 liányíng (ҳамкорликдаги корхоналар); 粮食蔬菜 liángshí shūcài – 粮菜 liángcài (озик-овкатлар); 台湾同胞 Táiwān tóngbāo – 台胞 táibāo (тайванликлар); 驾驶学校 jiàoshǐ xuéxiào – 驾校 jiàxiào (ҳайдовчилик мактаблари).

Биринчи сўзнинг охирги морфемасининг кейинги сўзнинг бошланғич морфемаси билан бирлашиши. 民警 mín jǐng қисқартмаси 人民警察 rénmin jǐngchá “халқ полицияси”, яъни 人民 rén mín “халқ” сўзининг иккинчи ва

<sup>1</sup> 现代汉语词典. 第6版, 2012. 667 页.





警察 jǐng chá “полиция” сўзининг биринчи морфемасининг бирикишидан ҳосил бўлган; 书展 shū zhǎn “китоб кўргазмаси” – 图书 tú shū “китоб” сўзининг 书 shū ва 展览会 zhǎn lǎn huì “кўргазма” сўзининг 展 zhǎn морфемаларидан ҳосил бўлган; Мисоллар: 高峰会议 gāofēng huìyì – 峰会 fēnghuì (саммит); 对外贸易 duìwài mào yì – 外贸 wàimào (халқаро савдо-сотик), 下降幅度 xiàjiàng fú dù – 降幅 jiàngfú (пасайиш даражаси); 历史地理 lìshǐ dìlǐ – 史地 shǐdì (тарихий география).

Иккита сўзнинг охирги морфемаларининг бирлашиши: 调号 diào hào – 声调符号 shēngdiào fúhào “тон белгилари (ишоралари)” 声调 shēng diào “оҳанг, тон” ва 符号 fú hào “белги, ишора” сўзларининг охирги морфемалари бирлашади; Мисоллар: 保护森林 bǎohù sēnlín – 护林 hùlín (ўрмонни муҳофаза қилмоқ); 向外销 xiàngwàixiāo – 外销 wàixiāo (экспорт); 电影明星 diànyǐng míngxīng – 影星 yǐngxīng (кино юлдуз); 等待就业 děngdài jiù yè – 待业 dài yè (ишга киришни кутмоқ).

Биринчи сўз бошланғич морфемасининг иккинчи сўз бошланғич ва сўнгги сўз охирги морфемалари билан бирлашиши. Ушбу тур асосан ташкилот, жамоат, бирлашмаларнинг номларини ифодалашда қўлланилади: 人民代表大会 rén mín dài biǎo dà huì – 人民 rén mín “халқ” ва 代表 dài biǎo “вакил” сўзларидаги бошланғич морфемалар 人 rén ва 代 dài ҳамда 大会 dà huì “йиғилиш, мажлис, конфереция” сўзининг охирги морфемаси 会 huì бирикиб, 人代会 rén dài huì “халқ вакиллариининг йиғилиши” ҳосил бўлади;

Баъзи бир бирикмалар учдан ортиқ сўздан ясалган, шаклан мураккаб бўлади. Шу каби сўзларга ҳам баъзида ажратиш усули қўлланади. Танланган морфемаларнинг ўрни аниқ бўлмайд, юқорида келтириб ўтилган бир неча усуллар умумлаштирилиб қўлланади, масалан: 亚洲开发银行 Yàzhōu kāifā yínháng – 亚行 Yàháng (Осиё Тараққиёт Банки), 清理拖欠贷款 qīnglǐ tuōqiàn dàikuǎn – 清欠 qīngqiàn (ушланиб қолган кредит тўловини ёпмоқ), 个人作品展览 gèrén zuòpǐn zhǎnlǎn – 个展 gèzhǎn (индивидуал кўргазма), 博士研究生导师 bóshì yánjiū shēngdǎoshī – 博导 bó dǎo (докторант илмий раҳбари), 保险业务种类 bǎoxiǎn yèwù zhǒnglèi – 险种 xiǎnzhǒng (суғурта турлари).

**2) Сўзни ажратиш орқали қисқартириш усули.** Бу турдаги морфемали контракция усулида сўз асосий компонент сифатида таркибдан ажратиб олинади. Бу турдаги қисқартмаларнинг оригинал сўзи, одатда, нисбатан мураккаб бўлиб, учдан ортиқ сўздан ташкил топган бўлади.

Охирги сўзнинг ажратиш олиниши. 中国工农红军 Zhōngguó gōngnóng hóngjūn – 红军 hóngjūn (Хитой халқ қизил армияси); 中国人民解放军 Zhōngguó rénmin jiěfàngjūn – 解放军 jiěfàngjūn (Хитой халқ халоскорлар армияси);

《马氏文通》 Mǎ shì wén tōng – 《文通》 wén tōng (Жаноб Ма грамматикаси);

经济特区 jīngjì tèqū – 特区 tèqū (махсус иқтисодий зона);

欧洲经济共同体 Ōuzhōu jīngjì gòngtóngtǐ – 共同体 gòngtóngtǐ (Европа иқтисодий жамяти);



Биринчи сўзнинг ажратиб олиниши.

清华大学 Qīnghuá dàxué – 清华 Qīnghuá (Тсинхуа университети);

同济大学 Tóngjì dàxué – 同济 Tóngjì (Тонгжи университети);

南开大学 Nánkāi dàxué – 南开 Nánkāi (Нанкай университети);

复旦大学 Fùdàn dàxué – 复旦 Fùdàn (Фудан университети);

商务印书馆 Shāngwù yìnshūguǎn – 商务 Shāngwù (бизнес нашриёти);

«说文解字 shuōwén jiězì» – «说文» shuōwén (Хитой иероглифларининг келиб чиқиш луғати).

Ўртадаги сўзнинг ажратиб олиниши.

《古今韵会举要》 gùjīn yùnhuì jǔyào – «韵会» yùnhuì (қофиялар йиғиндиси тўплами);

中国大百科全书 Zhōngguó dàbǎikē quánshū – 大百科 dàbǎikē (Хитой катта энциклопедияси);

《三宝太监西洋记通俗演义》 sānbǎo tàijiàn xīyángjì tōngsú yǎnyì – «西洋记» xīyángjì (Уч монахнинг ғарб ҳақидаги анъанавий сахна кўриниши).

Биринчи ва охириги сўзнинг ажратиб олиниши.

人造地球卫星 rénzào dìqiú wèixīng – 人造卫星 rénzào wèixīng (ернинг сунъий йўлдоши);

欧洲经济共同体 Ōuzhōu jīngjì gòngtóngtǐ – 欧洲共同体 Ōuzhōu gòngtóngtǐ (Европа иқтисодий жамияти);

《暂拟汉语教学法系统》 zànnǐ hànyǔ jiàoxuéfǎ xìtǒng – «暂拟系统» zànnǐ xìtǒng (вақтинчалик хитой тилини ўқитиш усуллари тизими).

Ушбу усулнинг иккинчи турида сўз тушиб қолади, яъни бутун сўзни (одатда, иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган сўзни) тушириб қолдирувчи модель. Бу модель бўйича ташкилотлар, идораларнинг номлари, шунингдек, илмий-техник терминология тузилади, масалан:

Охириги сўз тушириб қолдирилади: 高等专科学校 gāo dēng zhuān yè xué xiào – 高等 gāo dēng “олий даража”, 专业 zhuān yè “мутахассислик”, 学校 xué xiào “мактаб, муассаса” – 高专 gāo zhuān олий ўқув муассасаси; Бунда охириги сўз 学校 xué xiào тушиб қолдирилади; Биринчи сўз тушириб қолдирилади: 中国工厂党中央军事委员会 zhōng guó gōng chǎng dǎng zhōng yāng jūn shì wěi yuán huì – “Хитой Коммунистик партияси Марказий Коммитетининг Ҳарбий Кенгаши”нинг қисқартирилган кўриниши – 中央军委 zhōng yāng jūn wěi; Ўртада турган сўз тушириб қолдирилади: 抗日军政大学 kàng rì jūn zhèng dà xué “Японияга қаршилик кўрсатиш ҳарбий сиёсий академияси” мураккаб бирикмасининг қисқартирилган кўриниши 抗大 kàng dà бўлиб, ўртадаги сўз тушиб қолади; Биринчи ва ўртада турган сўз тушириб қолдирилади: 中国人民共和国第六届全国人民代表大会 zhōng guó rén mín gòng hé guó dì liù jiè quán guó rén mín dài biǎo dà huì – “Хитой Халқ Республикаси бутун мамлакат вакиллари олтинчи умумий йиғилиши” ушбу кўринишда қисқаради: 六届人大 liù jiè rén dà.

3) Морфема ва сўзни аралаш ажратиш усули: Бу турдаги қисқариш усулида ажратиб олинадиган компонент ҳам морфема, ҳам сўз бўлиши



мумкин. Баъзида эса кўп бўғинли бир морфема сўзларга тегишли бўғинлар ҳам ажратиб олиниши мумкин. Шундай бир неча турдаги компонентларни аралаш ажратиб олиниб ўзига хос қисқартма сўз ҳосил қилинади. Масалан:

Биринчи сўзнинг ҳар бир кейинги сўзнинг бошланғич морфемалари билан бирлашиши. 中国作家协会 zhōng guó zuò jiā xié huì – “Бутун Хитой ёзувчилар уюшмаси”; 中国 zhōng guó “Хитой” сўзи 作家 zuò jiā “ёзувчи” сўзининг бошланғич морфемаси 作 zuò, 协会 xié huì “уюшма” сўзининг илк морфемаси 协 xié билан бирлашиб, 中国作协 zhōng guó zuò xié “Бутун Хитой ёзувчилар уюшмаси” кўринишига киради.

Биринчи сўзнинг кейинги сўзнинг охириги морфемаси билан бирлашиши. 供销合作社 gōng xiāo hé zuò shè бирикмасида 供销 gōng xiāo “таъминлаш ва сотиш” сўзи 合作社 hé zuò shè “кооператив” сўзининг сўнгги морфемаси 社 shè билан бирлашади: 供销社 gōng xiāo shè “таъминлаш ва сотиш бўйича кооператив”;

Биринчи сўзларнинг бошланғич морфемаларининг охириги сўз билан бирлашиши. 降低噪音系数 jiàng dī zào yīn xì shù – 降噪系数 jiàng zào xì shù шовқиннинг пасайиш коэффициенти; 降低 jiàng dī “пасайиш” ва 噪音 zào yīn “шовқин” сўзларининг бошланғич морфемалари 系数 xì shù “коэффициент” билан бирлашади. Мисоллар: 非洲统一组织 fēizhōu tǒngyī zǔzhī – 非统组织 fēitǒngzǔzhī (Африка бирлашуви ташкилоти); 巴勒斯坦解放组织 Bālèsītǎn jiěfàng zǔzhī – 巴解组织 bā jiě zǔ zhī (Фаластин халоскорлар ташкилоти).

Биринчи сўзларнинг охириги морфемаларининг охириги сўз билан бирлашиши. 记录重放磁头 jìlù chóngfàng cítóu – 录放磁头 lù fàng cí tóu “товуш чиқаришининг магнитли ёзиш каллагги”; 记录 jì lù ва 重放 chóng fàng сўзларидаги 录 lù ва 放 lù fàng морфемалари 磁头 cí tóu билан бирлашади. Мисоллар: 电化教育资料中心 diànhuà jiàoyù zīliào zhōngxīn – 电教中心 diànjiào zhōngxīn (Электрон маълумотлар маркази); 国家语言文字工作委员会 guójiā yǔyán wénzì gōngzuò wěiyuánhui – 国家语委 guójiāyǔwěi (Давлат тил ва ёзув ишлари кўмитаси).

Юқорида келтирилган моделлардан кўриниб турибдики, қайси позицияда нечта морфема тушириб қолдирилишидан қатъи назар ҳамиша энг муҳимлари, мазкур иборага хослари, унинг мазмунини ўзгартирмайдиганлари қолади. Морфемали контракциянинг 抽取法 “ажратиш орқали қисқартириш” усули нисбатан унумдор бўлиб, аксарият мураккаб сўзлар ушбу усулнинг моделлари орқали қисқартирилади. Маъно жиҳатидан энг муҳим компонентлар сақланиб қолиниши морфемали контракциянинг семантик хусусиятидан дарак беради. Қисқартириш ҳар қандай тил ривожланишининг умумий қоидаларидан бири саналади. Унинг моҳияти максимал микдордаги маълумотни (маъновий ифода) тилнинг моддий қобиғи (товуш ва график шакл) дан минимал фойдаланган ҳолда етказишни таъминлаш, яъни тилнинг коммуникатив вазифаси самарадорлигини оширишдир.



## ТАРИХШУНОСЛИК // ИСТОРИОГРАФИЯ // HISTORIOGRAPHY

**DONIYOROV ALISHER***Doctor of science, professor, TSIOS***MADRAIMOV ASKARIY***researcher, TSIOS***Iran in the era of Amir Temur and temurids  
in the works of academic V. V. Bartold**

**Abstract.** *The article covers the history of Iran in the works of V. V. Bartold. It has historiographic analysis, shows the influence of environmental conditions, the positive and negative aspects of V.V.Bartold's works, and gives conclusions and recommendations on directions of scholarly researches in the framework of the study of the history of Iran in the Timurid epoch.*

**Keywords and expressions:** *Herat, Amir Temur, Temurids, Alisher Navoi, Shohrukh Mirza, Afghanistan, Iran, written sources.*

**Аннотация.** *Мақола В. В. Бартольднинг тадқиқотларидаги Эрон тарихининг тутган ўрнига бағишланган. Мақолада тарихнавислик таҳлил, замон таъсири, В. В. Бартольднинг тадқиқотларидаги ижобий ва салбий томонлар, шунингдек, Темурийлар даврида Эрон давлатининг тарихини ўрганиш соҳасидаги истиқболли йўналишлар кўрсатилган.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *Ҳирот, Амир Темур, темурийлар, Алишер Навоий, Шохрух Мирза, Афғонистон, Эрон, ёзма манбалар.*

**Аннотация.** *Статья посвящена истории Ирана в трудах В. В. Бартольда. В ней показаны историографический анализ, влияние окружающих условий, положительные и отрицательные стороны трудов В. В. Бартольда, а также даны выводы и рекомендации по перспективным направлениям в рамках исследования истории Ирана в эпоху тимуридов.*

**Опорные слова и выражения:** *Герат, Амир Темур, темуриды, Алишер Навои, Шохрух Мирза, Афганистан, Иран, письменные источники.*

**Introduction**

The aim of this article is a historiographical analysis of the works of academic Bartold Vasily Vladimirovich, devoted to the history of Iran in the era of the rule of Amir Temur and the Temurids. The history of Iran and Afghanistan occupies a significant place in the scientific heritage of the scientist<sup>1</sup>. From the first years of

<sup>1</sup> Umnyakov I.I. Annotirovannaya bibliografiya trudov akademika V.V.Bartol'da. M.: Glavnaya redakciya vostochnoi literatury, 1976. S. 7-229. (Umnyakov I.I. Annotated bibliography of works by academic V. V. Bartold. M. : The main editors of Eastern literature, 1976. P. 7-229.); Madraimov A. A. Interpretation of historical processes of the epoch of Amir Temur and Temurids in the works of Acad Bartold. Canadian Center of Science and Education. Asian Social Science; Vol. 14, No. 12; 2018. <https://doi.org/10.5539/ass.v14n12p67>



his scientific work he paid much attention the study of the political, cultural, and later the social history of medieval Iran. The areas of Iran and modern Afghanistan: Khorasan, Herat, Seistan and Balkh, etc. - were always in the sight of V. Bartold in almost all his works on the history of Central Asia, these areas received great attention in his works.

### Literature Review

In this research, the books, articles which are called that “Turkestan in the era of the Mongol invasion”<sup>1</sup>, “Historical and geographical overview of Iran@”<sup>2</sup>, “Iran. Historical Review”<sup>3</sup> (1926), “Ulugbek and His Time”<sup>4</sup>, “The World of Ali-Shir and his political Life”<sup>5</sup>, “Temur and Temurids”<sup>6</sup> are used as main sources.

### Research Methodology

This is a qualitative research using the content analysis approach. About twenty scientific works are used to analyze the topic of “Iran in the era of Amir Temur and Temurids in the works of academic V. V. Bartold”. Besides that, the researcher had used journals and articles to collect data related to the research.

### Findings and Discussion

In the academic year 1901–1902, “Historical and geographical overview of Iran” was introduced into the curriculum on the initiative of V. V. Bartold, “in this form to inform students of some information about the past of Muslim countries, while the state of the history of the East as a science does not allow them to offer their own historical course corresponding to the requirements generally imposed on university history teaching”<sup>7</sup>.

These lectures were first read by the author to students of the Faculty of Oriental Languages at St. Petersburg University. In our opinion, this course has not lost its relevance today, especially when teaching the subject “Country Studies” (Iran and Afghanistan), but it’s necessary to be critical of the author’s materials, based on today's requirements.

In his lectures on Iran’s course, the author sought to report on the geographical conditions of the country, identify, as far as possible, the dependence of historical life on these conditions, determine the time of prosperity and decline of the most important cities and compare news about the past of certain areas with data on their current situation.

In the monograph “Iran. Historical Review”<sup>8</sup>, dated 1926. V. V. Bartold described written sources in Persian. They were studied by the author as a result of

<sup>1</sup> Bartol'd.V.V. Sochineniya. – M.: Iz-vo vostochnoi literatury. 1963 g. T. I. – S. 43–610. (Bartol'd.V.V. Writings. – M.: From the oriental literature, 1963 T. I. – P. 43–610)

<sup>2</sup> Bartol'd.V.V. Sochineniya. – M.: Nauka, 1971g. T. VII. – S. 23–196. (Bartol'd.V.V. Writings. – M.: Science, 1971. T. VII. – P. 23–196)

<sup>3</sup> Ibid. – P. 227–334.

<sup>4</sup> Bartol'd.V.V. Sochineniya. – M.: Nauka 1964 g. T. II. Ch. 2. – S. 23–196. ( Bartol'd.V.V. Writings M.: Science of 1964. T. II. Part 2. – P. 23–196)

<sup>5</sup> Ibid. – P. 228–260.

<sup>6</sup> Ibid. – P. 157–162.

<sup>7</sup> Bartol'd.V.V. Istoriko-geograficheskii obzor Irana. Sochineniya. – M.: Nauka, 1971g. T. VII. – S. 23–196. ( Bartol'd.V.V. Historical and geographical overview of Iran. – M.: Science, 1971. T. VII. – P. 23–196.)

<sup>8</sup> Bartol'd.V.V. Sochineniya. – M.: Nauka, 1971. T. VII. – S. 227–334. (Bartol'd.V.V. Writings. – M.: Science, 1971. T. VII. – P. 227–334).





many years of work on primary sources, the volume of which had sharply increased by that time. This book is valuable for studying the history of Central Asian countries, but the author's main attention is drawn to history, especially the history of the development of the culture of Iranian peoples, and the book also contains important information on the geography and ethnography of Iran.

The book also contains a review of historical literature in Persian. This work was published in Tashkent on the initiative of the Eastern Department of Central Asian State University, in whose organization V. V. Bartold played a certain role. The scientist gave a positive description of the development of historiography in Central Asia: "The events of the end of the XIV and the beginning of the XV centuries related to the formation of the empire of Amir Temur (Tamerlane) and his descendants contributed to the development of historiography in the Persian language"<sup>1</sup>.

In the work of V. V. Bartold "The Historical and Geographical Survey of Iran", the third chapter called "Herat and the Course of Heriruda (pp. 33–43)"<sup>2</sup> author tells about the geographical position of Herat and its surroundings, roads and ferries natural conditions from ancient times to the beginning of the XX century. According to the scientist, the founder of Herat is Alexander the Great<sup>3</sup>.

Due to the extraordinary fertility of the valley of Herirud, Herat was already one of the main cities of Khorasan in the Samanid era, although it remained aloof from the main trade routes<sup>4</sup>. V. V. Bartold writes that the city usually shared the fate of the rest of Khorasan and was never the seat of independent and powerful rulers. Due to its advantageous geographical position, Herat, before other cities of Khorasan, was conquered by the XII century rulers of the mountainous region Gur.

Herat, like other cities of Khorasan, was taken in 1221 by the son of Genghis Khan Tului, since the inhabitants surrendered voluntarily, the city was not destroyed, but Tului destroyed the twelve thousandth garrison of the city. But in the same year, the successes of Khorezmshah Jalal ad-Din became a call for the inhabitants to revolt against the Mongols. In response, the Mongols embarked on a new siege of Herat, with the result that the city was taken in 1222<sup>5</sup>, after a six-month siege and subjected to complete destruction. The author in the book does not report on the heroism of Herat's defenders in the fight against the Mongols and on the atrocities of the conquerors in Khorasan.

From the "History of Afghanistan" by V. M. Masson and V. A. Romodin we learn that the Mongols sent a strong army against the rebels led by Ilchigdaynoyon. In December 1221 this army approached Herat and the beginning of the siege. The townspeople defended very hard. For 6 months and 18 days, the Mongols could not achieve any noticeable success.

<sup>1</sup> Bartol'd.V.V. Sochineniya. – M.: Nauka, 1971. T. VII. – S. 227–334. (Bartold.V.V. Writings. – M.: Science, 1971. T. VII. – P. 227–334).

<sup>2</sup> Bartol'd.V.V. Istoriko-geograficheskii obzor Irana. Sochineniya. – M.: Nauka, 1971. T. VII. – S. 23–196. (Bartold.V.V. Historical and geographical overview of Iran. – M.: Science, 1971. T. VII. – P. 23–196.)

<sup>3</sup> Ibid. – P. 72.

<sup>4</sup> Ibid. – P. 72.

<sup>5</sup> Bartol'd.V.V. Istoriko-geograficheskii obzor Irana. Sochineniya. – M.: Nauka, 1971. T. VII. – S. 23–196. (Bartold.V.V. Historical and geographical overview of Iran. – M.: Science, 1971. T. VII. – P. 23–196.)



In the end, Ilchig dai threw all his troops to the storming of the city and the city was taken on July 3, 1222, although during the storming 5 thousand Mongolian soldiers were killed. Furious conquerors destroyed the entire population of the city<sup>1</sup>.

Herat and Herat oasis, which suffered during the years of the Mongol invasion, are much more than Gur, by the middle of the XIII century. just starting to be reborn. After the mass extermination of the inhabitants by Mongolian troops from a population of many thousands, only a few dozen Heratis survived

For 14 years, from 1222 to 1236, Herat remained dead ashes. The streets from collapses of destroyed buildings and spills of qanats and canals became impassable, but a handful of people who did not want, in spite of everything, to leave their native places, huddled among the ruined ashes. Seyfi al-Harawi, based on the stories of old men, gives a number of details that truly reflect the horrors of these people's lives in a dead city and the extent of the devastation of the Herat oasis.

About the devastation caused by the Mongol invasion of Tokharistan and Khorasan, the same author reports, referring to the oral story he heard: "...from the limits of Balkh to the border of Damgaya during the year people ate human and dog and cat meat". Barns with grain were burned. There was no bread, no seed for sowing.

The restoration of Herat began only after the prescription of the Ogedei Kaan, who decided in 1236, to revive this city, taking into account the advice of his entourage – Persian merchants and tax farmers<sup>2</sup>.

In the Mongol era in Herat, the Kartov dynasty originated from the Gurids. Under the rule of Giyas ad-Din Pir-Ali, the last Kurdish ruler in 1381, Herat Amir Temur was captured<sup>3</sup>.

V. V. Bartold describes in detail and colorfully the capture of Herat by the troops of Amir Temur<sup>4</sup>, focusing the reader's attention on the negative sides of this siege. For example, "Temur at the very beginning of the siege promised the sanctity of life and property to anyone who remained in his house and would not take part in armed resistance. Under such conditions, nobody paid attention to the orders of Giyas ad-Din. He was advised to execute several people, as an example to others, but he preferred to surrender the city of Temur. Amir Temur left all the inhabitants alive, and appointed Giyas ad-Din to be the ruler of the city<sup>5</sup>.

In 1383, an uprising occurred in Herat and in order to curb separatist sentiment, Amir Timur punished the inhabitants of Herat, destroyed the inner and outer

<sup>1</sup> Masson.V.M., Romodin V.A. Istoriya Afganistana. – M.: Nauka, 1964. T. I. – S. 288 (Masson.V.M., Romodin V.A. The history of Afghanistan. – M.: Science, 1964. T. I. – P. 288).

<sup>2</sup> Petrushevskii I. P. Trudy Seifi kak istochnik po istorii Vostochnogo Horasana, «Trudy YuTAKE». T. V. 1955. – S. 130–162; to je, otd. ottisk. (Petrushevsky, I.P. Proceedings of the Safe, as a source on the history of Eastern Khorasan. "Proceedings of the Codex", V. 1955, pp. 130–162; the same otd. imprint).

<sup>3</sup> Bartol'd.V.V. Istoriko-geograficheskii obzor Irana. Sochineniya. – M.: Nauka, 1971. T. VII. – S. 23–196 (Bartold.V.V. Historical and geographical overview of Iran. – M.: Science, 1971. T. VII. – P. 23–196).

<sup>4</sup> Ibid. P. 72.

<sup>5</sup> Bartol'd.V.V. Istoriko-geograficheskii obzor Irana. Sochineniya. – M.: Nauka, 1971. T. VII. – S. 72 (Bartold.V.V. Historical and geographical overview of Iran. – M.: Science, 1971. T. VII. – P. 72).





walls of the city and imposed a large indemnity on the inhabitants. Unlike the Mongols, Amir Temur did not completely destroy the city.

The reason that Herat quickly recovered from the devastation and remained under Amir Temur and the Temurids capital of Khorasan was that the direct descendants of Amir Temur became the rulers of Herat and the whole of Khorasan. The ruler of Herat and the regions of Khorasan was for several years the son of Amir Temur Miranshah Mirza (1393–1498)<sup>1</sup>, and from 1397 another son of Shahrukh Mirza (1377–1447) was ruled after Hemir Temur died. In 1409, he began to rule the state of Amir Temur and Herat was the capital of his state. In 1415 Shahrukh Mirza restored the fortifications of Herat, destroyed by his father Amir Temur.

Of the other Temurids in Herat, Sultan Abu Sa'id lived in 1458–1469. and Sultan Hussein Mirza from 1469 to 1506. The Age of Temurids was the most brilliant period in the history of Herat. The names of Shahrukh Mirza and Sultan Hussein Mirza are still alive in the memory of the population; according to Ferier, these names are known to everyone, even in the poorest hut, and are never pronounced with respect.

Also a positive role in the development of Herat was played by the results of Amir Temur's campaigns in Khorezm and the victory over the Khan of the Golden Horde Tokhtamyshkhan, which contributed to the significant movement of trade routes from north to south and this increased the trade value of Herat, located on a busy road connecting east and west.

Sultan Husayn Mirza achieved great success in the field of culture. Outstanding poets of the East, Alisher Navoi and Abdurahman Jami, the brilliant miniaturist Kamoladdin Behzad, worked at his court, and Herat turned into one of the best cities of the East, decorated with architectural creations by architect Kawam ad-Din<sup>2</sup>.

The work of V. V. Bartold "Ulugbek and His Time" is among the works on the epoch of Amir Temur and Temurids, both in terms of volume and value. He is a monographic sketch of the life of a prominent scientist and ruler Ulugbek (1394–1449). The author is not limited only to information about the political and cultural history of the epoch of Ulugbek's rule in Maverannahr, but in the first two chapters he gives characteristics of the Chagatai state and the state of Amir Temur. In conclusion, he cites data on the nature of political life in Central Asia after the death of Mirzo Ulugbek.

In the state created by Amir Temur, V. V. Bartold saw a peculiar combination of Muslim and Turkic-Mongolian culture. According to the scientist, ultimately,

<sup>1</sup> Bartold V.V. Sochineniya. – M.: Nauka, 1964. T. II. Ch. 2. – S. 55 (Bartold V.V. Writings. – M.: Science, 1964. T. II. Part 2. – P. 55).

<sup>2</sup> Alisher Navoi / Sbornik. – M.-L., 1948; Velikii uzbekskii poet / Sbornik. Tashkent, 1948; Pugachenkova G.A. Iskusstvo Afganistana. – M., 1963. S. 73; Istoriya Uzbekistan. Epoha Amira Temura i Temuridov. Kollektivnaya monografiya. Otv. Red. E.V.Rtveladze, D.A.Alimova. – T.: Fan, 2017. – S. 88. (Alisher Navoi / Collection. – M.-L., 1948; Great Uzbek poet / Collection. Tashkent, 1948; Pugachenkova G.A. Art of Afghanistan. – M., 1963. – S. 73; History of Uzbekistan. Era of Amir Temur and Temurids. Collective monograph. Ed. E.V.Rtveladze, D.A.Alimova. – T.: Fan, 2017. – P.88.)



Muslim culture subjugated the culture of the nomads, but in Central Asia this process was much slower than in Iran, and met more opposition.

V. V. Bartold was interested in the interaction of two cultural-historical factors: the Turkic-Mongolian statehood, on the one hand, and the Muslim, mainly Persian culture, on the other.

In the work "Ulugbek and his time" contains a lot of facts about the history of Iran. An example of the reign of Miranshah, who was born in 1366, who in 1380, at the age of 14, took part in the campaign against Khorasan and was then appointed ruler of this region<sup>1</sup>. We find some information about the rule of Shahruh Mirza in Herat<sup>2</sup>. From this study, we learn that Herat becomes the center of diplomatic relations between Khorasan and Maverannahr with China interrupted during the rule of Amir Temur<sup>3</sup>. We also see a comparative analysis of the scientist, life at the court of Ulugbek and Shahrukh. Shahrukh Mirza, according to V. V. Bartold, was more committed to Muslim traditions than Ulugbek. In Herat, Shahruh Mirza strictly observed that the forbidden religions would not be used: wine, debauchery, feasts with music and singing, which at that time were widely held in Samarkand, where women of the palace participated along with men<sup>4</sup>. We also learn that at the head of the civil administration in Herat for almost the same length of time (from 1417, with a short break, until the end of the reign of Shahruh) stood Giyas ad Din Pir-Ahmed Khavafiz<sup>5</sup>. In one way or another, we can learn from the author "Ulugbek and his time" that Herat was at that time the political and cultural center of Khorasan and partially Maverannahr.

The work of V. V. Bartold "Mir Ali Shir<sup>6</sup> and his Political Life" is a continuation of a critical analysis of the history of Central Asia in the era of the

<sup>1</sup> Bartol'd V.V. Ulugbek i ego vremya. Ulusnye emiry. Carstvovanie Timura Sochineniya. – M.: Nauka, 1964. T. II. Ch. 2. – S. 55 (Bartold V.V. Ulugbek and his time. Ulus emirs. The reign of Timur Essays. – M.: Science, 1964. T. II. Part 2. – P. 55).

<sup>2</sup> Ibid. – P. 56.

<sup>3</sup> Bartol'd V.V. Ulugbek i ego vremya. Ulusnye emiry. Carstvovanie Timura Sochineniya. – M.: Nauka, 1964. T. II. Ch. 2. – S. 117–119; Istoriya Uzbekistan. Epoha Amira Temura i Temuridov. Kollektivnaya monografiya. Otv. Red. E.V.Rtveladze, D.A.Alimova. – T.: Fan, 2017. – S. 137–144; Rtveladze E.V. Kitaiskie posol'stva ko dvoru Amira Temura i Temuridov // ONU. 1996. № 7–10. – S. 55; Karimova N.E. Vzaimootnosheniya narodov Central'noi Azii i Kitaya V XIV–XVII vv.: Avtoreferat. – T., 2006. – S. 25; Iz istorii Srednei Azii i Vostochnogo Turkestana XIV–XVI vv. – T.: Fan, 1987. – S. 45. (Bartold V.V. Ulugbek and his time. Ulus emirs. The reign of Timur Essays. – M.: Science, 1964. T. II. Part 2. – Pp. 117–119; History of Uzbekistan. Era of Amir Temur and Temurids. Collective monograph. Ed. Ed. E.V.Rtveladze, D.A.Alimova. – T.: Fan, 2017. – P. 137–144; Rtveladze E.V. Chinese embassies to the court of Amir Temur and Temurids // ONU. 1996. № 7–10. – S. 55; Karimov, N.E. Relations between the peoples of Central Asia and China In the XIV – XVII centuries: Abstract. – T., 2006. – P. 25; From the history of Central Asia and East Turkestan of the XIV–XVI centuries. – T.: Fan, 1987. – P. 45).

<sup>4</sup> Bartol'd V.V. Ulugbek i ego vremya. Ulusnye emiry. Carstvovanie Timura Sochineniya. – M.: Nauka, 1964. T. II. Ch. 2. – S. 121 ( Bartold V.V. Ulugbek and his time. Ulus emirs. The reign of Timur Essays. – M.: Science, 1964. T. II. Part 2. – P. 121).

<sup>5</sup> Ibid. – P. 97.

<sup>6</sup> The writing of the name "Alisher Navoi" now accepted in world literature in Uzbekistan was established only in 1938 by the jubilee committee on holding the 500th anniversary of the poet's birth.



rule of the Temurids. It was written in connection with the fifth centenary of Alisher Navoi's birth in 1926 according to the lunar calendar. Still in the conclusion of "Ulugbek", V. V. Bartold noted that the center of cultural life has moved to Herat, the capital of the state Sultan-Hussein Mirza.

As we wrote above, the main reason for the rapid development of Herat was his adherence to the state of Amir Temur. In the second chapter of this book, we see that after Herat joined Temuri Power and the appointment of Amir Temur's children and grandchildren in his administration, Herat's role in political and cultural life strengthens, this fact is confirmed by written sources of that time. The special dawn of Herat occurred during the reign of Shahrukh Mirza and Sultan Hussein Mirza. The scientist believed that the disintegration of the Temuri state had a positive role in the development of Herat culture. Also, in the last three chapters of "Mir Ali Shir and his Political Life"<sup>1</sup> we find information about political and cultural life during the reign of Sultan Hussein Mirza.

### **Concluding Remarks**

In conclusion, we can say that V. V. Bartold, for his time, was influenced by the Russian-imperial colonialist views, and then by the Marxist-Leninist ideology. It can be traced that after the October coup in Russia and the national territorial demarcation in Central Asia, there was a political necessity for many of his publications concerning the history of the small peoples of the USSR. His last works bore the imprint of time and were prepared by the order of the Bolshevik government. His writings were mostly of a certain tendentious, nihilistic, and clearly Pan-Iranian nature. In our opinion, this is primarily due to the large number of written sources of the time, which the scientist studied, created mainly in the Persian language. The study of the scientist can be used by modern scientists and students in the study of the history of Iran and Central Asia only with a critical approach. Since in the last years of independence of the Republic of Uzbekistan on the basis of new methodological approaches, the national historiography of the history of the era of Amir Temur and the Temurids has been greatly enriched, serious new fundamental research has emerged related to the era of the rule of Amir Temur and the Temurids.

This valuable information available in the works of V. V. Bartold was used by his followers I. P. Petrushevsky, A. A. Semenov, A. Y. Temur and Temurids in particular, D. A. Alimova, B. A. Akhmedov, O. Buriev, etc.

---

<sup>1</sup> Bartol'd.V.V. Mir Ali Sher. Sochineniya. – M.: Nauka, 1964. T. II. Ch. 2. – S. 228, 260 (Bartold.V.V. Mir Ali Sher. Writings. – M.: Science, 1964. T. II. Part 2. – S. 228–260).



АЛИМОВА РАҲИМА

Тарих фанлари номзоди, ТошДШИ

## Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарида Фарғона водийсининг тарихий географияси

**Аннотация.** Мазкур мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асаридаги Фарғона водийсининг тарихий географиясига, хусусан топонимикаси, ҳудуднинг тавсифи, иқлими, гидрографияси, шаҳарлари, қасабаларига оид маълумотлар таҳлил қилинган.

**Таянч сўз ва иборалар:** топоним, этноним, кент, иқлим, маъмура (одамлар яшайдиган обод жойлар), қасаба, “йигоч” (масофа ўлчов бирлиги), Сайхун суви, Андижон руди (ариги).

**Аннотация.** Статья посвящена анализу сведений, касающихся исторической географии, в том числе топонимики, характеристики местности, климата, гидрографии, городов, населённых пунктов Ферганской долины на основе сочинения “Бабурнаме” Захириддина Мухаммада Бабур.

**Опорные слова и выражения:** топоним, этноним, кент, климат, населённый пункт, район, «йигач» (мера измерения расстояния), река Сайхун, руд (арик) Андижан.

**Abstract.** This article deals with the analysis of information referring to historical geography as well as the toponymy, characterization of locality, climate, hydrography, cities and habitant places in Fergana on the composition “Baburnoma” by Z. M. Bobur.

**Keywords and expressions:** toponymy, ethnonyme, kent, climate, hydrography, prosperous places, region, yigoch (measuring of distances), Sayxun river, Andijan rud (irrigation ditch).

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари Ўрта Осиё, Афғонистон, Ҳиндистон ва Эрон халқлари тарихи, географияси, этнографияси бўйича қимматли маълумотларга эга ўзбек классик адабиётининг дурдоналаридандир. Асарда Ўрта Осиёдаги топонимлар, этнонимларга оид маълумотлар тарихий воқеаларнинг қайси жойга, қайси этносга тегишли эканлигини аниқлашга ёрдам беради.

Бобур ёшлигидан саёхатга чиқишни, яёв юриб сайр қилишни, овга чиқишни яхши кўрган. Булар ҳақида “Бобурнома”да шундай маълумотлар учрайди. “Даҳкат – Ўратепанинг кўхпоя кентларидиндур, улуғ тоғнинг тубида тушибтур... Даҳкатда эканда Даҳкатнинг гирд ва навоҳисидаги тоғларни ҳамиша яёқ юриб, сайр килур эдим. Аксари яланг оёқ юрур эдим. Яланг оёқ кўп юргандин оёқларим андоқ бўлуб эдиким, тоғ ва тош тафовут қилмас эди”<sup>1</sup>. Кейинчалик у Фарғонадан Бухорогача, Тошкентдан Ҳисор ва Ҳиротгача бўлган барча шаҳар ва кишлоқларда бўлган, чўлу даштларни, тоғу тошларни айланиб чиққан, дарё ва шўх сойларни кечган.

Саёхатлари давомида шаҳар, кишлоқ, қасабаларнинг номлари, унинг табиати, иқлими, сувлари, тоғлари, кенгликлари, йўллари, аҳолиси, хайвонот

<sup>1</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989. – Б. 87.



дунёси билан яқиндан танишган. Шунинг учун “Бобурнома”да кўрган жойларининг географик қиёфасини батафсил таърифлай билган.

“Бобурнома”да Ўрта Осиёнинг жуда бой тарихий-топонимик жой номлари ва географик атамалар тўғрисида маълумотлар мавжуд. Хусусан, Фарғона вилоятининг географик ўрни таснифига бағишланган ўринда “Фарғона вилояти бешинчи иқлимдиндур. Маъмураининг канорасида воқеъ бўлубтур. Шарқи Кошғар, ғарби Самарқанд, жунуби Бадахшоннинг сарҳади тоғлар, шимолида агарчи бурун шаҳрлар бор экандур, мисли: Олмолиқ ва Олмоту ва Янги ким, кутубларда Тарозкент битирлар, мўғул ва ўзбек жиҳатдин бу тарихда бузулубтур, асло маъмура қолмабдур. Мухтасар вилояттур, ошлиқ ва меваси фаровон”, деб таъриф берган<sup>1</sup>. Демак, юқорида Фарғона вилояти бешинчи иқлимда жойлашганлиги эътироф қилинди. “Иқлим” сўзи аслида юнонча “клима” сўзидан олинган бўлиб, “ер юзасининг куёш нурларига нисбатан қиялиги” деган маънони англатади. Шундай қия жойлашганлиги сабабли ер юзининг турли жойлари турлича исийди, натижада табиати ҳар хил бўлади<sup>2</sup>. Шарқ мамлакатларида дунёнинг етти қисмга, яъни иқлимга бўлиниши манбаларда тилга олинади. Дунёнинг етти иқлими ғарбдан шарққа қараб, горизонтал равишда паралеллар бўйлаб чўзилган турли географик зоналардан иборат. Бешинчи иқлимга эса Шимолий Испания, Шимолий Рум, Армания, Дарбанд, Каспий денгизи, Хоразм, Бухоро, Суғд, Шош, Фарғона, Исфижоб ва Кошғар кирган. “Бобурнома”да “маъмура” сўзи ишлатилади. Аслида “етти иқлим” ичидаги одамлар яшайдиган обод жойлар “маъмура” деб аталган. Зеро, Фарғона одамлар яшашлари учун ҳар томонлама жуда қулай ва сероб жой бўлган.

“Бобурнома”да Фарғонанинг қасабалари, унинг табиати, боғлари, мевалари, полизлари, токзорлари, дарёлари тўғрисида қуйидаги маълумотлар берилган: “Етти пора қасабаси бор; беши Сайхун суйининг жануб тарафида, икки шимоли жонибида, Жанубий тарафидаги қасабалар бир Андижондурким, васатта воқе бўлубтур, Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яхши бўлур... Андижоннинг ношпотисидан яхшироқ ношпоти бўлмас. Мовароуннаҳрда Самарқанд ва Кеш кўрғонидин сўнгра мундин улўғроқ кўрғон йўқтур”<sup>3</sup>.

Бобурнинг география қонуниятлари тўғрисида ёзар экан, Ҳ. Ҳасанов Бобур географиясининг баъзи хусусиятларини қуйидагича келтириб ўтади. Бобур ҳар бир территорияни маълум бир тартибда тасвирлаган. Аввало, жойнинг географик ўрнини кўрсатган, сўнгра иқлими ва қишлоқ хўжалиги, ўсимликлари, қазилма бойликлари, ҳайвоноти ва аҳолисини таърифлаган. Кейин туманларига таъриф берган, энг охирида қисқача яқун ясаган. Бу чизма жойларнинг хусусиятига қараб баъзан ўзгарган. Лекин ҳар гал ўзига хос шу хусусиятлар уқтириб ўтилган<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989. – Б. 5.

<sup>2</sup> Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Т.: Ўзбекистон, 1981. – Б. 84.

<sup>3</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1989. – Б. 5–6.

<sup>4</sup> Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Б. 195.



“Бобурнома”да Фарғона водийсининг қасабаларидаги оралиқ масофалари, об-ҳавоси, сувлари, тоғлари, қазилма бойликларига алоҳида эътибор қилинган. Масалан, Ўш қасабаси тўғрисида “Андижоннинг шарқи жанубий тарафидур, шарққа мойил, Андижондин тўрт йиғоч йўлдур. Ҳавоси хўб ва оқар суйи фаровондур. Баҳори бисёр яхши бўлур. Ўшнинг фазилатида хейли аходис ворид бўлубтур. Қўрғоннинг шарқи жанубий бир мавзуи тоғ тушубтур... Андижон руди Ўшнинг маҳаллотининг ичи била ўтуб, Андижонга борур. Бу руднинг ҳар икки жониби боғот тушубтур, тамом боғлари рудка мушрифтур, бинафшаси бисёр латиф бўлур. Оқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши бўлур, қалин лола ва гуллар очилур... Тоғ тарафидин бир улуғ шахжўй оқар... Умаршайх мирзонинг охир замонларида қизил била оқ мавжлиқ тош ушбу тоғда пайдо бўлди: пичоқ дастаси ва такбанд ва баъзи нималар килурлар, хейли яхши тошдур. Фарғона вилоятида сафо ва ҳавода Ўш чоғлиқ қасаба йўктур”<sup>1</sup>. Кўриниб турибдики, асарда шахар ва қасаба ўртасидаги масофа тўғрисида ёзиб, Ўш Андижондан “тўрт йиғоч йўлдур” деб бериб ўтади. Демак, Бобур замонида масофа узунлик ўлчови сифатида “йиғоч” ўлчов бирлиги қўлланган. “Йиғоч” ўлчов бирлиги “фарсах”га тўғри келади. Йўл ўлчов бирлиги фарсах фарсанг, санг, тош ва йиғоч тарзида ҳам қўлланилган. Бу ўлчов бирлиги 12 000 кадамга тўғри келади. Илмий адабиётлардаги маълумотларга кўра, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона, Хоразмда бир фарсах 8 верст, ёки 8,5 кмга тенглаштирилган. Шуни эслатиб ўтиш жоизки, бу ўлчов бирлиги ҳамма жойда бир хил бўлган эмас, баъзан калта, баъзан ундан узунроқ бўлган бўлиши мумкин. Масалан, Бобурномада Бухоро билан Самарқанд ўртасидаги масофа 25 йиғоч деб келтирилади, ваҳоланки, бу ерда йиғочнинг ўлчови каттароқдир<sup>2</sup>.

Асарда жуда кўп географик жойларнинг таърифига эътибор қилинган. Жумладан, Исфара, Хўжанд, Канибодом, Аҳси, Косон ва бошқа қасабалар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Хусусан, Марғилон таърифида унинг жойлашган ўрни, анори ва ўриклари тўғрисида қуйидагича ёзади. “...Марғинон... Андижоннинг ғарбидадур. Андижондин етти йиғоч йўлдур. Яхши қасаба воқе бўлубтур, пур неъмат; анори ва ўруги асру хўб бўлур. Бир жинс анор бўлур, “дона калон” дерлар, чучуклигида зардолу майхушлиғидин андак чошни бор. Семнон анорлариға таржеҳ қилса бўлур. Яна бир жинс ўрук бўлурким, донасини олиб ичига мағз солиб қурутурлар, “субхоний” дерлар, бисёр лазиздур. Ови куши яхшидур, оқ кийик ёвукта бўлур.

Асарда Исфарадаги боғлар ва у ернинг аҳолисига берилган таъриф диққатга сазовордир. Масалан, “Исфара... кўхпояда воқе бўлубтур. Оқар сувлари, сафолиқ боғчалари бор. Марғиноннинг ғарби жанубидадур. Марғинон

<sup>1</sup> Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. – Б. 6.

<sup>2</sup> Хинц В. Мусульманские меры и веса с переводом в метрическую систему. – М.: Наука, 1970. – С.72; Е. А. Давидович. Материалы по метрологии средневековой Средней Азии. – М.: Наука, 1970. – С. 120.





била Исфара ораси тўккуз йиғоч йўлдур. Мусмир дарахтиси бисёрдур, вале боғчаларида аксар бодом дарахтидур. Эли тамом сорт ва кўхийдур.

Исфара вилояти тўрт бўлук кўхпоядур: Исфара, яна бир Ворух, яна бир Сўх, яна бир Хушёр”.

Муаллиф замонида Хўжанд ҳам тарихий аҳамиятга эга шаҳарча бўлиб, унинг географияси, топонимикаси, боғлари, сувлари, тоғлари, қимматбаҳо тошлари, хайвонот дунёси тўғрисида қуйидагиларни баён қилади. “Яна бир Хўжанддур. Андижондин ғарб сориға йигирма беш йиғоч йўлдур. Хўжанддин Самарқанд ҳам йигирма беш йиғоч йўлдур, қадим шаҳарлардиндур.

Меваси фаровон ва бисёр яхши бўлур. Анори яхшилиққа машҳурдур. Нечукким, “себи Самарқанд” дерлар ва “анори Хўжанд” дерлар. Вале бу тарихда Марғинон анори кўп ортукдур.

Кўрғони баланд ерда воқе бўлубтур. Сайхун суйи шимол жонибидин оқар. Кўрғондин дарё бир ўқ отими бўлғай. Кўрғон била дарёнинг шимол тарафида бир тоғ тушубтур. Мунуғул отлик, дерларким, бу тоғда фируза кони ва баъзи конлар топилур. Бу тоғда бисёр йилон бор.

Хўжанднинг овлоғи ва қушлоғи бисёр яхшидур. Оқ кийик, буғу-марал, кирғовул ва товушқони кўп бўлур”<sup>1</sup>.

Захириддин Муҳаммад Бобур асарда Канибодом қасабасининг географик жойлашган жойи, етиштириладиган меваларини бошқа мамлакатларга олиб бориб сотишлари тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. Масалан, “...Кандибодом... Агарчи қасаба эмас, яхшигина қасабачадур. Бодоми яхши бўлур. Бу жиҳатдин бу исмға мавсумдур. Хурмуз ва Ҳиндистонға тамом мунинг бодоми борур. Хўжанддин беш-олти йиғоч шарқ тарафидадур”<sup>2</sup>. Асарда жойларнинг табиий шароити, об-ҳавосига ҳам эътибор қилинган. Масалан, “Хўжанд била Кандибодом орасида бир дашт тушубтур. Ҳодарвешга мавсумдур. Ҳамиша бу даштта ел борур. Марғинонғаким, шаркидур, ҳамиша мундин ел борур. Хўжандғаким ғарбидур, дойим мундин ел келур: тунд еллари бор”.

Аҳси қасабаси тўғрисида ёзилган қуйидаги маълумотларга диққатимизни қаратамиз. “Сайхун суйининг шимоли тарафидағи қасабалар: бир Ахсидур”<sup>3</sup>. Китобларда Ахсикат битирлар. Фарғонада, Андижондин сўнгра мундин улуғроқ қасаба йўктур. Андижондин ғарб сори тўкқиз йиғоч йўлдур. Умаршайх мирзо мунди пойтахт қилиб эди, Сайхун дарёси кўрғонининг остидан оқар. Кўрғони баланд жар устида воқе бўлубтур. Хандакиннинг ўрнига амийк

<sup>1</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Б. 7.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б. 7.

<sup>3</sup> Ҳатто X–XII асрда яшаган ўрта аср муаллифларининг географик асарларида ҳам Фарғонага қарашли шаҳарлар – Аҳси, Кува, Ўш, Ўзганд, Кува каби шаҳарлари тўғрисида қимматли маълумотлар берилган. Жумладан, Ибн Ҳавқалнинг “Китоб сурат ал-ард” (“Ернинг сурати китоби”) асарида Фарғона водийси тарихий географияси тўғрисида ёзар экан, Аҳсининг аш-Шош дарёсининг бўйида, текисликдаги шаҳар эканлиги, дарёдан шимолда жойлашганлигини эътироф қилган. Ибн Ҳавқал. Китаб сурат ал-ард. Мовароуннаҳр. Араб тилидан таржима ва изохлар муаллифи, т.ф.д., профессор Ш. С. Камолитдин. – Т., 2011.



жарлардур. Умаршайх мирзоким, муни пойтахт қилди, бир-икки мартаба ташқарроқдин яна жарлар солди. Фарғонада мунча берк қўрғон йўқтур... Қовуни яхши бўлур. Бир навъ қовундирким, “Мир Темурий” дерлар, андок қовун маълум эмаским оламда бўлғай. Бухоро қовуни машҳурдур. Самарқандни олғон маҳалда Ахсидин, Бухородин қовун келтуруб бир мажлисда кестурдум, Ахси қовунининг ҳеч нисбати йўқ эрди<sup>1</sup>.

“Бобурнома”да қиёсий усул кўп қўлланилган: турли жойлар иқлими, паст-баландлиги, аҳолиси ва бошқа хусусиятлари жиҳатдан таққосланган. Қуйида келтириладиган мисол фикримизнинг далилидир. Бобур Ўш билан Косон (ҳозирги Косонсой) каби икки баланд жойни таққослаб: “Нечукким Андижон суйи Ўшдин келур, Ахси суйи Косондин келур... Сафо ва ҳавода Ўш биля Косон элининг таассуби (ўхшашлиги) бор”<sup>2</sup> деб ёзган. Самарқанд шаҳрини Кобул билан таққослаган: бизнинг ўлкаларда “Ғазни ва Хоразм совуқлиқ биля машҳурдир, нечукким, Ироқайн ва Озарбайжонда Султония билан Табриз совуқлиқ биля шуҳрати бор”. Дарҳақиқат, қишда Хоразм Ўзбекистоннинг энг совуқ ҳудуди ҳисобланади. Ғазни ҳам теварак-атрофи очик, яланг ерда жойлашган. Султония Эроннинг шимолидаги, тоғ этагидаги шаҳар бўлиб, денгиз сатҳидан 1800 м баландда жойлашган; киши жуда совуқ ва ёзи салқиндир. Ўлка ва малакатларнинг аҳолиси ҳам таққосланиб, улар хусусида ажойиб маълумотлар берилган<sup>3</sup>.

Бобур иқлим ва метрологик ҳодисалар билан жуда қизиққан, ўзи борган ҳар бир мамлакатнинг қайси иқлимга мансублигини айтган. Бобур ўқимишли киши бўлганлигидан бу горизонтал зоналикдан хабардор бўлган.

Фарғона водийси ҳамма томондан тоғлар билан ўралганлиги, фақат ғарб тарафида тоғ йўқлиги сабабли, совуқ иқлим ғарбдан кириб келиши ҳикоя қилинган. Масалан, “Фарғона водийсининг “Гирдогирди тоғ воқе бўлубтур. Ғарбий тарафидаким, Самарқанд ва Хўжанд бўлғай, тоғ йўқтур. Ушбу жанибтин ўзга ҳеч жонибтин қиш ёғий кела олмас”<sup>4</sup>.

Демак, Бобурга ҳаво оқимларининг ғарбдан шарққа қараб эсиши ҳам маълум бўлган. “Бобурнома”да тоғ ва довларни қор босиши ҳақида бир неча марта айтиб ўтилган.

“Бобурнома”да гидрографияга – дарё ва кўлларга оид маълумотлар ҳам кўп. Дарёларнинг чуқурлиги, музлаши, оқим режими, неча тегирмон сув оқиши, сув манбалари асарда батафсил таърифланган. Фарғона вилоятининг ичидан оқиб ўтадиган Сайхун дарёси, Хўжанд суйи, Андижон суйи, Ахси суйи иборалари кўп ишлатилган.

Асарда тарихий воқеалар тўғрисида келтирилган хабарлар орасида келтирилган географик жойларнинг номлари, уларнинг жойлашган ўрни, унга

<sup>1</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Б. 6–8.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б. 8.

<sup>3</sup> Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Б. 196.

<sup>4</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Б. 5.



туташ худудлар санаб ўтилганки, тарихий жараёнларнинг қаерда содир бўлаётганлиги ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўласиз. Хусусан, фикримизнинг далили сифатида 1502–1503 йиллардаги воқеаларни таърифлар экан, “Бу айёмда атроф ва жавонибни неча қатла черик бориб чоптилар. Бир навбат Ахсининг кентларини чоптилар. Яна бир қатла бориб Косонни чоптилар... Ахсининг берк кўрғонларидан бири Поп кўрғонидур... Ахсининг юқориғи кенгларининг тўғрисида дарёни ўтуб бориб, Поп кўрғониға кирдилар”<sup>1</sup>.

“Бобурнома” муҳим терминологик манба бўлиб, унда сўз ва номларга катта эътибор қаратилган. Асарда Ўрта Осиё халқлари ишлатган географик атамалар кўп учрайди. Ҳ. Ҳасанов “Бобурнома”да ишлатилган куйидаги атамаларни таъкидлайди: “гузар – кечик, дарёдан ўтадиган жой; жилға – кичик сой, дарёча; найшакар – шакарқамиш; пушта – тепа, баландлик, қир; танги – дара, тоғ оралиғидаги йўл, чуқур дарё водийси; учма – чуқур жар ёқаси, тик ёнбағир, овринг; ўланг – ўтлоқ ер, кенг майдон; чоқар – тошкўрғон; яёлоқ – яйлов, кенг дала”<sup>2</sup>.

Бобурнинг ўз ўлкаси географиясини ёритишдаги хизматлари бениҳоя каттадир. “Бобурнома”га асосланиб, Фарғона вилоятининг схематик картаси тузилган. Картада Фарғона вилоятининг гир атрофи тоғлар билан ўралган, ўртасида Сирдарё (Сайхун, Хўжанд суйи) оқиб ўтиши, вилоятда 7 та йирик шаҳар бўлганлиги, бештаси Сайхун сувининг жануб томонида, иккитаси эса шимоли жануб томонида жойлашганлиги кўрсатилади<sup>3</sup>.

Ахси қасабалар тўғрисида ёзаркан муаллиф, унинг ови қуши бисёр яхши бўлур. Сайхун дарёсининг Ахси тарафи дашттур. Оқ кийиги бисёр бўлур. Андижон тарафи жангалдур. Буғу-марал, қирғовул ва товушқони кўп топи-лур, асру семиз бўлур, дейди.

Шунингдек, йирик шаҳарларнинг топографияси айtilган, шифобахш жойлар тасвирланган, мамлакатдан чет элга чиқариладиган ва келтириладиган моллар бирма-бир санаб берилган. Ўрта Осиё вилоятларида, жумладан, Фарғона водийсига қарашли ерларда етиштириладиган маҳсулотларнинг Эрон, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатларга чиқарилиши хусусида фикрлар мавжуд. Канибодомнинг бодоми тўғрисидаги таърифда “Бодоми яхши бўлур. Бу жиҳатдин бу исмға мавсумдур. Ҳурмуз ва Ҳиндистонға тамом мунинг бодоми борур”, дейилган<sup>4</sup>. “Бобурнома”да карвон йўллари, хусусан, Хитой билан бўладиган савдо муносабатлари Фарғона орқали олиб борилганлиги ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Масалан, “Кошғар ва Фарғона ва Туркистон ва Самарқанд ва Бухоро ва Балх ва Ҳисор ва Бадахшондин корвон Кобулға келурлар. Хуросондин корвон Қандаҳорга келур. Ҳиндустон била Хуросонға восита бу вилояттур. Бисёр яхши савдо-

<sup>1</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобуронома. – Б. 99.

<sup>2</sup> Ҳасанов Ҳ. Сайёҳ олимлар. – Б. 203.

<sup>3</sup> Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобуронома. – Б. 5–11.

<sup>4</sup> Ўша манба. – Б. 7.



хонадур”<sup>1</sup>. Демак, Фарғона ва Андижон Буюк Ипак йўли устида жойлашган бўлиб, Ўрта Осиё шаҳарлари орасида алоҳида эътиборга молик бўлган.

“Бобурнома”да фасллар ҳам эътибордан четда қолмаган, киш кунлари тоғ ва доvonларни қор босиши ҳақида бир неча марта айтиб ўтилган. Бир мисол. “Хитой қарвони келадурганда, Андижоннинг шарқий тарафидаги тоғларнинг тубида минг ўйлик қарвонни андоғ қор бости...”<sup>2</sup>.

Хулоса қилиб айтидиган бўлсак, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари Фарғона водийсининг тарихий географияси, жой номлари, икклими, табиати, деҳқончилиги, боғлари, тоғлари, қазилма бойликлари бўйича муҳим маълумотлар бера оладиган нодир ва қимматли манба сифатида катта аҳамиятга эгадир.

### ДЖУМАНИЯЗОВА ФЕРУЗА

PhD, ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти

#### Илк ўрта асрларда Зобулистондаги туркий сулола хусусида

**Аннотация.** Ушбу мақолада VII асрнинг охириги чорагидан то IX асрнинг сўнгги чорагига қадар ҳукм сурган Кобул Тегиншоҳларининг бир тармоғи сифатида Зобулистонда фаолият кўрсатган туркий Рутбиллар сулоласи ҳақида сўз боради.

**Таянч сўз ва иборалар:** Зобулистон, Рутбиллар, элтабар, Биринчи ва Иккинчи Рутбил, Цао, ар-Руххаж, Арахосия.

**Аннотация.** В данной статье рассмотрен вопрос о династии тюркских Рутбилей Забулистана, которые существовали с конца VII века до последней четверти IX века, являясь одной из ветвей Кабульских Тегиншахов. Отражены сведения из источников на разных языках о возникновении и развитии данной династии.

**Опорные слова и выражения:** Забулистан, Рутбили, элтабар, Первый и Второй Рутбил, Цао, ар-Руххаж, Арахосия.

**Abstract.** This article deals with dynasty of the Turkic Rutbils of Zabulistan, which existed from the ends of the 7th century to the last quarter of the 9th century as one of the branches of the Kabul Teginshakhs. There is reflected information from sources in different languages about the emergence and development of this dynasty.

**Keywords and expressions:** Zabulistan, Rutbils, Eltabar, the First and the Second Rutbil, Cao, ar-Ruhhazh, Arakhosia.

Зобулистон ҳозирги Афғонистонда жойлашган тарихий вилоят саналади. Зобулистон антик даврда грек манбаларида Арахосия деб аталган худуднинг бир бўлаги эди<sup>3</sup>. Зобулистон номи Фирдавсийнинг “Шохнома” асарида кўш-ни Кобулистон номи билан кўпинча ёнма-ён зикр этилади<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобуронома. – Б. 117.

<sup>2</sup> Ўша манба. – Б. 10.

<sup>3</sup> <http://en.wikipedia.org/w/index.php?title=Special:UserLogin&returnto=Zabulistan>.

<sup>4</sup> Фирдоуси. Шахнаме. Т.6. От начала царствования Йездгерда, сына Бахрама Гура. Том VI. Перевод Ц.Б. Бану-Лахути и В.Г. Берзнева. – М.: Наука, 1989. – С. 14–15.



Илк ўрта асрлардаги Зобулистон тарихи ҳақида маълумот берувчи илк манба Сюан Цзаннинг “Да Тан Сиюй цзи” саёҳатномаси ҳисобланади. Унда ушбу тарихий вилоят ҳақида қуйидагича маълумотлар келтирилган: “Цао-цзюй-то мамлакатининг айланаси етти минг ли. Пойтахти Хэ-си-на деб аталади, унинг айланаси 30 ли. Бошқа бир пойтахти Хэ-са-ло<sup>1</sup>, айланаси 30 ли. Бу иккала пойтахт ҳам бирдек стратегик мудофаа қобилиятига эга”<sup>2</sup>. Хитой манбаларида ушбу мамлакат Цао, Цао-цзюй-то, Се-юй, Хэ-да-ло-жи, санскрит манбаларида Жагуда<sup>3</sup>, араб манбаларида Зобулистон ва ар-Руххаж, юнон манбаларида Арахосия номлари билан тилга олинган.

Маълумки, Сюан Цзан Зобулистон худудига Ҳиндистондан Хитойга қайтиш сафари асносида кириб ўтган. Бу воқеа тахминан 640/645 йилларга тўғри келади. Унинг ташрифи чоғида Зобулистонда ҳали турклар ва туркий сулола бошқаруви ёйилмаган эди, шунинг учун худудда улар ҳақида маълумот учрамайди. Бирок, роҳиб ушбу мамлакатдан чиқиб, тўғри Фу-ли-ши-са-танна (Кобул) мамлакатига кирган ва у ернинг ҳукмдори турклардан эканлигини ёзган. Шунга кўра, 640 йилларда турклар бошқаруви энди Кобулда ўрнатилган ва ҳали Зобулистонда улар билинмас эди, деб хулоса қилиш мумкин.

Жумладан, “Цин Тан шу”да ёзилишича: “Се-юй Тохаристондан жануби-гарбда жойлашган. Аслида Цаоцзюйдо ёки Цаоцзюй деб аталади... Шарқда Каширғача ва шимоли-шарқда Фаньян (Бомийён)гача 400 лидан. Жанубда Поломен (Ҳиндистон)<sup>4</sup>, гарбда Форс, шимолда Хушицзян<sup>5</sup> билан чегарадош. Ҳукмдор Хэсина шаҳрида яшайди<sup>6</sup>” деган маълумот учрайди. Хэсина шаҳри Ғазна ёки Ғазна атрофидаги қадимги Забал шаҳри билан тенглаштирилади<sup>7</sup>.

Манбаларда Зобулистонда турклар бошқаруви хусусидаги маълумотлар Кобул Тегиншоҳларига караганда бирмунча кўпроқ ва аниқроқ. Бунинг икки хил сабаби бор: биринчидан, арабларнинг Зобулистон, ар-Руххаж, Буст, Заминдаворга ҳарбий юришлари натижасида араб-форс манбалари (Табарий, Балазурий асарлари ҳамда “Тарихи Сейистон” асари ва бошқалар)да ушбу худуднинг тарихига оид кўплаб маълумотлар акс этган. Иккинчидан, 822 йилда Кобул Тегиншоҳлари давлати Лағатўрманнинг вазири Каллар томонидан тугатилгач<sup>8</sup>, унинг Зобулистондаги тармоғи яна ярим асрга яқин

<sup>1</sup> Тадқиқотчилар уни Хилманд дарёсининг қуйи оқимида жойлашган Гузаристон эканлигини билдирадilar. Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии. Тексты и исследования. – Новосибирск: Наука. Сиб.отд-ние, 1989. – С. 239.

<sup>2</sup> Александрова Н. В. Путь и текст: китайские паломники в Индии. – М.: Вост. лит, 2008. – С. 235.

<sup>3</sup> Жагуда эфгалийлар даврида ҳозирги Шимолий Афғонистоннинг Кобул ва Кандаҳор орасидаги худуднинг номидир. У Кобулдан 150 км жанубида жойлашган.

<sup>4</sup> Малявкин А.Г. Танские хроники о государства... – С. 254.

<sup>5</sup> Ғузгон ёки Ғузганон вилоятидир. Малявкин А.Г. Танские хроники о государства... – С. 255.

<sup>6</sup> Малявкин А.Г. Танские хроники о государства... – С. 76.

<sup>7</sup> Александрова Н.В. Путь и текст... – С. 300.

<sup>8</sup> Rehman A. New lights on the Khingal, Turks and the Hindu Sahis // Afghanistan ancien carrefour entre l’est et l’ouest. 2005. – P. 417.





ўз хукмронлигини давом эттирган. Араб манбаларидаги маълумотларга кўра, 680 йилда Кобул водийсида тахт учун курашлар авж олган пайтда, бир шахзоданинг Кобулдан жануброқда жойлашган Зобулистонга қочгани ва арабларнинг ёрдамидан фойдаланиб, акасидан мустақил бўлган ҳокимиятга эга бўлгани айтилади<sup>1</sup>. Бироқ америкалик тадқиқотчи А. Уинк фикрича, Туркшохийлар сифатида маълум бўлган Кобулшоҳларга қариндош бўлган Рутбиллар бироз олдинроқ 643–870 йилларда хукмронлик қилган<sup>2</sup>. Хуллас, юқоридаги воқеа Кобул Тегиншоҳларидан бўлган шахзоданинг Зобулистонда мустақил ҳокимият ташкил этишига олиб келган. Демак, Зобулистонда VII асрнинг сўнгги чорагида туркий сулола бошқаруви ўрнатилган. Бундан кўринадики, Зобулистоннинг туркий хукмдорлари Кобул Тегиншоҳларининг аждоди бўлган. Манбалардаги маълумотлар Зобулистон Рутбилларининг Кобул Тегиншоҳлари орқали Тохаристон ябғуларига бориб тақалганини кўрсатади, “*Це-фу-юан-гуй*” да Тохаристон Ябғусига тобе 212 воҳа давлатчалари орасида *Се-юй*<sup>3</sup> (Зобулистон)нинг номи учрайди ва унинг хукмдори икки юз минг суворий ҳамда аскарларга саркардалик қилиши ҳақида айтиб ўтилган<sup>4</sup>.

Зобулистоннинг туркий бошқарувчилари араб-форс манбаларида *рутбил*, *зунбил*, *занбил*, хитой йилномаларида *силифа*, бактрий тилли ҳужжатларида *viltoβiro*, хиндий манбаларда *hitivira* каби унвонлар билан аталган бўлиб, уларнинг барчаси туркий *элтабар* (*iltābār*) унвонининг турли тиллардаги эквиваленти ҳисобланади<sup>5</sup>. Шунингдек, баъзи тадқиқотчилар араб манбаларидаги *рутбил*нинг бошқа бир шакли *занбил/зунбил*ни *Zibīl* ябғу (*yabghu*) унвони билан ҳам боғлашади<sup>6</sup>, бироқ бу фикр тан олинмаган. Яна шу билан бирга *занбил/зунбил/зибил*ни эфталийларга мансуб унвон *zaβolo* билан алоқадор бўлгани ҳам тадқиқотларда таъкидланган<sup>7</sup>. Олимлар шу даврда худудда туркийларнинг сиёсий устунлигини инобатга олиб, араб манбаларидаги

<sup>1</sup> Inaba M. The Identity of the Turkish Rulers to the South of Hindukush from the 7th to the 9th Centuries A.D. // Zinbun. Annals of the Institute for Research in Humanities, Kyoto University. – Kyoto, 2005. – No. 38. – P. 2; Rehman A. The Last Two Dynasties of the Śāhis (An analysis of their history, archaeology, coinage and paleography). – Islamabad: Quaid-i-Azam University Islamabad, 1979. – P. 294.

<sup>2</sup> Wink A. Al-Hind. The making of the indo-islamic world. Vol. I. Early medieval India and the expansion of islam. 7<sup>th</sup>–11<sup>th</sup> centuries. – Leiden, New York, København, Köln: Brill, 1991. – P.112.

<sup>3</sup> Се-юй – Зобулистоннинг хитой манбаларида VIII асрга тегишли номи.

<sup>4</sup> Chavannes E. Çin yıllıklarına göre Batı Türkleri / Çevri M. Koç. – İstanbul: Selenge, 2007. – S. 259.

<sup>5</sup> Sims-Williams N. Ancient Afghanistan and Its Invaders: Linguistic Evidence from the Bactrian Documents and Inscriptions // Indo-Iranian Language and Peoples. – Oxford, 2002 – P. 235; Inaba M. The Identity of the Turkish Ruler... – P. 2. Humbach H. Bactrische Sprachdenkmäler I. – Wiesbaden, 1966. – P.60; Кубатин А.В. Система титулов Тюркского каганата: генезис и преемственность. – Т.: Янги нашр, 2016. – С. 117–119.

<sup>6</sup> Dani A.H, Litvinskiy B.A and Zamir Safi M.H. Eastern Kusans, Kidarites in Gandhara and Kashmir, and Later Hephthalites//History of Civilizations of Central Asia III. – Paris, 1996. – P. 171.

<sup>7</sup> Harmatta J., Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara under Western Turk rule // History of Civilizations of Central Asia. Vol. 3. – Paris 1996. – P. 375.





рутбил (*rtbyl*) ёки занбил (*znbyl*) унвонини элтабар (*eltäbär*) унвонининг бузилган шакли, деб ҳисоблашган<sup>1</sup>. Хусусан, Табарий ҳижрий 79–95/милодий 698–704 йиллардаги воқеаларни тасвирлар экан, *Рутбил мин ал-Турк* ёки Рутбил шаҳиб ал-Туркнинг арабларга қарши гоҳ муваффақият, гоҳ мағлубият қозонгани ҳақида ёзгани ҳам уларни туркийлардан бўлганини кўрсатади<sup>2</sup>. “Янги Тан сулоласи тарихи”да келтирилган маълумотга кўра, Се-юй (Зобулистон) ҳукмдорига силифа (*xielifa*) унвони берилган эди. Бу унвон М. Мори фикрича, хитойчадаги силифа *υλιτοβηρο* ва *hitivira* ҳамда *элтабар* унвони билан айнан бўлиб, бу унвонни “Хэдаложи элтабари” деб қараш керак<sup>3</sup>.

Зобулистон номи хусусида “Янги Тан сулоласи тарихи”да келтирилган бир маълумот борки, у алоҳида тадқиқотни талаб қилади. Унинг мазмуни қуйидагича: “*Сян-цин салтанати даврида (656–660) [Зобулистон] номи Хэдаложи сифатида ўзгартирилди*”<sup>4</sup>. Икки асрдан бери юқорида келтирилган матндаги “Хэдаложи” атамаси юзасидан тадқиқотларда турли қарашлар мавжуд бўлишига қарамай, аниқ бир тўхтамга келинмаган. Масалан, XIX асрнинг бошларида француз хитойшуноси Э. Шаванн бу атама хусусида тўхталиб, “Хэдаложи” мусулмон манбаларида келтирилган ар-Руххаж/юнонча Арахосиянинг хитойча талаффузи, деган фикрни билдирган<sup>5</sup>. Маълумки, ушбу вилоят Ҳинд дарёсидан шарқда, ҳозирги Покистоннинг ўрта қисмида жойлашган, шунингдек Белужистоннинг шимолий қисмини эгаллаган<sup>6</sup>. IX–X асрларга оид бўлган араб географларининг асарларида Афғонистоннинг жанубида жойлашган ҳозирги Қандаҳор атрофидаги худудга нисбатан ар-Руххаж номи қўлланилган<sup>7</sup>. Бироқ, кейинги тадқиқотларда ар-Руххаж ва Хэдаложи ўзаро алоқадор эканлиги ўз исботини топмади. Тадқиқотчи Л. Петеч эса биринчилардан бўлиб, “Хэдаложи” сўзи халаж этносининг хитойча шакли эканини айтган. Шунингдек, япон тадқиқотчиси Ю. Ёшида тадқиқотларида ҳам ушбу атаманинг Низак шоҳ тангалари легендасидаги “харалажа” (*kharalāḥa*) сўзи билан бевосита боғлиқлиги алоҳида таъкидланиб, “харалажа” халажлар номининг ҳиндлашган шаклидир, деган фикрни ўртага ташланган<sup>8</sup>. Бу хулоса кейинчалик бошқа япониялик тадқиқотчи М. Инаба томонидан кичик тадқи-

<sup>1</sup> Bombaci A. On the ancient Turkic title *Eltäbär* // Proceedings of the IXth Meeting of the Permanent International Altaistic Conference, Ravello 26–30 september, 1966. – Napoli, 1970. – P. 59; Rehman A. The Last Two Dynasties... – P. 180, 294; Esin E. Tabarī’s report on the warfare with the *türgiṣ* and the testimony of eighth century Central Asian art//Central Asiatic Journal. Vol. XVII. – Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1973. – P. 131.

<sup>2</sup> Esin E. *Butan-I Halaç (M.VIII.-X yüzyillarda Halaç kültürünün sanat eserlerinde akisleri)* // *Türkiyat Mecmuası*. Cild XVII. – İstanbul: Edebiyat fakültesi basımevi, 1972. – S. 53.

<sup>3</sup> Inaba M. The Identity of the Turkish Ruler... – P. 7.

<sup>4</sup> Ekrem E. *Hsüan-Tsang Seyahetnamesi’ne göre Türkistan*. Basılmamış doktora tezi. Hacettepe Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü. – Ankara, 2003. – S. 177.

<sup>5</sup> Chavannes E. Documents sur les Tou-kiue (Turks) occidentaux // Сборник трудов Орхонской экспедиции. Вып. 6. – СПб., 1903. – P. 132. not. 1.

<sup>6</sup> Бартольд В.В. Историко-географический обзор Ирана... – С. 261

<sup>7</sup> Inaba M. The Identity of the Turkish Ruler... – P. 4.

<sup>8</sup> Ўша манба. – P. 3.



котда янада ривожлантирилган<sup>1</sup>. М. Инаба Тан даври манбаларидаги “Хэдаложи” атамаси остида халажларни тушуниш кераклигини таъкидлаб, то VII асрдан IX асргача Ҳиндикушнинг жанубидаги бутун туркий ҳукмдорлар ва туркий қабилаларнинг халажлар бўлганини таъкидлаган.

Шунингдек, юқоридаги атама хусусида Я. Харматта ва Б. А. Литвинскийлар Э. Шаванндаги Хэдаложи атамаси ар-Руххаж эканини танқид қилиб, бу ном расман 656 йилдан 660 йилларда Тан саройи билан боғлиқ маълумотларда учрашини билдирганлар. Иккинчидан, араб манбаларида ар-Руххаж X асрдан олдинги манбаларда учрамаслигини алоҳида таъкидлашган. Шундан келиб чиқиб, улар Хэдаложи номини қандайдир туркийларнинг ҳукмрон сулоласи номи – \*Qarūlaci деб тиклайди<sup>2</sup>. Бироқ Я. Харматта ва Б. А. Литвинский томонидан тилга олинган туркларнинг ҳукмрон оиласи номи бўлган \*Qarūlaci бизгача етиб келган ҳеч қайси манбада учрамайди. Тадқиқотчилар \*Qarūlaci атамасини қаердан олгани ҳақидаги иқтибос ҳам келтирмаган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, хитой манбасида келтирилган VII асрнинг сўнгги чорагига оид маълумотдаги “Хэдаложи” атамасини халажлар сифатида тушуниш мумкин. Чунки, халажлар Афғонистон ҳудудига жуда эрта келиб жойлашган туркий қавмларнинг энг дастлабкиси бўлган. Шунингдек, бир араб манбасида Рутбил унвонли Ғазна ҳукмдори билан Кобулшоҳ ўзаро мактублашгани ва у мактуб “халаж тили”да ёзилганлиги айtilган<sup>3</sup>. Ушбу мактубдан будда динига мансуб ҳайкалларни ерга кўмиш орқали уларни араблардан муҳофаза қилгани англашилади. Бундан кўринадики, Рутбиллар ва Кобулшоҳларнинг мазкур даврда будда динига эътиқоди баланд бўлган.

Кўриб турганимиздек, илк ўрта асрларда Зобулистондаги тарихий вазиятни ўрганиш манбалардаги маълумотлар етарли эмаслиги ва мавжудларининг ҳам ноаниқлиги натижасида мураккаблик туғдиради. Бу ҳолат нумизматик манбалар маълумотларида ҳам учрайди. Масалан, Р. Гёбл томонидан ўрганилган Ҳиндикуш тоғининг жанубий минтақаларидан топилган Низак шоҳ (*ničku MLK*) тангалари (Илова № 16)да Зобулистон тарихи билан боғлиқ қимматли маълумотлар мавжуд. Аслида, Я. Харматта ва Б. Литвинский фикрича, ушбу тангалар Хуросон Тегиншоҳ томонидан зарб қилинган<sup>4</sup>. Ушбу тангаларда бактрийча ва пахлавийчадан ташқари қисман брахма (ҳинд) ёзувидаги қуйидаги легенда акс этган:

*Śrī hitivira kharalāva pārameśvara śrī vahi tigina devakāritam*<sup>5</sup>.

Тангалардаги “Хитивира буюклиги, харалажа, энг катта хўжайин, Тегин Шоҳ буюклиги, Ҳазрати Олийлари учун (бу танга) зарб этилди” иборала-

<sup>1</sup> Inaba M. The Identity of the Turkish Ruler... – P. 1–19.

<sup>2</sup> Harmatta J., Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara... – P. 378–379.

<sup>3</sup> Tezcan M. Kuşanlar, Akhunlar ve Eftalitler. Tarihte Türk-Hint İlişkileri Sempozyumu Bildirileri. – Ankara, 2006. – S. 181–182.

<sup>4</sup> Harmatta J., Litvinsky B.A. Toharistan and Gandhara... – P. 378.

<sup>5</sup> Göbl R. Dokumente zur Geschichte der Iranischen Hunnen in Baktrien und Indien. Band I. – Wiesbaden, 1967. – S. 142–145.



рида айрим сўзлар ойдинлик талаб қилади. Мазкур иборадаги иккинчи сўз *hitivira* тадқиқотчи Х. Хумбахга кўра, туркий унвон бўлган *элтабар* (*iltäbär*)нинг ўрта ҳиндча шаклидир<sup>1</sup>. Агар Н. Симс Виллиамснинг фикрига асосланиб, бактрий хужжатларида учрайдиган *υλιτοβηρο* (*hilitber*)нинг *iltäbär* билан тенглаштирилиши<sup>2</sup>ни оладиган бўлсак, юқоридаги Х. Хумбахнинг фикри тўғри бўлиб чиқади. Учунчи сўз *kharalāva* эса халаж этник номининг ҳиндлашган варианты бўлса керак. Гарчи Я. Харматта ва Б. А. Литвинский ушбу сўзни \*Qarūlacī билан боғласада, юқорида таъкидлаганимиздек, манбаларда бу сўз учрамагани учун илмий асосга эга эмас.

680 йилдан бошлаб 710 йилгача бўлган Зобулистондаги турклар тарихи ҳақида манбаларда маълумот йўқ. 710 йилдан бошлаб хитой манбаларида яна улар ҳақида гапирила бошлайди. 710 йиллар атрофида Гибин Зобул билан мустаҳкам алоқада бўлиб, у ўз худудини араблардан химоя қилиш учун ҳарбий ёрдам олиб турар эди<sup>3</sup>. 710 йилдан сўнг эса Зобулистон ҳукмдори Гибиндан мустақил ҳокимиятни қўлга киритган. Бу манбада ҳам куйидагича акс этган: “Зобулистон кинг-юн (710–711) даврида саройга тобе эканлигини билдириши ва тортиқ ҳада қилиши мақсадида саройга бир элчи жўнатди. Сўнгра Гибинни итоат остига олди”<sup>4</sup>. “Це-фу-гуан-гуй”нинг 971-бобида айтилишича, Зобулистондан кайюан эрасининг (720 йил) тўққизинчи ойида Хитой саройига элчилар жўнатилган. Ушбу манбанинг бошқа бир бўлими 964-бобда “Тан сулоласи императори Сеюй ҳукмдори Ке-та-луо-жи Си-ли-фа<sup>5</sup> (Элтабар) Шицуюй-эрга Сеюй ҳукмдори, Гибин (Каписа) ҳукмдори Ке-луо-та-жи Тегинга Каписа ҳукмдори унвонини бериши учун элчи жўнатган”<sup>6</sup>. Яъни бу ерда Ке-та-луо-жи ва Ке-луо-та-жининг фарқли кишилар бўлганини кўриш мумкин, хитойшунос Э. Шаванн 710–711 йилларда Се-юй (Зобулистон)нинг Каписа мамлакатига тобе эканлигига таяниб, юқоридаги иккита шахснинг ҳам Каписа ҳукмдори билан тенглаштириш мантиклироқ эканини таъкидлаган<sup>7</sup>. Хой Чаога кўра, 726 йиллар атрофида Гибин ва Зобулистоннинг ҳукмдори ҳамда кўшинларининг барчаси турклардан иборат бўлгани ҳақидаги маълумотдан келиб чиқиб, Ке-та-луо-жи си-ли-фа (элтабар) Шицуюй-эрнинг туркий ҳукмдор бўлгани ҳақида тўхтамга келиш мумкин. Демак, Зобул ҳукмдорининг “элтабар”, Каписа ҳукмдорининг “Тегин” унвонига эга эканлигига қараб, Зобул бу даврда Каписанинг қарамоғида бўлган дейиш мумкин. Зобулистон ҳукмдори Гибин ҳукмдорининг жияни

<sup>1</sup> Humbah H. Baktrische Sprachdenkmäler. – Wiesbaden: Otto Harrassowitz, 1966. – P. 60.

<sup>2</sup> Sims-Williams N. From the Kushan-shahs to the Arabs. New Bactrian documents dated in the era of the Tochi inscriptions // Coins, Art and Chronology Essays on the pre-islamic History of the Indo-Iranian Borderlands. – Wien: 1999. – P. 235.

<sup>3</sup> Kuwayama Sh. Historical Notes on Kapisi... – P. 55, 71

<sup>4</sup> Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 216.

<sup>5</sup> Ушбу сўз “Қарадачи Элтабар” деб талқин қилинган. Kuwayama Sh. Historical Notes on Kapisi... – P. 56.

<sup>6</sup> Chavannes E. Çin yıllıklarına göre... – S. 177; Kuwayama Sh. Historical Notes on Kapisi... – P. 54.

<sup>7</sup> Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... – S. 177.



бўлиб, Гибин хукмдори билан Зобулистон хукмдорининг отаси ака-укалар эди. Манбалардаги узук-юлуқ маълумотларга таяниб шундай фикр юритиш мумкинки, Гибин хукмдори ўзининг жиянини 710 йилдан кейингина Зобулистон хукмдори қилиб тайинлаган, улар ўртасидаги келишмовчилик 724–726 йилдан сўнг содир бўлган. “Тунг-диан”га кўра, кайюан эрасининг (724 й.) ўн иккинчи йили ўнинчи ойида Зобулистондан Хитой саройига миссия борганида унинг хукмдори “тегин” унвонли шахс бўлган<sup>1</sup>. Демак, бу юқорида номи келтирилган Гибин (Каписа) хукмдори Ке-луо-та-жи Тегин бўлса керак. “Тунг-диан”даги ушбу маълумотдан шу нарса англашиладики, Зобулистон хукмдори 724 йилдан бошлаб Гибиндан мустақил ҳокимиятни қўлга киритган ва бу унинг Тегин унвонига эга бўлганида кўринади. Шунингдек, юқоридаги фикрни корейлик роҳиб Хой Чаонинг саёҳатномасида ҳам кўриш мумкин: “*Мен Каписадан гарбга узоқ етти кунлик йўл юрганмдан кейин одамлар Ше-ху-ло-са-тан-на деб атайдиган Зобулистон мамлакатига етиб келдим. Маҳаллий аҳоли хулардан; хукмдор ва қўшин эса турклардан. Хукмдор Каписа хукмдорининг жиянидир: у ўзининг қабиласи ва отлиқ қўшини билан мустақил. У бошқа мамлакатларга тобе эмас ва ҳатто ўзининг амакисига ҳам... Уларнинг буюк сардори Ша-туо-хан деб аталган бўлиб, ҳар йили ҳисобсиз олтин ва кумуш йиғиб олади*”<sup>2</sup>. А. Н. Бернштам ва Э. Эсин ушбу Ша-туо-хан деган хукмдорнинг исмини *Ша тархон*<sup>3</sup> деб талқин қилган<sup>4</sup>. Ҳарҳолда, у қадимги туркий унвонлар иерархиясида элтабардан юқори поғонада турган бўлса керак. Шунингдек, Хой Чао кундалигида келтирилган “Зобулнинг маҳаллий аҳоли хулардан; хукмдор ва қўшин эса турклардан” деган маълумоти изоҳ талаб қилади. Чунки, Зобулистонда фаолият кўрсатган туркий сулола билан биргаликда туркий этнослар яшагани ҳақида маълумотлар мавжуд. Масалан, “Янги Тан сулоласи тарихи”да “*мамлакатда турклар, каписаликлар ва тохарлар қоришиқ ҳолда яшайдилар. Каписа мамлақати хукмдори уларнинг қўшинидан арабларга қарши фойдаланади*” шаклида маълумот келтирилган<sup>5</sup>. Жумладан, Ҳажжожнинг Сейистонда яшовчи ғузз ва халажларга қарши энг охирида кураш олиб боргани араб манбаларида айтилган<sup>6</sup>. Шуниси диққатга сазоворки, Кобул-

<sup>1</sup> Kuwayama Sh. Historical Notes on Kapisi... – P. 56.

<sup>2</sup> The Hye Ch'o Diary: Memoir of the Pilgrimage to the Five Regions of India. Translation, text and editing by: Han-sung, Yün-Hua, Shotaro Iida, Laurence W. Preston. Asian Humanities Press Po Chin Chai Ltd. –P. 51; Fuchs W. Huei-Chao's Pilgerreise durch Nordwest-Indien und Zentral-Asien um 726. Sitzungsberichte der Preußischen Akademie der Wissenschaften. Phil.-hist. klasse. – Berlin: Verlag der Akademie der der Wissenschaften, 1938. – S. 448.

<sup>3</sup> Балки бу маҳаллий эроний ва туркий унвон бирлашмасидан ҳосил бўлган Шоҳ тархон бўлиши мумкин.

<sup>4</sup> Бернштам А.Н. Тюрки и Средняя Азия в описании Хой Чао (726) // Вестник древней истории. – М., 1952. – №1. – С. 191; Esin E. Butan-I Halaç... – S. 55.

<sup>5</sup> Ekrem E. Hsüan-Tsang Seyahetnamesi'ne göre... – S. 177.

<sup>6</sup> Frye R.N, Sayili A.M. The Turks in Khurasan and Transoxania at the time of the Arab conquest // Journal of the American Oriental Society. Vol. 63. – No. 3. American Oriental Society, 1943. – P.194-207 <http://www.jstor.org/stable/593872>.



шоҳ Хуросон ноиби Абдуллоҳ ибн Тохирга йиллик тўлов сифатида икки минг ўғузларни жўнатган. Рутбил Сейистондаги турклар йўлбошчиси араблар бошига кўплаб мусибатлар келтириб, унинг авлодлари саффорий Яъқуб ибн Лайсга қарши кураш олиб борган<sup>1</sup>. Мақдисий Ғазна ва Буст шаҳарларининг турклар кўлида бўлганлигини ёзади<sup>2</sup>. Масъудийнинг “Муруж ал-заҳоб” асарида эса “*Ҳажжсож (661–714) Муҳаммад ибн Ашъосни Сейистон, Буст ва ар-Руххажга волий қилиб тайин этти. Муҳаммад ибн Ашъос у ердаги турк қавмлари билан уруш олиб борди. Улар гузз ва халаж деган турк қабилаларидир. Уларнинг тепасида Рутбил исмли бир киши бор эди. Мамлакатлари Фарч, Буст, Сейистон атрофи ва Кирмонда Қовш, Балуж ва Жот атрофларидир*”<sup>3</sup>. “Т’арих-и Сейистон” (“Сейистон тарихи”)да ҳам Абд ал-Азизга қарши Зунбилнинг Буст ва Кобулда турклардан кўшин тўплаб, унга қарши курашгани айтилган<sup>4</sup>. Ушбу турклар халажлар ва ўғузлар бўлиши мумкин. Яъқубнинг Зунбилга қарши курашда Сейистонга келганида йўлда кўплаб турклар ва халажларни ўлдирган<sup>5</sup>. Шундан келиб чиқиб, VIII бошларида Зобулистон аҳолисининг бир қисмини турклар ташкил этган, бу ҳудудларга энг эрта келиб жойлашган туркий қавм – халажлар бўлган, деган хулосага келиш мумкин.

Энди араб манбаларида келтирилган Зобулистоннинг туркий ҳукмдорлари – Рутбиллар ҳақида тўхталсак. Табарийга кўра, Кобулшоҳ ва унинг укаси Рутбил ўртасида сиёсий зиддият келиб чиққач, Кобулшоҳ Рутбилдан жанубга Амул томонларга Зобулистон жанубига қочади<sup>6</sup>. Ушбу воқеа Халифа Муовия даврида (661–680) содир бўлган. Балазурий ҳам шу йилларда Рутбил Зобулистон, ар-Руххаж ва Буст устидан ҳукм сурганлигини айтади. Шунингдек, бу воқеа юз бергунига қадар Табарийнинг 661–680 йилларда Кобулшоҳ ва Зобул ҳукмдорининг ака-укалик муносабатлари мустаҳкам бўлгани ҳақидаги маълумот берган. Бироқ VII асрнинг сўнгги чорагидан бу муносабатлар бузилган ва 726 йилда ушбу ҳудудга ташриф буюрган Хой Чаонинг Зобул ҳукмдори ҳақида “*ҳукмдор Каписа ҳукмдорининг жиянидир: у ўзининг қабиласи ва отлиқ қўшини билан мустақил. У бошқа мамлакатларга тобе эмас ва ҳатто ўзининг амакисига ҳам...*” шаклида келтирган маълумоти буни тасдиқлайди. Бироқ бир муддат, яъни VII асрнинг сўнгги чорагидан то VIII аср охиригача бўлган даврда муносабатлар илиқлашганини тахминан 710 йиллар атрофида Гибин Зобул билан мустаҳкам

<sup>1</sup> Frye R.N, Sayili A.M. The Turks in Khurasan and Transoxania... – P.194-207.

<sup>2</sup> Şeşen R. İslam Coğrafyacılarına göre Türkler ve Türk ülkeleri. – Ankara 1985. – S. 20.

<sup>3</sup> Şeşen R. İslam Coğrafyacılarına göre... – S. 56; Esin E. Butan-I Halaç... – S. 52; Marquart J. Eranshahr nach der Geographic des Ps. Moses Xorenaci. – Berlin: Weidmannsche Buchhandlung, 1901. – S. 251.

<sup>4</sup> Т’арих-и Систан (“История Систана”). Перевод, введение и комментарий Л. П. Смирновой. Памятники письменности Востока. Т.XLII. – Москва: Наука, 1974. – С.125.

<sup>5</sup> Т’арих-и Систан (“История Систана”)... – С. 215.

<sup>6</sup> Kuwayama Sh. Historical Notes on Kapisi... – P. 55, 71; Inaba M. The Identity of the Turkish... – P. 2.





алоқада бўлиб, у ўз худудини араблардан ҳимоя қилиш учун ҳарбий ёрдам олиб турганида кўриш мумкин<sup>1</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги қошидаги Давлат хизматлари агентлиги сайтида маълум қилинишича, бугунги кунда мамлакатимиз бўйлаб 201 та Давлат хизматлари марказлари фаолиятини олиб бормоқда: ҳар бир шаҳар (туманда) биттадан. Илгари мавжуд бўлган «Ягона дарча» марказларидан асосий фарқи эса давлат хизматлари нафақат юридик, балки жисмоний шахсларга ҳам кўрсатилишидир. Шу туфайли, кўрсатилаётган хизматлар сони 2017 йилда 32 та хизмат туридан, ҳозирги кунда 100 тадан ортди. Сентябрь ойидан эса улар сонига яна аҳоли ўртасида 6 нафар энг оммабоп хизматлари кўшилди. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги қошидаги Давлат хизматлари агентлиги директори ўринбосари Нўмон Муҳаммадиев 2020 йил охиригача бу кўрсаткич 163 тани ташкил этиши ҳақида хабар берди<sup>2</sup>. Охириги даврдаги рақамларни таққослаб кўрадиган бўлсак, 2017 йил давомида умумий 120 мингдан зиёд хизматлар кўрсатилган бўлса, жорий йилнинг фақатгина апрель-май ойларининг ўзида уларнинг сони 570 мингдан ошиқни ташкил этди. Ўтган 8 ой мобайнида эса уларнинг сони 2 миллиондан ошди<sup>3</sup>.

Давлат хизматлари марказларида хизмат турларининг ортиши бу ерга одамлар оқими кўпайишига олиб келмоқда. Агар қиёсланадиган бўлса,

<sup>1</sup> Aholiga davlat xizmatlari ko'rsatishning milliy tizimini tubdan isloh qilish chora-tadbirlari to'g'risidagi O'zbekiston Respublikasi Prezidentining PF-5287-sonli Farmoni, 2017.12.12./<http://www.lex.uz/pages/getpage.aspx?lactid=3454462>

<sup>2</sup> “O‘ziyurar” davlat xizmatlari yoki davlat xizmati ko‘rsatish uchun endi huzuringizga borishadi.25.01.2018/ <http://uza.uz/uz/society/o-ziyurar-davlat-xizmatlari-yoki-davlat-xizmati-ko-rsatishu-25-01-2018?ELEMENT-CODE=o-ziyurar-davlat-xizmatlari-yoki-davlat-xizmati-ko-rsatish-uchun-endi-huzuringizga-borishadi>

<sup>3</sup> <http://davxizmat.uz/blog/post/davlat-hizmatlari-ozirgi-olat-zamonavij-tendenciyalar-rivozhlanish-ustuvorlari>



2017 йилда марказларга бир кунда ўртача 20-40 киши иш билан келган бўлса, 2018 йилда кунлик кўрсаткич 350-600 кишини ташкил этмоқда<sup>1</sup>. Агентликка 2018 йил 1 январдан 1 октябрь кунига қадар жами 1263 та мурожаат келиб тушган<sup>2</sup>. Бундан кўриниб турибдики, тез орада янги, замонавий, инновацион, келувчилар учун барча қулайликларга эга биноларни қуриш керак. Ҳозирда Агентлик мутасаддилари айтиши шундан борада иш олиб бормоқда.

Давлат хизматларини ривожлантириш узлуксиз жараён бўлиб, Давлат хизматлари агентлиги томонидан доимо янги давлат хизмат кўрсатиш метод ва усуллари синовдан ўтказиб келинмоқда. Масалан, “мобиль” ёки сайёр давлат хизматларини кўрсатиш тизими жойлардаги марказларнинг ходимлари томонидан ҳар дам олиш кунлари амалга оширилади. Жудаям узоқ масофада жойлашган аҳоли учун эса Давлат хизматлари марказларининг филиаллари очилмоқда. Улардан биринчиси сифатида Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманига қарашли Қорақалпоқ қишлоғида туман филиали ташкил этилди.

Юртимизда давлат хизмати тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган юқоридаги саъй-ҳаракатларда ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Улардаги ютуқ ва камчиликларни ўрганиб чиқиш самарали натижага эришишда ёрдам беради. Хорижий давлатлардаги тизимни таҳлил этган ҳолда керакли ижобий жиҳатларни олиш юртимиздаги давлат хизматчиларининг фаолиятини оптималлаштиради. Шу ўринда давлат хизмати соҳасида ҳуқуқий асослар яратилганига 71 йил бўлган давлат – Япониянинг бу тизимдаги асосий хусусиятларини тадқиқ этиш ўринлидир. Мамлакатнинг амалдаги Конституцияси давлат хизматчилари мақомини “барча халқнинг хизматкори” сифатида белгилаган<sup>3</sup>. 1947 ва 1950 йилларда мазкур тизим тўғрисида қонунлар қабул қилинган.

Япония ўзининг давлат хизматида доир хусусиятлари билан ажралиб туради. Аввало, Японияда “умрбод ёлланиб ишлаш” тизимининг амал қилиши. Яна бир муҳим хусусият – давлат мансабдорлари битта муассаса ичида иш ўрнини ўзгартириб туришлари мумкин, лекин турли муассасалар орасида биридан иккинчисига ўзгартиришнинг ҳеч бир иложи йўқ. Бундан ташқари, давлат хизматчиларининг оилавий муносабатларига, айниқса, ажрим масаласига жиддий эътибор қаратилади. Японияда ажрашган кишиларга нисбатан шундай қараш борки, у ўз оиласини бошқаролмаган экан, халқ билан ишлай олмайди ва у ўз иш фаолиятида ютуқларга ҳам эришолмайди.

Япония давлат тузумининг сиёсий моделини тадқиқ қилиш билан шуғулланувчи олимлар унинг сўнгги йилларда иқтисодий соҳада намойиш этган мисли кўрилмаган улкан ютуқларининг сирини ҳам бу мамлакатда олиб бораётган бюрократик аппаратнинг самарали фаолияти билан боғлиқ экан-

<sup>1</sup> <http://www.xabar.uz/uz/jamiyat/davlat-xizmatlari-qulaylik>

<sup>2</sup> <http://davxizmat.uz/pages/hisobotlar>

<sup>3</sup> 日本国憲法 (The Constitution of Japan) / [www.shuugin.go.jp/internet/itdbannai.nsf/html/statics/shiryō/dl-constitution.htm](http://www.shuugin.go.jp/internet/itdbannai.nsf/html/statics/shiryō/dl-constitution.htm)





лигини қайд этганлар. Масалан, АҚШ мутахассислари Америкада бошқарув хизматчиларида етишмайдиган барча устун жиҳатлар – юксак касбий маҳорат, ворисий изчиллик, чуқур масъулият ҳисси – айнан япон мансабдор хизматчиларига хос фазилятлар эканлигига алоҳида урғу берадилар<sup>1</sup>.

Ҳозирги кунда Япониядаги давлат хизматчилари сони ҳар 1000 киши бошига 36,4 тага тўғри келади. Бошқа ривожланган давлатлар билан қиёсланадиган бўлса, Буюк Британияда бу кўрсаткич 74,6, Францияда 88,6, АҚШда эса 65,5 тани ташкил этади. Давлат хизматчиларининг умумий сони 3,5 миллионга яқин бўлиб, улардан 18,9 %и марказий аппаратдагилар, қолган 81,1 %и маҳаллий ходимлардир<sup>2</sup>.

Япониядаги давлат хизмати тизимидаги йирик ислохотларнинг сўнгиси 2014 йилда амалга оширилган бўлиб, бу орқали механизм янада мустаҳкамланди<sup>3</sup>.

Мазкур йилдаги ислохотларнинг асосий жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, юқори лавозимга давлат хизматчиларини тайинлаш ва бир жойдан бошқа жойга кўчириш учун марказлашган юқори даражали бошқарув механизми яратилди.

Иккинчидан, юқори мартабали хизматчилар учун янги орган – Ходимлар билан ишлаш бюроси ташкил этилди.

Учинчидан, *hosakan* институти, яъни махсус тайинланган давлат хизматчилари Кабинет аъзоси ёки Бош вазирга маслаҳатчи сифатида хизмат қилиши белгиланди.

Юқоридаги ислохотлар сепаратизм деворларини йўқотишга ёрдам берди, лекин бюрократларнинг сиёсийлашувига олиб келди. Натижада улар холисона аҳолига хизмат кўрсатиш ўрнига у ёки бу манфаатларни таҳлил қилиш ва ёритишга эътибор қаратадиган бўлдилар.

Япониялик мутахассис Танака Хидэаки таъкидлаганидек, давлат хизмати ва сиёсий соҳадаги ислохотлар бир танганинг икки томонига ўхшайди. Японияда сиёсий етакчиликни кучайтириш устувор аҳамиятга эга бўлса-да, давлат хизматчиларини тайинлаш билан Бош вазир ва Кабинетнинг таъсир кучи ортиб қолмайди. Шунинг учун давлат хизматчиларининг сиёсий жиҳатдан нейтрал бўлиб қолиши муҳим аҳамиятга эгадир<sup>4</sup>.

Юқорида келтирилган фикрлардан сўнг қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

<sup>1</sup> Равшанов Ф. Хорижий мамлакатлар давлат хизмати тизимларида раҳбар кадрлар танлаш тажрибалари. –Т.: Академия, 2008. – Б. 26–27.

<sup>2</sup> Hiroko K. Building executive capacity in the Japanese Civil Service/ Podger A and Wanna J. Sharpening the Sword of State: Building executive capacities in the public services of the Asia-Pacific. – Canberra: ANU Press, 2016. – P. 106.

<sup>3</sup> Hideaki T. Should Civil Servants Offer Allegiance or Expertise? Lessons from the Moritomo and Take Scandals/May 01, 2018./<http://www.tokyofoundation.org/en/articles/2018/role-of-civil-servants>

<sup>4</sup> Hideaki T. Should Civil Servants Offer Allegiance or Expertise? Lessons from the Moritomo and Take Scandals/May 01, 2018./<http://www.tokyofoundation.org/en/articles/2018/role-of-civil-servants>



Биринчидан, мамлакатимизда давлат хизмати тўғрисидаги қонуннинг ҳалигача қабул қилинмаганлиги, кимлар давлат хизматчиси ҳисобланиши, кимлар улар қаторига кирмаслиги ҳақида аниқ бир фикрга келишни қийинлаштиради.

Иккинчидан, давлат хизматчиларини танлаб олишнинг махсус тизимини жорий этиш вақти келди. Олий ўқув юртини тамомлаганларнинг касбий ва шахсий сифатларини имтиҳон қилиш мақсадида турли танловлар эълон қилиш, бу танловларни холислик ва адолатли тарзда ўтказиш энг яхши кадрларни танлаб олишда ёрдам беради.

Учинчидан, Японияда давлат хизмати кадрларининг барча ҳуқуқ ва бурчлари маълум қонун-қоидалар билан мустаҳкамлаб қўйилган бўлса ҳам, миллий анъаналар сақланиб қолмоқда. АҚШ ва Европа мамлакатларининг таъсири кучли бўлса-да, аксарият миллий анъаналардан бутунлай воз кечилгани йўқ. Юртимизда ҳам олиб борилаётган ислоҳотларда жаҳон тажрибасидан фойдаланган ҳолда миллий хусусиятларимизни ҳам четда қолдирмаслик муҳим аҳамиятлидир.

Умуман олганда, давлат хизмати тизимини ривожлантириш, давлат хизматчиларининг самарали ишлашини ташкил этиш, бунинг учун қулай шарт-шароитлар яратиш нафақат бу тизим ривожига, балки давлат бошқарувига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. 13 та боб ва 106 та моддadan иборат “Давлат хизмати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокамага қўйилди. Асосий мақсади давлат хизматлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлган мазкур қонун лойиҳасини тезроқ қабул қилиш, ўз навбатида, давлат хизмати тизимининг оптимал ишлашига, хизматчиларнинг ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланиши ва уларнинг ижтимоий ҳимояси учун шароитлар яратилишига олиб келади.



**БЕКМУРАТОВ ИСМАТУЛЛА**  
*Сиёсий фанлар номзоди, ТошДШИ*

**Хитойнинг ташқи сиёсат фалсафаси: уйғун  
 ва барқарор ривожланишнинг янги қирралари**

*Аннотация.* Мазкур мақолада хитой ташқи сиёсати фалсафаси ва амалиётида дунёни уйғун ва барқарор ривожлантириши учун янги тартиботни шакллантириши борасидаги Хитой раҳбарияти ва олимлари томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар ҳамда чет эл мутахассисларининг қарашлари таҳлил қилинган.

*Таянч сўз ва иборалар:* ташқи сиёсат, илмий ёндашув, тинч яшашнинг бешта принципи, “Хэ” (уйғунлик), фундаментал қадриятлар, цивилизациялар, комил инсон, фаталистик қарашлар, Кун Цзи, реваншизм.

*Аннотация.* В данной статье анализируются взгляды иностранных экспертов, а также китайских лидеров и ученых о формировании нового порядка для гармоничного и устойчивого развития мира в китайской внешнеполитической философии и практике.

*Опорные слова и выражения:* внешняя политика, научный подход, пять принципов мирного сосуществования, «Хэ» (гармония), фундаментальные ценности, цивилизации, совершенный человек, фаталистические взгляды, Кун цзи, реваншизм.

*Abstract.* This article analyzes the views of foreign experts, as well as Chinese leaders and scholars on the formation of a new order for the harmonious and sustainable development of the world in Chinese foreign policy philosophy and practice.

*Keywords and expressions:* Foreign policy, scientific approach, five principles of peaceful coexistence, "Xe" (harmony), fundamental values, civilizations, perfect man, fatalistic views, Kun zi, revanshism.

Ҳозирги дунёда туб ўзгаришлар юз бериб, жаҳонда кутблашув ва глобаллашув чуқурлашмоқда, маданиятлар ранг-баранглиги ва жамиятнинг ахборотлашуви давом этмоқда. Инсоният фан-техника соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритиб, ақл бовар қилмас янгиликлар яратилмоқда.

Айни вақтда дунёда нотинчлик, беқарорлик ва мавҳумлик кучаймоқда, гегемонизм, зўравонлик яна бош кўтармоқда. Жойларда низолар ва жанжаллар кўпаймоқда. Озиқ-овқат ва энергоресурслар етишмовчилиги юзага келиб, тармоқлар хавфсизлиги кескинлашмоқда.

Тарихдан маълумки, курул-яроғларини кўз-кўз қилиб, бўрилар қонуни билан яшашлик ҳеч қачон тинчликка олиб бормади. “Хитой тинчлик байроғини баланд кўтариб, дунёда фаровон ҳаёт учун курашади ва барча мамлакатларнинг биргаликдаги тараққиётига кўмаклашади. Тинч яшашнинг бешта принципи асосида барча мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорликни кучайтиради. Ўзаро ҳурмат, тенглик ва адолат, ҳамкорлик ва умумий ютуққа асосланган халқаро муносабатларнинг янги тури шаклланишини қўллаб қувватлайди” дейилади Хитой раҳбарининг XIX умумхитой съездида қилган ҳисобот маърузасида<sup>1</sup>. Буюк неъмат ва қадриятлар ҳукмрон бўлган тинчлик

<sup>1</sup> Доклад Си Цзиньпина на XIXм Всекитайском съезде КПК. Пояснения к докладу. Контимост, спец-выпуск 2018. – С. 56.



ва фаровонлик, планетар гармонияга эришишнинг турлича йўллари мавжудлиги яқин келажакда дунёнинг ижтимоий қиёфаси яхши томонга ўзгаришига умид ва ишонч уйғотади.

Эскирган ижтимоий тартиблар ҳар қанча қаршилиқ қилмасин, ҳар бир жамият ўз руҳий кучи ҳамда ички имкониятларидан келиб чиқиб, жаҳонда юзага келган вазиятга мослашган ҳолда мамлакат ташқари ва ичкарасида соғлом сиёсат юрита олади. Жумладан, Хитой танлаган ривожланиш йўли ва амалиёти тажрибасидан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, ҳозирги дунёда энг йирик сиёсий кучлардан бири бўлган ушбу мамлакат биринчилар қаторида Ер қуррасидаги барча халқларнинг ҳамкорлик ва ривожига асосланган уйғунлашган жамият қуриш йўлидаги ижобий омилларни ва юзага келган мураккабликларни ўз вақтида тўғри баҳолай олди. Бугунги кунда ХХРда ташкил этилган беш юздан ортиқ илмий тадқиқот марказларининг ўрни муҳим ҳисобланиб, улар мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг турли соҳаларни ўрганишга қаратилган. Ўзбек хитойшуносларидан Б. Турсуновнинг фикрига кўра, Хитойнинг барча соҳалардаги динамик тараққиётнинг асосий омилларидан бири ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишдаги “илмий ёндашувлар”дир<sup>1</sup>.

Ҳукумат ва партия ҳужжатларда, қолаверса, зиёлилар ўртасидаги фикр алмашувларда инсон ҳаётининг маъноси, бурчи ва масъулиятлари, оламнинг бир бутун ягоналиги ва турли қарама-қарши қарашларга бўлинмаслиги зарурлиги каби ғоялар етакчилик қилмоқда.

Бинобарин, авваллари ҳам мутаффакирлар Ер юзи фақат ҳозирги авлодни ки бўлиб қолмай, уни келгуси авлодларга ҳам, гуманистик фалсафа, ҳамкорлик ва тинч-тотувлик асосида яхлитлигича етказиш ҳақида ўйлар эдилар. Шу ўринда қадимги Хитой мутафаккири Ши Бо томонидан сал кам уч минг йил олдин, эр ав. VIII асрда 和 – “Хэ” (уйғунлик) ҳақида гапириб, 夫和實生物 (уйғунлик нарсаларни яратади) деган фикрлари бугунга келиб, янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фақат шу йўл билан бутун инсоният тақдири турли хил халқларнинг ҳамкорликда, тинч-тотув яшашига боғлиқ эканлигини англаб етиш мумкинлиги шубҳасиз. Хитой раҳбарияти ва халқи барча халқлар билан, ривожланган етакчи давлатлар ва ривожланаётган мамлакатлар билан дўстона алоқаларини мустаҳкамлаш, айрим низоларни оқилона, тинч йўл билан ҳал этиш зарурлигини яхши тушунади. Шу боис, барча расмий ҳужжатларда катта ва кичик қўшни давлатлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш Хитойнинг ривожланиши эса тенгҳуқуқли шерикларга ҳам фойдали бўлишига эришиш зарурлиги таъкидланмоқда. Тинчлик, ривожланиш, ҳамкорлик, тенгҳуқуқчилик, ўзаро ишонч, толерантлик, суверенитет, бир-биридан ўрганиш, чуқур ҳам-

<sup>1</sup> Политика реформ и открытости КНР: научное знание как ключевой фактор развития. “Ўзбекистон-Хитой: тарихий-маданий, илмий ва иқтисодий алоқалар ривожини” мазусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 17 ноябрь 2018 йил, Тошкент. – Б. 458–459.



дардлик, умумий масъулият, мустакиллик, хавфсизлик, барқарорлик каби олий, фундаментал қадриятлар ҳозирги Хитой маданиятининг тамал тошлари сифатида, гегемонизм фалсафаси ва мафқурасини, зўравонлик билан куч ишлатиш сиёсатини, ҳудудий экспансияни, бир-бирига азалий душманликни эслаб, кек саклашни назарий ва амалий жиҳатдан рад этади. Ҳозирги гоҳ тинч гоҳ нотинч даврда Хитой ўз халқи, ўз миллати ва бутун инсоният тақдири учун масъулиятини ҳис этувчи катта мамлакат эканлиги таъкидлаш билан бирга “Хитой иқтисодиётининг тезюрар машинаси”<sup>1</sup>дан унумли фойдаланиб қолишга чақирмоқда. 2013 йил 19 март куни БРИКСга аъзо давлатлар саммитидан кейин ОАВ вакилларига берган интервьюсида ХХР раиси Си Цзиньпин шундай деган эди, – “Комил инсон – берган ваъдасини бажарувчидир, у чопқир от устига чикқанда ҳам ўз сўзидан қайтмайди. Биз сўзимизнинг устидан чиқамиз, амалда бу исботланмоқда: хитойнинг тили билан дили бир хил. Ишонамизки, дунёдаги бошқа мамлакатлар ҳам тинч йўл билан ривожланади, дунёда тинчлик ва тараққиёт учун курашади”<sup>2</sup>.

Афсуски, ҳозирги дунёда индивид онги аввалдан илдиз отиб, ўрнашиб қолган геосиёсий стереотиплар, хато тушунчаларига мувофиқ иш кўришга ўрганиб қолган. Кўпроқ Ғарб мамлакатларининг университетларида ишлаб чиқилган, объектив қонуниятлар, тарихий тенденцияларга бўйсунушга маҳкум бўлиб қолган кучлар, давлатлар ва давлатлар гуруҳи режасига мувофиқ ҳаракат қилмоқдалар. Қачонлардир мустамлакачи давлатлар ўз манфаатларига мослаб денгиз ва қуруқлик “маданиятлилар” ва “варварлар”, метрополия ва периферия, ҳатто Ғарб ва Шарқ, Шимол ва Жануб ўртасидаги жоҳаро, Яхшилик ва Ёмонлик ўртасида курашнинг инъикоси тарзидаги фаталистик қарашлар муқаррар давом этади, деган ғоя ва амалиёт халқлар ва давлатларнинг дўстлашуви ва яқинлашувига тўсқинлик қилмоқда<sup>3</sup>.

Фалсафа, илм-фан ва маданият, айнан шундай кучларнинг манфаатлари йўлида қурбон қилинмоқда. Улар учун фалсафа шахсни инсон ҳаётининг мангу, идеал қадриятларини ўрганиш, ҳаётнинг маъносини чуқур англаб етиш ва зарур бўлганида ҳаётнинг янги маъноларини очишга имкон берувчи маънавий бойлик бўлмай қолган. Бу кучлар фалсафани инсонпарварлик ва тарихий тараққиётга қарши ҳаракатларини оқлаш куралига айлантиришга уринмоқдалар. Гегемонликка интилувчи давлатларнинг инсоният шу вақтгача эришган маънавий қадриятларни вайрон қилишга қаратилган, империячилик геосиёсатини фикримиз далили қилиб келтириш мумкин. Аммо, тарихда бу каби “жаҳонгирлик” сиёсати юритилган қудратли давлатларнинг ичидан емирилиб, парчаланиб кетиши кўп марта кузатилган, бу ҳақиқатни улар унутган кўринади.

Ҳозирги Хитойнинг жамиятни тинч юксалтириш стратегиясининг амалиётга айлантириш босқичида ташқи сиёсат фалсафасининг ўзига хос

<sup>1</sup> Ежемесячный журнал «Китай», № 9(155) Сентябрь 2018/ISSN1005-5010. – С. 43.

<sup>2</sup> 中华民族伟大复兴的中国梦: 俄文/习近平著, -北京: 外文出版社, 2014, 第 89 页.

<sup>3</sup> <http://www.politstudies.ru/files/File/2011/2/7.pdf>



хусусиятларини ёритишда Буюк Британия бош раввини Джонатан Генри Саксинг куйидаги фикрини келтириш ўринли деб биламиз: “Мен Ричард Нисбетт тадқиқотидан мисоллар келтираман. У, Шарқ одами билан Ғарб одамнинг турлича фикрлашлари ҳақида ёзади. Америкаликлар жуда ҳам “атомлашган”(сочилган), “миянинг чап ярим шарини ишлатувчи”, хитойлар эса кўпроқ релятивистлардир. Мисол учун, Америка дарслиги: “Қара, Дик югурмоқда”. “Қара, Дик ўйнамоқда”. “Қара, Дик югуряпти ва ўйнаяпти” деб уқтирилса, Хитой дарслиги: “Акаси укасига ғамхўрлик қилаяпти”. “Акаси укасини яхши кўради”. “Ука ҳам акасини яхши кўради” деб ўргатилади ва бу ерда доимо инсоний муносабатлар ҳақида сўз боради”<sup>1</sup>.

Кўриб турганимиздек, диний арбоб биз учун жуда қийин туюлган муаммони кутилмаганда жуда соддалаштириб ечиб берган. Қолаверса, Ғарб одами билан шарқ одамнинг фикрлаш тарзидаги, дунёни қандай тушунишидаги фарқни, Хитойнинг эса ўзига хослиги сирининг нимада эканлигини очиб беради. Чунки авваллари ҳам таъкидлаганимиздек, ҳар бир халқ ўз тарихида бошидан кечирганлари, маҳаллий табиатга ва жамиятга хос турли ва нодир ҳодисалар таъсирида атрофидаги оламга нисбатан ўз фалсафасини шакллантириб келган<sup>2</sup>. Демакки, бир халқнинг дунё ва борлиқ ҳақида ўз қарашини, ўз фалсафасини борлигини барча халқлар эътироф этиб, уларнинг фалсафасини ҳам ҳурмат қилишлари айни муддао бўлар эди.

Хитой ташқи сиёсат фалсафасида тинчликсеварлик ва бунёдкорлик иши, фақат ўз манфаатларини ўйлаш билан чекланмай, бутун дунё халқларининг манфаатларини ҳам ўйлаб, барча катта кичик мамлакатлар билан дўстона алоқаларини ва ҳамкорлигини ривожлантиришни кўзда тутди. Бу масаланинг бир томони бўлса, масаланинг бошқа нозик томони шундаки, у ёки бу давлатнинг ташқи сиёсатини бошқа давлатлар ўзи қандай кўришни истаса, ўшандай деб кўради ва тасаввур қилади. Маълум бир давлат сиёсати ҳақида атрофдагиларнинг тушунчаси ва тасаввурлари ўша давлатнинг реал ташқи сиёсатини акс эттирмаслиги ҳисобга олинмайди.

Таракқий этган Ғарб мамлакатларининг ташқи сиёсатдаги мафқураси айирмачиликка, конфронтацияга хизмат қилувчи, Шарқ ва Ғарб жамиятлари, цивилизациялари, халқларининг бир-бирига азалий душманлиги ҳақидаги тасаввур асосига қурилган. Токио университети профессори Такаси Инагучи айтганидек, АҚШ ташқи сиёсатида “қаттиққўл позитивизм” деб аталган академик илмий анъаналар янада очикроқ кўринмоқда<sup>3</sup>. Чунки уларнинг дунёқарашида бугунги дунёда хаос, турли томонларнинг бир-бирини рад этиши мавжуд деган постпозитивистик қарашлар ҳукм суради.

<sup>1</sup> Дж.Сакс. Границы секуляризма// Вопросы философии, №4, 2013. – С. 23.

<sup>2</sup> XX асрнинг бош тарихчи ва этношунос олими Л.Н.Гумилёв “Этногенез ва Ер биосфераси” китобида бу ҳақида ажойиб фикрларни айтган. – М., 2010.

<sup>3</sup> Такаси Иногути – Политическая наука в трёх демократиях: “нелояльной” (Япония), демократии “третьей волны” (Южная Корея) и “зарождающейся” (Китай)// Полис, №5, 2004. – С. 131.





Хитой ижтимоий воқеълигида эса, Ер юзидаги истисносиз, барча давлатлар, гоҳо ўзи билмагани ҳолда “ижтимоий замин”даги бутун олам гармониясига интилади, деган фикр доимо устуворлик қилиб келган.

Маълумки, барча халқларнинг ташқи сиёсат фалсафасида баъзи сиёсатчилар истайдими, истамайдими, бундан қатъи назар, халқлар ижтимоий-маданий коди, менталитети ўзини сездириб туради. Аммо, бу ҳолат барчада бир хил даражада бўлмайди, яъни кўп омиллар таъсирида тинчликсеварлик тўғриси баъзи халқларда кучлироқ, баъзи халқларда заифроқ бўлиши ҳам мумкин. Шу боис, Хитой эса ўз тарихининг айрим даврларини айтмаганимизда, асосан, минг йил давомида ўз донишмандларининг васиятларига, тинчликсеварлик менталитетига изчил равишда садоқатли бўлиб келди. Ҳозирги вақтда ҳам у яқин атрофидаги мамлакатлар билан дўстона алоқада бўлиш йўлида мавжуд ғоявий-сиёсий фарқлар ва қолаверса ривожланиш стратегиясидаги тафовутларни тўсиқ деб ҳисобламайди. Хитойлик профессор Цянь Сяюнь шу ҳақда фикр юритар экан “Хитойнинг ҳозирги ташқи сиёсати ва тинч йўл билан ривожланиши, атрофдаги минтақаларни ҳам гуллаиб-яшнатишга қаратилган”<sup>1</sup> деб айтишга қаратилган.

Сиёсат-давлат ҳокимиятининг ҳаётий фаолияти бўлиб, у миллий озодлик, давлат мустақиллиги манфаатлари талаб қилган барча иш йўл-йўриқларини, зарур бўлса, ташқи сиёсатда куч ишлатишни ҳам легитимлаштиради, қонуний деб билади. Хитой ҳозирги вақтда дунёга ҳукмронлик қилиш каби беъмани геосиёсий иддаоларга берилмайди, лекин айрим вақтларда, истисно сифатида, ўз ватанини, миллат шаънини ҳимоя қилиш учун қўлига қурол олган пайтлари ҳам бўлган. Хитой учун икки марта (1894 ва 1942 йилларда) япон-хитой урушида енгилгани қайғули сабоқ бўлди. Ўшанда ҳам Хитой, 1918 ва 1945 йилларда икки марта мағлубиятга учраган Германия сингари ва “реваншизм” каби телбаларча иддаолар билан чикмади<sup>2</sup>. Аксинча, бу фожеали сабоқлардан сўнг Хитой миллий инқирозлар, хўрланишлардан кутулиб, ўз қадрини, шаънини тиклаш учун қурол ишлатмаслик, мушкул вазиятлардан ақл-заковатли изланишлар йўлларини танлади.

Шундай мураккаб ҳолатларни ҳам эътиборга оладиган бўлсак, “ҳозирги Хитойнинг ташқи сиёсат фалсафаси, хитой жамиятининг тинч йўл билан ривожланиши, халқаро муносабатларга “хитойча ёндашув”, ўзини ўраб турган оламни қандай тушуниши каби саволлар бизни қизиқтириши табиийдир.

Хитойликларнинг атроф-оламни қандай тушуниш маданиятига доир тадқиқотларда айтилишича, мамлакатда қадим замонлардан ҳозиргача “олам бир бутун тирик мавжудотдир ва унинг ўз яшаш қонунлари бўлиб, уларни

<sup>1</sup> Цянь Сяюнь-Опасный миф о “китайской военной угрозе”// Азия и Африка сегодня, №3, 2003. – С. 28–35.

<sup>2</sup> Қаранг: Панченко М. Ю. Реалистическая парадигма международного порядка: прошлое и настоящее // Полис, №5, 2009. – С. 6–16; Б. А. Исаев. Геополитика классическая и геополитика современная // Полис, №2, 2011. – С. 69–85 и др.



ўзгартириш мумкин эмас”, деган фалсафа ҳукм суриб келади. Яъни, оламни хитой фалсафасига ҳамоҳанг “бошланиши бўлмаган ўтмиш ва охири бўлмаган келажак” сифатидаги ўзи-ўзига етарли, ўзини ўзи ташкил этувчи тизим” дейиш мумкин<sup>1</sup>. Материалистик фалсафа оламнинг чексизлигини эътироф этади-ю, аммо инсон ақли илм-фан орқали уни кескин ўзгартира олади, дейилади. Хитойча материалистик англашга кўра, аксинча, оламнинг турли қисмлари абадий равишда бир-бирига қарши курашиб келади, деган кенг тарқалган ғоя оламни хато тушунишдир, деб рад этилади.

Қадимги замонлардан ҳозиргача Хитой маданияти кўшни цивилизациялардан фарқли ўлароқ, моддий ноз-неъматларга нисбатан, маънавий қадриятларга устуворлик бериб келади. Бу ҳам рационализм, аммо унга кўра “индивид, шахс ўзини жамиятдан ажратиб, фақат ўзини ўйлаб яшамайди”<sup>2</sup>. XIX–XX асрнинг йирик мутафаккири Кан Ювэй фикрича, “Хитой жамияти ўз мавжудлигининг барча даврларида ижтимоий ва давлат қурилишида бор куч-ғайратини “инсоний муносабатларни тартибга солиш”га қаратиб келди”<sup>3</sup> деб бежиз айтмаган. Айнан шу ғоя доимо ва ҳозир ҳам, мамлакат ташқи сиёсат стратегиясида давлат, жамият маънавий ҳаётининг асосий оқими бўлиб келмоқда. Хитой халқи мамлакатнинг ташқи сиёсат соҳасидаги барча муваффақиятларини асосан ўзининг маънавий ресурслари билан боғлиқ деб тушунади.

Шу жиҳатдан, “Ғарбнинг Шарқдан устунлиги” ғояси тарафдорларидан бири, инглиз тарихчиси Ниал Фергюсоннинг “Цивилизация. Ғарб ва бошқалар олами” китобида Хитой Халқ Республикасининг ижтимоий-сиёсий амалиёти ҳақида айтган қуйидаги фикри қизиқарлидир. “Хитой Фанлар академиясида “Нима учун Ғарб Хитойни орқада қолдирди? деган саволга жавоб топиш мақсадида тадқиқотчилар гуруҳи тузилди. Гап шундаки, 1500 йилларгача Ғарб Хитойдан анча орқада эди. Шундан сўнг Ғарб давлатлари Хитойдан ўзиб кетди ва яқин вақтларгача аҳвол шундай бўлиб келди. Хитой олимларига Ғарбнинг ўзиб кетиши сирини билиш вазифаси топширилгандан сўнг улар маълумотларни умумлаштириб, бундай хулосага келишган: “Дастлабки фикримизча, ғарбликларнинг ўзишига биринчи сабаб – қуролланиш деб билдик, улар сизларда кўп ва яхши эди. Ўрганишда давом этиб, устунлигингизга сабаб – демократия ва сиёсий тизим, деб билдик. Аммо сўнгги 20 йил бундан мустаснодир”<sup>4</sup>.

Маълумки, биргина Ғарбий Европада эмас, бошқа жойларда ҳам барча жамият ривожланишини асосан иқтисодий салоҳият ва демократия ютуқлари билан боғлашади. Улар география (иқлим, ландшафт, дарё, денгизлар),

<sup>1</sup> Арин О. А. От Сунь Цзы до Джозефа Ная// Азия и Африка сегодня, №5, 2013. – С. 56–60.

<sup>2</sup> Федотова В. Г., Колпаков В. А., Федотова Н. Н. Глобальный капитализм: три великие трансформации (опыт социально-философского анализа общества и экономики). – М.: Культурная революция, 2008. – С. 204.

<sup>3</sup> Социально-политическая мысль Китая в XIX–XX вв. – М., 1978. – С. 100.

<sup>4</sup> Қаранг: Джонатан Сакс. Границы секуляризма// Вопросы философии, №4, 2013 – С. 22.



миллий анъаналар, дунёқараш, маданий ўзига хослик, яъни “ижтимоий-маданий замин” деган буюк омилни муҳим эмас, деб ўйлайдилар. Аммо Хитойда сўнгги 20 йил ичида жамият фаолиятининг барча соҳаларида юз берган улкан ўзгаришларнинг гувоҳлик беришича гап мутлақо бошқа жойда, яъни унга ҳарбий қудрат ҳам, либерал демократия ҳам сабаб бўлгани йўқ. Бу воқеъликни тан олмаслик ва инкор этиш мумкин эмас. Хитойдаги улкан ўзгаришларнинг иқтисод ҳам ва қолаверса демократия ҳам хитой халқи авайлаб, асраб келган ўзига хос дунёқараш ва ўзига хос фалсафа асосида юз берди. Партия-давлат ҳужжатлари ҳамда халқаро учрашувлар ва музокара-ларнинг мазмунидан ҳам равшан кўринадики, ҳамкор давлатлар билан тенг-хуқуқлик, ўзаро ҳалоллик, манфаатлар умумийлиги; фақат ўзини эмас, балки Ер юзидаги барча халқларнинг тақдирини ўйлаш; бошқаларнинг социомаданий анъаналарига чуқур ҳурмат-толерантлик; сайёрамиз тақдирига барча давлатлар масъулиятли бўлиб, бу масалада барчанинг ташвиши бир хил эканлиги; барча халқлар яқин келажакда бутун инсоният манфаатлари йўлида бир битимга келишувига, ёвуз кучлар устидан тараққийпарвар, инсонпарвар кучлар ғолиб чиқишига чуқур ишонч каби олий идеаллар, кадриятларга садоқат Хитой ташқи сиёсатининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Фикримизнинг исботи сифатида ХХР раиси Си Цзиньпиннинг “Давлат бошқаруви тўғрисида” деган китобидаги фикрни келтирамиз: “Жаҳондаги бошқарув тизими ўзгаришларига қарамасдан, биз дунёда янада ҳалол ва адолатли тартиб ўрнатилишида фаол иштирок этишимиз ва бу жараёнда конструктив роль ўйнашимиз, ер юзида тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг қонуний асосларини яратишимиз зарур”<sup>1</sup>.

Хитой ташқи сиёсат фалсафаси ва мафқураси барча халқларнинг мустақиллиги ва суверенитетини, ижодий қобилиятлари ва имкониятларини, тенг-хуқуқлигини, ўз фикрини эркин ифодалашга, биргаликда, тинч-тотувликда гуллаб-яшнашга ҳақли эканлигини тан олиш ва ҳурматлашга, бир давлат, халқ бошқалар устидан ҳукмронлик қилишини, гегемонизмни, халоскорлик даъволарини, беъмани айирмачиликни рад этишга, миллати, ирқиқа қарамай, барча инсонларни кадрлашга асосланган.

Хитой халқининг борлиққа доир тасавури “синкретик” рух, диний ақидаларида ташқи самовий, яъни трансцендентал таъсирларга бағрикенглиги, халқ тақдирига нисбатан эмоционал-иррационал тасавурлар устувор эмаслиги боис, давлатнинг ташқи сиёсат фалсафаси ортиқча идеологик қатламлардан ҳоли бўлган шароитларда шаклланди. Соғлом прагматизм унинг асосига айланди.

Хитой давлатининг ташқи сиёсат мафқураси оламни тушунишнинг бир қисми сифатида мамлакатнинг сиёсий кучларига, халқ оммасининг хулқига, хатти-ҳаракатларига, фаолиятига айнан шу аснода таъсир кўрсатади. Бу, албатта, диний, конфессионал, миллий-этник ортодоксия (ақидалар)дан ҳоли

<sup>1</sup> Си Цзиньпин. Давлат бошқаруви тўғрисида. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – Б. 648.



бўлмаган баъзи давлатларга ёқмайдики, шу маънода нотинч бўлиб турган халқаро вазиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Хитой ташқи сиёсат фалсафасининг яна бир ўзига хос хусусияти-аҳоли сонидан, жуғрофий ўрнидан, ижтимоий-маданий анъаналаридан, ирқий ва этник тафовутларидан, диний қарашлари ва ҳоказолардан қатъи назар, барча халқларга бир хил ҳурмат, ўзларидай кўришлари улар дунёқарашининг планетар хусусиятга эга эканлигини (экуменизм) билдиради. Хитой дунёдаги барча халқларга “плюрал-муросавий” руҳда қарайди. Хитойшунос олим Олег Арин ёзадики, Хитой лексиконида (тил луғатида) “халқаро” деган сўз йўқ, хитойлар бу сўз ўрнига икки иероглифли “Гоцзи” 国际 сўзини қўллашади. Унда бир иероглиф “катта мамлакат” 国, иккинчиси эса “чегара” “ўрта чизик” 际 маъносини билдиради<sup>1</sup>. Унга кўра, Хитой тафаккурида давлатлараро ўртадаги чегаралар, чизиклар ортиқча мутлоқлик, устуворлик касб этмаган.

Хитой халқаро сиёсат фалсафаси ва амалиётининг асосини Буюк Олам тартиботи, яъни хаосга нисбатан уйғунлик, индивидуалликка нисбатан жамоавийлик, яхлитлик ташкил этади.

Шунингдек, ҳозирги Хитой ташқи сиёсат фалсафасида соғлом фикрлаш, “принципиаллик туфайли мослашувни ва, аксинча, мослашув деб принципиалликни қўлдан чиқармаслик” формуласи, аниқ кўринмоқда<sup>2</sup>. Шу ҳақда хитойшунос В. В. Малявин бундай дейди: “Ҳатто глобаллашувга ҳам Хитой ўз тушунчаларини ва ёндашувларини киритиб, ғарб концепциялари билан рақобатга киришмоқда. Тан олиш керакки, жаҳон майдонида Хитой изчил йўл тутиш билан бирга, хусусан, Ғарб кузатувчиси учун одатдан ташқари ва тушунарсиз бўлган ҳатти-харакатлари ҳам мавжуд. Шундай экан, Хитой аждарҳосининг сирини билиш учун ҳаракатланувчи кучлар нималар эканлигини ўрганиш зарур”. Мутахассис фикрини давом эттириб айтиш керакки, хитойча 自认 – “цзы жень” (англамоқ) деган тасаввурига кўра, оламдаги барча ҳодисаларни тушуниш осон эмас, улар ўзгарувчандир. Оламни инсонлар ўз истак, манфаатлари, хоҳишларига қараб ўзгартира олмайдилар (Хитой коммунистлари ҳам қабул қилган бу ғоя коммунизм дохийси К. Маркснинг асосий ғояси – “Асосий масала, оламни ўзгартиришдадир” деган фикрига қарама-қаршилиги билан қизиқарлидир). Ҳозирги Хитой раҳбарияти фикрича, мақсадга эришмоқ учун соғлом изланишларга кенг йўл бериш керак. Хитой фалсафасига мувофиқ азалий ахлоқий покликни мужассам этувчи давлат ҳокимияти олий сиёсий раҳбарият ўз “лойқаланмаган онги”, яъни донишмандлиги билан бундай қийин ва соғлом изланишларни ўз зиммасига олади<sup>3</sup>. Хитой раҳбариятининг машҳур “очиқ эшиклар” сиёсати, “бир давлат-икки тузум” сиёсати каби “кутилмаган” ҳодисалар анъанавий рақиби

<sup>1</sup> О.А.Арин-От Сунь Цзы до Джозефа Ная// Азия и Африка сегодня, №5, 2013. – С. 56.

<sup>2</sup> Малявин В. Полет Дракона // Свободная мысль. №6, 2005. – С. 140.

<sup>3</sup> Ўша манба. – Б. 38, 140, 142.



АҚШ ва бошқаларни дастлаб гарчи ҳайрат ва кўрқувга солган бўлса-да, аслида муносабатларни яхшилаш учун қўйилган дадил қадамлар эди.

Хитой халқаро сиёсат фалсафасида 格局 “гэцзюй” – “вазиятларнинг турлари” деган тушунчага ҳам катта эътибор берилади. Бу шундай маънони билдирадики, жаҳон сиёсий-иқтисодий ва мафкуравий конъюктураси доимий ўзгаришдаги муайян “вазиятларнинг алмашинуви”дан иборат бўлгани учун ҳар бир сиёсий лаҳза бетакрор, ноёб ва у билан ҳисоблашиб иш тутишга тўғри келади. Бундан 25 аср муқаддам буюк устоз Кун-Цзи (Конфуций) “Теварак атрофингдаги аломатларга қараб иш тут”, деб насиҳат қилган эди. Хитой ташқи сиёсат фалсафаси ва стратегияси халқаро ҳаётнинг бошқа қатнашчилардан фарқланади ва у сийқа доғмалар эмас, аксинча “ҳаётнинг асосий ўзгармас қоидалари”га қараб иш кўришдан иборат. Ташқи сиёсий омилларнинг ноаниқлиги оқибатида жаҳонда вазиятларнинг ўзгариб туриши, тараққиётнинг мураккаблиги ва бир текисда бормаслиги сабабли хитой сиёсатчиларининг қарашларидаги баъзи-бир ўзгаришлар унинг шерикларида шубҳа уйғотмаслиги керак. Бир неча минг йиллик фалсафаси, бу фалсафада бутун инсониятни ажратмай бирдай кўриш, тараққиётга, ҳамкорликка интилиш, аҳиллик, тенглик ва уйғунлик каби фундаментал маънавий идеаллар қадрланиши, Хитой ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаришига, қолаверса мамлакат олий сиёсий раҳбарлигининг компетентлиги ва профессионализмига қафолат бўла олади.

Хитой ташқи сиёсат фалсафасининг жаҳон жамоатчилигини қизиқтирган яна бир хусусияти-хитойларнинг қадим замонлардан инсониятга оламда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бепарво қарайдиган жонзотларнинг йиғиндиси деб эмас, балки заррадай микроскопик нарсадан то космик кўламдаги, кoinотдаги барча ҳодисаларга сезгирлик билан қарайдиган, фаол ҳаёт кечирувчи муқаддас зотлар деб қарашдир. Дунё миллионларнинг бунёдкорлик фаолияти билан ободдир. “Инсон-жамият-табиат-фазо” – Ер юзида ҳаёт шуларнинг уйғунлиги билан давом этади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, юқорида кўрматилган мутлақликларни қадрлаган ҳозирги Хитой ер юзидаги энг катта, етакчи давлатлардан бири бўла туриб, ҳеч қандай геосиёсий, гегемонлик даъвосини қилаётгани йўқ. Хитой раҳбарияти фикрича, ҳозирги кунда “биргаликда ҳаракат қилиш” жаҳондаги барча халқларнинг биргаликда гуллаб-яшнаши, “кўп кутбилик” ғояларига тескари бўлиши мумкин эмас. Шу маънода хитойшунос файласуф В. Абрамовнинг “Хитой маданиятининг кўп асрлар давомида изоляцияда (ёлғиз) қолганига қарамай, ривожланишда, айниқса ахлоқ, маънавият соҳасида, Фарбдан ўзиб кетди”<sup>1</sup> деган фикрига қўшилиш ҳамда бугунги кун нуқтаи-назаридан Хитой Халқ Республикаси ташқи сиёсат фалсафасини шу аспектда тадқиқ этиш тўғри ва ягона йўл деб биламиз.

<sup>1</sup> Абрамов В.А. Китай: грани социокультурных измерений. – М., 2010. – С. 58.



**АЛИМОВ ОҚЛИДДИН**

Таянч докторант, ТошДШИ

## **Энергетика хавфсизлигининг халқаро- сийсий муаммолари**

**Аннотация.** Мазкур мақолада бугунги энергетик вазият ва халқаро энергетика хавфсизлигини таъминлаш масалалари, замонавий босқичда энергетика хавфсизлиги муаммоларининг хусусиятлари ва унинг халқаро муносабатларга таъсири, энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг сиёсий-ҳуқуқий, институционал асослари, давлатларнинг энергетика ҳамкорлиги ва дипломатияси, энергия ресурслари манбаларини диверсификациялаш масалалари, бугунги кунда энергетика хавфсизлиги олдидан турган долзарб масалалар ёритилган. Шунингдек, яқин ўн йилликларда халқаро майдонда кечадиган энергетик вазият борасида таҳлилий прогнозлар келтирилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** энергетика хавфсизлиги, энергетика инқирози, энергетика стратегияси, миллий манфаат, энергетика дипломатияси, энергия ресурслари диверсификацияси, энергетика ҳамкорлиги.

**Аннотация.** В настоящей статье освещены актуальные вопросы, касающиеся энергетической ситуации и обеспечения энергетической безопасности, специфика проблемы энергетической безопасности на современном этапе и ее влияния на международные отношения, политические, правовые и институциональные основы обеспечения энергетической безопасности, а также вопросы энергетической дипломатии государств, диверсификации энергоресурсов, актуальные проблемы, стоящие сегодня перед энергетической безопасностью. Кроме того, были сделаны аналитические прогнозы об энергетической ситуации на международной арене в течение следующих десятилетий.

**Опорные слова и выражения:** энергетическая безопасность, энергетический кризис, энергетическая стратегия, национальный интерес, энергетическая дипломатия, диверсификация энергоресурсов, энергетическое сотрудничество.

**Abstract.** This paper highlights current issues related to the energy situation and energy security, specificity of the problem of energy security at the present stage and its impact on international relations, the political, legal and institutional framework for ensuring energy security, as well as issues of energy diplomacy of states, issues of energy diversification, the current problems facing energy security today. In addition, analytical forecasts were made about the energy situation in the international arena over the next decades.

**Keywords and expressions:** energy security, energy crisis, energy strategy, national interest, energy diplomacy, diversification of energy resources, energy cooperation.

XXI аснинг бошида бутун дунё глобаллашув жараёни, ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда ҳам ашё истеъмолнинг ортиши, ушбу ресурсларнинг сайёрада нотенг тақсимланганлиги, айрим ҳудудларда иктисодиёт ва аҳолининг жадал ўсиши билан боғлиқ бўлган энергетик муаммоларга дуч келди. Ҳозирги кунда жаҳонда ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёж катта бўлиб, бу кўрсаткич тобора ўсиб бормоқда. “Глобал энергия” мукофотини тақдирлаш бўйича Халқаро қўмитанинг раиси, Нобель мукофоти лауреати, академик Жорес Алферов таъкидлаганидек, “...бугунги кунда инсоният учун





энергетикадан кўра долзарб муаммо йўқ. Бизнинг цивилизацияни сақлаб қолиш бу муаммонинг ҳал этилишига боғлиқ»<sup>1</sup>.

Бугунги кунда энергия омили барқарор ривожланишнинг энг қийин ечимларидан биридир. *Биринчидан*, энергия жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб борди ва ҳар қандай давлатнинг барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун зарур шартлардан бирига айланди. Замонавий дунёда энергетика ресурсларининг мавжудлиги ва уларга эгалик, улардан самарали фойдаланиш ва узлуксиз таъминот жаҳон тараққиёти, қашшоқликни камайтириш, фаровонликни ошириш, аҳолининг маданий ва маънавий ривожланишида асосий омил бўлиб қолмоқда. Барқарор энергия таъминоти – халқаро тинчлик ва хавфсизликнинг муҳим элементи сифатида кўрилмоқда. *Иккинчидан*, хом-ашёнинг жадал суръатларда ишлаб чиқарилиши атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Бу, ўз навбатида, экологик муаммоларни вужудга келтиради. Замонавий энергетика тизими асосан қазиб олинadиган ёқилғиларни ишлатишга асосланган, бу жаҳон энергия истеъмоли тузилмасида деярли 90%ни ташкил этади. Асосий энергия ресурслари нефть, газ, кўмир, маъданлар ва бошқа фойдали қазилмаларнинг мавжуд бўлган захираларининг тугаб бориши энергетика муносабатларини глобал миқёсда кескинлаштиради.

Углероддор ёқилғиларини қазиб олиш, ташиш ва уларнинг истеъмоли борасидаги алоқалар ривожининг сўнгги тенденциялари замонавий муаммолар ва халқаро ҳамжамият олдига турган долзарб масалалар ечимини тўлиқ таъминламайди. Назорат қилинмайдиган ишлаб чиқариш ва хомашё истеъмоли глобал хусусиятга айланди. Бу сайёрамизнинг ресурс салоҳиятига босимни ошириб, инсониятнинг барқарор ривожланишига таҳдид солади.

Дунё хом-ашё захираларининг тугашига тайёргарлик кўрмоғи керак. Нефть бир неча ўн йиллар ичида, газ 70 йил ичида тугаши борасидаги башоратлар жўяли асосларга эга эканлигини унутмаслик лозим. Сайёрамизда кўмир нисбатан кўпроқ бўлиб, 300 йилгача етиши тахмин қилинади. Аммо унинг жадал истеъмоли атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳоли саломатлиги билан боғлиқ жиддий экологик муаммоларни юзага келтиради. Мисол учун, бугунги кунда Хитой энергия эҳтиёжлари учун йилига 1,5 млрд. тонна кўмир ишлатиб дунёда кўмирдан энг кўп фойдаланадиган давлат бўлиб қолмоқда. АҚШ йилига 350 млн., Россия эса 80 млн. тонна кўмир истеъмом қилади<sup>2</sup>.

Келгуси ўн йиллик давомида қайта тикланадиган ва муқобил энергия манбаларига бўлган талабнинг ортиши билан бирга ёнилғи-энергия хом ашёси доминант роль ўйнайди. Анъанавий энергия хом ашёлари, айниқса, углеводородлар дунёда тенгсиз тақсимланганлиги боис аксарият ривожлан-

<sup>1</sup> Дефицита энергоресурсов нет: есть дефицит здравого смысла. Проблемы современной энергетики // Мировая энергетическая политика. 2003, № 5. – С. 36–40.

<sup>2</sup> Шафраник Ю. Беседа о ценах на нефть, иранском контракте и трубопроводе через Украину // «Международная жизнь», июнь, 2018. – С. 69.



ган мамлакатлар – асосий истеъмолчиларнинг ташқи қарамлиги ортиб боради. Ҳар қандай давлатнинг мавжудлиги ва ривожланиши учун аҳамиятга эга бўлган энергетика ресурслари маълум географик ҳудудларда, асосан, муайян давлатлар гуруҳлари ҳудудида жойлашган. Халқаро муносабатларнинг ривожланиши билан давлатлар ўртасида табиий бойликнинг тенг тақсимланмаганлиги қатъий иқтисодий ёки техник доиралар билан чекланмади, балки аста-секин халқаро муносабатларнинг муҳим элементига айланди.

Ишончли ва барқарор энергия таъминоти зарурати халқаро ҳамжамият олдига энергия хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини энг муҳим масала сифатида қўйди. Энергия хавфсизлиги муаммоси ўтган асрнинг 70-йиллари ўрталарида пайдо бўлган бўлса-да, жаҳон ҳамжамияти XXI асрнинг бошларига қадар ҳал этиш ва коллектив битимларга эришиш борасида умумий ёндашувларни ишлаб чиқа олмади. Фақатгина 2006 йил ўрталарига келиб “Қатта саккизлик” раҳбарларининг саммитида энергетика хавфсизлигини таъминлашдан манфаатдор барча мамлакатлар ўртасида мулоқотнинг бошланиши бу борадаги муҳим қадамлар бўлди. Саммитда, мамлакатларнинг барқарор ривожланиши, асосан, энергетика хавфсизлигига эришиш ва энергия хавфсизлигини таъминлаш давлатларнинг кенг кўламли вазифасига айланиши белгиланди.

Ҳозирги кунда халқаро ҳамжамият томонидан халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар: халқаро декларациялар, конвенциялар, протоколлар, шартномалар, битимлар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича мавжуд бўлган қатор бошқа ҳужжатларда халқаро энергетика хавфсизлигини таъминлаш тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Шу билан бирга, энергетика хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ҳамкорликни тартибга солиш тизимли характерга эга эмас, халқаро энергетика хавфсизлиги масалалари халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда етарлича акс эттирилмаган. Халқаро муносабатларнинг замонавий босқичида энергия хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик давлатлараро муносабатларда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги долзарб вазифа ишлаб чиқарувчи мамлакатлар, истеъмолчи давлатлар ва транзит мамлакатлар манфаатларини ўзаро мувофиқлаштиришдан иборатдир. Халқаро ҳамжамият ривожланишининг ҳозирги тенденциялари халқаро энергетика хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик муаммоларининг долзарблигини оширади. Замонавий шароитда давлатларнинг барча даражадаги кенг халқаро ҳамкорлигисиз энергетика хавфсизлигини таъминлаш мумкин эмас, чунки мавжуд муаммоларнинг кўпчилигини фақат миллий воситалар ва механизмлар ёрдамида ҳал этиш мушкул. Бугунги дунёда халқаро муаммоларни ҳал этиш халқаро муносабатларнинг мукамал тизимини яратиш учун комплекс ёндашувларни талаб қилади. Ўзининг долзарблигига қарамай, нафақат иқтисодий, балки сиёсий аҳамиятга эга бўлган ҳолда, кўпинча энергетика хавфсизлиги масалалари етарли даражада аморф кўринади ва концептуаллаштириш,



конкретлаштиришни талаб этади<sup>1</sup>. Глобал миқёсда энергия муаммолари тушуниш ва шарҳларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Халқаро энергия хавфсизлигини таъминлаш масалалари юзасидан мунозаралар халқаро даражадаги ягона ёндашув ишлаб чиқилмагунча давом этаверади. Инсониятнинг келажаги унинг бугун қандай энергия билан таъминланишига, халқаро энергетика хавфсизлиги борасидаги дунё ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларига боғлиқ<sup>2</sup>.

Халқаро энергетика хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлик жараёни давлатлар ўртасидаги консенсусни аниқлаш ва ушбу соҳадаги давлатлараро муносабатларни мувофиқлаштириш мақсадида давлатлар ўртасидаги боғловчи бўғинга айланмоғи лозим.

Сўнгги йиллардаги воқеалар ва тенденциялар энергия ва хавфсизлик ўртасидаги узвий боғлиқликни англашни кучайтирди. Илгарилари, бу соҳадаги тадқиқотлар асосан энергия таъминоти хавфсизлигига қаратилган ва асосан иқтисодий жиҳатлари ўрганилган. Ҳозирги кунда энергетика муаммолари турли фанларни қамраб олиб, энергетика соҳасидаги халқаро ҳамкорлик масалалари сиёсий, иқтисодий, экологик, ижтимоий ва халқаро жиҳатларга тааллуқлидир.

Халқаро энергетика агентлиги (IEA) ҳисоб-китобларига кўра, бугунги кунда сайёрамызда 1,4 миллиард киши, яъни, жаҳон аҳолисининг 20 фоизидан кўпроғи электр энергиясига эга эмас. Уларнинг аксарияти қишлоқ жойларида, Африка, Ҳиндистон ва бошқа ривожланаётган Осиё мамлакатларида истиқомат қилади.

“Ривожланаётган” (Шарқий, Жануби-Шарқий ва Марказий Осиё, Яқин Шарқ ва Лотин Америкаси худудлари) деб таснифланадиган мамлакатларда аҳолининг ўсиши ва иқтисодий ривожланишнинг тез суръатлари энергетик вазиятни янада мураккаблаштиради. Ушбу жараёнлар ривожланаётган мамлакатлар аҳолисининг истеъмол стандартларини индустриал ва пост-индустриал жамиятларнинг инкирозга қарши стандартларига босқичма-босқич яқинлашиши билан бирга кечмоқда. Замоनावий Ғарб истеъмол маданиятининг асосида энергетика (аниқроғи арзон нефть) туриши ҳисобга олинса, “фаровонлик географияси” ўзгариши билан “жаҳон энергия истеъмоли харитаси” ҳам ўзгаради. Ривожланаётган мамлакатларга нафақат асосий ишлаб чиқариш марказлари, балки аста-секинлик билан энг катта истеъмол марказлари ҳам кўчиб ўтиб, Европа ва Шимолий Американи сиқиб чиқаради. Яқин Шарқ минтақаси ишлаб чиқаришда ўз етакчилигини мустаҳкамлайди ва Шарқий ҳамда Жануби-Шарқий Осиё худудлари жуда катта ўсиш потенциалини сақлаган ҳолда истеъмолчи сифатида етакчи мавқега эга бўлиб боради<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Кокошин А.А. Международная энергетическая безопасность. – М., 2006. – С. 3.

<sup>2</sup> Лахно П.Г. Энергия, энергетика и право // Энергетическое право. [Электронный ресурс]. 2006. № 1.

<sup>3</sup> Деденкулов А.В. Проблема энергетической безопасности в начале XXI в.: вызовы и возможности // Свежий взгляд. (<http://imi-mgimo.ru/ru/svezhij-vzglyad.html>).



Мутахассислар фикрича, яқин келажакда энергия истеъмолида муқобил энергия манбаларининг улуши ортса-да, бу соҳада инқилобий ўзгаришлар юз бермайди. Консерватив сценарийларга кўра, дунёдаги “энергетик рацион” асосан углеводород хом ашёсидан ташкил топади ва тахминан куйидагича кўринишга эга: нефть – 28%, табиий газ – 25%, кўмир – 22%, қайта тикланадиган энергия манбалари – 18%, атом энергияси – 7%<sup>1</sup>.

Шундай қилиб, замонавий босқичда энергетика хавфсизлиги муаммоси сиёсий, геосиёсий, ижтимоий-иқтисодий, экологик, илмий-техникавий, гуманитар, маданий ва маънавий ўлчовларга эга бўлиб бормоқда.

Прогнозларга асосланган ҳолда, келгуси икки ўн йиллик давомида кечадиган глобал энергия хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос энг долзарб “оғриқли нуқталари”ни ажратиб кўрсатиш мумкин:

– нефть ва бошқа қазилма ёқилғалар захираларининг чекланганлиги (“нефть тифизлиги” муаммоси);

– ташқи энергия манбаларига қарамлик;

– геосиёсий ўлчовлар аҳамиятининг ошиши;

– кўплаб ривожланаётган мамлакатлар (Хитой, Ҳиндистон ва бошқалар) нинг энергия соҳасида тез ўсиб бораётган эҳтиёжлари фониди “Энергия қашшоқлиги”;

– экологик, хусусан, иқлим муаммолари;

– қайта тикланадиган энергия ва ноанъанавий ёқилғиларни ривожлантириш муаммолари;

– иқтисодий самарадорлик ва дунё аҳолисининг ўсиши ўртасидаги зиддият.

Уларнинг ҳар бирига янада батафсил тавсиф бериш мақсадга мувофиқ.

1) Нефть захиралари, шунингдек, бошқа турдаги қазилма ёқилғиларнинг чекланганлиги замонавий халқаро муносабатлар, дунёнинг иқтисодий ва илмий-техника тараққиётига катта таъсир кўрсатади. Глобал миқёсда углеводород ресурсларининг етишмаслиги билан боғлиқ бўлган таҳдид ва дилеммалар доираси жуда кенг. Бу жаҳон иқтисодиётининг замонавий модели ва халқаро муносабатларда арзон ёқилғли омилига боғлиқ. Масалан, углеводородлар нархининг кўтарилиши ёқилғи нархининг ошишига олиб келади, бу маҳсулотнинг етказиб бериш транспорт харажатларининг ошиши демакдир. Ҳозирги жаҳон иқтисодиёти ишлаб чиқариш ва истеъмол асосий марказларининг бир-биридан узоқ масофалар ажратиб туриши, хусусан, Шимолий Америка ва Европа бозорлари билан Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё ўртасидаги масофанинг узунлиги бу жиҳатдан кам аҳамиятли эмас кўринади<sup>2</sup>. Натижада, бу, бир томондан давлатларнинг сиёсий, иқтисодий-

<sup>1</sup> World Energy Outlook – 2011: International Energy Agency ([www.iaea.org](http://www.iaea.org)), International Energy Outlook 2011:U.S. Department of Energy ([www.iaea.org](http://www.iaea.org)), BP Energy Outlook 2030, January 2011 ([www.bp.com](http://www.bp.com)).

<sup>2</sup> Rubin J. Why your world is about to get whole lot smaller: oil and the end of globalization/J.Rubin – Random House, 2009.



дипломатик саъй-ҳаракатлари, ҳарбий-сиёсий блоклар ва интеграциялашув бирлашмаларини оқилона нархларда узлуксиз энергия таъминотини таъминлаш, ва бошқа томондан эса, илмий-техникавий фаолиятни рағбатлантириш ва кучайтиришга олиб келади.

Ҳозирги кунгача аниқланган энергетика ресурслари 40 йилдан ортиқ талабни қондириш учун етарли. Табиий газнинг салоҳияти анча юқори: фақат аниқланган захиралар 180 триллион куб метрдан ортиқ бўлиб, ҳозирги ишлаб чиқариш суръатларида 60 йилдан ортиқ вақтга етиши мумкин. Аммо, бугунги кундаги ресурсларга бўлган талабнинг ортиб бориши шароитида етарли даражада ривожланиш борасидаги прогнозлар ижобий эмас. Мавжуд конларда ишлаб чиқаришнинг камайиши 6,7% ни ташкил этиб, узоқ муддатли истиқболда ушбу тенденция энергия майдонларининг ўртача ҳажмини пасайиши ва ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,5 фоизга пасайиши билан давом этади. Бундан ташқари, энергия ресурсларини қазиб олишга сарфланадиган харажатлар ўсиши кузатилади, бу асосан тоғ-кон каби мураккаб ишлаб чиқариш шароитларига эга бўлган майдонларни ишга тушириш билан боғлиқ. Тавсия этилаётган янги манбалар оғир кон қазилма шароитларига эга (масалан, Арктикада) ҳудудларда жойлашганлиги ва янги технологияларни жорий этиш учун вақт талаб этилишини ҳисобга олсак, ушбу тенденция узоқ муддатли истиқболда давом этишини таъкидлаш мумкин. Шундай қилиб, келгуси 20 йил ичида янги конларни излаш ва ривожлантириш, ресурслар нархининг қандай бўлишини прогноз қилиш қийин<sup>1</sup>. Бу геология-разведка ва ишлаб чиқаришга инвестицияларни кўпайтириш зарурлигини англатади. Энергетика соҳасининг 2030 йилгача инвестицияларга бўлган жами эҳтиёжлари тахминан 17 триллион доллар ёки йилига 350 миллиард долларни ташкил этиши мумкин. Миллий компаниялар ва ишлаб чиқарувчи мамлакатларнинг ёқилғи-энергетика комплексига бўлган аҳамияти ва протекционизмнинг ортиши инвестицияларнинг пастлиги хавфини оширади. Шу боисдан, геология-разведка ва ишлаб чиқаришга инвестицияларни йўналтириш энергетика соҳаси ва бутун жаҳон иқтисодиёти олдидаги энг муҳим муаммолардан биридир.

Шу муносабат билан импортёр ва экспортёрлар ўртасида энергия хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ёндашувларида сезиларли фарқлар мавжудлигига эътибор қаратиш лозим. Бу ҳолат инвестицияларни қисқариши хавфини кучайтиради. Бироқ сўнгги йилларда “харажатлар ва хавф-хатарни адолатли тақсимлаш” ғоялари инобатга олиниб, барча томонлар – истеъмолчилар, етказиб берувчилар ва транзит мамлакатлар манфаатларини халқаро ҳуқуқий механизмлардан фойдаланган ҳолда мувофиқлаштириш илгари сурилмоқда<sup>2</sup>. Импорт қилувчи давлатлар энергия ресурсларини иқти-

<sup>1</sup> Key world energy statistics –[Электрон ресурс] // Халқаро энергетикф агентлиги: [web-сайт]. [http://www.iea.org/textbase/nptoc/key\\_stats.pdf](http://www.iea.org/textbase/nptoc/key_stats.pdf), <http://www.energyland.info/news-show-17314>

<sup>2</sup> Конопляник А.А. Договор к Энергетической хартии – правовая основа энергетического сотрудничества: (ДЭХ и проблемы транзита энергоресурсов) – М.: МГИМО(У), 2003;



содиётнинг зарур ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун етарли бўлган шароитларда ва ҳажмда етказиб бериш кафолатига эга бўлиши керак. Етказиб берувчи мамлакатларда ёқилғи-энергетика тармоғини кенгайтириш учун талаб ва даромад кафолати етарли бўлиб, келиб тушган маблағларнинг катта қисми давлат томонидан тасарруф этилиши, иқтисодиётнинг ноишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантириш учун қайта тақсимланиши зарур.

Шундай қилиб, арзон нефть масаласи ва унга эгалик қилиш ҳуқуқи халқаро муносабатларнинг ўзгарувчан тизимини ташкил этувчи омиллардан бири бўлиб қолади ва тобора муҳим аҳамият касб этиб боради, уни назорат қилиш учун курашда янги акторлар иштироки фаоллашади.

2) Нефть ва бошқа углеводород ресурсларининг чекланганлиги давлатларнинг ташқи манбаларга қарамлигини кучайтиради. Бу захиралар нотекис тақсимланган бўлиб, дунё нефть захираларининг 61 фоизи Яқин Шарқ минтақасида; газ захираларининг 56 фоизи Россия, Эрон ва Қатарда жойлашган. Европа мамлакатларига (Россия ва МДХ мамлакатлари бундан мустасно) дунёдаги нефть захираларининг атиги 1,4 фоизи ва газнинг 3,2 фоизи тўғри келади.

Шу жиҳатдан бу борада иқтисодиётдан кўра сиёсий компонент устунлик қилади. Углеводород ресурсларини дунё бўйлаб нотекис тақсимланганлиги, асосий истеъмол марказларининг асосий ишлаб чиқариш марказларидан узокда жойлашганлиги энергетик вазиятни янада беқарорлаштиради. Бундан ташқари, энг йирик истеъмолчилар асосан Ғарбий Европа ва Шимолий Америкада жойлашган диверсификацияланган пост-индустриал иқтисодиётга эга бўлган демократик давлатлардир. Шу билан бирга, асосий энергия экспортёрлари орасида хом ашёга асосланган иқтисод ва нодемократик сиёсий тизимга эга ривожланаётган мамлакатлар устунлик қилади. Бу жиҳат энергия хавфсизлиги муаммосининг сиёсий-мафкуравий аҳамиятини белгилайди.

Шу нуқтаи назардан, нефть ва газ соҳасидаги жиддий таркибий ўзгаришларга эътибор қаратиш лозим. Экспорт қилувчи мамлакатларнинг ривожланган давлатларга қарамлик ҳолати бу мамлакатларда миллий нефть ва газ компанияларини мустаҳкамлаш тенденцияси билан мустаҳкамланди.

Углеводородлар захирасига эга бўлган кўплаб мамлакатларда геология-разведка ва ишлаб чиқариш соҳасида миллий компаниялар устунлик қилмоқда, хорижий компанияларнинг фаолияти эса, камроқ даражада бўлса ҳам чекланган. Кўпгина ғарб компаниялари аллақачон ресурсларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш билан боғлиқ қийинчиликларни бошдан кечирмоқда ва бу жараён узок вақт давом этиши мумкин. Бугунги кунда Ғарб мамлакатларининг йирик компаниялари жаҳон нефтининг тахминан 40 фоизини ва

---

Селиверстов С. С. Энергетическая безопасность Европейского союза (международно-правовые аспекты) – М.: Издательский Дом «Финансовый контроль», 2007; Кавешников Н. Ю. Взгляд с разных концов трубы [Электронный ресурс] // Журнал «Мировая энергетика»: [web-сайт]. <http://www.worldenergy.ru/mode.1369-id.28208-type.html>.





газ ишлаб чиқаришнинг 50 фоизидан озроқ миқдорини назорат қилмоқда; 2030 йилга келиб, уларнинг улуши мос равишда 35 ва 40 фоизга камайиши мумкин.

3) Юқорида айтилганидек, геосиёсий ўлчовнинг аҳамияти, “энергетик мотивлар”нинг давлатлар ташқи сиёсат курсини шакллантиришга таъсири ва сиёсий тебранишларнинг айрим мамлакатлар ва минтақаларнинг ёқилғи-энергетика комплексига таъсири нуқтаи назаридан ортиб бормоқда.

Ўнлаб йиллар мобайнида АҚШ дунёнинг “энергия жиҳатидан муҳим” минтақаларида ҳарбий хозирликни таъминлаш учун катта миқдордаги маблағларни инвестиция сифатида киритмоқда. Сўнгги йилларда етакчи давлатлар ҳарбий харажатларни оширишга ва халқаро келишмовчиликлардан ўзларининг энергия мақсадларига эришиш учун фойдаланаётганликларини кузатиш мумкин. Масалан, Яқин Шарқ ва Африкадаги “энергияга бой” мамлакатларда Пекин, Токио, Деҳли ва Сеулнинг фаоллашуви, Хитой Ўрта Шарқдаги “миллий манфаатлар”ни химоя қилиш учун “янги тарихий вазифаларни” амалга оширишни назарда тутувчи ҳарбий доктринани эълон қилганлиги бунга яққол мисло бўла олади. Бу ўз навбатида мамлакат учун нефть етказиб беришнинг халқаро денгиз йўллари хавфсизлигини таъминлашни назарда тутди. Ҳарбий тузилмалар билан яқиндан алоқага эга бўлган RAND<sup>1</sup> таҳлилий марказининг маълумотларига кўра, ҳозирги кунда Хитойда 29 та сув ости кемаси мавжуд бўлиб, 2002 йилда уларнинг сони саккизта эди. Бироқ, жаҳон иқтисодиёти ва халқаро муносабатларни глобал мафкурасизлаштиришга олиб келадиган янги тенденция ҳисобга олинса, ХХI аср “дипломатик фронтлари”нинг йўналишлари ўтган асрдаги, шу жумладан сўнгги ўн йилдагидан ўзгача фарқ қилади ва бу жараёнда энергия омили шубҳасиз муҳим рол ўйнайди<sup>2</sup>. Шундай қилиб, нафақат геосиёсий омилларнинг энергияга бўлган таъсирини, балки акс таъсирни ҳам таъкидлаш мумкин. Албатта, бу жаҳон иқтисодиёти ва дипломатиясини мафкурасизлаштириш жараёнининг кучидан кўра кўпроқ сезилади.

4) Энергия олиш учун дипломатик курашнинг “ҳаракатлантирувчи кучлари”дан бири ривожланаётган мамлакатларнинг (Хитой, Ҳиндистон ва бошқалар) тез ўсаётган эҳтиёжлари билан бирга давом этаётган “энергия қашшоқлиги” дир. Энергия манбаларини назорат қилиш истаги нафақат рақобатбардош устунликка эга бўлиш, балки миллий иқтисодиётнинг долзарб эҳтиёжларини ҳам англади. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда бу асосан ишлаб чиқариш ва истеъмол ўсиш суръатлари эҳтиёжларини етарли даражада таъминлашдан иборат. Ривожланган мамлакатларда иқти-

<sup>1</sup> RAND (Research and Development) – Американинг нодавлат ташкилоти бўлиб, АҚШ ҳукумати қуролли кучлари ва тегишли ҳарбий ташкилотлар учун буюртмалар асосида ишлайдиган стратегик тадқиқотлар маркази ([//www.rand.org](http://www.rand.org)).

<sup>2</sup> Деденкулов А.В. Проблема энергетической безопасности в начале ХХI в.: вызовы и возможности //Свежий взгляд. (<http://imi-mgimo.ru/ru/svezhij-vzglyad.html>).



содий ўсишнинг энергия интенсивлиги анча паст бўлиб, яқин келажакда у тўлиқ нолга тенг бўлиши мумкин. Ривожланаётган мамлакатлардаги демографик ва иқтисодий ўсиш суръати шунчалик улканки, уларнинг ўсиб бораётган энергия эҳтиёжлари ва уни қондиришга қаратилган дипломатик фаолиятнинг кучайиши халқаро муносабатларнинг тизим яратувчи омилларидан бирига айланмаслиги мумкин эмас.

Бу ёнилғи-энергетика соҳасини ривожлантириш сиёсати ва стратегиясида тегишли тузатишларни талаб қилиши тайин. Жаҳон энергетика бозорида катта фарқлар ортиб бормоқда: бугунги кунда ривожланган капиталистик мамлакатларнинг нисбатан кичик аҳолиси энергиянинг “арслон улуши”ни истеъмол қилса, ривожланаётган мамлакатларда юз миллионлаб одамлар энергетик қашшоқлик шароитида кун кечиришга мажбур бўлмоқда. Бундан ташқари, 2011 йилги “Араб баҳори” воқеалари каби ички сиёсий вазиятнинг кескинлашуви шароитларида энергия ресурсларига бой мамлакатларнинг авторитар тузулмалари томонидан табиий ресурслардан фойдаланишни янада кенгайтириш, аҳолининг иқтисодий фаровонлигини ошириш йўли билан ҳокимиятни сақлаб қолишга бўлган уринишлар ортиши мумкин. Ички истеъмолнинг ўсиши углеводородларнинг энг йирик импортёрлари (Хитой, Ҳиндистон) ва шунингдек, келажакда экспортёр бўлган мамлакатларда ҳам (Саудия Арабистони) юз беради. Иккала ҳолатда ҳам, бу халқаро муносабатларнинг энергетика масалалари ва “эски” истеъмол марказларининг позицияларининг заифлашуви билан боғлиқ зиддиятларни кучайтириб энергетика алоқаларининг сиёсийлашувига олиб келади.

5) Атроф-муҳит, хусусан, иқлим масалалари сўнгги йилларда халқаро муносабатлар кун тартибидан катта сиёсий ва иқтисодий аҳамиятга эга бўлди. Таъкидлаш жоизки, “экологик ва иқлимий мотив” нафақат тегишли элитанинг сиёсий ва иқтисодий қарорларида, балки юз миллионлаб инсонларнинг кундалик ҳаётида ҳам кузатилмоқда. Биринчидан, иқлим масалаларининг глобал масштабдаги долзарблиги тобора ортиб бормоқда. Иккинчидан, иқлим сиёсатининг кўплаб қоидалари ҳукуматларнинг сиёсий ва иқтисодий мажбуриятларига айланди. Муқобил энергия манбаларининг ривожланиши иқтисодий фаолиятнинг муҳим истиқболли йўналиши бўлиб, бошқа соҳалар қаторида сиёсий, технологик, ҳарбий-техникавий ва ниҳоят “имидж” тамойилларини таъминлайди. Шу билан бирга, яқин келажакда энергия технологиялар пойгасининг муҳим элементи ва глобал рақобатбардошликнинг асосий омилларидан бири бўлиб қолади.

6) Ҳозирги вақтда энергия ресурсларининг экологик хавфсизлиги муҳим масалалар тоифасига айланди ва қайта тикланадиган энергия ва ноанъанавий ёқилғиларни ривожлантириш истиқболларига алоҳида эътибор қаратиш лозим. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб қайта тикланадиган энергия технологияларидан кенг фойдаланиш бошланган бўлса, бунда индикатив, мунтазамлик мавжуд: ҳар ўртача эллик йил мобайнида янги энергия



манбаи пайдо бўлиб, 40-50 йилдан кам бўлмаган даврда муҳим даражада ривожланишга эришади ва энг асосийси, энергиянинг асосий манбаига айланади. “ExxonMobil”га кўра 2030 йилгача ҳам “энергия ва технологияда эволюцион ўзгаришлар” давом этади<sup>1</sup>.

Бугунги кунда технологиянинг таъсири ёқилғи-энергетика соҳасининг кўпгина қисмларида – энергия ресурсларини қазиб олиш, уларни ташиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш ва энергияни тежашга йўналтирилган.

Атом энергетикасини ривожлантириш, ҳатто “Фукусима ҳалокати”дан кейин ҳам энг истиқболли соҳалардан бири бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга, экологлар бахтсиз ҳодисаларнинг ҳалокатли оқибатлари ва радиоактив чиқиндиларнинг утилизацияси ва сақлаш масалалари хусусида ташвишдалар. Бироқ, тўғридан-тўғри истемол нуқтаи назаридан атом электростанциялари экологик тоза энергия манбаи саналади.

Кўриниб турибдики, ядро энергетикаси, глобал иқлим сиёсати ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг иқлим ўзгариши бўйича асосий конвенцияси талабларига жавоб беради. Ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ёқилғи-энергетика комплексида кам углеродли технологиялар сифатида атом энергияси етакчилик қилиши мумкин. Бу қатор йирик мамлакатларда энергетикани ривожлантириш режалари билан тасдиқланган атом станцияларининг салоҳиятини оширишни англатади. Ҳиндистон атом станцияларининг энергия балансидаги улушини ҳозирги 3 дан 25 фоизгача оширишни режалаштирмоқда. IEA маълумотларига кўра, 2030 йилга бориб, бу мақсад учун дунё микёсида 200 миллиард доллар ажратилади.

Бошқа паст-карбонли технологиялар ва муқобил энергия технологиялари – гибрид автомобиллар ва электр транспорт воситалари, қуёш, шамол, геотермик энергия, биоэнергия юқори даражаларда ривожланмоқда. Даромад ва харажатларнинг динамикаси нуқтаи назаридан бугунги кунда энг истиқболли соҳа шамол энергетикаси ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганларни ҳисобга олган ҳолда, энергетика хавфсизлиги масалаларининг глобал кун тартибида муҳимлиги келгуси 20 йилда ортиши кутилмоқда. Бу жараён:

– энергетика хавфсизлигининг экологик жиҳатларига эътиборни кучайтиради;

– энергетика дипломатиясининг иқтисодиёт, сиёсат, геосиёсат билан алоқалари мустаҳкамланишини талаб этади;

– етказиб берувчилар ва транзит мамлакатларга таъсир кўрсатиш бўйича рақобатдаги ҳукуматларнинг кўп йўналишли ҳаракатлари, шунингдек, ресурс базаси, етказиб бериш йўналишлари ва технологияларини назорат қилишни кучайтиради.

<sup>1</sup> Outlook For Energy: A View to 2030/ Exxon Mobil: <[http://www.exxonmobil.com/Corporate/Files/news\\_pub\\_co\\_pdf](http://www.exxonmobil.com/Corporate/Files/news_pub_co_pdf)>



Юқоридаги омилларга яна ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар ўрта-сида жаҳон энергетикаси соҳасидаги барқарорликни оширишга қаратилган глобал мулоқотни фаоллаштириш, ўзаро манфаатли ечимлар излашни кириштириш мумкин. Бироқ, сўнгги халқаро-сиёсий жараёнлар, АҚШ ва Европа Иттифоқининг Эрон ва Сурияга қарши нефть эмбаргосини жорий қилиш кампанияси импорт қилувчи давлатлар томонидан “энергия шантажи” қўлланилаётганлигидан дарак беради. Шу билан бирга, расмий Пекиннинг санкцияларни қўллаб-қувватлашдан воз кечиши ва Деҳлининг эҳтиёткорликдаги позицияси (Хитой ва Ҳиндистон Япония ва Жанубий Корея билан биргаликда Эрон нефть экспортининг қарийб 50% ини ташкил этади) яқин келажакда глобал ва минтақавий миқёсдаги ўзгаришларнинг чуқурлашувини намоён этмоқда.

Глобал энергетика соҳасидаги ҳамкорлик истеъмолчи, ишлаб чиқарувчи ва транзит мамлакатлар манфаатларини мувофиқлаштирадиган универсал тартибга солиш механизмини яратишни талаб қилади. Тегишли механизм давлатларнинг иқтисодий ривожланишининг турли даражаларини ҳисобга олмоғи зарур.

Глобал миқёсда энергия хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим халқаро-ҳуқуқий муаммоларидан бири энергетика бозорида давлатларнинг иқтисодий мақомини аниқлаш ва кўп босқичли иқтисодий ривожланишни ҳисобга олган ҳолда амалга оширишдан иборатдир<sup>1</sup>. Янги халқаро сиёсий-иқтисодий тартибга мувофиқ қазиб олиш, транзит ва импорт қилувчи давлатларнинг манфаатларини мувофиқлаштириш энергия хавфсизлигининг халқаро ҳуқуқий тамойиллари асосида амалга оширилиши мумкин.

Замонавий халқаро муносабатларда энергетик хавфсизлигига тегишли куйидаги принциплар тизими мавжуд: энергия ресурслари устидан давлат суверенитети принципи; энергия самарадорлиги ва атроф-муҳит муҳофазаси принципи; энергия ресурсларини ташқида эркинлик принципи; энергия ресурслари савдосини эркинлаштириш тамойили. Юқорида баён этилганлар асосида янги, аниқ, ихтисослашган принциплар шакллантирилиши мумкин.

Энергия муаммоларининг глобал характери, уларнинг сиёсийлашуви, энергетика омилни бугунги кунда давлатлар ташқи сиёсатининг муҳим таркибий қисмига айлантормоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилиш керакки, глобал энергетика хавфсизлиги бир давлат ёки бир минтақа эмас, балки жаҳон миқёсидаги муаммоларга айланди ва халқаро даражадаги мувофиқлаштирилган комплекс чора-тадбирлар пакетини талаб қилади. Глобал энергия хавфсизлиги жаҳон ва алоҳида мамлакатларнинг динамик ривожланиши нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга ва уни таъминлашда куйидаги устувор вазифаларни ҳал этиш муҳимдир:

<sup>1</sup> Culter R.M. Cooperative Energy Security in the Caspian Region: A New Paradigm for Sustainable Development? //Global Governance. – 2006. – Vol.5 – No 2. – P. 251–271.



1. Энергия хавфсизлиги нуктаи назаридан рағбатни кучайтирадиган механизмлар (эгаллик ҳуқуқи, эркин бозор, энергия тежаш тизими, қонунлар устуворлиги ва бошқалар) ривожланиши керак.

2. Технологиялар соҳасида инновацион фаолиятни жадаллаштириш, ўзаро ҳамкорлик ва ахборот алмашинувини ривожлантириш зарур.

3. Жаҳон энергетика хавфсизлиги нуктаи назаридан тобора ўсиб бораётган глобал энергия талабини таъминлаш учун қўшимча инвестицияларни йўналтириш муҳим.

4. Дунёда ҳанузгача ҳам экспортёрлар, ҳам энергия импортёрларининг манфаатини таъминлайдиган, глобал энергетика муаммоларини ҳал қилиш бўйича ихтисослашган ваколатли аъзоликка эга кўп томонлама ташкилот мавжуд эмас. Бундай ташкилотнинг яратилиши, биринчи навбатда, транс-миллий корпорациялар учун, кейин эса ривожланаётган мамлакатлар, углеводород хомашёсини ишлаб чиқарувчилар учун манфаатсиз эди.

5. Халқаро энергетика хавфсизлигини таъминлашнинг асосий мақсади сайёрамизнинг энергия ресурс базасини сақлаб қолиш бўлиши керак.

6. Энергия ресурсларини тақсимлашнинг ўзига хос механизми ишлаб чиқилиши зарур. Шу билан бирга, ушбу механизм етказиб берувчилар ва истеъмолчилар ўртасида мавжуд бўлган таъминот ва ҳисоб-китоб тизимини такрорламасдан, балки, халқаро энергетика хавфсизлигини таъминлаш муаммосининг глобал жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда уни тўлдириши керак.

Давлатларнинг халқаро энергетика хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳамкорлиги алоҳида халқаро-ҳуқуқий тартибга солишни талаб қилади. Бугунги кунда ушбу соҳадаги ҳамкорликни халқаро тартибга солиш тизимли характерга эга эмаслиги боис мураккаблашади. Жаҳон энергетика муаммоларини чуқурлашуви ва уларни бартараф этиш зарурати халқаро ҳамжамият-ни бу соҳадаги асосий тамойил ва меъёрларни такомиллаштириш ва ягона энергетика ҳуқуқий майдонини шакллантиришга мажбур қилади. Бу, ўз навбатида, давлатларнинг савдо-молиявий ва молиявий-энергетика муносабатлари барқарор ривожланиши учун халқаро энергетика хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳамкорликка ўтишини тақозо қилади.

**КАСИМОВА ЗИЛОЛА**

Таянч докторант, ТошДШИ

**Халқаро майдонда Хитой давлат ижобий имижининг кўтарилишида “халқ дипломатияси”нинг ўрни**

**Аннотация.** Мақолада Хитойнинг ташқи ва ички сиёсий мақсадларга муваффақиятли эришиши ва давлат имиджини халқаро майдонда нуфузини оширишида “халқ дипломатияси”нинг ўрни, воситалари ва Ўзбекистон билан ўзаро маданий ҳамкорлигининг аҳамияти масалалари таҳлил этилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** халқ дипломатияси, давлат имижси, “тинч йўл билан ривожланиш”, Конфуций институти.

**Аннотация.** В статье анализируется роль «народной дипломатии» в успехе внутренней и внешней политики Китая, формирования имиджа государства на международной арене, а также в развитии межкультурного сотрудничества с Узбекистаном.

**Опорные слова и выражения:** народная дипломатия, имидж государства, мирное развитие, институт Конфуция.

**Abstract.** The article analyzes the role of “public diplomacy” in the success of China’s domestic and foreign policy, shaping the image of the state in the international arena, as well as in developing intercultural cooperation with Uzbekistan.

**Keywords and expressions:** public diplomacy, state image, peaceful development, Confucius Institute.

Глобаллашув даврига келиб, фуқаровий демократик давлат кураётган ҳар бир ривожланган мамлакат, ўзининг халқ дипломатиясига алоҳида аҳамият қаратмоқда. Бугунги кунда самарали имидж стратегиясини ишлаб чиқиш Ўзбекистоннинг ҳам устувор вазифасига айланган. Шунинг учун ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар Стратегиясининг 5.2-бандида “Чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар: давлат мустақиллиги ва суверенитетини мустаҳкамлаш, мамлакатнинг халқаро муносабатлар тўла ҳуқуқли субъекти сифатида ўрни ва ролини кучайтириш, ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, Ўзбекистон теварагида хавфсизлик, барқарорлик ва аҳил қўшничилик минтақасини вужудга келтириш; Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятига мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар ҳақида ҳолис ахборотни етказиш”<sup>1</sup> зарурлиги қайд этилган.

Республикамизда хорижий мамлакатлар билан дўстона муносабатларни ва маданий-маърифий алоқаларни мустаҳкамлаш орқали мамлакатимизнинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш ва жамият турли соҳаларидаги ютуқлари мазмун ва моҳияти тарғиботига йўналтирилган фаол “халқ дипломатия”си орқали самарали давлат сиёсатини амалга оширишга ёрдам беради. Шунинг-

<sup>1</sup> [http://www.strategy.gov.uz/uz/pages/action\\_strategy](http://www.strategy.gov.uz/uz/pages/action_strategy)





дек, буни илғор хорижий давлатларнинг тажрибаси ва унинг таҳлилидан фойдаланиш алоҳида эътиборга лойиқ.

Ушбу “халқ дипломатияси” (public diplomacy) тушунчаси замонавий ижтимоий фанлар ҳамда сиёсий жараёнлар доирасида кенг қўлланилмоқда. Аслида ушбу тушунча илк бор 1965 йилда Флетчер ҳуқуқ ва дипломатия мактаби декани Э. Гуллион томонидан илмий муомалага киритилган<sup>1</sup>. “Халқ дипломатияси” тушунчаси пайдо бўлган пайтидан бошлаб жиддий тадрижий ривожланишни бошидан кечирди: агар дастлабки паллада у оммавий бўлмаган “тарғибот” сўзини алмаштириш учун пайдо бўлган бўлса, ҳозирги босқичда халқ дипломатия воситалари қаторига хорижий жамоатчилик фикрини шакллантиришга қаратилган характери бўйича хилма-хил дастурларни: ОАВ фаолияти; маданият, илм-фан ва таълим соҳасида алмашиниш; муҳтож мамлакатларга ёрдам кўрсатиш дастурлари (соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини яхшилаш, инфратузилма қурилиши, табиий офатларда ёрдам кўрсатиш), дунёда нуфузни ошириш бўйича бошқа чора-тадбирларни (йирик миқёсдаги тадбирлар амалга ошириш)ни киритиш мумкин. Бунда омманинг жавоб реакциясини идрок қилиш ва стратегияга тузатишлар киритишда уни ҳисобга олиш қобилияти муваффақиятли халқ дипломатиянинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Ғарб илмий адабиётларида кенг тарқалган халқ дипломатия муаммолари, шу аснода, узоқ вақт давомида хитойлик тадқиқотчилар орасида оммалашмаган. Хитойда “халқ дипломатияси” тушунчасига таъриф беришга илк ҳаракатлар 1990 йилларда бошланган. Шундан бошлаб Хитой илмий ҳамжамиятида халқ дипломатиянинг моҳияти ва характери ҳақидаги баҳс-мунозаралар: 1990 йилларда ўзлаштириб олинган хорижий атамани тушуниш ва талқин қилишга қаратилган ҳаракатлардан 2000 йилларда уни Хитой шароитларига мослаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва фаол ўрганишгача бўлган икки босқични босиб ўтди. Шу даврда халқ дипломатияси масалаларига хитой ёндашуви ўзига хосликларини белгилаб берадиган хусусиятлар аниқланди ва шакллантирилди.

Ўйлаймизки, айнан шу даврда халқ дипломатия ривожланиши учун учта асосий омил хизмат қилган. Биринчидан, мамлакат раҳбарияти Хитойнинг дунёдаги имиджи борасида жиддий ташвишга тушганди. Иккинчидан, фавқулодда иқтисодий юксалиш туфайли Хитой нафақат дунё майдонида муҳим, балки кенг кўламли ташқи сиёсий ташаббусларни моддий жиҳатдан таъминлашга қодир бўлган ўйинчига айланади. Ниҳоят, учинчидан, Хитой дунёга ўзининг ривожланиш концепциясини тақдим этди ва шу тариқа ташқи сиёсий йўналишининг концептуал асосларини шакллантирди.

2003 йил Боаода бўлиб ўтган Осиё форумида Чжэн Бицзян, марказий партия мактаби вице-президенти, Хитойнинг “гинч йўл билан кўтарилиш”

<sup>1</sup> <https://scienceforum.ru/2017/article/2017036923>



(*хэтин цзюэци*) ғоясини маълум қилди<sup>1</sup>. Ўз чиқишида унинг қайд этишича, Хитой, ўтмишдаги агрессия ва экспансия йўлини танлаган ва оқибатда, муваффақиятсизликка учраган бошқа давлатлардан фаркли равишда, тинч йўл билан ривожланади ва тинч халқаро вазият яратишга хизмат қилади. 2004 йилнинг февраль ойида Мао Цзэдун таваллуд топган куннинг 110 йиллигини нишонлаш маросимида ХХРнинг ўша пайтдаги раиси Ху Цзинтао ушбу концепцияни расман эълон қилди, бу мамлакат ичида ва ундан ташқарида “тинч йўл билан кўтарилиш” борасида фаол баҳс-мунозарга сабаб бўлди. Фаол муҳокамалар натижасида бошқа мамлакатлар учун хавф туғдирадиган бўлиб кўринган “кўтарилиш” сўзи “ривожланиш” сўзи билан алмаштирилди. 2004 йилнинг апрелида Боада ҳар йили бўлиб ўтадиган форумда Ху Цзинтао Хитойнинг “тинч йўл билан ривожланиш” (*хэтин фачжань*) концепциясини илгари сурди, 2005 йил декабрда эса асосий мақсад – умумий ривожланиш уйғунликдаги дунёсини яратиш ифодалаб берилган тинч йўл билан ривожланиш ҳақида Оқ Китоб чиқарилди.<sup>2</sup>

Ниҳоят, 2005 йил Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Саммитида сўзга чиққан Ху Цзинтао жаҳон ҳамжамиятига асосий ғояси – тинч-тотув яшаш, битта мамлакат гегемонлигига қаршилик қилиш, БМТ ролини ошириш ва шу тариқа янги дунё тартибини яратиш тамойиллари асосида масалаларни тинч йўл билан ҳал қилишдан иборат бўлган “уйғунликдаги дунё” (*хэсе шицзе*) назариясини тақдим этди. Учала концепцияни бирлаштириб, улар доирасида Хитой сиёсатининг асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин: кўп кутбилик, ўзаро манфаатли иқтисодий ва сиёсий ҳамкорлик, жамоавий хавфсизлик самарали тизимини ривожлантириш ва турли маданиятлар ўртасида мулоқотни йўлга қўйиш.

Халқ дипломатия Хитой раҳбарлари томонидан ташқи сиёсий вазифаларни ҳал қилиш учун муваффақиятли қўшимча восита сифатида кўриб чиқила бошлади. Ривожланиш концепциясининг пайдо бўлиши ва устуворликларнинг белгиланиши замонавий босқичда Хитой халқ дипломатиясининг мақсадларини аниқ ифодалашга имкон берди: биринчидан, ХХРни унинг фаолияти биринчи навбатда ички ривожланиш ва ўз фуқаролари ҳаётини яхшилашга йўналтирилган мамлакат сифатида тақдим этиш; иккинчидан, Хитой ўзини у билан ҳамкорлик қилиш ўзаро манфаатли ўсишга хизмат қиладиган ва ҳеч қандай хавф туғдирмайдиган ишончли иқтисодий ҳамкор сифатида намоён этишга интилиши ҳақида йўл-йўриқлар; учинчидан, Хитой бутун дунё билан бўлишишга интиладиган қадимий маданий меросни сақловчи ва тарқатувчи сифатида намоён бўлади, тўртинчидан, Хитой уни жаҳон ҳамжамиятининг дунё микёсидаги муаммоларни ҳал қилиш ва уйғунликдаги дунё яратишдан манфаатдор бўлган аъзоси сифатида қабул қилишларини истайди.

<sup>1</sup> Zheng Bijian. China's Peaceful Rise: Speeches of Zheng Bijian 1997-2005 / Zheng Bijian. – Washington, DC: Brookings Institution Press, 2006.

<sup>2</sup> [http://news.xinhuanet.com/politics/2005-12/22/content\\_3954937.htm](http://news.xinhuanet.com/politics/2005-12/22/content_3954937.htm)



Хитой халқ дипломатияси тизими 2000 йилларга келиб аниқ қиёфага эга бўла бошлади. Халқ дипломатия соҳасида қарорлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш билан шуғулланадиган асосий структуралар тарғибот сўзи билан боғлиқ салбий тасаввурларни йўқ қилиш мақсадида 1998 йил инглиз тилидаги Тарғибот бўлими (*Propaganda department*) номини Жамоатчилик ишлари бўйича Департаментга (*Publicity Department*) алмаштирган ХКП хорижий тарғибот бўлими ҳамда ХХР Давлат Кенгашининг Матбуот канцелярияси алмаштирди.

Матбуот девонхонаси бевосита ХХР Давлат кенгашига бўйсунди ва унинг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

- дунё бўйлаб Хитой ҳақида ахборотларни тарқатиш;
- хорижий ОАВда Хитой ҳақида пайдо бўлаётган ахборотларни кузатиб бориш;
- матбуот анжуманлари ўтказиш;
- Хитой сиёсати, маданияти ва ижтимоий ривожланиш масалалари бўйича босма ва электрон маҳсулот яратиш.

Девонхонанинг расмий сайтида 1991 йилдан бошлаб чиқарилган барча Оқ китоблар матнлари билан танишиб чиқиш, матбуот анжуманлари анонсларини кўриш ёки онлайн режимда матбуот анжуманларини кузатиш, Хитойдан янгиликлар, режалаштирилган ёки амалга оширилган маданият соҳасидаги чора-тадбирлар билан танишиш мумкин. 2011 йил кўшимча равишда интернет-ахборот бўйича Девонхона ташкил қилинган бўлиб, унинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди: “интернет-ахборот соҳасида ҳуқуқий тартибга солиш тизимини такомиллаштириш, интернетда ахборот ва контент устидан назоратни кучайтириш, манфаатдор маҳкамалар томонидан маданият соҳасида онлайн-ўйинлар, аудио ва видеомаҳсулот, интернет-нашрлар каби дастурларни режалаштириш ва ишлаб чиқишга раҳбарлик қилиш, етакчи янгиликлар сайтларини режалаштириш ва яратиш учун жавобгарлик, ноқонуний веб-сайтлар билан кураш”<sup>1</sup>.

Халқ дипломатия чора-тадбирларини амалга оширишда ХХР Ташқи ишлар вазирлиги муҳим роль ўйнайди. Вазирликнинг расмий сайтида эълон қилинган функциялардан бири: “халқ дипломатия тадбирларини ташкил қилиш, Хитойда аккредитация қилинган ахборот структуралари ва хорижий журналистлар ишини назорат қилиш”, шунингдек, “ишончнома бўйича Хитойнинг хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини бошқариш” ҳисобланади. Хитой ташқи ишлар вазири (2007 йилдан бошлаб) Ян Цзечи Вазирлик ишида халқ дипломатия масалаларига катта аҳамият қаратиб, ўз интервью ва чиқишларида кўпинча Хитойда халқ дипломатиясини ривожлантириш масалаларига эътибор қаратган, ушбу мавзуда мақолалар чоп этган. Масалан, “Ҳақиқатни излаб” журналида чоп этилган мақолада Ташқи ишлар вазирлигининг халқ дипломатия соҳасидаги асосий вазифаларини қуйидаги тартибда келтиради: халқ

<sup>1</sup> [http://paper.people.com.cn/rmrb/html/2011-05/05/nwD110000renmrb\\_20110505\\_5-04.htm?div=-1](http://paper.people.com.cn/rmrb/html/2011-05/05/nwD110000renmrb_20110505_5-04.htm?div=-1)



дипломатия структурасини мустаҳкамлаш, халқаро коммуникация соҳасида ишларни кучайтириш, халқ дипломатия институционал механизмини кучайтириш, бу соҳада кадрлар контингентини яхшилаш<sup>1</sup>.

2004 йилда ХХР Ташқи ишлар вазирлигининг Ахборот ва босма Департаменти қошида очилган Халқ дипломатия масалалари бўйича бўлим ваколатига вазирликда барча хоҳловчиларнинг вазирлик вакиллари билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб олиши мумкин бўлган “очиқ эшиклар куни” каби лойиҳаларни, матбуот вакиллари билан брифингларни ташкиллаштириш, Хитойнинг бошқа мамлакатлардаги элчихоналари ва ваколатхоналари халқ дипломатия тадбирларини мувофиқлаштириш каби вазифаларни киради. Сўнгги йилларда Вазирликнинг кадрлар таркиби сезиларли даражада яхшиланиб, бу унинг иш самарадорлиги ва имиджининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди. 2005 йилда ўтказилган тадқиқот маълумотларига кўра, Хитой дипломатларининг ярмидан кўпини 35 ёшгача бўлганлар, нафақат инглиз тилида, балки айти пайтда фаолиятини олиб бораётган мамлакат тилида ҳам бемалол сўзлаша оладиганлар ташкил қилади. Дипломатлардан бирининг сўзларига кўра, “агар илгари ташқи сиёсий йўналишни англатадиган бир нечта иборани ёдлаб олиб, Хитой дипломатига айланиш осон бўлган бўлса, ҳозир ҳамма нарсани билиш талаб қилинади”<sup>2</sup>.

2000 йилда Ташқи ишлар вазирлиги қошида хорижий матбуот билан ўзаро алоқалар самарадорлигини ошириш учун Халқаро матбуот маркази ташкил этилди, у матбуот анжуманлари ва журналистларнинг хизмат сафарларини ташкиллаштиришидан ташқари, онлайн режимида бевосита фуқаролар билан мулоқот ҳам қилади.

Бу асосий структуралардан ташқари, Хитой халқ дипломатия тизимига ХХР Маданият вазирлиги ва ХХР Таълим вазирлигини ҳам киритиш мумкин, чунки маданият ва таълим соҳасидаги алмашилишлар ва тадбирлар халқ дипломатиянинг муҳим таркибий қисмига айланди.

Хитой тили ва маданиятини хорижда кенг тарқатиш ХХР Таълим вазирлиги ва унинг ҳомийлиги остида 1987 йил ташкил қилинган Хорижда хитой тилини тарқатиш бўйича махсус Давлат муассасаси (Ханьбань) сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ханьбань фаолияти, айтиқса 2004 йилга келиб авж ола бошлади ва ўз олдида бутун дунёда чет элликларга хитой тилини ўрганиш учун имконият тақдим этиш вазифасини қўйди. Шу мақсадда дунё бўйлаб хитой тили ва маданиятини ўрганиш марказлари – Конфуций институтлари пайдо бўла бошлади. Дастанбаки Конфуций институти 2004 йил 21 ноябрида Сеулда очилди. 2010 йил охиридан бошлаб дунёнинг 96 мамлакат ва ҳудудларида 322 та институт ва 369 Конфуций

1 [http://english.qstheory.cn/international/201109/t20110924\\_112601.htm](http://english.qstheory.cn/international/201109/t20110924_112601.htm)

2 D’Hooghe, Ingrid. The Limits of China’s Soft Power in Europe: Beijing’s Public Diplomacy Puzzle / Ingrid D’Hooghe. – The Hague: Netherlands Institute of International Relations “Qingendael”. Clingendael Diplomacy Papers, 2010. № 25. – P. 24.



синфлари мавжуд эди, рўйхатга олинган тингловчилар сони 360 мингга ташкил этди<sup>1</sup>. Ханбанда ёзишчи, дунёда 40 миллиондан ортиқ киши Хитой тилини ўрганмоқда<sup>2</sup>. Хитой Халқ Республикаси таълим вазирлигининг ҳисоб-китобларига кўра, 2010 йилга келиб, Хитой тилини ўрганаётган чет элликлар сони 100 миллионга етиши керак эди. 2020 йилга келиб, Ханбан Конфуций институтлари сонини 1000 га етказилиши режалаштирилган<sup>3</sup>.

Ўзбекистонда ҳам 2004 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги Конфуций Ўзбекистон-Хитой институти очилди. ХХРнинг Таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2014 йил 3 сентябрдаги қарори ижросига мувофиқ Тошкент давлат шарқшунослик институти қошида Хитойшунослик факультети ташкил этилди. Ҳозирги пайтда институтда 15 нафар ўқитувчи хитой тилидан дарс беради, уларнинг 7 нафари Хитойдан келган волонтер-ўқитувчилар ва 8 нафари ТДШИ ўқитувчиларидир. 2016–2017 ўқув йилининг ўзида институтдаги доимий тингловчилар сони 550 кишидан ошди<sup>4</sup>.

Маданиятнинг муҳим жиҳатларидан бири сифатида хитой тилининг кенг тарқалиши ҳам халқ дипломатиясининг асосий вазифаларидан бири саналади. Конфуций институти унинг фаолияти “бошқа мамлакатлар билан дўстона алоқалар йўлга қўйиш, хитой тилини ўрганаётганлар орасида Хитой маданияти ва тилини чуқур тушуниш”га йўналтирилган етакчи ташкилот ҳисобланади. Жаҳонда бундай институтлар сонининг шиддат билан ўсиши ҳам Хитой бу лойиҳани фаоллик билан ривожлантираётганлигидан далolat беради.

ХХР халқ дипломатиясида инсон омилига ҳам муносиб баҳо берилади. Унинг барча поғоналарида: юқори мансабдор шахслардан тортиб оддий талабаларгача иштироки қамраб олинган. Хитойнинг янги имиджини шакллантиришда ХХР Раиси ва Бош вазири мамлакат ташқи сиёсатида асосий фигуралар сифатида муҳим роль ўйнайди.

Хитой фаоллик билан ривожлантираётган “имиж” йўналишини ҳам қўйиш мумкин: у йирик халқаро тадбирларни ўтказиши, ривожланаётган мамлакатларга кўрсатаётган ёрдами, эпидемиялар ва табиий офатлар оқибатларини бартараф этишда, халқаро ташкилотларда фаол донор сифатида иштирокида намоён бўлмоқда.

Хитой халқ дипломатиясининг халқаро тадбирлар ташкил қилиш каби амалий натижа берадиган воситасидан ҳам фаол фойдаланади. Охириги йилларда мамлакат йирик халқаро ва маҳаллий тадбирлар ташкилотчиси бўлди: спорт (Осиё ўйинлари ва Олимпиада ўйинлари), маданият (Шанхайдаги

<sup>1</sup> Лю Яньдун. Совместная работа для устойчивого развития институтов Конфуция: Программная речь на V съезде Институтов Конфуция // Институт Конфуция (русско-кит. версия). 2011. № 1 (янв.). Б. 10

<sup>2</sup> Learning Chinese to grab Chinese market: foreign youngsters English Xinhua 8 августа 2009 Wayback Machine Архив копиясидан

<sup>3</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%98%D0%BD%D1%81%D1%82%D0%B8%D1%82%D1%83%D1%82\\_%D0%9A%D0%BE%D0%BD%D1%84%D1%83%D1%86%D0%B8%D1%8F](https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%98%D0%BD%D1%81%D1%82%D0%B8%D1%82%D1%83%D1%82_%D0%9A%D0%BE%D0%BD%D1%84%D1%83%D1%86%D0%B8%D1%8F)

<sup>4</sup> <http://tashgiv.uz/konfutsiy-nomidagi-ozbek-xitoy-instituti/>



жаҳон кўргазмаси, Россияда Хитой йили, Берлиндаги маданият ҳафталиги), сиёсат (АСЕАН саммити, аёллар ҳуқуқлари масалалари бўйича БМТ Халқаро анжумани) каби соҳаларда кўплаб тадбирлар ташкил этилди. Бундай тадбирларнинг уюштирилиши нафақат ўзи ҳақида жаҳон ҳамжамиятининг фаол аъзоси сифатида яна бир бор маълум қилиш, балки мамлакатнинг ривожланиш даражасини намойиш этиш, чет эллик меҳмонларга Хитой “жозоба”сини ҳис қилиб кўриш учун ҳам яхши имконият ҳисобланади.

Шундай қилиб, халқаро майдонда Хитой давлат ижобий имижини оширишда асосий воситалар қаторига: *биринчидан*, ОАВ ва нашрлардан фойдаланиш орқали, *иккинчидан*, маданият ва таълим соҳасидаги алмашилишлар орқали, *учинчидан*, мамлакатларга иқтисодий ёрдам кўрсатишни киритиш орқали, *тўртинчидан*, Конфуций институтлари ёрдамида чет элда Хитой маданияти ва тилини фаол тарқатиш, илм-фан соҳасида ҳамкорлик қилиш, йирик миқёсдаги тадбирлар ташкил қилиш, халқаро ташкилот ва лойиҳаларда фаол иштирок этиш орқали Хитой халқ дипломатиясининг барча элементларини уйғунликда ривожлантиришга интилоқда.

Муҳими шундаки, мамлакат раҳбарияти Хитойнинг ташқи ва ички сиёсий мақсадларга муваффақиятли эришиши ва давлат имиджини халқаро майдонда нуфузини кўтаришида “халқ дипломатияси” воситаларидан фойдаланишнинг зарурлиги, унинг самарали натижа беришини англаб етди ва уларни амалиётга фаол жорий эта бошлади.

### **IBROKHIMOV DILSHOD**

*Researcher, TSIOS*

#### **The logic of diplomacy and China's foreign policy toward Central Asia**

**Abstract.** *Today China tries to enhance its strategic positing in the international arena where it is persisting a severe rivalry among great powers for influence. From this perspective, this article analyzes the importance of Central Asian region for Chinese foreign policy. Xi Jinping's presidency has given a new impetus to the revitalization of relations between Central Asian States and China. First of all, it is related to China's new strategy known as "One Belt, One Road" where Central Asia is considered as an important region.*

**Keywords and expressions:** *Central Asia, Chinese foreign policy, One Belt One Road, infrastructure, energy pipeline, geopolitical competition.*

**Аннотация.** *Қудратли давлатлар ўртасидаги рақобат авж олиб бораётган бир пайтда, халқаро саҳнада ўз стратегик позициясини мустаҳкамлашга интилаётган Хитой халқ республикаси учун Марказий Осиё минтақасининг катта аҳамият касб этиши мазкур мақолада таҳлил қилинган. Президент Си Цзиньпин ҳукмронлик йиллари Марказий Осиё давлатлари ва Хитой ўртасидаги ўзаро муносабатларининг фаоллашуви даври бўлди, десак муболага бўлмайди. Бу, авваламбор, Хитойнинг янги “Бир макон, бир йўл” номли стратегияси билан боғлиқ бўлиб, унда Марказий Осиё минтақасига алоҳида эътибор қаратилган.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *Марказий Осиё, Хитой ташқи сиёсати, “Бир макон, бир йўл”, инфратузилма, энергия магистрали, геосиёсий мусобақа.*





***Аннотация.** В данной статье анализируется важность Центрально-азиатского вектора для Китая, который стремится улучшить свои стратегические позиции на международной арене в условиях жесткой конкуренции за влияние между ведущими державами. Период правления президента Си Цзиньпина можно охарактеризовать как новый толчок в активизации взаимоотношений между государствами Центральной Азии и Китая. В первую очередь, это связано с новой стратегией КНР под названием «Один пояс, один путь», в которой важное место отведено региону Центральной Азии.*

***Опорные слова и выражения:** Центральная Азия, внешняя политика Китая, «Один пояс, один путь», инфраструктура, энергетическая магистраль, геополитическое соревнование.*

### **Introduction**

Today we are observing the fundamental process of geopolitical and geoeconomic changes in the world. Undoubtedly, the Eurasian continent and the adjacent areas of the African continent (and possibly Africa as a whole) became the main arena of these changes. Here we can use the term “Greater Eurasia” which involves not only leading actors such as the Western Europe, China, Russia, Japan, South Korea, India, Turkey, but also other relatively-small, but economically important emerging nations in Europe, Asia and Middle East. It should be noted that Greater Eurasia is not limited to the concept of the Heartland, term used by famous British geographer John Mackinder. Most of these changes are associated with trends that emerged back in the 1990s and early 2000s. While at the same time, we can perceive the erosion of those characteristics of globalization that were associated with the triumph of the post-bipolar world order. One of the most important prerequisites for the emergence of Greater Eurasia is the strengthening of the semi-peripheral and peripheral powers that caught the wind of globalization in their sails and quickly began to catch up with the developed powers. Actually, China, the most successfully coping with the hardships of the financial crisis in 2008, turned out to be not only the second economy of the world, but also declared global ambitions.

Increasing China's influence in Central Asia, linking Beijing with its own development, first of all, by financing the construction of infrastructure facilities in the region, expanding Chinese participation in the development of natural resources, using the potential of the Shanghai Cooperation Organization, and promoting the alternative integration project of the Silk Road Economic Belt, become stable trends of the Central Asian vector of China's foreign policy. This article examines the new ambitious plans of Chinese government to build stable and long-term relations between China with its western neighbors, located in Central Asia. In order to provide a more general understanding, this study uses the “Bottom-up” approach when explaining the bilateral relations between China and Central Asian countries.

### **Chinese new foreign policy and logic of diplomacy**

Central Asia is important for China and forms one of the key directions of its foreign policy. In should be noted that China acts in Central Asia not from the point of view of geography, but in the logic of diplomacy. The purpose of the Chinese strategy is to maintain friendly relations with all adjacent or closely



located countries, to form a belt of stability around the country. The significance of the peripheral strategy is determined by the fact that it can help create a friendly and safe environment, improve China's strategic position, increase its diplomatic resources and expand its international influence. The need for a peripheral strategy stems from the fact that China has borders with fourteen countries and the total length of its land borders exceeds 20,000 km. Therefore, the Chinese neighborhood diplomacy is quite complicated. Neighboring countries are very different, and their relations with China are also very diverse. Some sections of the border are affected by historically arisen territorial disputes.

In autumn 2013 President Xi started a historical tour to the Central Asia region. Speaking at the Nazarbaev University in Kazakhstan, he announced his ambitious vision concerning China's future endeavors in Eurasian continent. His famous speech marked the start of implementing "Silk Road Economic Belt" framework aiming at building for large-scale economic infrastructure projects. This initiative intends to promote physical connectivity through creating transport corridors and energy pipelines linking China with Kazakhstan, Uzbekistan, Turkmenistan, Russia, Mongolia, Iran, Turkey, the Balkans, the Western Europe. Soon afterwards, in October 2013 speaking at the Indonesian Parliament, President Xi Jinping proposed the countries of South-East Asia to jointly create a new "Maritime Silk Road" linking south-east China with south-east Asia, Bangladesh, India, the Persian Gulf and the Mediterranean, ultimately also ending up in Germany and the Netherlands. Thus, Chinese leader presented to the world community a new development strategy coined as One Belt, One Road (OBOR) which consists of two components – "Silk Road Economic Belt" (Belt) and "Maritime Silk Road" (Road). The main goal of these two projects is upgrade existing infrastructure and develop new transcontinental railway routes, highways, port facilities and energy pipelines. OBOR potentially involves over 60 countries with a combined population of over 4 billion people, whose markets currently account for about one-third of global GDP<sup>1</sup>.



<sup>1</sup> Ferdinand P. Westward ho – the China dream and 'one belt, one road': Chinese foreign policy under Xi Jinping. *International Affairs*, 92: 941–957. doi:10.1111/1468-2346.12660.



By initiating OBOR, China reaffirmed its intention to push forward a new model of globalization. It implies a creation of more complex connectivity among the countries of the world through the targeted economic relations, improved trade and sophisticated interregional infrastructure systems.

*The first phase* of the OBOR lasted from 2013 to 2016. In this period, China succeeded to convince the world that OBOR is a completely different model of cooperation and “win-win” outcome is still reachable in bilateral economic relations.<sup>1</sup> For this reason, more than 70 countries expressed their willingness to join Chinese new development strategy. In fact, China has signed bilateral international cooperation agreements with more than 40 countries. This phase can be described as a period of “Declaration of bilateral intentions”.

Today we are observing *a second phase* of OBOR and this was marked during the High level summit – the Belt and Road Forum for International Cooperation, successfully conducted on May 14-15, 2017 in Beijing. This stage requires more focused work with the potential partner countries located along Belt and Road initiative. During this summit, there were serious talks among participating countries on the ways forward and putting in place a concrete institutional framework for this initiative. Unlike the first phase where all agreements have a bilateral importance, this second phase will push more multilateral interaction among the countries involved in OBOR.

OBOR has its own logic. According to Chinese experts, the majority of world’s population has not benefited from the existing version of globalization mainly built on the Western values and interests. In this regard, new Chinese model is based on creating a strong physical connectivity through infrastructure.<sup>2</sup> It is designed to bring a prosperity in the least developed parts of the world. As it was argued by some experts, most developing countries of the South are not satisfied with the results of the American version of globalization as its negative effects left many poor nations out of elementary basic needs such as electricity, drinkable water, safe food, housing, etc. China, unlike the West, proposes an equal cooperation within the framework of OBOR initiative<sup>3</sup>.

### **Priority areas for China in regard to Central Asia**

Central Asian region is adjacent to China's geography. There is unanimous view among the scholars that Central Asia is an important international trans-

<sup>1</sup> “Vision and Actions on Jointly Building Silk Road Economic Belt and 21st-Century Maritime Silk Road” (March 2015), issued by China’s National Development and Reform Commission, Ministry of Foreign Affairs, and Ministry of Commerce of the People’s Republic of China, with State Council Authorization, available at [http://en.ndrc.gov.cn/newsrelease/201503/t20150330\\_669367.html](http://en.ndrc.gov.cn/newsrelease/201503/t20150330_669367.html)

<sup>2</sup> Zhao Minghao (2015). China’s New Silk Road Initiative, IAI Working papers, the Istituto Affari Internazionali.

<sup>3</sup> Wang Yiwei (2016). The Belt and Road Initiative: what will China offer the world in its rise, New World Press.



portation hub for trade in goods, people's travelling and information exchange between Asia and Europe<sup>1</sup>.

For the Chinese foreign policy in the region, Central Asia is important in a number of aspects and less significant in others. *Security issues* are on the top priority agenda, however Central Asia itself is not a source of threat. Although the military presence of other great powers in this region can turn into a strategic threat, this presence can only create a disturbance for China, but not a direct attack. For Beijing, the main threat to China's security comes from terrorist, separatist and extremist forces. Xinjiang, the main arena of the destabilizing factors, is located near the Central Asian borders. So it is so important for China to cooperate with Central Asia to contain the separatist onslaught, and Central Asia can play an important role.

Another vital area for cooperation is certainly the *energy sector* which represents an important factor of Chinese interests in Central Asia. Since Central Asia has rich oil and gas deposits, imports from this region are an extremely attractive opportunity. The forecast of imports of Central Asian oil is very favorable; energy from this region can make a significant share of Chinese energy imports and play a significant role in meeting the country's energy needs. For instance, according to the statistics of 2014 by FACTS Global Energy, the Middle East delivers more than 51% of China's oil imports, and about 17 % is imported from Africa, the second most important supplier. The third significant source is Russia, which accounts for more than 11% of China's oil imports. In Central Asia, Kazakhstan is the main oil exporter to China. After the completion of the Sino-Kazakhstan oil pipeline, Central Asia is expected to be able to increase supplies.

Over the past two decades, the position of Central Asia in Chinese diplomacy has undergone a certain change. The main direction was a gradual increase, and the factor of Central Asia became more independent. Initially, China perceived Central Asia as a kind of Russian "traditional sphere of influence". There were some reasons for this.

Firstly, Russia and the Central Asian republics were one side of negotiations with China concerning the border demarcation talks.

Secondly, for a long time Chinese experts considered Central Asia not as an independent entity, but as politically and economically dependent states with pro-Russian foreign policy orientation. This reflected the traditional attitude of Chinese diplomacy to Central Asia. However, after the creation of Shanghai Cooperation Organization, Central Asian countries began to refer to China as an alternative center of gravity in the Central Asian strategic balance. Moreover, the

---

<sup>1</sup> Cheklina T. N. (2015). Perspektivy sotrudnichestva stran Shankhayskoy organizatsii sotrudnichestva v ramkakh proekta «Ekonomicheskiy poyas na Velikom shelkovom puti» [Prospects of Cooperation of the Countries of the Shanghai Cooperation Organisation within the «Economic Belt on the Great Silk Way» Project], Rossiyskiy vneshneekonomicheskiy vestnik, 2015, No. 2. (In Russian).



announcement of One Belt and One Road strategy strengthened once again “Chinese vector” of Central Asian foreign policy.

### **Conclusions**

A new generation of leaders led by Xi Jinping and Li Keqiang came to power in China and started to implement a set of measures associated with the reorientation of the economy to the development of domestic demand, while simultaneously carrying out structural reforms, leveling disproportions and stimulating innovative activity. After the tremendous achievements in domestic economic policy, now China actively increases the cumulative power in its foreign policy strategy. It factually begins to rely more on the determinants of the global politics, seeking to transform the modern architecture of international relations into its national interests, making it more multipolar and dynamic. As Mark Leonard, director of European Council on Foreign Relations, pointed out, rather than trying to overthrow existing institutions as many had feared, Beijing is instead using this economic might to link up to the rest of the world and develop a series of relationships and institutions which result in a more China-centric world order. This new economic and political order is structured differently from Western-led multilateral institutions which are underpinned by treaties, international law and the pooling of sovereignty<sup>1</sup>.

The China’s “Revival” in the system of international relations is reflected in the strengthening of Beijing’s position in various regions of the world, including in Central Asia, which, due to its important geostrategic position and the presence of significant hydrocarbon reserves, continues to be the focus of attention of the Chinese establishment. In the light of Beijing’s recent increased activity in the Central Asian region, a comprehensive assessment of the Chinese foreign policy towards the region is becoming more relevant and in demand.

---

<sup>1</sup> World Economic Forum, Geo-economics with Chinese Characteristics: How China’s economic might is reshaping world politics, Regional Agenda, January 2016, available at [http://www3.weforum.org/docs/WEF\\_Geo-economics\\_with\\_Chinese\\_Characteristics.pdf](http://www3.weforum.org/docs/WEF_Geo-economics_with_Chinese_Characteristics.pdf)





## ФАЛСАФА// ФИЛОСОФИЯ // PHILOSOPHY

**СУЛАЙМОНОВ ЖАСУР**  
*Катта ўқитувчи, ТошДШИ*

### **Ибн Халдун қарашларида географик детерминизм ғоялари**

**Аннотация.** Мазкур мақолада араб-муслмон ижтимоий тафаккурининг машхур мутафаккири Абу Зайд Абдурахмон ибн Халдун (1334–1406) ижтимоий-фалсафий қарашларидаги географик детерминизм ғоялари таҳлил этилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** “Муқаддима”, географик детерминизм, жамият, геосиёсат, геостратегик манфаатлар, биринчи иқлим, иккинчи иқлим, учинчи иқлим, олтинчи ва еттинчи иқлим.

**Аннотация.** В данной статье анализируется идеи географического детерминизма в социально-философских взглядах известного мыслителя арабо-мусульманской социальной мысли Абу Заида Абдурахмана бин Халдуна (1334–1406).

**Опорные слова и выражения:** “Мукаддыма”, географический детерминизм, общество, геополитика, геостратегические интересы, первый климат, второй климат, третий климат, шестой и седьмой климаты.

**Abstract.** This article analyzes the ideas of geographical determinism in the socio-philosophical views of the famous thinker of Arab-Muslim social thought Abu Zayed Abdurahman bin Khaldun.

**Keywords and expressions:** "Mukaddima", geographical determinism, society, geopolitics, geostrategic interests, the first climate, the second climate, the third climate, the sixth and seventh climates.

Ижтимоий фалсафа оқимлари орасида географик детерминизм оқими алоҳида ўринга эга. Мазкур оқим кейинчалик дунёнинг сиёсий, мафкуравий ва иқтисодий жабҳаларида кенг таъсирга эга бўлган геосиёсат ва геостратегик манфаатлар каби трендларнинг ривожланишига асос бўлди. XIV асрнинг машхур мутафаккири Абу Зайд Абдурахмон ибн Халдуннинг ижтимоий-фалсафий қарашларида географик детерминизмга асосланган фикрлар илгари сурилган.

Абу Зайд Абдурахмон ибн Халдуннинг ижтимоий-фалсафий қарашлари мутафаккирнинг “Муқаддима” асарида ифодаланган. Ибн Халдун мазкур асарининг таркиби ҳақида шундай ёзган: “Ушбу китобимнинг муқаддимаси олти қисмдан иборат”<sup>1</sup>.

Асарнинг биринчи қисмида мутафаккир инсоннинг жамият ва табиатдаги ўрни ҳамда мақоми ҳақидаги фикрларини қуйидагича баён қилган: “Файласуфлар гапи билан айтганда “Инсон табиатан ижтимоий мавжудотдир”, у

<sup>1</sup> Ибн Халдун. Ал-Муқаддима. – Ал-Қоҳира: Дор ал-китаб Ал-Мисрий ва ал-Лубнаний, 1999. – Б. 17.





бошқалар билан биргалашиб яшаши керак. Бундай бирлашмани ифодалаш учун улар “шахар” сўзидан фойдаланадилар. Ижтимоий, жамоавий ҳаётнинг маъноси ҳам шудир ва буни қуйида шарҳлаймиз: Аллоҳ инсонни шундай яратдики, у озиқ-овқат билангина ҳаёт кечири олади. У бандасига ҳаёт кечириши учун озиқ-овқат топишга тафаккур ва лаёқат инъом қилди. Лекин бир инсон ўзи учун керакли бўлган озуқани ёлғиз ҳолда топишга имкон топа олмайди. Масалан, бир кунлик буғдойни истеъмол қилиш учун, буғдойни ун қилиб тортиш керак, хамир қилиш керак ва ниҳоят пишириш керак. Инсон юқоридаги уч ҳаракатни амалга ошириш учун турли иш қуролларини ишлатади. Иш қуроллари эса темирчи, дурадгор, кулол каби турли ҳунармандлар томонидан ясалади. Агар инсон буғдойни ҳеч қанақа ишлов бермасдан ғалла сифатида истеъмол қилса ҳам, донни олиш учун турли ҳаракатларни бажаришга мажбур бўлади, донни экиш, ўриб олиш, янчиш керак бўлади. Бу ишларни ҳам амалга ошириш учун турли ҳунарлар маҳсули бўлган меҳнат қуролларидан фойдаланилади. Бу ишларни бир киши бажариши мумкин эмас, озуқани тайёрлаш, уни истеъмолга етказиш учун кўп кишиларнинг меҳнати зарурдир. Инсонлар ўртасидаги ўзаро ёрдам уларнинг эҳтиёжларини қондиришга етарлича куч беради.

Ҳар бир инсон ўз ҳаётини ҳимоя қилишда бошқа кишиларнинг ёрдамига эҳтиёж сезади. Аллоҳ борлиқни яратганда, ҳайвонларни жисмонан кучли қилиб яратган, бандаларини эса уларга қараганда кучсиз қилиб яратган. Масалан, от, арслон, хўкиз, фил инсондан жисмоний жиҳатдан бир неча баробар кучлидир. Ҳайвонлар ўртасидаги яшаш учун кураш табиийдир. Аллоҳ ҳар бир ҳайвонга бошқасини овлаш ёки бошқасидан ҳимояланиш учун алоҳида қурол берган, яъни танасининг бирор аъзосини кучли қилиб яратган. Аллоҳ инсонга куч ўрнига тафаккур ва қўл инъом этган. Инсон тафаккур ва қўл воситасида ҳунар билан шуғулланади. Ҳунар эса ҳайвон тана аъзоларини ўрнини босувчи қуролларни инсонга берган. Найза шох ўрнини, қилич – ўткир тирноқ, қалқон эса қалин тери ўрнини босган. Лекин инсон ёлғиз ҳолда йиртқич ҳайвонга қаршилиқ кўрсата олмаган, ўзини ҳимоя қила олмаган. Қуролларни тайёрлаш учун бир инсоннинг кучи етарли эмас. Ҳимоя қуролларини тайёрлаш учун кўп ҳунарлар ва бошқа меҳнат қуроллари зарурдир. Инсонга ҳамма соҳада бошқа инсонларнинг ёрдами зарур, агар ўзаро ёрдам бўлмас экан, инсон ўзини озуқа билан таъминлай олмайди. Инсон қуролсиз ўзини ҳимоя қила олмайди. Уни ҳайвонлар маҳв этишади ва инсон зоти заволга юз тутади. Агар ўзаро ёрдам, ҳамжиҳатлик бўлса, инсон озуқа билан ҳам таъминланади, ҳимоя учун қуролга ҳам эга бўлади. Шундагина Аллоҳнинг инсон зотининг мавжуд бўлиши ва давом этиши ҳақидаги иродаси бажарилади”<sup>1</sup>. Шундай қилиб, инсон зоти учун бирлашиш зарур экан. Ибн Халдун инсон ҳаёти учун жамоа бўлиб яшашнинг зарурлигини таъкидлаб ўтган. Шунингдек, мутафаккир жамият шаклланишида меҳнат тақсимотининг аҳамиятига ҳам эътибор бериб ўтган.

<sup>1</sup> Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока: Ибн Халдун «Введения». – М., 1965. – С. 321.



Мўътадил иқлимда яшовчилар меҳнат қуролларидан фойдаланган ҳолда уйларини тош пойдеворда қуришади ва безак беришади. Улар олтин, кумуш, темир, мис, кўрғошин, қалайдан фойдаланишади. Маҳсулот айирбошлашда кумуш ва олтиндан фойдаланишади ва ҳаётларида қатъий ўлчов бирликларини ўрнатишган. Мағриб, Сурия, Жанубий ва Шимолий Ироқ, Синд ва Хитой аҳолиси шу тарзда яшайдилар. Шунингдек, Андалусия, франклар, галисийлар ва уларга қўшни халқлар ҳам мўътадил иқлимда истиқомат қилишади. Энг мўътадил минтақалар сирасига Сурия ва Ироқ киради, улар марказда жойлашган. Номўътадил иқлимлар биринчи, иккинчи, олтинчи ва еттинчи иқлимлардир. Ушбу иқлимлар аҳолисининг ҳаёт тарзи, урф-одати мўътадил иқлим аҳолисиникидан кескин фарқ қилади. Улар турар жойларини тупроқ ва қамишдан қуришади. Номўътадил иқлим яшовчилари дон ва ўт истеъмол қилишади, дарахт япроқлари ёки ҳайвон терисидан кийим сифатида фойдаланишади. Бу халқларнинг кўпчилиги кийимсиз ҳам истиқомат қилишади. Уларнинг озуқалари ҳам ўзгача бўлиб, мўътадил иқлим халқлари озуқаларидан тубдан фарқ қилади.

Номўътадил иқлим аҳолиси маҳсулот айирбошлашда қимматбаҳо металллардан фойдаланишмайди. Улар тўлов сифатида мис, темир ёки теридан фойдаланишади<sup>1</sup>.

Ушбу иқлимлар аҳолиси турмуш тарзи ҳайвонлар турмуш тарзига ўхшашдир. Биринчи иқлим аҳолиси бўлган суданликлар чангалзорларда ва ғорларда ҳаёт кечиришади, улар ҳайвонлардек яшайдилар. Суданликлар ўт билан озикланишади, шунингдек, улар одамхўрлик ҳам қилишади. Уларнинг эътиқоди номаълум, илм-фан билан шуғулланишмайди. Суданликлар ҳаёт тарзи ҳайвонларникидан фарқ қилмайди. Баъзи бир шажара билан шуғулланувчи олимлар табиат кучлари илимдан беҳабар ҳолда, суданликларнинг териси қоралигини афсонат билан боғлашади. Улар берган маълумотларга кўра суданликлар Нух пайғамбарнинг ўғли Хом авлодлари бўлиб, Нух ўғли Хомни лаънатлаганлиги учун унинг авлодлари қора тусли бўлган эмиш. Бу олимлар суданликларнинг қора тусли эканлиги сабабини қидиришганда, табиатнинг иссиқ ва совуқ ҳавоси ва уларнинг тирик жонзотларга таъсирини ҳисобга олмаганлар<sup>2</sup>.

Биринчи ва иккинчи иқлим аҳолиси рангининг қоралиги иссиқ ҳавонинг инсон терисига таъсири билан боғлиқ. Бу иқлимларда қуёш йил бўйи зенитда туради. Қуёш нури жуда ҳам кучли бўлиб, юқори ҳарорат инсонларга таъсир қилади ва уларнинг ранги қора тусни олади.

Шимолда жойлашган олтинчи ва еттинчи иқлимлар аҳолиси тери ранги совуқ ҳаво натижасида оқ тусни олган. Бу иқлимларда қуёш зенитга чикмайди, шимолга борган сари иссиқ ҳарорат пасайиб боради, совуқ кучайиб боради, инсонларнинг териси ранги эса оқариб боради.

<sup>1</sup> Ибн Халдун. Ал-Муқаддима. – Ал-Қоҳира: Дор ал-китаб Ал-Мисрий ва ал-Лубнаний, 1999. – Б. 18.

<sup>2</sup> Ҳотамий Сайид Муҳаммад. Ислом тафаккур тарихи. – Т.: Минҳож, 2003. – Б. 241.



Суданликларнинг шимол томондаги тўртинчи ва еттинчи иклимларда яшайдиган қардошлари оқ туслидирлар. Тўртинчи иклимнинг жанубида яшовчи қардошлари ранги эса қора туслиги билан ажралиб турадилар. Бу эса инсон териси ранги ҳаво ҳароратига боғлиқ эканлигини кўрсатади. Бирор бир ҳудуд аҳолисининг табиий хусусиятларини уларнинг аждодига боғлиқ афсоналарга ва эътиқодларга боғлаш хатодан бошқа нарса эмас, бу табиий ҳодисаларнинг моҳиятини билмасликдир.

Ибн Халдун инсон териси ранги, яшаш тарзи, урф-одатлари географик омилларнинг таъсирига боғлиқ равишда ўзгаришини таъкидлаб ўтган. Мазкур жиҳатлар мутафаккир таълимотидаги географик детерминизм ғояларининг ёрқин намунаси бўлиб, уни ўз даври учун жуда катта ютуқ сифатида баҳолаш мумкин.

Ибн Халдун асарининг биринчи қисмдан қуйидаги фикрлар ҳам ўрин олган: “Бу дунёни кузатар эканмиз, борлиқдаги ҳамма ҳодисалар тартиб ва қонуниятлар асосида рўй беришини гувоҳи бўламиз. Бу ҳодисалар бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва бир-бирига айланади. Дунё мўъжизалари бу билан тўхтаб қолмайди. Бу моддий дунёни ҳис қилишдан бошланади. Унсулар дунёсида ер унсури сувга, кейин ҳаво унсурига, кейин олов унсурига босқичма-босқич ўтиб, дунёдаги ҳамма нарсанинг бир-бирига боғлиқлигидан далолат беради. Мураккаб жисмлар дунёсини кузатадиган бўлсак, у минераллардан бошланади, кейин ўсимликлар, кейин ҳайвонлар, булар ҳаммаси ҳайратланарли даражада тартиб билан жойлашган. Минераллар қатлами тугаганидан кейин, ўсимликлар дунёси бошланади. Ўсимликлар дунёси тугаганидан кейин, масалан, пальма ва узум, пайпаслаш билан сезиш мумкин бўлган чиғаноқлар ва шиллиққуртлар, ҳайвонот дунёси бошланган. Сезиш лаёқатига ва ақлий ҳаракатларга эга бўлган, лекин тафаккури бўлмаган маймунлар дунёсидан тафаккурга эга инсон ажралиб чиқди. Бунга қадар ҳайвонот дунёси кенгайиб, турли хил ҳайвонлар ва жонзотлар тури кўпайиб кетди”<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, Ибн Халдун субстанция сифатида олинган унсулар масаласига ҳам тўхталиб ўтган. Мутафаккирнинг унсулар ҳақидаги фикрлари унинг машшойийунларга бўлган эътиборидан далолат беради.

Иккинчидан, Ибн Халдуннинг инсонни маймунлар дунёсидан ажралиб чиққанлиги ҳақидаги фикрлари арабча матнда кузатилмаган. Бу Бациеванинг русча таржимасидан олинган бўлиб, масалага марксистик, бирёқлама ёндашишнинг оқибатидир. Лекин мутафаккир асарида дунёнинг табиий ривожланиши, инсон эса ёввойи дунёдан тафаккури ёрдамида кишилик жамиятига айланганилигини таъкидлаб ўтган.

Учинчидан, XIV аср араб мутафаккири Ибн Халдуннинг қарашларида географик детерминизм оқимининг илдиэлари ўз аксини топган. Замоनावий фанда XVIII асрда яшаган француз мутафаккири Ш. Монтескье географик детерминизм оқимининг асосчиси ҳисобланади. Ибн Халдунни ҳам Шарқда ушбу оқимнинг асосчиларидан бири деб ҳисоблаш мумкин.

<sup>1</sup> Избранные произведения мыслителей стран Ближнего и Среднего Востока: Ибн Халдун «Введения». – М., 1965. – С. 323.



**ШАКИРОВА НОДИРА**

Таянч докторант, ТошДШИ

## Упанишадлар ва “Авеста”да герменевтик ёндашув моҳияти

**Аннотация.** Мақолада Упанишадларнинг “Авеста”даги инсон ва табиат, инсон ва борлиқ яхлитлиги масалаларига муносабати кўриб чиқилган бўлиб, ҳинд тафаккурининг ривожланишига рационализм асос бўлганлиги ҳақидаги фикр-мулоҳазалар таҳлил қилинган.

**Таянч сўз ва иборалар:** ану, рационализм, пара, апара, ҳақиқат, билим, Рама, Брахма, майя, ақл, энг олий ақл.

**Аннотация.** В статье рассматривается отношение Упанишадов на вопросы единства человека с природой и вселенной в целом, а также обсуждается роль рационализма в развитии индийского мышления.

**Опорные слова и выражения:** ану, рационализм, пара, апара, истина, знание, Рама, Брахма, майя, ум, интеллект.

**Abstract:** The article considers Upanishads' attitude to the matter of integrity of a human with nature and the universe in Avesta, and the role rationalism in development of Indian ideas were also discussed.

**Keywords and expressions:** anu, rationalism, reality, knowledge, Rama, Brahma, Maya, Intellect, the highest intellect.

Бугунги кундаги маънавият ва маданиятнинг ривожланишида ҳар бир мамлакатнинг ўчмас қадимий тарихий ва фалсафий манбалари алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, илк ижтимоий-фалсафий қарашлар ҳам унинг илк тарихий-фалсафий манбаларига бориб тақалади.

Деярли бир хил ривожланиш жараёнига эга бўлган ана шундай тарихий ёдгорлик намуналари “Авеста” ҳамда Ведалар билан яқиндан танишар эканмиз, улардаги умуминсоний қадриятлар мақоми ва ҳаёт фалсафаси бизни ҳозирда ҳам ҳайратда қолдиришига яна бир бор амин бўламиз.

“Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди”, дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Барчангизга аён, ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар тобора кескин тус олмақда. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда. Мана шундай ва бошқа кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани – айни ҳақиқат ва буни ҳеч ким инкор этолмайди”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тарққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – Б. 504–505.



“Ригведа” ва “Авеста”даги талқин қилинган ахлоқий қадриятлар кейинги давр фалсафий таълимот ва мактабларининг ғоялари ривожланишига асос бўлганлиги ҳамда “Авеста” ва “Ригведа”даги готлар матнлари санскрит ва зенд тилларининг ўхшаш жиҳатларини, унинг Қадимги Ҳиндистонда, Мидияда, Эронда, Озарбайжонда ва Туронда мавжудлиги, минтақа халқлари ушбу тилда сўзлашганликларини илмий асослаб беради.

Шунга қарамай, мазкур масала нафақат ватанимизда, балки хорижда ҳам етарлича тадқиқ қилинмаган мавзулардан бири бўлганлиги учун уни тадқиқ қилиш бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳам Ҳиндистон учун, ҳам Ўзбекистон учун ёзма ва моддий манбалардаги маълумотлар асосида Упанишадлар ва “Авеста”даги ахлоқий қадриятлар концептуал асосларининг фалсафий-герменевтик қиёсий тадқиқи юзасидан эзгулик категориясининг генезиси, табиат култларининг гносеологик қиёсий изчиллиги ҳамда таълимий-ахлоқий жиҳатдан тадқиқ этиш асосий мақсад ҳисобланади.

“Авеста” ва Ведалар соҳа мутахассислари томонидан қиёсий-типологик томонидан таҳлил этилган ва ўрганилган. Аммо бу борада ахлоқий-акциологик таҳлил ва тадқиқи ишлар деярли мавжуд эмас. Авесташуносликда ғарб олимларининг ҳиссаси катта. 1771 йилда француз олими Анкетил Дюперрон Авестони “Зенд Авеста” номи билан француз тилига таржима қилиб нашр эттирди<sup>1</sup>. Хорда Авестанинг матни ва таржимаси 1880 йил гуҷарат тилида тайёрланган. Авеста олими Лейт Эрвард Кавасжи Эдулжи Канга томонидан “Хорда Авеста” гуҷарат тилига таржима қилинган<sup>2</sup>. Ўтган аср мобайнида эрон олимларидан Иброҳим Пурдовуд, Хошим Ризоий, Жалил Дўстхоҳ сингариларнинг авесташунослик соҳасида олиб борган ишлари натижасида Авестанинг изоҳли форсий таржимаси<sup>3</sup>, икки жилдлик авесташунослик тадқиқоти кабилар пайдо бўлди<sup>4</sup>.

1990 йилда И. М. Стеблин-Каменский Авестанинг “Яшт” наскидан бир қисмини рус тилига таржима қилиб нашр эттирди<sup>5</sup>. Шу муаллиф Авестанинг янги таржималарини изоҳлар билан чоп эттирди ва унда тегишли ўринларда тадқиқотга оид баъзи маълумотларни учратиш мумкин<sup>6</sup>.

Бу даврда Авестанинг М. Исҳоқов, Аскар Маҳкам томонидан бажарилган таржималари эълон қилинди<sup>7</sup>. Айниқса, Авеста “Яшт” наскининг М. Исҳо-

<sup>1</sup> Лелеков Л. А. Авеста в современной науке. – М., 1992. – С. 363. Бу китобда 250 йил давомида “Авеста” бўйича 4000 га яқин илмий тадқиқот ишлари фалсафий-тарихий таҳлил қилинган.

<sup>2</sup> Ervard Kavasji Edulji Kanga. Khordeh Avesta. – Bombay.: Jenaz Printers, 2013. – P. 365.

<sup>3</sup> حاشییم رزی اوستا دردو جلد تهران ۱۹۹۳

<sup>4</sup> اذتشارات مروريد تهران - اوستا . كهذترین سرودههای ایرانیان ۱۹۹۱-۲

<sup>5</sup> Авеста. Избранные гимны. / Перевод И.М.Стеблин - Каменского. – Душанбе, 1990. – С. 196.

<sup>6</sup> Авеста. Видевдат / Перевод И.М. Стеблин-Каменского/ – М.: ГРВЛ., 1994. – С. 190.

<sup>7</sup> Авеста алковлари / М. Исҳоқов тарж. // Ўзбек тили ва адабиёти, 1999. № 1. – Б. 70–79; № 2. – Б. 63–74; № 3. – Б. 63–72; № 4. – Б. 67–72; № 5. – Б. 72–74; 2000. № 1. – Б. 63–74; № 2. – Б. 72–80; № 3. – Б. 70–76; № 4. – Б. 52–62; № 6. – Б. 62–69.



ков таржимасида эълон қилиниши бир қатор илмий изланишлар учун асос бўлди<sup>1</sup>. Ниҳоят 2007 йилда “Авеста”нинг “Видевдот” изоҳли таржимасида ҳам илмий ишимизга дахлдор айрим фикрлар учрайди<sup>2</sup>. М. Эшмуродовнинг “Авеста”да табиат култлари талқини” асарида ҳам зардуштийлик диний тизими билан боғлиқ эътиқод шакллари ва уларнинг бадий-адабий талқинлари ҳақида фикр юритилган<sup>3</sup>. Г. Т. Махмудова зардуштийлик фалсафасига оид жиддий тадқиқотлар олиб бормокда. Бироқ, бу муаллифнинг ишларида ҳам ахлоқий-аксиологик махсус таҳлили мақсад қилиб қўйилмаган<sup>4</sup>.

“Авеста” ҳақида Ф. Нитше, Ф. Шпигел, А. Майллет, В. Бартолд, Э. Бертелс, Ян Рипка, О. Маковелский<sup>5</sup>, И. Брагинский, К. Ҳоффман<sup>6</sup>, Ҳ. Хумбач<sup>7</sup> ва бошқа хорижий олимларнинг тадқиқотлари мавжуд. Ўзбекистонда “Авеста”ни ўрганиш қадимдан бошланган. Абу Райҳон Беруний<sup>8</sup>, Абу Жафар Табарий, Абу Бахр Наршахий<sup>9</sup> асарларида “Авесто” таълимотига ва унда тилга олинган тимсолларга мурожаат мавжуд. Бу нодир илмий асарларнинг кўлҳазма ва босма нусхалари ЎРФАШИ жамғармасида сақланади. Ҳозирги ўзбек олимлари А. Қаюмов<sup>10</sup>, Ҳ. Ҳомидов<sup>11</sup>, М. Исҳоқов<sup>12</sup>, Н. Раҳмонов в.б.нинг илмий тадқиқот ва мақолалари чоп этилган.

Упанишадлар асосида яратилган таълимотларни дунё илм-фани ривожига қўшган ҳиссаси борасида кўплаб хорижлик олимлар тадқиқотлар олиб боришган, мақолалар, китоблар ёзишган. Булар орасидан ҳиндистонлик, испаниялик, франциялик, Англия ва германиялик олимлар, шунингдек, яҳудий ва араб олимлари ҳам кўпчиликни ташкил қилади. Айнан ҳинд файласуфларидан Сарвапели Радхакришна<sup>13</sup> Ведалар ва Упанишадлар тарихи ва фалсафасини ўрганиб чиқиб, “Ҳинд фалсафаси” номли II томли китобини ёзади. Шунингдек, Свами Никҳилананда<sup>14</sup>, Свами Парамананда<sup>1</sup> ҳам органи-

<sup>1</sup> Авеста: Яшт китоби / М. Исҳоқов таржимаси. – Т.: Шарқ, 2016. – Б. 303.

<sup>2</sup> Авеста: Видевдот китоби / М. Исҳоқов таржимаси. – Т.: ТДШИ нашриёти, 2007. – Б. 96.

<sup>3</sup> Эшмуродов М. Авестада табиат култлари талқини. – Т.: ТДПУ нашриёт-мағбаа бўлими, 2002. – Б. 97.

<sup>4</sup> Махмудова Г.Т. Философская сущность Авесты. – Т.: Санъат, 2010. – С. 255; Она же. About native land of zoroastrianism and Avesta. – USA: Kontinent, 2008. – С. 93; Яна қаранг: Махмудова Г. Т. Историко-философский анализ учения зороастризма (на материалах Авесты). Автореферат дисс. на соискание уч. степени док. филос. наук. – Т., 2012. – С. 47.

<sup>5</sup> Маковельский А.О. Авеста. – Баку, 1960. – С. 144.

<sup>6</sup> Hoffmann, Karl (1958). Altiranisch. Handbuch der Orientalistik. I 4,1. – Leiden: Brill.

<sup>7</sup> Humbach, Helmut (1991). The Gathas of Zarathushtra and the Other Old Avestan Texts. Part I. Heidelberg: Winter.

<sup>8</sup> Abu Rayhon Beruniy. Al-osorul-boqiyā an-al qarunul-holiya. – Т., 1969.

<sup>9</sup> Abu Bahr Muhammad ibn Ja'far Narshaxiy. Vuxoro tarixi. – Т., 1966.

<sup>10</sup> Қаюмов А. Қадимият обидалари. – Т., 1971.

<sup>11</sup> Ҳомидов Ҳ. Авеста файзлари. – Т., 2001.

<sup>12</sup> Авестадан (тарж. М. Исҳоқов). Ўзбек тили ва адабиёти журналы, 1999.

<sup>13</sup> रधकृषणान. भारत का दर्शन. दिल्ली 1926. – P. 605.

<sup>14</sup> Swami Nikhilananda. The Upanishads. A New Translation in four volumes. – London, 1921. – P. 320.





нал санскритдан таржималарни қилиб, уларни изоҳлайди. Чет эл олимларидан энг биринчи бўлиб Антекил Дюпперрон<sup>2</sup> ҳам 1802 йилда санскритдан таржималар қилади. Кейинчалик Мах Мюллер, Жуан Маскаро<sup>3</sup>, Сазанова, Серебриков И. Г., Авдиев В. И<sup>4</sup> ўзимиздан Ходжаева Т. А. каби олимларимиз бу борада ўз изланишларини олиб борган. Асосан, Брихадарянканинг “Чхандога” Упанишадидан фойдаланилган. Бу илмий адабиёт 1937 йилда қайта нашр этилган. Илмий адабиёт 1017 бетдан иборат. Буни асосан А. Сиркин<sup>5</sup>, С. Радҳакришна<sup>6</sup>, Шри Ауробиндо<sup>7</sup>, Шри Ёшапанишад<sup>8</sup>, Вебер А.<sup>9</sup>, Совеллэ Б.<sup>10</sup> ўрганган.

Мазкур мавзу юзасидан дастлабки тадқиқотлар XIX асрнинг охирларидан бошланган. Асосий тадқиқотчилардан Дарместетер<sup>11</sup>, Гелднер<sup>12</sup>, Ф. Карл, Ж. Фердинанд<sup>13</sup>, Л. Херман<sup>14</sup>, Маинё Кхард<sup>15</sup>ларнинг тадқиқотлари, Т. Бехремгоре, Э. Тахмурас<sup>16</sup> ва Ж. Тавадиа<sup>17</sup> таржималари билан биргаликда 1951 йилда Гарвард университетидан чоп этилган Ригведа матнлари мавжуд. Бу тадқиқотларда, асосан, “Авеста”ни ва “Ригведа”нинг готлар матнлари лингвистик жиҳатдан талқин этилган.

XX асрнинг иккинчи ярмида яратилган авесташуносликда жиддий тадқиқотлардан бири академик Тожикистон тарихчиси Бобожон Ғофурофнинг “Тожиқлар. Энг қадимги, қадимги ва ўрта асрлар тарихи” китобидаги “Ўрта Осиёда ориёнларнинг шаклланишида хинд ва эронларнинг умумийлиги” бобида келтирилишича, қадимги эрон ва хиндлар ўртасида дин, урф-одатлар ва тасаввурлар боғлиқдир. Биз буни ўзаро Авеста ва Ведаларда кўрамиз<sup>18</sup>.

Хорватиялик тилшунос, хинд-европашунос ҳамда келтолог Ранко Мата-сович Авеста ва Ведаларни хинд-европа дини жиҳатидан қиёсий герменев-

<sup>1</sup> Prabhavananda, Svami and Manchester, Frederik. The Upanishads: Breath of the Eternal Vedeanta Press, 1976. – P. 304.

<sup>2</sup> Anquetil Duperron, Oupnek'hat, 1801, 1802. See page.

<sup>3</sup> Juan Mascaro. The Upanishads. – London: Penguin books, 1966. – P. 130.

<sup>4</sup> Avdiyev V.I. Istoriya drevnego vostoka. – M.: Gos. izd-vo polit. lit., 1948. – С. 652.

<sup>5</sup> Сыркина А.Я. Упанишады: перевод и передисловие. – М.: Наука, 1967. – С. 109.

<sup>6</sup> Радхакришнан. Индиан философия. – Дехли, 1994. I том. – С. 624.

<sup>7</sup> Shri Aurobindo. Upanishads. – Jayanagar Bangalore: Block East, 1942. – P. 111.

<sup>8</sup> Shri Yoshapanishad. Bhaktivedanta. – Bombay: Book Trast, 1990. – P. 654.

<sup>9</sup> Weber.A. Analyse der in Anquetil du Perron's Übersetzung enthalten Upanishad; Indische Studien, vol. I. – P. 247 et seq.

<sup>10</sup> Cowell. E. B. The Maitri Upanishad. Edited with an English translation; Bibliotheca Indica. – Calcutta, 1870. – P. 344.

<sup>11</sup> Darmesteter, James. Etudes Iraniennes. – Paris, 1883.

<sup>12</sup> Geldner, Karl F. Drei Yasht. Aus Dem Zendavesta. – Stuttgart, 1884.

<sup>13</sup> Justi Ferdinand, Iranisches Namenbuch. – Marburg, 1895.

<sup>14</sup> Lommel Herman Die Yasts Des Avesta. – Gottingen, 1927.

<sup>15</sup> Mainyo Khard. The pazand and Sanskrit texts. – Stuttgart, 1871.

<sup>16</sup> Behramgore T. Anklesaria. – Bombay, 1935.

<sup>17</sup> Bundahism. Edited by Ervard Tahmuras D anklessria. – Bombay, 1908.

<sup>18</sup> Гафуров Б.Г. Тожиқон: Таърихи қадимтарин, қадим, асри миёна ва давраи навю – Душанбе: Дониш, 2008. – С. 870.



тик талқин қилди<sup>1</sup>. Биз мавзуимиз доирасида “Ригведа” бўйича 8 та Упанишадларни ҳамда 1958 йилда Эронда чоп қилинган Баҳром Фаррухдошининг “Ёддоштхое готҳо”<sup>2</sup> асарининг 2-қисмини манба сифатида ўрганамиз.

С. С. Дуттаннинг Скопуснинг “Asian Agri-History” журналидаги “Сома ва бошқа ичимликлар тарихи” мақоласида ҳам қимматли маълумотлар келтирилган<sup>3</sup>. Арнаваз Фироозиан Эсфаҳанийнинг “Ҳинд ва Эрон цивилизациялари ўртасидаги маданий алоқалар: Панчатантра ҳамда Калилла ва Димнани ўрганиш” номли мақоласида Веда ва “Авеста” тили ва маданиятини ўхшашлигини таҳлил қилган<sup>4</sup>. Уразова Р.Т. “Ригведа” ва “Авеста”: мифологик ва ижтимоий муносабатларнинг қиёсий таҳлили” номли мақоласида тадқиқот юзасидан маълумотлар келтирилган<sup>5</sup>.

Ведалар Ҳиндистонда миллоддан аввалги 1500-600 йиллар орасида вужудга келган фалсафий-диний китоб ҳисобланади. Ведаларни пайдо бўлишида асосан, ўша даврда яшаган қадимий ҳинд халқининг роли жуда катта. Зардуштийлик дининг муқаддас китоби “Авеста” ҳам миллоддан аввалги II-I минг йилликда Марказий Осиё ҳудудида вужудга кела бошлаган. Абу Райҳон Берунийнинг “Ҳиндистон” асарида ёзилишича: “Веда – муқаддам маълум бўлмаган билимни англатади. Уни ҳиндлар олий тангрининг Браҳма тилидан айтган сўзлари, деб ишонадилар”. Шунингдек, Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида келтирилишича: “Зардушт мажусийлар “Абиста” деб атайдиган китоб билан келди. Бу китоб барча бошқа халқлар тилларига муҳолиф бир тилда ёзилган ва алоҳида тартибда бўлиб, махсус бир тил эгалари билиб, бошқа тиллар харфларидан ортиқ эди”<sup>6</sup>. Веда сўзи санскритча сўз бўлиб, “билим” деган маънони билдирса, “Авеста” сўзи бўлса, И. С. Брагинский “муқаддас қонун”, “кўрсатма”, “низом”, “панднасихат” маъноларини билдиришини таъкидласа, А. Сағдуллаевнинг фикрича, Авеста сўзи эрамиздан олдинги I асрда вужудга келиб, “асосий манба” маъноларида келади. М. Исҳоқов “Авеста”ни “ўрганилган”, “тасдиқланган”, “олдиндан белгиланган”, яни тартибга солувчи қонунлар мажмуаси, деб тушунтиради<sup>7</sup>. Ведалар қадимги ҳинд халқларининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳаёти ҳамда дини, этикаси, эстетикаси масалаларини ўз ичига олади.

<sup>1</sup> Ranko Matasovic. A reader in comparative indo-european religion. – Zagreb, 2016. – P. 98.

<sup>2</sup> Sayast – ne – sayast by J. Tavadia. – Hamburg, 1930.

<sup>3</sup> Dutta.S.C. History of soma and other spirituous liquors of India(Article). Asian Agri-History/Volume 4, Issue. 2000. – P. 203–220.

<sup>4</sup> Arnavaz Firoozian Esfahani. Religious and Cultural Relationship between Indian and Iranian Civilization: A Reading of Panchatantra and Kelileh va Demneh. IOSR Journal Of Humanities And Social Science (IOSR-JHSS). Volume 17, Issue 4 (Nov. - Dec. 2013). – P. 106–111. e-ISSN: 2279-0837, p-ISSN: 2279-0845. www.iosrjournals.org

<sup>5</sup> Urazova R.T. Rigveda and Avesta: comparative analysis in the level of mythology and social relations The advanced SCIENCE open access journal. – United States: Columbia Street, 2013. – P. 68–72.

<sup>6</sup> Беруний А. Р. Танланган асарлар. 1-жилд. – Т.: Фан, 1968. – Б. 237.

<sup>7</sup> Махмудова Г. Авестонинг фалсафий моҳияти. – Т.: Ношир, 2015. – Б. 18.



“Авеста”да инсонпарвар қарашлар нафақат инсон, балки бутун борлик, тупрок, ҳаво, сув, коинот, юлдузлар, ҳайвонлар, ҳашаротлар, паррандаю даррандалар яхлит оламининг ўзаро муносабатлари орқали илк бор ишлаб чиқилган ижтимоий, маънавий ва ахлоқий воқеълик мужассамлашган.

“Авеста” ўлкамизда исломга қадар амал қилган зардуштийлик динининг муқаддас китобидир. Зардуштийлик дини эса тарихда биринчи илоҳий ваҳий орқали келган, деб ҳисобланади. Зардуштийлик тарихининг ёзма манбаларида айтилишича, худо Аҳура Мазда ўзининг яратувчи, холиқ, яккаю ягона худо эканини имонли зот Заратуштрага билдириб, уни пайғамбар этиб одамлар орасидан танлаган. Заратуштра аслида қадимда Даития – Амударё бўйларида яшаган Спитама уруғидан бўлиб, унинг уруғидагилар бошқа худолар қатори Аҳура Маздага ҳам эътиқод қилишган. Биргина Заратуштра улар орасида бошқа худоларга ишончсиз бўлган. Аҳура Маздани эса ўзи учун чин худо деб билган.

“Авеста” китоби узоқ аждодларимизнинг ижтимоий ҳаёти, маънавий дунёси ҳақида ноёб маълумотларни ўзида мужассам этган тарихий ёзма манбадир.

“Авеста” китоби, асосан, Заратуштра ва Аҳура Мазданинг савол-жавобларидан иборат дейиш мумкин. Бу китоб 21 қисмдан (наскдан) иборат бўлган. Шундан замонлар оша тўрт қисми ҳозиргача етиб келган: “Видевдог”, “Ясна”, “Виспарат”, “Яшт” насклари. Турли насклардан кундалиқ эътиқод маросимлари учун энг зарур дуолар тўплами – “Хурдак Авеста” (“Кичик Авеста”) китоби ҳам бор. Унда “Авеста”нинг асосий қисмида сақланмаган матнларнинг парчалари ҳам бор.

“Авеста”нинг асосий қисмлари:

1. “Вандидод” – 22 боб;
2. “Висперед” – 25 боб;
3. “Ясна” – 72 боб;
4. “Яшт” – 22 боб;
5. Зенд Авеста – дуолар тўплами.

Упанишадлар доим Ведаларнинг гултожи деб ҳисобланган. Упанишадлар Ведалардан четга чиқмаган ҳолда Ведалардаги ғояларни давом эттирган ва ривожлантирган.

Упанишадлар ўрганувчилар учун икки қисмга бўлинган:

- 1) Тор кўламли (кичик ўлчамли);
- 2) Кенг кўламли (катта ўлчамли).

Тор кўламли Упанишадлар кичик ҳажмда бўлиб, уларга, асосан, Иша, Катҳа, Мундака, Шветашватара, Таиттирия Упанишадларини ўз ичига олади.

Кенг кўламли Упанишадлар катта ҳажмда бўлиб, уларга Чҳандогя, Бриҳадарянка ҳамда Маитрия Упанишадлари киради.

Айнан Упанишадлар Ведаларга ёзилган фалсафий шархлар ҳисобланиб, улар Ведаларни туб маъзини тушунишга ёрдам беради. Упанишадлар эрамыздан 1000-800 йиллар олдин вужудга кела бошлаган. “Упанишад” сўзи



санскритча бўлиб, упа – (якинида), ни – (пастда), сад – (ўтирмоқ), яъни “устознинг ёнида ўтирган шогирд” ҳамда “фойдали насихатлар ва маслаҳатлар” каби маъноларни билдиради. Унинг асл моҳияти “сирли билим”, деганидир. Ҳақиқатан, Упанишадлардан кўп насихат ва ўғитлар олиш мумкин. Бундан ташқари, Упанишадлар ичида қирол саройидаги брахманларнинг суҳбатлари билан бир қаторда, улар ўртасидаги баҳс мунозаралар ҳам ўрин олган.

В. Рубен ўзининг “Упанишадлар фалсафаси” номли асарида 109 та донишманднинг исмини келтиради. Шу жумладан, улар ичида Шандиля, Яжнавалкия ва Уддалакалар алоҳида ўрин тутади. Уларнинг фикрича, худолар ва ғайритабиий кучлар оламнинг яратилишида иштирок этмайдилар, табиатнинг ўзи яратувчанлик кучи сифатида намоён бўлади.

Жами Упанишадлардан 12 таси алоҳида аҳамиятга эга. Рус файласуфи Сиркиннинг фикрича<sup>1</sup>, улардан 11 таси ҳамда Рубенда 1 та қўшилгани ҳолда: 1) Аитерия; 2) Каушитаки; 3) Кена; 4) Таитрия; 5) Катҳа; 6) Шветашватара; 7) Маитри; 8) Иша; 9) Прашна; 10) Мандукия; 11) Чхандогя; 12) Мундакя.

Ведалар ва Упанишадлар санскрит тилида ёзилган. “Санскрит” сўзи “сан”, яъни “сам” тугалланган, тўла, мукамал ҳамда “крит” бажарилган маъноларида келади. Санскрит тўла, мукамал бажарилган маъноларида келади. Санскрит қадимдан ҳиндуизм ҳамда унинг негизида шаклланган жайнизм, буддизм ва сикҳизм динининг муқаддас тили ҳисобланади. Санскрит атамаси адабиётларда икки хил даврлаштирилади. Ведалар ва классик даврга бўлинади. Ведалар даври Ведаларнинг сирли матнлари, айниқса Ригведа, Пуранлар ҳамда Упанишадлардаги тилнинг ҳақиқий шакли сифатида фойдаланилган. Бу давр асосан, эрамиздан олдинги II–I минг йилликка бориб тақалади. Бу тил эрамиздан олдинги X асргача оғзаки шаклланган. 52 ҳарфдан иборат бўлган қадимги санскрит тили сўз бойлиги жиҳатдан жуда бой саналиб, унинг фонетикаси ҳамда грамматикаси бугунги кунгача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

“Авеста” ва Упанишадларда эзгуликка чорлаган қадимий дунёқараш тарихини ўрганиш, ундаги умумбашарий эзгулик ғояларидан бугунги ислохотларни кўпайтиришда фойдаланиш долзарб масала бўлиб турибди.

<sup>1</sup> Сыркина А.Я. Упанишады. Перевод и передисловие. – М.: Наука, 1967. – С. 3.



## ПУЛАТОВ ШЕРДОР

Ўқитувчи, ТошДШИ

### Санкхйа мактабининг детерминистик фалсафаси ва унинг ижтимоий аҳамияти

**Аннотация.** Мақолада қадимги ҳинд фалсафий мактабларидан бири Санкхйа таълимотидаги сабаб ва оқибат категориялари, уларнинг ўзаро алоқадорлиги ҳақидаги масала ёритилган.

**Таянч сўз ва иборалар:** ҳинд фалсафаси, Санкхйа, сабаб ва оқибат, биринчи сабаб, иккинчи сабаб, пракрити, пуруша.

**Аннотация.** В статье рассмотрена философия Санкхья в древней индийской философской школе, изучен вопрос категории причины и следствия философии Санкхья.

**Опорные слова и выражения:** индийская философия, Санкхья, причина и следствие, первопричина, вторая причина, пракрити, пуруша.

**Abstract.** This article considers the philosophy of Sankhya in ancient indian philosophical school and explores category of cause and effect in philosophy of Sankhya.

**Keywords and expressions:** philosophy of India, Sankhya, reason and consequent, the first reason, the second reason, prakriti, purusha.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар қадим ўтмишга бориб тақалади. Қадимда карвон йўллари орқали бизга бу мамлакат ҳақида кўплаб маълумотларни савдогарлар олиб келган бўлса, кейинчалик биз бу мамлакатни янада яхши ўргана бошладик. Ҳиндистонни ҳар жабҳада ўрганишни бизга биринчи бўлиб Абу Райхон Беруний бошлаб берди. Биринчи ўзбек ҳиндшуноси бўлган Абу Райхон Беруний бошлаб берган тадқиқотлар бугунги кунгача давом этиб келмоқда. Мустақилликка эришганимиздан кейин ҳам Ҳиндистон ва Ўзбекистон муносабатлари янги жабҳага чиқди. Ҳиндистоннинг қадимий фалсафий тафаккури бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятига эга. Шундай қадимий фалсафий-тафаккур мактабларидан бири Санкхйа фалсафий мактаби ҳисобланади. Санкхйа фалсафий мактабида сабаб ва оқибат категориясига бошқа Шарқ ва Ғарб фалсафасидан бошқача ёндашув мавжуд.

Санкхйанинг материя ҳақидаги таълимоти асосан сабабият назариясига таянади. Буддавийлар ва няя-вайшишека мактаби вакиллари ўз таълимотларида сабабда оқибат яширин бўлиши ёки оқибат намоён бўлгунга қадар сабабда мавжуд бўлишини инкор этганлар. Уларнинг фикрича, оқибат бирор сабаб туфайли реал воқеликка айланмагунча сабабда мавжуд бўлади, деб бўлмайди. Агар шундай бўлганда эди, сабаб натижасида юзага келган нарсани оқибат дейишда ҳеч қандай маъно қолмасди. Агар тувак лойда мавжуд бўлса нима учун кулол вақт ва куч кетказиб уни ясайди? Агар оқибат ўзининг моддий сабабида мавжуд бўлганда, унда оқибатни сабабдан ажратиб бўлмасди ва уларнинг иккаласи учун ҳам бир хил номни ишлатар эдик, лой ва тувакдан бир хил мақсадда фойдаланар эдик<sup>1</sup>. Санкхйа сабаб ва оқибат категориясини бундай талқинини рад этади. Бунга қуйидагича изоҳ келтиради:

<sup>1</sup> Чаттерджи С., Датта Д. Введение в индийскую философию. – М.: Издательство иностранной литературы, 1955. – С. 221.



а) Агар оқибат моддий сабабда мавжуд бўлмаса, ҳеч қандай куч уни пайдо қила олмас эди. Мовий рангни қизилга, тузни шакарга айлантириб бўлмайди. Агар оқибат сабаб туфайли юзага келар экан, демак, бирор шаклда сабабда мавжуд бўлган ва маълум шароитлар туфайлигина юзага чиққан. Худди пистани эзганда ундан ўсимлик мойи ажралиб чиққандек.

б) Сабаб ва оқибат орасида ўзаро алоқа мавжуд. Сабаб фақатгина ўзи билан боғлиқ бўлган оқибатни юзага келтириши мумкин ҳалос. Оқибат намоён бўлишидан аввал ўзининг моддий сабабида мавжуд бўлиши керак.

с) Демак, сабаб ва оқибат бир-бирига боғлиқ экан. Творог фақатгина сутдан олиниси мумкин, мато эса ипдан яратилади. Бу шуни кўрсатадики, қандай қилиб бўлмасин оқибат сабабда яширин бўлади. Ундай бўлмаганда эди, кулол тувакни лойдан эмас, балки сутдан ҳам, ипдан ҳам ясай олар эди.

д) Сабабда оқибат яширин ҳолда ҳали ўзини намоён қилмаган бўлади. Демак, сабабдаги ҳали шаклланмаган оқибат юзага келмагунча ёки намоён бўлмагунча сабабда мавжуд бўлаверади.

е) Агар оқибат ҳақиқатда ҳам сабабда мавжуд бўлмаганда ва оқибат намоён бўлганда биз йўқ нарсадан бор бўлди деган бўлар эдик. Мавжуд бўлмаган нарсанинг пайдо бўлиши мумкин эмас.

ф) Сабаб ва оқибатнинг моҳияти бир-бирига жуда яқин, яъни улар бир материянинг турли кўринишларидир. Мато аслида ипнинг ўзи, мрамрдан ясалган ҳайкал ҳам мрамрдир. Фақатгина уларнинг шакли ва кўриниши ўзгарган ҳалос.

Қуйидаги хулосалардан келиб чиқадиган бўлсак, оқибат сабабда яширин ҳолда мавжуд бўлади. Бу сатқаря-вади назарияси деб номланади. Бу назария икки қисмдан иборат: *пари-нама-ваду* ва *виварта-ваду*. Уларнинг биринчиси кўра, ҳаракат натижасида сабабни тўғридан тўғри оқибатга айланиши юзага келади. Мисол учун лойни тувакка, сутни творогга айланиши. Санкхйа фалсафаси асосан шу назарияга таяниб ўзининг фикрларини баён қилади. Иккинчи йўналиш эса, адвайта-веданта мактаби вакиллари томонидан қўллаб қувватланади. Уларнинг фикрича, сабабдан оқибатга ўтиш фақатгина кўринишдир. Биз арқонни кўриб, уни илон деб ўйласак, бизнинг тасаввуримизда ҳақиқатдан арқон илон бўлиб кўринади.

Санкхйа таълимотининг сабаб ва оқибат назариясидан келиб чиқадиган бўлсак, бу дунёдаги барча объектлар бирор сабабнинг оқибатлари бўлиб чиқади. Санкхйа да барча нарсаларнинг биринчи сабаби пракрити эканлиги таъкидланади. Демак, пракрити бу биринчи сабаб ёки илк турткидир ва унга қуйидагича изоҳ берилади:

а) Оламдаги барча жисмлар, ақлдан тортиб тупроккача бу дунё доирасида чегараланган ва доимий алоқада. Шунинг учун уларнинг бор бўлиши учун чегараланмаган ва мустақил сабаб бўлиши керак.

б) Моддалар бир қанча умумий хусусиятга эга. Шу туфайли улар лаззат, оғриқ ёки лоқайдликни юзага келтириш хусусиятига эгадир. Шундай хусусиятларга эга моддалар қандайдир умумий сабабга эга бўлишлари керак.





с) Барча оқибат ёки натижа сабабнинг қандайдир фаолияти туфайли юзага келади. Моддалар оламини оқибат деб билсак, у ҳам қандайдир дунёвий сабабда мужассам бўлиши керак.

д) Барча оқибат ўз сабабидан дунёга келар экан, йўқ бўлиш пайтида яна ўзининг сабабига айланади ёки қайтади. Демак, бирор нарса йўқ бўлиш даврида атомларга ажралади, атомлар эса турли энергияларга айланади ва охирида сезиб бўлмайдиган пракритига қайтади. Шу тарзда ягона, чекланмаган, мустақил, барча нарсаларда мавжуд дунёнинг сабабига етишамиз. Бу дунёнинг абадий ва бўлинмас сабабидир. Санкхйа фалсафаси вакиллари уни турли номлар пракрити, прадҳана, авякта билан атайдилар.

Агар биз сабаб ва оқибат назариясига мантиқан қарайдиган бўлсак, унда пракрити ҳам бирор бир сабабнинг оқибати бўлиб қолади. Дунёнинг илк сабаби ҳам оқибатга айланади, чунки барча нарсанинг ўз сабаби бўлади. Сабаб ва оқибат назариясини шу тарзда давом эттирадиган бўлсак, у чексиз давом этади. Шунинг учун ҳам Санкхйа таълимоти вакиллари биринчи сабаб сифатида пракритини танлаганлар. Практики ҳам, ўз навбатида, учта гунлардан<sup>1</sup> ташкил топган: саттва, раджас ва тамас. Гунларнинг муҳим томонларидан бири уларнинг доимо ўзгариб туришида. Ўзгариш ва шаклланиш гунларнинг моҳиятини ташкил қилади ва бир сонияга ҳам тўхтамайди. Гунлар билан содир бўладиган икки хил ўзгариш мавжуд. Парчаланиш жараёнида гунлар бир-бирига таъсирсиз ўзича ўзгаради. Саттва ўз доирасида, раджас ва тамас ҳам ўз доирасида ўзгаради. Гунларнинг бундай ўзгариши “сварупапаринма” яъни бир тур доирасидаги ўзгариш деб номланади. Гунлар бир-бирига қарама-қарши бўлмаган ва бир-бири билан алоқада бўлмаган ҳолатда улар ҳеч нарса ярата олмайди. Дунёдаги ҳеч бир объект гунларнинг қоришмасисиз ва бирининг бошқалари устидан устунлигисиз пайдо бўла олмайди. Шунинг учун дунё пайдо бўлгунча гунлар бир турдаги бир-бири билан аралашмаган масса ҳолида бўлади. Бу ҳолатда гунлар мувозанат ҳолатида бўладилар ва бу пракрити, деб номланади.

Санкхйа таълимотидаги дунёнинг иккинчи негизи ёки сабаби “мен” ёки Пуруша ҳисобланади. “Мен”нинг мавжудлиги ҳамма томонидан тан олинishi керак. Ҳар бир инсон ўзининг мавжудлигини сезади. “Мен” ва “меники” ҳис-туйғулари ҳамма бошидан кечирадиган табиий ҳолдир. Ҳеч ким ўз “мен”ини инкор қилмайди, чунки инкор этишнинг ўзи ҳам “мен”нинг мавжудлигини исботлайди. Шунинг учун ҳам Санкхйа таълимоти вакиллари таъкидлашича, “мен”нинг мавжудлиги аниқ, унинг мавжуд эмаслигини исботлаш имконсиз. “Мен”нинг мавжудлиги кўпчилик томондан тан олинган бўлса ҳам унинг табиати хусусидаги фикрлар турличадир. Чорвоклар “мен”ни тана, ҳаёт ва ақл билан тенглаштирадилар. Буддавийлар эса, уни онгга ўхшатадилар. Нйая-вайшишика ва миманса мактаби вакиллари фикрича, “мен” бу онгга эга бўлмаган маълум шароитларда онгнинг хусусиятларига

<sup>1</sup> “Гун” сўзи кўп маъноларга эга: сифат, бирор нимага ёрдам берувчи.



эга бўлиши мумкин бўлган субстанциядир<sup>1</sup>. Санкхйа бўйича “мен” жисм, ақл, ҳиссиёт ва идрокдан фарқ қилади. У моддий дунёга тааллуқли эмас. “Мен” бу мия ҳам эмас, нерв тизими ҳам эмас. “Мен” ўзида руҳий онгни мужассамлаштирган бўлиб у ҳар доим субъект ҳисобланади ва ҳеч қачон билиш объекти бўлмайди. Онг “мен” нинг моҳиятидир, унинг сифати эмас. Барча ҳаракат, ўзгариш, ҳузур-ҳаловат ва азоб-укубат материя ва унинг маҳсулотлари бўлган – тана, ақл, идрокка тегишлидир. “Мен”ни тана, ақл ва идрокка тенглаштиради, унда “мен” тана, идрок билан аралашиб кетади ва ҳаракат, ўзгариш ва азоб-укубатга гирифтор бўлади. Билиш назриясига кўра, дунёдаги мавжуд нарсаларни биз объект ва субъектларга ажратамиз. Ҳар қандай субъект ва объект ўртасидаги алоқа бу билиш жараёни ёки тажрибадир. Санкхйа таълимоти бўйича, Пурушаа бу субъект, пракрити эса объектдир<sup>2</sup>. Санкхйа мактаби вакиллари қуйидаги далиллар билан исботлашга ҳаракат қиладилар:

1. Ашёларнинг мажмуи бошқалар манфаати учун хизмат қилиши керак. Гаудапада айтади, кроват бу турли қисмларнинг йиғиндиси бўлиб, инсон фойдаланиши, унда ухлаши учун хизмат қилади. Худди шунингдек, бу дунё ҳам беш унсурнинг мажмуи бўлиб, унинг бошқалар томонидан фойдаланилиши учун хизмат қилади. Тана ҳам ақл ва бошқа органлардан ташкил топган бўлиб, “мен”нинг ҳузур-ҳаловати учун хизмат қилади.

2. Барча билинувчи жисмларда учта гун бўлади. Бундан ташқари “мен”нинг мавжудлигини тақозо этади.

3. Барча ҳаракатларни назорат қилиш учун маълум бир бошқарувчи куч – соф ақл мавжуд бўлиши керак.

4. Практик онгга эга бўлмаганлиги сабабли унинг маҳсулотларини ҳис қиладиган маълум бир нарсаси бўлиши керак.

5. Моддий ашёлар бу дунё чегарасидан чиқа олмайди. Шунинг учун ҳам номоддий субстанция мавжуд бўлиши керакки, у моддий дунё чегарасидан ташқарида бўлсин.

Хулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, биринчидан, Санкхйа фалсафий тизимида икки бир-бирига қарши негизнинг ўзаро алоқаси натижасида дунёнинг пайдо бўлишини кўрамиз. Бу бир томондан дунёнинг сабаби бўлган пракрити бўлса, иккинчи томондан эса, руҳий асос Пурушадир. Практик бир вақтнинг ўзида фаол, яратувчан ва доим ўзгаришда, шу билан бирга, у сўқир ва онгга эга эмас.

Иккинчидан, Санкхйа дунёнинг иккинчи негизи сифатида Пуруша ёки “мен”ни кўрсатади. Пуруша категорияси ўз ичига кўплаб “мен”ларни олади. Мана шу “мен”лар ҳаракатсиз, онгга эга ва ўзгармасдир. Фақатгина пракрити билан алоқага киришиб, дунёни пайдо қила олади.

<sup>1</sup> Чаттерджи С., Датта Д. Введение в индийскую философию. – М.: Издательство иностранной литературы, 1955. – С. 228.

<sup>2</sup> Радхакришнан С. Древнеиндийская философия. – М.: Иностранная литература, 1956., 2-жилд. – Б. 246.



Учинчидан, Санкхйа фалсафий таълимотига кўра, кўплаб “мен”лар мавжуд. Бу эса, ҳар бир мавжудот ўз туғилиши ва ўлимига эга эканлигини изоҳлашга ёрдам беради. Бу мулоҳаза ёрдамида ҳамманинг тақдири турлича эканлиги, ҳеч ким айнан бир хил тақдирга эга эмаслигини изоҳлайди.

Тўртинчидан, Санкхйанинг дунё азоб-укубатдан иборатлиги ҳақидаги таълимотини биз кўпчилик ҳинд фалсафий мактабларида учратамиз, шундай бўлсада Санкхйанинг бу муаммога берган жавоби қолган мактаб вакиллари риникидан фарқ қилади.

Бешинчидан, Санкхйа фалсафасида эса, инсон ўзи ва атроф-муҳит ҳақида қанчалик кўп билимга эга бўлса, у азоб-укубатдан шунчалик узоқлашган бўлади<sup>1</sup>. Бу борада Санкхйа фалсафасининг азоб-укубатлардан кутулишнинг амалий йўли кўрсатилган. Юнон файласуфи Сукротнинг “ўзингни билгин ва англагин” деган сўзларининг амалий аҳамияти қадимги ҳинд файласуфларига бир неча юз, балки минг йиллар олдин маълум бўлган ва улар бундан амалиётда фойдаланишган.

Олтинчидан, ҳинд файласуфлари томонидан илгари сурилган йўл билим олиш, ўзини англашдир. Бу фалсафа ҳозирда ҳам Ҳиндистонда ўз ижтимоий аҳамиятини йўқотмаган.

---

<sup>1</sup> Чатгерджи С., Датта Д. Введение в индийскую философию. – М.: Издательство иностранной литературы, 1955. – С. 242.



ИЛМИЙ АХБОРОТ // НАУЧНАЯ ИНФОРМАЦИЯ //  
SCIENTIFIC ISSUE

**АКМАЛХОНОВ АКМАЛХОН**

Таянч докторант, ЎзХИА

**Араб тилшунослиги тарихида сўз ясалиши  
ҳақидаги қарашлар**

**Аннотация.** Ушбу мақолада илк ўрта асрларда яшаган машҳур араб тилшуносларининг сўз ва унинг ясалиши ҳақидаги қарашлари ёритилган. Шунингдек, келтирилган қарашлар ўртасидаги фарқли ва умумий жиҳатлар баён қилинган. Араб тилида “сўз” маъносини ифодаловчи калима, лафз, қавл нинг маъно хусусиятлари таҳлил қилинган.

**Таянч сўз ва иборалар:** араб тилшунослиги, сўз, товуш, масдар, бирлик, ўзак, шакл.

**Аннотация.** В этой статье описываются взгляды известных арабских лингвистов, живших в раннем средневековье, о слове и его создание. Он также описывает отличительные и общие аспекты выраженных мнений. В арабском языке анализированы значение калима, лафз, қавл каторые выражают “слово”.

**Опорные слова и выражения:** арабское языкознание, слово, звук, масдар, единица, корень, форма.

**Abstract.** This article describes the views of famous Arab linguists living in the early medieval times on the word and its making. It also describes the distinctive and general aspects of the views expressed. In the Arabic language the meanings of words “kalima”, “lafz”, “qavl” have been analyzed.

**Keywords and expressions:** arabic linguistics, word, sound, masdar, singularity, root, shape.

Сўз тил бирлиги сифатида маъно ифодалаш хусусиятига эга бўлиб, сўзнинг маъноси нарса-ҳодисалар билан узвий алоқадан келиб чиқади. Бу узвий алоқа борлиқнинг инсон онгида акс этиши орқали пайдо бўлади. Ўз товушлар тизимига эга бўлган, бирор бир маъно англатувчи турли грамматик маъно ва вазифаларда қўлланадиган энг кичик нутқ бирлиги сўздир<sup>1</sup>.

Сўз ва унинг гапдаги вазифаси ҳақида классик араб тилшунослигида илмий фикрлар билдирилган. Бу борада, айниқса, аллома Сирожиддин абу Якуб Саккокийнинг қарашлари аҳамиятлидир. Саккокий сўз ҳақида қуйидаги маълумотни келтиради: *الكلمة هي اللفظة الموضوع للمعنى مفردة*

Яъни, “Сўз – маълум бир маъно устига қўйилган яхлит лафздир”<sup>2</sup>.

Араб тилида *كلمة* нинг уч хил ўқилиши бор: *كَلِمَةٌ* деб ўқилиши адабий тилга хос бўлиб, Ҳижоз аҳли ҳам шундай талаффуз қилади. Қуръони

<sup>1</sup> Ўзбек тили грамматикаси. 1-т. – Т., 1975. – Б. 18.

<sup>2</sup> الامام ابو يعقوب يوسف بن ابي بكر بن محمد السكاكي تحقيق حمدي محمد قابل. مفتاح العلوم.-القاهرة، دار التوفيقية ص - 12



каримда ҳам худди шу ҳолатда келади. Бу сўз Тамим лаҳжасида: *كَلِمَةٌ* ва *كَلِمَةٌ* тарзида талаффуз қилинади<sup>1</sup>.

*كَلِمٌ* сўзи бирлиги бўлиб, “аниқ бир сўз” маъносини англатади. *كَلِمٌ* нинг *كَلِمَةٌ* дан фарқли жиҳатларидан бири, *كَلِمٌ* маъноси (*ان قام زيد* - агар Зайд турса) бирикмасини англатади. *كَلِمَةٌ* сўзи эса, шу учта сўзнинг биттасини ифодалайди.

*لفظ* сўзи – асл маъноси талаффуз қилинган товуш ёки товушлар йиғиндисини ифодалайди. Классик тилшунослар лафзни иккига бўладилар:

1. Маъно англатувчи лафз (*موضوع*).
2. Маъно англатмайдиган лафз (*مُهْمَل*).

Юқоридаги таърифда лафзни ҳам умумийликдан хусусийликка чиқариб, ундан кейин *موضوعة للمعنى* сўзларининг ишлатилиши айнан маъно англатувчи лафзга ишора қилиб келади (*لفظ* умумий лафз бўлса, *لفظة* битта лафз).

Демак, сўз – шундай лафзки, уни ташкил қилган ҳарфлар биргаликда маъно англатиб, сўз ҳосил қилади.

Маҳмуд Замахшарий “Унмузаж фи наҳв” асарида сўзга, *الكلمة مفرد* – “Сўз маъно англатувчи бирликдир”, дея таъриф берган.

Олимнинг бу таърифини Муҳаммад ибн Абдуғаний: “Сўз бирикма бўлмаган маъно англатувчи товушлар йиғиндисидан иборат бирликдир” (*الكلمة لفظ موضوع لمعنى مفرد*)<sup>2</sup> деб шарҳлаган.

“Унмузаж фи наҳв”нинг кенг баёни ҳисобланувчи “Муфассал фи санъати Иъроб” асарида сўзга аввалгисига нисбатан кенгроқ таъриф берилган:

“Сўз маъно англатувчи (ишора, хат, белгилардан бошқа) мураккаб бўлмаган лафздир” (*الكلمة هي اللفظة الدالة على معنى مفرد بالوضع*) дейилади унда<sup>3</sup>.

Араб тилшуноси Муҳаммад ибн Умар Шалавбин сўзга нисбатан бошқачароқ ёндашган. У сўзни *كلمة* билан эмас, *لفظة* сўзи билан ифодалаб, унга қуйидагича таъриф беради *هو الدال على معنى بشرط الا يكون فاللفظ المفرد*, – *جزء من أجزاء ذلك اللفظ يدل على جزء من أجزاء ذلك المعنى* “Муфрад лафз маънога далолат қилиб, бу сўзнинг бўлакларидан бири бўлмаслиги шарт билан ўзи ифодалаётган маънонинг бўлакларидан бирини ифодалайди”<sup>4</sup>.

Таъриф мисол билан осонроқ тушунилади. Мана унинг мисоли, *بيت* деган сўз мураккаб эмас, муфрад лафз. Муфрад бир сўзни ифодалаб, унинг қисмлари шу сўзни тўлиғича ифодаламайди.

بهاء الدين عبد الله بن عقيل العقيلي الهمداني المصري تأليف محمد محيي الدين عبد المجيد. شرح ابن عقيل. بيروت، المكتبة العصرية ص 14-

العلامة الزمخشري تحقيق جمال الدين محمد بن عبد الغنى. شرح الانموزج في النحو. القاهرة، مكتبة الاداب. 1990 – ص 4-

3 العلامة الزمخشري. المفصل في صنعة الاعراب. موقعا لوراق 5-ص.

عمر بن محمد الشلوبين تحقيق تركي بن سهو بن نزال العتيبي المقدمة الجزولية الكبير الجزء الاول. - بيروت، مؤسسة الرسالة. 1994-ص-197



Шалавбин сўзнинг бирикмага айланиш ҳолатини ҳам яхши берган. Унинг ёзишича:

فان كان اللفظ دالا على معنى و كان جزء منه يدل على جزء من ذلك المعنى كان مركبا.

Яъни, “Агар лафз маънони ифодалаб, бу маънонинг бир бўлагини ифодалаб келса, бу бирикма ҳисобланади”<sup>1</sup>.

Юқоридаги гапда *صاحب* (уй ва соҳиб) алоҳида мураккаб бўлмаган сўзлардир. Агар “соҳиб” сўзи “уйнинг соҳиби” маъносини ифодалаганда эди, бу бирикма ҳолатида бўларди *صاحب بيت*.

Сўз товушлардан ташкил топади ва бу товушлар албатта маънони англайтиб келади. Товушнинг ёлғиз ўзи сўзни ташкил қилмайди. Сўзнинг маъноси шу товуш билан ифодаланган мундарижадир. Сўз маъно ва товушнинг – ички (семантик) ва ташқи (формал) томонларининг ажралмас бирлигидан иборат, шу билан бирга, сўз маълум грамматик хусусиятларга ҳам эга<sup>2</sup>.

XIV аср араб тилшуноси Абу Муҳаммад ибн Ҳишом Ансорий сўзга куйидагича таъриф беради: “Сўз маъно англаувчи қавлдир” (*الكلمة قولٌ مُفردٌ*)<sup>3</sup>.

Бу олим сўзга анчайин аниқ ва қисқа таъриф берган. Маълумки, *كلمة* сўзи араб тилида гапга нисбатан ҳам ишлатилади. Жумладан, Мўминлар сурасининг 99–100-оятларида ўқиймиз:

قَالَ رَبِّ ارْجِعُونِ. لَعَلِّي أَعْمَلُ صَالِحًا فِيمَا تَرَكْتُ كَلَّا إِنَّهَا كَلِمَةٌ هُوَ قَائِلُهَا.

(“Эй роббим, мени (ҳаётга) қайтаргин. Шояд тарк қилган нарсамда солих амал қилсам”, дер. Албатта, бу (курук) сўз бўлиб, у айтгувчи. холос).

Шунингдек, ҳадиси шарифда ҳам *كلمة* сўзи *جملة* маъносида келади. Масалан, *قال محمد صلى الله عليه وسلم أفضل كلمة قالها شاعرٌ كلمةٌ لبّيد*

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Энг афзал гап шоир Лабид гапи”. Лабид ибн Робиянинг куйидагича бошланувчи шеъри эди:

ألا كل شيء ما خلا الله باطل

و كل نعيم لا محالة زائل

“Огоҳ бўлинглар, Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса ўтгувчи.

Ҳамма бахт-саодат, шубҳасиз, завол топгувчи”<sup>4</sup>.

Истилоҳда *كلمة* яхлит маъноли сўздир. Бу таърифда келтирилган *قول* сўзининг лафз сўзидан фарқли жиҳати, у фақатгина маъно англаувчи сўзни ифодалайди. *كلمة* сўзига нисбатан *قول* сўзидан *كلمة* сўзига нисбатан

<sup>1</sup> عمر بن محمد الشلوبين تحقيق تركي بن سهو بن نزال العتيبي المقدمة الجزولية الكبير الجزء الاول. - بيروت, مؤسسة الرسالة. 1994-ص-198

<sup>2</sup> Ўзбек тили грамматикаси. 1-том. – Т., 1975. – Б. 17.

ابي محمد بن هشام الانصاري تأليف محمد محيي الدين عبد المجيد. قطر الندى و بل الصدى. - المدينة المنورة, مكتبة طيبة. 1990- ص-15

بهاء الدين عبد الله بن عقيل العقيلي الهمداني المصري تأليف محمد محيي الدين عبد المجيد. شرح ابن عقيل. - بيروت, المكتبة العصرية. ص-15





узоқроқдир. Агар *لفظ* сўзи қўлланилса, албатта *موضوعه للمعنى* деган сўзлар келтириш лозим бўлар эди. Олим мухтасарликни афзал билиб, таърифда *قول* сўзини келтирди. *مفرد* сўзи юқоридаги *مفردة* сўзи билан бир хил маъно ва вазифада келган.

Жамолиддин ибни Молик ўз қарашларини шеърий тарзда баён қилган:

كلامنا لفظ مفيدٍ كاستقم

و اسم و فعل ثم حرف

الكلم واحد كلفة و القول عم

و كلمة بها كلام قد يؤم

“Ғапимиз фойдали лафздир, тўғрилан каби

Ва исм, феъл сўнгра ҳарфдир.

Калим сўзининг бирлиги калима сўзидир.

Қавл умумий бўлди.

Ва сўз бирла калом сўзланди”, дея ғап ва сўзни таърифлайди<sup>1</sup>.

Бу таъриф аввалги икки таърифни жамлаб келади. Битта сўз ғап ҳам бўлиб келиши мумкин. Наҳвийлар ғапни икки хил тавсифлайдилар: бири ифода, иккинчиси таркибдир. Ифода орқали ғап таърифланса, у икки ёки ундан кўп сўздан ташкил топиб, тугалланган маъно англатади. Таркиб – бир сўздан иборат бўлиб, эгаси яшириниб келади.

Юқоридаги таърифларда калима маъно англатувчи яхлит лафз деб айтилди. *استقم* тўғрилан каби яхлит маъно англатувчи сўз келиб қолса, бу сўз эмас, балки ғап бўлади.

Ибн Молик юқоридаги мисраларда *كَلِمٌ، كَلِمَةٌ، قَوْلٌ، كَلِمَةٌ، كَلِمَةٌ، كَلِمَةٌ* сўзларини келтирди. Бу сўзларнинг бир-биридан фарқли жиҳатлари бор, *كَلِمٌ* умумий маънодаги сўз; *كَلِمَةٌ* бир сўз, *قَوْلٌ* сўзи бирмунча умумий бўлиб, ғап ва сўзни ифодалайди. *كَلِمَةٌ* билан *كَلَامٌ* бир-бирига яқин маъноли сўзлардир. Булар ўртасидаги фарқ юқорида айтилди. Наҳвийларда *كَلَامٌ* атамаси *اللفظ المفيد فائدة كلام* *يحسن* "اللفظ المفيد فائدة كلام" тугалланган маънога эга бўлган фойдали лафз дея таърифланади. Бу таърифда лафз сўзи ғап, қавл тушунчаларини ҳам қамраб олади.

Имом Саккокий ўзининг “Мифтахул -улум” асарида сўз ясалиши билан шуғулланувчи илм сарф фани ҳақидаги таърифи мантиқийликка, аниқликка, ўзига хос ёндашувга эга. Берилган таъриф тил соҳиблари таърифларидан, қарашларидан бошқачалиги, ўзгачалиги билан ажралиб туради. Таъриф куйидагича:

Билгинки, сарф илмида сўз ҳосил қилаётганнинг нуқтаи назари, яъни бор эътибори сўз ҳосил қилишдаги меъёрларга, маълум бир муносабатларга асосланган бўлади. У асосли меъёрлар, сўз ҳосил қилиш учун дастлаб, турдош маъноларни тўғри бўлиб чиқишини ҳисобга олиш, сўнг булардан ҳар бирини рўпарама-рўпара бўлиши учун маълум бир ҳарфлар тоифаси муайян

<sup>1</sup> العصرية. ص 13-



турдош сўз учун турдош сўз кўзда тутилади. Турдош сўзларни турли шаклга солиш учун бирон бир нарсани қасд қилиб, ундаги ҳарфларни зиёда қилиш, кечиктириш ёки олдин келтириш билан турланувчи шакл кўзда тутилади. Мисолларни кўпайтириш, турли шаклга солиш керак бўлганидек, яшаш учун асос сўзнинг ҳарфлардан бири камайтиради. Асл ўзак ўрнида бошқа ҳарф келаётганини билдириш учун ҳарфлар алмаштирилиши мумкин. Шундай қилиб, бу ҳарфларни бир-бири билан бириктириш бошланғич шаклдан келиб чиқади. Сўнг сўзни ўзгартиришдан алоҳида-алоҳида сўз қасд қилинади. Бу нуқтаи назардан ўқувчи узоқда бўлиши ёки буларни мумкин эмас деб ҳисоблаши ўзидаги буларни англаш йўлини йўқ қилади. Лекин сир эмаски, тил шакли аниқ бўлган, ёйилган нарсаларни ўрганиш билангина эмас. Агар ўқувчи бор диққатини воқеликка қаратса, моҳир йиғувчи ишига яқин бўлган воқеликни топади. Дарҳақиқат, ўқувчи аниқ равишда бирор сўзни ҳосил қилишни билса, ундай бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблаш йўқолади. Сўнг ўқувчи яқиндан ўзида келиб чиқадиган ишнинг моҳиятини олдида тўхтаб қолади<sup>1</sup>.

Муҳаммад ибн Молик “Алфийяту ибн Молик” асарида сарф илми ҳақида: “Туб феъллардаги ва ўзгармас исмлардаги ҳарф ва унинг ўхшаши тусланишдан холийдир. У икковидан бошқалар тусланишга лойиқдир,” деб ёзган эди (حرف و شبهه من الصرف برى و ما سواهما بتصريف حرى).

Абдуллоҳ ибн Солиҳ ушбу асарнинг шарҳида шундай ёзади, “Тасриф-сўзларнинг яшаш илми бўлиб, бунда сўздаги ҳарфларнинг асл ўзак ҳарфи, кўшимча ҳарфлар, тўғри ва иллатли ҳарфлар ва шунга ўхшаш ходисалар билан боғлиқ илмдир. Сўз ясалишида сўздаги ҳарфларнинг, унлиларнинг, сукулларнинг сони ҳам эътиборлидир. Тасрифдан кўзланган мақсад – сўзларнинг шаклини билиш, уларнинг ҳарфларини ўрганиш, улардаги асл ва ноасл ҳарфларни билиш, ундаги тушириб қолдирилган, алмаштирилган ҳарфларни билиш. Буларнинг бари маъно билан боғлиқ эмас. Маъно билан боғлиқ сўзнинг шакллари, сўзларни кичрайтириш, синиқ кўплик ҳосил қилиш, синтактик жиҳатдан боғлиқ бўлган масалалар тасрифда эмас, наҳв бобларида ўрганилади”<sup>2</sup>.

Жамолиддин Усмон ибн Умар ибн Ҳожиб “Ашшофияту” асарида: “Тасриф – синтактик вазифада бўлмаган сўзлар қурилишининг ҳолларини ўрганувчи илм”, – деб ёзади<sup>3</sup>.

Сўз ясалиши- сўзларнинг ясалишини, янги сўз ҳосил қилишнинг қонун-қоидаларини, вазнларини, вазндаги асл ва зиёда, бадал ҳарфларни, воси-

1 الامام ابو يعقوب يوسف بن ابي بكر بن محمد السكاكي تحقيق حمدي محمد قابل. مفتاح العلوم-القاهرة, دار التوفيقية. ص-13

2 عبد الله بن صالح. دليل السالك الى الفية بن مالك الجزء الثاني. -الرياض, دار ابن الجوزي. 2014- ص - 413

3 جمال الدين بن عثمان بن خاجب تحقيق صالح عبد العظيم. الشافية في علمي الصرف و الخط-القاهرة, مكتبة الاداب. 1923- ص-59



таларини, шу билан боғлиқ ҳолда, сўзларнинг структурасини текширади. Бу араб тилшунослигида “сарф” деб юритилади. Сарф сўзлар ҳосил бўлиш жараёнида қандай жараёнлар рўй берса, шуларнинг ҳаммасини ўрганади. Сўздаги товушлар тушиши, ортиши, алмашиши каби фонетик ҳодисаларни ҳам ўрганиб, таҳлил қилади.

Усмон ибн Жинний “Мухтасар Ат-тасриф” асарида сарф ҳақида шундай ёзган эди:

Тасриф – асл ўзак ҳарфларга келиш бўлиб, сўзда маълум ўзгаришлар, ҳарфларни зиёда қилиш, қайсидир ҳарфни иккилантириш тасарруф, яъни сарфдир. Мисол учун, ضرب “урди” бу феъл ўтган замонда, буни ҳозирги замонга ўзгартириш учун ي ни зиёда қилиш керак. Натижада يضرب “уряпти” сўзи ҳосил бўлади. Ушбу феълнинг иш бажарувчи керак бўлса, ضارب “урувчи”, мажхул нисбат сифатдоши مضروب “урилган”, бу иш-ҳаракат маъноси таъкидланиб такрорланиб келадиган бўлса, ضرب иккинчи ўзак ундошни иккилантириш орқали амалга оширилади. Шуларнинг бари арабларнинг сарфи бўлади. Сарф ҳарфларни ўйнатиб фойдали маънога эга сўзларнинг ҳосил қилиш илмидир<sup>1</sup>.

Абдуқоҳир Журжоний “Мифтаҳ ус-сарф” китобида, “Тасриф “сарф” сўзининг “تفعيل” вазнига солингани бўлиб, мураккаб бўлмаган сўзлардан турли сўзлар ва фарқли маънолар ҳосил қилиш илми”, – деб ёзади<sup>2</sup>. Сарф илми ясалган сўз ва ўзак ўртасидаги боғлиқликларни ўрганади. Иккита сўз ўхшаш бўлсаю, маъно доирасидан чиқиб кетса, уларнинг асли бир ўзак эмаслиги, булар ўртасида сарфнинг қоидалари йўқлиги маълум бўлади. Бу ўхшашликларда бошқа тиллардан фарқли равишда араб тилида фақат ундош ўзак ҳарфларига эътибор қаратилади.

Ибн Усфур Ишбилиий “Мумтиъ кабир фи тасриф” асарида сарфни таърифлаб қуйидагиларни ёзади: “Тасриф икки қисмга бўлинади: 1. Сўзни турли маъно англатувчи шаклга солиш. Масалан, ضرب уриш сўзининг турли маъно англатувчи шаклга солиш, تضارب اضطرِب каби. Бу сўзларнинг ҳаммаси ض ر ب ҳарфларидан ташкил топган. Ушбу ҳарфлардан турли шаклдаги сўзлар ва фарқли маънолар ҳосил қилинди. 2. Сўзнинг асл ўзак ҳарфларининг ўзгариши. Масалан, قولнинг قالга ўзгариши каби. Сўздаги бу ўзгариш маънога таъсир қилмайди. قال ҳам قول ҳам “айтмоқ” маъносида<sup>3</sup>. Юқоридаги Ишбилиий берган таърифи бошқаларда такрорланмайди. “Айтмоқ” сўзи борасида айтилган фикрга қўшимча ўларок,

<sup>1</sup> عثمان بن جني تحقيق ميلود نب عبد الرحمان. مختصر التصريف. القاهرة, مكتبة الاداب. 2005 – ص-2  
<sup>2</sup> عبد القاهر الجرجاني تحقيق علي توفيق الحمد. المفتاح في الصرف. – عمان, مؤسسة الرسالة. 1987 – ص -

<sup>3</sup> ابن عصفور الاشيلي تحقيق فخر الدين قباوة. الممتع الكبير في التصريف. – لبنان, ناشرون. 1996 – ص -33



قول “айтмоқ” маъносида сўзлашувда ишлатилмайди. قال сўзи “айтмоқ” маъносида ишлатилади. قول сўзи айтмоқ сўзига асос бўлиб хизмат қилади.

Юқорида берилган таърифлар ичида кенг ўзига хос ёритилган таъриф Имом Саккокийнинг сарфга тилшунос сифатида берган, мантикий изчилликка эга таъриф деб ҳисоблаш мумкин. Олим сарф сўзининг луғавий, истилоҳий маъноларига эътиборни қаратмай, бу илмда нима қандай ўрганилади. Бу илм нимага асосланганлиги, сўз ҳосил қилишда қандай ҳодисалар юз берилиши, бу қандай жараён эканлигини батафсил баён қилади. Таърифдаги “Билгинки, сарф илмида сўз ҳосил қилаётганининг нуқтаи назари, яъни бор эътибори сўз ҳосил қилишдаги меъёрларга, маълум бир муносабатларга асосланган бўлади”. Бундан билиш олиш мумкинки, сўз ясамоқчи бўлган маълум даражада билимга эга бўлмай, бу ишни бажара олмайди. Чунки, сўз ясаш жараёни маълум бир қонун-қоида қамраб олади. Хоҳлаган сўздан ёки ундош товушдан сўз ҳосил қилиш мумкин бўлмаган иш ҳисобланади.

“У асосли меъёрлар, сўз ҳосил қилиш учун дастлаб, турдош маъноларни тўғри бўлиб чиқишини ҳисобга олиш, сўнг булардан ҳар бирини рўпарама-рўпара бўлиши учун маълум бир ҳарфлар тоифаси муайян турдош сўз учун турдош сўз кўзда тутилади”. Араб тилининг бошқа тиллардан морфологиядаги хос жиҳатларидан бири бу – сўз ҳосил қилишда фақат ундош товушлар иштирок этиши; сўз ўзаги фақат ундош ҳарфлар ташкил қилиши. Бу ўзига хос жиҳат сарфда жуда катта аҳамият касб этади. Таърифдаги жумлани ушбу мисол орқали осонроқ тушуниш мумкин, **ضرب**дан иборат ўзак маъноси “урди”. Бу ўзакдан иш ҳаракат бажарувчисини ясаш керак. Бунинг учун унга турдош бўлган **عالم** деган сўзни (билувчи) олиб, сўзни араб тилшунос олимлари томонидан жорий қилинган вазн ҳарфлари бўлган **ف ع ل** га таркиб билан алмаштириш орқали **فاعل** вазни ҳосил бўлади. Юқоридаги **ضرب** ўзагни ушбу қолипга солинса, **ضارب** сўзи “урувчи” ҳосил бўлади. Турдош сўзлар, **عالم** ва **ضارب** кўзда тутилган сўз ҳам шу эди. Муайян ҳарфлар тоифаси эса, **ف ع ل** ҳарфлари.

“Турдош сўзларни турли шаклга солиш учун бирон бир нарсани қасд қилиб, ундаги ҳарфларни зиёда қилиш, кечиктириш ёки олдин келтириш билан турланувчи шакл кўзда тутилади. “Юқоридаги ўзакдан мажхул нисбат сифатдошини ясаш учун ўзакни ташкил қилувчи ундошларга муайян ундошлар зиёда қилиш керак. Демак, сўз ҳосил қилишда фақатгина ўзак ҳарфлари эмас, ўзакдан ташқарида бўлган ҳарфлар ҳам иштирок этади. Бу ундошлар зиёда ҳарфлар деб юритилади. Кўзда тутилган маънони ифодаловчи муайян тоифадаги ҳарфлар ташкил топган вазн **مفعول**дир. Юқоридаги ўзакни шу шаклга солсак, **مضروب** “урилган” сўзи ҳосил бўлади. Бу сўзнинг структурасида **م** ва **و** зиёда қилинди. Бу ҳосил бўлган сўзда иккинчи ўзак



ундош сўздаги ҳарфлар тартибида учинчи бўлиб, кечиктирилди. Учунчи ўзак ундош ب дан олдинзиёда ҳарф ҳисобланувчи و келтирилди.

“Мисолларни кўпайтириш, турли шаклга солиш керак бўлганидек, яшаш учун асос сўзнинг ҳарфлардан бири камайтиради. Асл ўзак ўрнида бошқа ҳарф келаётганини билдириш учун ҳарфлар алмаштирилиши мумкин. ضرب ўзагидан ушбу сўзнинг ҳаракат номи ҳосил қилинса, бу ضرب “уруш” бўлади. Кўринишдан бир хил, аслида бир хил эмас, бири “дороба”, иккинчиси “дорбун”. Демак, алоҳида маънолар ҳаракатлар ёрдамида ҳам ифодаланиши мумкин. وهب “берди” ўзагидан ҳаракат номи ҳосил қилсак, هبة “бериш” бўлади. эътобор қаратилса, яшашга асос бўлган ўзак ҳарфларидан бири камайтирилди. Юқорида зикр қилинган قول ўзагидан “айтди” маъносини ифодаловчи قال ҳосил қилинди. Асл ўзак ҳарф و бу ўзак ундош борлигини билдириш учун у<sup>1</sup> билан алмаштирилди.

“Шундай қилиб, бу ҳарфларни бир-бири билан бириктириш бошланғич шаклдан келиб чиқади”. Юқорида ҳосил қилинган сўзларга диққат қилинса, уларнинг ҳаммаси бошланғич шаклга бориб тақалади. “Сўнг сўзни ўзгартиришдан алоҳида-алоҳида сўз қасд қилинади”. Бир неча сўз ҳосил қилинган бўлса, ўзаги бир бўлса-да, алоҳида маънога эга янги сўзлар ҳосил бўлди. Бу оддий жараён эмас эканлиги, ўрганувчи буни уддалай олмайман деган хулосага келмаслиги учун Имом Саккокий далда, насихат ўлароқ шундай дейди, “Бу нуқтаи назардан ўқувчи узоқда бўлиши ёки буларни мумкин эмас деб ҳисоблаши ўзидаги буларни англаш йўлини йўқ қилади. Лекин сир эмаски, тил шакли аниқ бўлган, ёйилган нарсаларни ўрганиш билангина эмас. Агар ўқувчи бор диққатини воқеаликка қаратса, моҳир йиғувчи ишига яқин бўлган воқеликни топади. Дарҳақиқат, ўқувчи аниқ равишда бирор сўзни ҳосил қилишни билса, ундай бўлиши мумкин эмас деб ҳисоблаш йўқолади. Сўнг ўқувчи яқиндан ўзида келиб чиқадиган ишнинг моҳиятини олдида тўхтаб қолади”.

Хулоса ўлароқ, қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Юқоридаги фикрлардан сўзнинг шундай хусусияти келиб чиқадики, сўз тилнинг мустақил бўлган, маълум маънога эга, фонетик жиҳатдан тўла шаклланган, тугалликка эга бўлган бирлигидир.

2. Асрлар оша ҳам аввалги мўтамад бўлган асарлардаги таъриф ўзгармайди. Абу Яъқуб Саккокийнинг “Мифтахул-улум” асари шундай мўтамад асарлардан десак, муболаға бўлмайди. Янги чиққан таърифлар аввалги таърифларни тўлдиради, холос. Чунки кейинги таърифлар аввалги таърифлар хулосасидан келиб чиққан. Юқорида ўрта асрларда ижод қилган наҳвийларнинг сўз ҳақидаги таърифлари бир-бирини истисно қилмаган ҳолда тўлдириб, бойитиб боради. Сўз яхлит бир маънони ифодалаб, қисмлардан ташкил топмайдиган ва қисмларга бўлинмайдиган нутқ бирлигидир.



3. “Сарф” сўзи “صرف” феълининг ҳаракат номи бўлиб, ўзига қайтариш, ўзгартириш, алмаштириш маъноларини ифодалайди. Сарф илми араб тилининг энг муҳим илмларидан ҳисобланади. Бу илмда қиёс катта аҳамиятга эга. Сарфда қиёсни билмаган араб тилини ўргана олмайди. Қиёс товуш тушиши, ортилиши, алмашиши каби фонетик ҳодисаларда; сўздаги ўзак ҳарфлар, зиёда бўлган ҳарфларни аниқлашда ҳам энг муҳим ҳисобланади.

Араб тилида сарфнинг асосий материали ундош ҳарф ҳисобланиб, унли ҳарф бу жараёнда иштирок этмайди. Ҳар бир ясалган сўз ортида бошқа сўз ётмайди ва бу ясалиш маълум вазнга кўра бирор йўл, усул билан юзага келган бўлади. Ҳар бир ясалишда икки хил муносабат бор, ясашга асос бўлган вазн ва шу вазнда ясалган сўз.

**МУЙДИНОВ ДИЛШОД**  
 Мустақил изланувчи, ЎЗМУ

### **Германия миграцион сиёсатида Яқин Шарқ қочоқлари муаммоси**

**Аннотация.** Мазкур мақолада Яқин Шарқ минтақасидаги ички ихтилофлар натижасида пайдо бўлган миллионлаб қочоқларнинг маълум қисми Европа томон ҳаракат қилиши ва ушбу қочоқларга нисбатан Германиянинг “очиқ эшиклар” сиёсати, бунинг натижасида Германияда юзага чиққан ички норозиликлар, ҳукуматдаги қарама-қаршиликлар, немис жамиятида жиноятчилик ортиши сабаблари, бунда қочоқларнинг ўрни, миллий давлат ва анъаналарнинг йўқ бўлиши кўрқуви, исломлашиши кўрқуви, бунга қарши ижтимоий-сиёсий ҳаракатларнинг кучайиши таҳлил қилинган.

**Таянч сўз ва иборалар:** Яқин Шарқ, қочоқлар, миграция, Германия, исломофобия, ирқчилик, антимиграция, AfD.

**Аннотация.** В данной статье рассматриваются проблемы миллионов беженцев в результате внутренних конфликтов на Ближнем Востоке, их продвижение в Европу и политика «открытых дверей» Германии в отношении беженцев, недовольство населения страны, противоречия в правительстве, причины преступлений в немецком обществе, роль беженцев, страх потери собственной идентичности и традиции, страх перед Исламом и рост общественных политических движений.

**Опорные слова и выражения:** Ближний Восток, беженцы, миграция, Германия, исламофобия, расизм, антимиграция, AfD.

**Abstract.** The article deals with millions of refugees, have been emerged as a result of internal disagreements in the Middle East and moving towards Europe, and the German “open door” policy for those refugees, as a result of internal dissatisfaction in Germany, government conflicts, the rise of crime in German society, the fear of the disappearance of the national state and traditions, the fear of Islam and the rise of public political movements.

**Keywords and expressions:** Middle East, refugees, migration, Germany, Islamophobia, racism, antimigration, AfD.





Бугунги кунда Германия олдида турган энг долзарб масала шубҳасиз мигрантлардир. Айниқса, 2011 йил “Араб баҳори” номи билан аталган Яқин Шарқ минтақасидаги ихтилофлар миллионлаб инсонларни мажбурий мигрантларга, яна ҳам тўғрироғи қочоқларга айлантирди. Суриядаги можаролар эса тамоман инсоний инқирознинг бир кўриниши бўлди. Сурия аҳолисининг салкам ярми (14 миллион атрофида) ички (мамлакат ичида) ва ташқи (мамлакат ташқарисига) қочоқларга айланди. Яқин Шарқдаги ички можаролар натижасида минтақадан Европага 2 миллион атрофида қочоқлар кириб борди. Шулардан бир миллиондан ортиғи Германияга бориб жойлашди. Германия дастлаб қочоқларга эшигини очди ва илиқ кутиб олди. Аммо бир оз вақт ўтиб, бу Германия жамиятида катта норозиликка олиб келди. Бунинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва албатта, маданий сабаблари бор эди. Немис жамияти орасида қочоқ ва иммигрантларга қарши муҳолифат партия (AfD) ва ҳаракатлар обрў қозона бошлади. Ҳатто, исломга қарши номи билан янги PEGIDA ташкилоти тузилди. Мазкур ҳолатлар А. Меркел ҳукуматида қаттиқ зарба бўлди. Канцлер А. Меркелнинг қочоқлар муаммосини ҳал қилиш бўйича саъй-ҳаракатлари нафақат мамлакат ички сиёсий доирасида балки, Европа Иттифоқи (ЕИ) доирасида ҳам етарлича қўллаб қувватланмади. Бу қочоқлар муаммосида А. Меркелнинг яққаланиб қолганини билдирар эди. Бошқа томондан бу Европа инқирози деб номланди.

Европа ва айниқса, Германияда қочоқлар муаммоси, унинг турли аспекта-ри, нега ушбу муаммонинг оптимал ечимини топилиши қийин бўлаётганлиги, бу муаммо яқинда вужудга келган Яқин Шарқ қочоқлари билан боғлиқми ёки унинг орқасида ётган тарихий, социологик ва сиёсий сабаблари борми?

Дарҳақиқат, Европа иккинчи жаҳон урушидан кейин то ҳозиргача миграция учун энг жозибадор минтақа бўлиб қолмоқда. Бошланишида унинг жозибадорлиги юқори маош бўлган бўлса, кейинчалик унга эркинлик, хуррият, яшаш стандартларининг юқорилиги, малакали тиббий ва таълим олиш имкониятлари, ижтимоий ҳақлар ва бошқа омиллар ҳам қўшилди. Бу йилдан йилга Европага кетишни истовчилар сонини кўпайтириб борди. Натижада, бугунги ЕИ минтақасида 60 миллион атрофида<sup>1</sup>, бу тахминан иттифоқ аҳолисининг 10–12% ини ташкил этувчи иммиграция жамиятини пайдо бўлишига олиб келди.

Европа, дастлаб (Ғарбий Европа назарда тутиляпти), режали асосда ўз меҳнат кучи талабини қондириш учун назоратли ва маълум муддатга мухожир ишчи олишни йўлга қўйганди. Бу иккинчи жаҳон урушидан кейинги иқтисодий ривожланишнинг асосий омили эди. Лекин, бир оз вақт ўтиши

<sup>1</sup> Европа қитъасида (Россия ва Шарқий Европа давлатларини ҳам қўшганда) 2017 йилги маълумотларга кўра, иммиграция сони 77,9 миллионни ташкил этган. Шундан, ЕИга аъзо давлатлардаги кўрсаткич автор томонидан ҳисоблаб чиқилди. Батафсилроқ қаранг: International Migration Report 2017. Highlights. Department of Economic and Social Affairs, United Nations, New York, 2017.



билан 1975 ва айниқса, 1980 йилларда мухожир ишчиларни келиши тўхтатилди. Бунинг бир қанча сабаблари бор эди. Асосийлари:

*биринчидан*, иқтисодий ўсишнинг секинлашиши (бу 1973 йил нефть инкирозидан кейин вужудга келганди);

*иккинчидан*, жамиятда иммигрантларга қарши кайфиятдаги аҳолининг кўпайиб бориши ва эътирозлари;

*учинчидан*, кучли ижтимоий ҳимояга асосланган социал давлат мақомининг аста-секин чўка бошлаши.

Албатта, 1980 йилга келиб мухожир ишчи олиш тамоман тўхтатилган бўлсада, миграция тўхтамади. Агар, олдин режали ва маълум муддатга ишчи қабул қилиш тизими йўлга қўйилган бўлса, кейинроқ, Европада қолиб кетган ишчиларнинг оилаларини бирлаштириш сиёсати олиб борилди. Бу эндиликда, доимий истиқомат қилиш ва ҳатто, Европа давлатларининг фуқаролигини олиш ҳуқуқини берар эди. Мазкур ҳолат Европада кўп маданиятли бир жамият шаклланишини бошлаб берди. Бу ҳақда, Кристофер Калдуэл шундай деганди: “Бошланишида мигрантларнинг сони кўп бўлмаслиги тахмини бор эди. Уларнинг кўпчилигига Европага вақтинчалик киришига рухсат бериларди. Баъзилари бироз узокроқ вақт қолиши мумкин эди. Бу иммигрантларнинг фаровон яхши бир ҳаёт кечиришини ҳеч ким тахмин этмаганди. Ўз қишлоғи, оиласи, бозор ери ва ибодатларига ўрганган одатлари билан маданиятини Европада ҳам давом эттиришини ҳеч кимнинг ҳаёлига бир дақиқа бўлсада келмаганди”<sup>1</sup>.

Европада кейинги йилларда яъни, 1990 ва 2000 йилларда иммиграциянинг ошишига ҳеч шубҳасиз қочоқлар, бошпана сўровчилар ва ноқонуний мигрантлар асосий сабаблардан бўлди. Эндиликда ушбу муаммоларга қарши кураш Европа Иттифоқининг асосий “бош оғриғи”га айланди. Миграциянинг Европа Иттифоқида ўсиши йилдан йилга ортиб борганини қуйидаги рақамлар ҳам кўрсатади. Жумладан, 2000 йилда Иттифоқга кирувчи ҳозирги давлатлардаги иммигрантлар сони тахминан 30 млн. 135 мингни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2010 йилда 49 млн. 250 минг атрофида ва 2017 йилда эса тахминан 58 млн. 655 мингни ташкил қилди<sup>2</sup>.

Бундан кўриниб турибдики, ЕИда ҳар ўн йилда ўртача 15 миллионга иммиграция ортмоқда ва бу кейинги йилларда ҳам айни шаклда давом этиши тахмин қилинмоқда. Албатта, буларнинг барчаси Яқин Шарқ минтақасидан чиқиб келмаган. Лекин, ноқонуний миграция, қочоқлар ва бошпана сўровчиларнинг катта қисми ё ушбу минтақадан ёки ушбу минтақа орқали

<sup>1</sup> Christopher Caldwell, Reflections on the Revolution in Europe: Immigration, Islam and the West. Anchor Books, 2010. – P. 11–14.

<sup>2</sup> Маълумот Castles S. and Miller M. J., The Age of Migration: Population Movements in the Modern World, 3th ed. Basingstoke: Palgrave MacMillan, 2003.; Eurostatнинг 2009 йилги маълумоти <https://ec.europa.eu/eurostat/documents/3217494/5727749/KS-31-10-539-EN.PDF> ва БМТнинг 2017 йилдаги International Migration Report 2017. Ibid. манбалари асосида тайёрланди.



(транзит) Европага улашганини ҳеч иккиланмасдан таъкидлаб ўтишимиз мумкин. Шунингдек, Яқин Шарқ минтақасидан ёки ушбу минтақа орқали ўтиб келган мигрантлар ЕИда ҳам ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий-сиёсий жиҳатдан кўплаб муаммолар яратаётганлиги туфайли ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Дунёдаги энг кўп қочоқлар келиб чиққан ва транзит вазифасини ўтаган минтақа Яқин Шарқ минтақасидир. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Европа иқтисодий тараққиёт сари одимлаётган бир пайтда, Яқин Шарқ ички низолар гирдобидида қолди ва миллионлаб инсонларни қочоқларга айлантirdи.

Яқин Шарқнинг жамоавий қочоқларини тўрт гуруҳга ажратишимиз мумкин:

- Исроил-Араб уруши натижасида пайдо бўлган фаластинлик қочоқлар;
- Ироқда С.Ҳусайн репрессияси ва Ироқ-Қувайт можаросидан қочган араб, курд қочоқлари;
- сиёсий ва диний қарашлари туфайли минтақанинг у ёки бу давлатлари режимларининг босимидан қочган бошпана сўровчилар;
- “Араб баҳори” номини олган ички ихтилофларнинг кучайиши натижасида можароли ҳудудлардан қочган суриялик, ироқ ва ливиялик қочоқлар.

Мазкур қочоқларнинг аксарияти Европа Иттифоқи томон ҳаракат қилди. Айниқса, охириги қочоқлар тўлқини (юқоридаги тўртинчи гуруҳ) Европа Иттифоқида жуда катта муаммоларга сабаб бўлди.

БМТнинг Қочоқлар бўйича агентлигининг 2015 йилги маълумотларига кўра, хориждаги суриялик қочоқларнинг 80 фоизи (5 миллиондан ортиқ) Туркия, Ливан, Иордания, Ироқ ва Мисрда жойлашган. Ливан бир миллиондан ортиқ суриялик қочоқларни таъминламоқда. Иордания эса 655 000 атрофида сурияликларга жой берди. Туркияда 2,8 млн. атрофида суриялик қочоқларни қабул қилиб, энг кўп суриялик қочоқларга эгалик қилган давлат бўлди. Ироқда ҳам 3,3 млн. ироқликлар давлат ичида бошқа жойларга кўчишга мажбур бўлди ва шунингдек, 228 000 суриялик қочоқларни қабул қилди<sup>1</sup>.

Мазкур агентликнинг маълумотларига кўра, БМТ томонидан суриялик қочоқларга молиявий ёрдами 56 фоизни ташкил этган. Бу шуни англатадики, Ливанда ҳар бир қочоқ озик-овқат учун ойда 14 доллар олиб, бу бир кунга 50 центдан иборат бўлган. Иорданияда эса 90 фоиздан ортиқ қочоқлар жуда қолоқ аҳволда ҳаёт кечирмоқда. Суриядаги можаро пайтида 2015 йилгача 400 000 ортиқ одам ўлди ва 13,5 млн. одам тезликда гуманитар ёрдамга муҳтождир. Деярли 60 фоиз аҳоли мамлакат ичида бошқа ерларга кўчишга мажбур бўлди<sup>2</sup>.

Маълумотларга кўра, Форс кўрфази Араб давлатлари бирорта ҳам суриялик қочоқ қабул қилмаган. 2011 йилдан 2016 йил октябригача 465 023 суриялик Германияга бошпана сўраб мурожаат қилган. Улардан бу даврда

<sup>1</sup> ZAHLEN UND FAKTEN ZUR SYRISCHEN FLÜCHTLINGSKRISE // <https://www.amnesty.ch/de/laender/naher-osten-nordafrika/syrien/dok/2015/zahlen-und-fakten-zur-fluechtlingskrise> 10. Januar 2017.

<sup>2</sup> Ўша манба.



43,570 таси ижобий натижага эришган. Қолган ЕИ давлатларига 382 821 суриялик бошпана сўраган бўлса, шундан 14 611 тасининг аризаси қабул қилинган<sup>1</sup>.

Яна бошқа бир маълумотга кўра, 2015 йил Европадаги ҳар беш қочокдан бири суриялик қочоқ бўлиб, Eurostatнинг маълумотларига кўра, улар умумий қочоқларнинг 21 фоизини ташкил қилган. Ундан кейинги ўринларни 13 фоиз билан афғонистонликлар, 8 фоиз билан албанияликлар ташкил қилган<sup>2</sup>.

Умуман олганда, дунё бўйлаб охириги йигирма йилликда қочоқларнинг чўккига чиққан саналарини қуйидаги жадвалдан ҳам кўришимиз мумкин.<sup>3</sup>

1989 йил	1992 йил	1994 йил	2014 йил
14,7 млн.	17,8 млн.	15,7 млн.	14,4 млн.
Шундан:			
Афғонистон - 5,6	Афғонистон - 4,5	Афғонистон - 2,7	Сурия - 3,8
Эфиопия - 1,4	Ирак - 1,3	Руанда - 2,2	Афғонистон - 2,5
Мозамбик - 1,1	Мозамбик - 1,3	Либерия - 0,7	Сомали - 1,1

Жадвалдан кўришимиз мумкинки, 1989 йилда Афғонистон етакчилик қилган бўлса, 2014 йилга келиб Сурия етакчилик қила бошлади. Суриялик қочоқлар 2014 йил 4 млн. атрофида бўлган бўлса, 2017 йилга келиб 7 млн.га яқинлашиб қолганини ҳам таъкидлаш ўринли.

Шунингдек, статистик маълумотларга кўра, 2016 йил Европада қочоқлар сони 1 800 000 ни ташкил этган бўлса, 2015 йил уларнинг сони 1,2 млн. атрофида бўлган ва бу кўрсаткич билан 2014 йилдагига нисбатан тенг ярмига кўп бўлган.<sup>4</sup> Ушбу қочоқларнинг аксарият катта қисми Ўрта Ер денгизи орқали (Яқин Шарқ ва Араб Мағриби орқали) ноқонуний йўллар билан ўтганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Жумладан, Oxford Analyticсанинг маълумотларига кўра, 2017 йил январь–апрел ойлари оралиғида ЕИга ноқонуний кириб келаётган мигрант-қочоқларнинг йўналиши ва сони қуйидаги расмда акс этган<sup>5</sup>:


<sup>1</sup> ZAHLEN UND FAKTEN ZUR SYRISCHEN FLÜCHTLINGSKRISE // <https://www.amnesty.ch/de/laender/naher-osten-nordafrika/syrien/dok/2015/zahlen-und-fakten-zur-fluechtlingskrise> 10. Januar 2017.

<sup>2</sup> Eurostat: Каждый пятый беженец в Европе – сириец // <https://www.dw.com/ru/eurostat-каждый-пятый-беженец-в-европе-сириец/a-18722407>


<sup>3</sup> Migration and Development Brief 25. World Bank, 2015 йил октябрь. // <http://siteresources.worldbank.org/INTPROSPECTS/Resources/334934-1110315015165/MigrationandDevelopmentBrief20.pdf>

<sup>4</sup> Мигранты в Европе: количество и статистика за 2017-2018 года  
Источник: <http://emigranto.ru/spravochnaya/emigraciya/migranty-v-evrope.html>

<sup>5</sup> Jan-Mar, Europe: Main migratory routes into the EU, Jan-Apr 2017 // <https://dailybrief.oxan.com/Analysis/DB238314/EU-would-be-badly-prepared-for-a-fresh-migrant-crisis>



Ушбу масалада Center for Security Studies (CSS) томонидан 2018 йил сентябрда нашр қилинган маълумотида, ЕИга 2015 йил 1 миллиондан ортиқ ноқонуний мигрант ва қочоқлар кириб келган бўлса, 2016 йил 382 000, 2017 йилда эса 186 000 ни ташкил қилган. 2018 йил биринчи ярим йиллигида 58 минг ноқонуний мигрантлар кириб келган.<sup>1</sup> Ушбу мақолада, ЕИга кириб келаётган ноқонуний мигрантларнинг асосий йўналиши Ўрта ер денгизи эканлиги таъкидланади ва асосан Испания ва Италия орқали кириб келмоқда. Масалан, 2017 йил кириб келганларнинг 28 707 таси (уларнинг 21 фоизи марокашлик, 20 фоизи жазоирлик, 15 фоизи ганалик) Испания орқали, 119 369 таси (уларнинг 16 фоизи нигериялик, 9 фоизи ганалик, 9 фоизи бангладешлик) Италия орқали, 35 052 таси (уларнинг 46 фоизи суриялик, 27 фоизи ироқлик, 11 фоизи афғонистонлик) Греция орқали кириб келган.<sup>2</sup>



<sup>1</sup> Lisa Watanabe, Outsourcing – Europas Pokerspiel mit der Migration // <http://www.css.ethz.ch/content/dam/ethz/special-interest/gess/cis/center-for-securities-studies/pdfs/CSSAnalyse230-DE.pdf>

<sup>2</sup> Ўша манба.



Умуман олганда, ЕИ томон ноқонуний миграция ва қочоқлар оқимининг охири кўринмаяпти. Ушбу ҳолат Европада ва айниқса, Германияда (энг кўп қочоқ ва иммигрантларга эга) жиддий бир шаклда антимиграция ҳаракатлари кучайишига сабаб бўлмоқда. Антимиграция ҳаракатлари ноқонуний миграция ва қочоқларни давлат хавфсизлигига таҳдид, иқтисодий, ижтимоий ва маданий муаммоларнинг манбаси деб таъкидлай бошлади. Бошқача, қилиб айтадиган бўлсак, зотан Европада мавжуд бўлган антимиграция кайфияти ва ҳаракатлари 2015 йилда ўз чўққисига кўтарилди. Аввал, баъзи Европа давлатларида ушбу ҳаракатлар намояндалари ҳукм сурган бўлса, 2014-2015 йилларга келиб, бу умумевропа кўринишига айланди.


---





## КИТОБ ТАҚДИМОТИ

### Суйима Ғаниева. Библиография



Ўтаётган 2018 йил Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқув ва илмий ҳаётида улкан ютуқлар билан бирга катта йўқотишлар йили сифатида ҳам тарих саҳифасидан жой олмоқда. Айниқса, сентябрь ойининг биринчи кунини XX аср ўзбек навоийшунослигининг доврўғли вакили, таниқли фан намояндаси, Ўзбекистон қахрамони, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори, профессор Суйима Ғаниеванинг вафоти ўзбек шарқшунослиги ва фани учун катта йўқотиш бўлди.

Суйима Ғаниева 1932 йилнинг 20 февралда Тошкент шаҳрида туғилган. 1952 йилда Ўрта Осиё давлат университети, ҳозирги Тошкент давлат шарқшунослик институтининг

Шарқ филологияси факультетида таҳсил олди. 1953-1956 йилларда Ленинград давлат университети аспирантурасида ўқиди.

Бўлғуси олима ўз меҳнат фаолиятини 1956 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти кичик илмий ходимлигидан бошлади. Шу йили буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ижодига бағишланган номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Кейинчалик, Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти илмий котиби, Тошкент давлат консерваториясида кафедра мудири лавозимида ишлаб келди. Суйима Ғаниева 1993 йилдан бошлаб умрининг сўнгги йилларига қадар Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори лавозимида фаолият кўрсатди.

Ўзбек навоийшунослигининг бетакрор тадқиқотчиси С.Ғаниеванинг илмий фаолияти серқирралиги кишини лол қолдиради. Бир томондан у Навоий асарлари матнини илмий муомалага киритувчи ва уларни нашрида иштирок этувчи забардаст матншунос, бошқа томондан турли нашрларда Навоий асарларида ёд этилган китоблар ва шахсларни турли нашрларда берилган маълумотларни кенг шарҳловчи манбашунос, яна бир томондан Навоий асарлари кўпжилдлигида шоир асарларининг рус тилидаги таржимони сифатида гавдаланади.

Профессор Суйима Ғаниева узоқ йиллар давомида педагогик фаолият билан ҳам шуғулланиб келди. Юзлаб талаба ёшлар у кишининг мумтоз адабиётимиз тарихи ва Навоийнинг ижодиётига бағишланган мароқли маърузаларини тинглаб соҳа мутахассисларига айланган.

Олима адабиётшунослик, матншунослик ва таржимачилик соҳасида яратган 80 яқин китоб ва рисоалар, 900 дан ортиқ мақола ва тақризлар муаллифи ҳисобланади.



Суйима Ғаниева Алишер Навоий асарларини нашрга тайёрлаган ман-башунос олима ҳам эди. У «Мажолис ун-нафоис»нинг илмий-танқидий мат-нини, «Навоий дастхати» китобини ўқувчилар ҳукмига ҳавола этган. Алишер Навоий мукаммал асарлар тўплами - 20 жилдлигида «Мажолис ун-нафоис», «Маҳбуб ул-қулуб», «Муншаот», «Вакфия», «Ҳамсат ул-мутаҳаййирин», «Ҳо-лоти Саййид Ҳасан Ардашер», «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад», «Назм ул-жавоҳир» каби асарларни изоҳ ва таржималар билан нашрга тайёрланган.

Олима 1992 йилда Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори бўлган. 1999 йилда эса «Эл-юрт ҳурмати», 2008 йилда «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган. Унга 2015 йилда Ўзбекистон қаҳрамони унвони ва Олий нишон - Олтин юлдуз медали топширилган.

Ҳозирда Тошкент давлат шарқшунослик институтида Суйима Ғаниева-нинг шарқшунослик, навоийшунослик соҳаларини ўрганишга бағишланган сара илмий мақолалар тўпламини нашр этиш, шунингдек, олиманинг илмий ва ўқув-услубий ишлари рўйхати – библиографиясини яратиш ишлари якунига етиб қолди. Бу ишга Мумтоз филология кафедраси ўқитувчиси М.Пўлатова жиддий киришган. У Суйима Ғаниеванинг библиографиясини биринчи маро-таба тўлиқ тўплашга муваффақ бўлди. Шу ўринда библиографияни юзага келишида бош-қош бўлган, филология фанлари доктори, профессор А.Манно-новнинг хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади.

Библиография филологлар соҳа мутахассислари ва айни йўналишда илмий иш олиб бораётган тадқиқотчиларга мўлжалланган бўлиб, у 2019 йилнинг февраль ойида қўлингизга етиб боради, деб умид билдирамыз.

*Журнал таҳририятдан*



**“SHARQSHUNOSLIK. ВОСТОКОВЕДЕНИЕ. ORIENTAL STUDIES”  
илмий журналида чоп этиладиган мақолаларга қўйиладиган талаблар:**

“Sharqshunoslik. Востоковедение. Oriental Studies” – илмий-назарий журнали шарқшунослик фани тармоқларининг долзарб масалалари, шарқшунос мутахассислар томонидан яратилган тадқиқотларнинг натижалари, янги илмий хулосалар ёритиладиган илмий журнал. Унда Шарқ халқлари ва мамлакатлари маданияти, тарихи, тил ва адабиёти, фалсафаси, иқтисоди ҳамда сиёсатшунослиги масалаларига оид долзарб мавзуларга бағишланган илмий мақолалар чоп этилади.

Журнал докторлик диссертациялари юзасидан илмий мақолалар чоп этилиши лозим бўлган Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

***Журналда қуйидаги рукнлар мавжуд:***

*ТИЛШУНОСЛИК, АДАБИЁТШУНОСЛИК, ТАРИХ, ФАЛСАФА, ЖАҲОН  
СИЁСАТИ ВА ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР, ИҚТИСОД,  
ИЛМИЙ АХБОРОТ, ТАҚРИЗЛАР, ИЛМИЙ ҲАЁТ*

***Илмий мақолалар:***

- илмий мазмунга ва янгиликка эга бўлиши, тадқиқотларнинг долзарблиги ва мақсади аниқ кўрсатилиши;
- аниқ илмий ва амалий тавсиялар тарзида хулосалар берилиши;
- тушунарли ва раvon баён этилиши;
- иқтибос, ҳавола (сноска)лар аниқ бўлиши, илмий аппарат белгиланган тартибда расмийлаштирилиши ва ҳар бир саҳифа тагида жойлаштирилиши;
- матн ва ҳаволада келтирилган транскрипцияда ёзилган сўзлар тан олинган илмий транскрипцияга мос бўлиши;
- мақолаларнинг ҳажми жадваллар ва ҳ.к. билан бирга, 8–10 бет, материаллар А4 ўлчамда, 1,5 интервал, 14 кегель ҳамда Times New Roman шрифтида бўлиши;
- таҳририятга материалларнинг электрон варианты ҳамда қоғоз нусхалари топширилиши;
- мақола матнидан олдин муаллиф ҳақидаги тўлиқ маълумотлар (фамилия, исм, шариф, илмий даража, унвони, иш жойи, лавозими, телефон рақамлари) берилиши;
- мақола билан бирга ички ва ташқи тақризлар расмийлаштирилган ҳолда тақдим этилиши;
- мақола сарлавҳасидан сўнг ўзбек, рус ва инглиз тилларида ҳар бири 3–4 та гапдан иборат қисқа аннотация ёзилиши ҳамда 3 тилда таянч сўз ва иборалар бўлиши керак.

Илмий ахборот рукнига бериладиган мақолалар ҳам юқоридаги талабларга жавоб бериши, уларнинг ҳажми 4–5 саҳифа бўлиши керак.

Илмий ҳаёт рукнига шарқшунослик билан боғлиқ илмий анжуманлар, давра суҳбатлари, тадбирлар ҳақидаги материаллар 2 бетгача ҳажмда бўлади.

Журналда чоп этишга тақдим этилган тақризлар 5 бетгача ҳажмда бўлиши мумкин.

***Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган, наст савияда ёзилган ва маълумотлари эски бўлган мақолалар чоп этилмайди ва муаллифларига қайтариб берилмайди.***



**Требования, предъявляемые к статьям для публикации  
в научном журнале  
«Шарқшунослик. Востоковедение. Oriental studies»**

«Шарқшунослик. Востоковедение. Oriental studies» – научно-теоретический журнал, в котором освещаются актуальные вопросы сфер востоковедения, результаты исследований специалистов-востоковедов и новые научные заключения. В нем публикуются научные статьи, посвященные культуре, истории, иностранным языкам и литературе, философии, экономике, а также политологии зарубежных стран Востока.

Журнал имеет, следующие рубрики: языковедение, литературоведение, история, философия, мировая политика и международные отношения, экономика, научная информация, рецензии, научная жизнь.

***К статьям предъявляются следующие требования:***

- наличие конкретного научного содержания, новизны, актуальности и цели исследования;
- наличие заключения в виде конкретных научных и практических рекомендаций;
- логическая последовательность изложения;
- оформление сносок и цитат в порядке, установленном научным аппаратом, и расположение их в конце каждой страницы;
- соответствие приведенных в тексте и сносках транскрипций слов установленным научным транскрипциям;
- объем статей с таблицами и другими приложениями не более 8–10 страниц; соблюдение формата А4; интервала 1,5; 14 кеглей; шрифта Times New Roman;
- сдача статей в электронном и бумажном варианте;
- наличие полной информации об авторе (фамилия, имя, отчество, научная степень, должность, номер контактного телефона);
- представление официально оформленных внутренних и внешних рецензий в объеме до 5 страниц;
- представление после названия статьи кратких (не более 3, 4-х предложений) аннотаций, опорных слов и выражений на узбекском, русском и английском языках.

В рубрике «Научная информация» статьи также должны соответствовать вышеуказанным требованиям и не превышать объема 4–5 страниц.

В рубрике «Научная жизнь» в объеме до 2-х страниц издаются материалы о научных конференциях, «круглых столах», мероприятиях, связанных со сферами востоковедения.

*Статьи с устаревшими данными, низким уровнем и не отвечающие предъявляемым требованиям, не публикуются и не возвращаются авторам.*





Босишга рухсат этилди 27.12.18. Бичими 1/16. Шартли 9 б.т.  
100 нусхада, оригинал-макет асосида босилди.  
Буюртма № . Баҳоси келишилган нархда.

Тошкент давлат шарқшунослик институтининг кичик  
босмахонасида босилди.  
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.